

ШОДМОН ОТАБЕК

**АДАБИЁТ  
ҚИСМАТДИР**



ШОДМОН ОТАБЕК

# АДАБИЁТ ҚИСМАТДИР

Мақолалар  
Эсселар  
Хотиралар  
Суҳбатлар

1950 22/11

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO'TAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ 2014

УЎК: 821.512.133-4  
КБК: 84(5Ў)6  
О-86

О-86 **Отабек, Шодмон**

Адабиёт қисматдир: Мақолалар, эсселар,  
хотиралар, суҳбатлар. — Т: «Sharq», 2014. —  
328 б.

Ёзувчи Шодмон Отабекнинг ушбу китобида ўзи бил-  
ган, кўрган шоир ва ёзувчилар ҳақидаги адабий куза-  
тишлари, талқинлари ва хотираларидан саралаб, адабиёт  
ихлосмандларига илинган.

ISBN 978-9943-26-111-2

УЎК: 821.512.133-4  
КБК: 84(5Ў)6



ISBN 978-9943-26-111-2

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош тахририяти, 2014.

## КАЛАВАНИНГ УЧИ

Шодмон Отабек кам-кам ёзиб, тенгдош, маслак-дош, даврадошларидан ўзиб-ўзмай, қирқ йил ичида қаламкаш ёзувчи, журналист бўлди.

Ҳар бир одамнинг, унинг ёзувчимаслигидан қатъи назар, бир ажойиб инсоний томони, ажойиб феъл-атвори, муомала-муносабати ажралиб туради.

Умуман ҳеч нарса билан ажралиб турмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Табиат шунчалар илоҳий хассос, кашф, мўъжизаларга омилкор устаки, мутлақо бир туслиликлар ичида мутлақо ранг-барангликлар яратади. Шунинг учун одам ер юзида ҳамма жойда бир хил ва шу билан бирга ҳамма жойда ранг-баранг. Ҳаёт неча миллион йиллардан буён шу мутлақо бир туслилик ва мутлақо ранг-баранглиги билан қизиқ ҳамда мўъжизали бўлиб туюлади ва одам болаларини яшашга машғул этади.

Шодмон Отабекнинг ажойиблиги, биринчидан, унинг Ширмонбулоқлик эканлигида. Бу гўзал шоирона ном билан аталадиган қишлоқ Андижон вилоятида. Ширмонбулоқ шоирона номгина эмас. Ширмонбулоқнинг ажойиблиги — унда шоир табиатли одамлар туғилиб ўсиб, ўз юртининг шарафи, номусини ҳимоя қилиб, авж олдириб юришида. Шоир табиатли одамларнинг ажойиблиги — уларнинг жуда нозик, ориятли бўлишида.

Бу ерда булоқ бўлмаса ва у булоқнинг суви сутга ўхшамаса ва у нозик, инжа, шоир одамларни обу ҳаёти монанд тарбият этмаса, тарихан, табиатан, улусан, Ширмонбулоқ деб аталмасди. Бу булоқ Ширмонбулоқ одамларининг фантазиясини ўстирган ва уларнинг кўкраklarини эътиқод сийму зарлари билан тозартирган.

Шодмон Отабекнинг ажойиблиги — иккинчи томондан — эътиқодининг тозаллиги, нозиклиги, мустақкам собитлигида, яна қолаверса, Ширмонбулоққа худо берган номининг қофиядошлиги, уйғун, уйқаш, ҳамоҳанглигида.

Эътиқод одам боласи зиёлигининг, маърифат дунёсига очиқлиги, ташналиги, ютоқиб интилишларининг биринчи белгиси.

Шодмон Отабек яхши сўзга ошуфта. Секин, лекин аниқ хайрли мақсад билан айтилган зарур, олижаноб сўзга ошуфта. Хайрли сўз унинг қалби заминига кириб бораркан, ўзи учун у ерда олижаноб муҳитга

дуч келади, хайрли сўз бунда бекор ётмайди, жарга итқитилган эски чойнақдек зангламайди, балки тинмай ишлайди, куртаклайди, бошоқлайди, янгиланади. Хайрли сўз юракда ҳаё яратиб шундай ишлаб турганда, одамда ижодкор бош кўтаради.

Адиб вояга етади.

Ҳаёт яратмаган сўз фақат алоқа воситасигина бўлиб қолаверади.

Шодмон Отабекнинг яхши сўзга ошуфталиги — унинг инсоний эътиқодининг сарчашмаси.

Чинорнинг ёнида — чинор ўсади, чинорнинг ёнида анор ўсмайди.

Ширмонбулоқ шоиртабиат одамларни тарбиялаб дунёга чиқарган. Фақат юртимизда эмас, хорижда ҳам маълум ва машҳур бўлган ажойиб санъаткор, Ўзбекистон Халқ артисти Муножот Йўлчиева, раҳматли ёзувчи Рустам Раҳмон («Темур тузуклари»ни илк бор чоп этилишини уюштиришда жонбозлик қилган), хушовоз хонанда Муҳаммадумар Исоқов каби таниқли ижодкорлар Ширмонбулоқда ўсиб улғайганлар. Машҳур ёзувчи ва таржимон Мирзаалон Исмоилийнинг Ширмонбулоққа меҳри, ихлоси бўлакча эди. Адиб Жаҳон урушидан Ширмонбулоққа мактублар ёзган. Урушнинг валаба билан тугашига ва Ширмонбулоқнинг омондигига хизмат қилган. Раҳматли кўп ажойиб, фариштали инсон эди. Замонлар ўтиб билиняпти. Унинг жони адаб сарриштасидан қорилганди. Бу Югнакий, Яссавий, Боқирғоний, Лутфий, Навоий, Саккокий, Атойи, Сароий, Кутб, Машраб, Ҳувайдолардан давом этиб келаётган адаб сарриштаси. Миллатимизни ақл бовар қилмас қирғинлар, қуюнлар, тарихнинг ёқасини йиртган офатлардан омон сақлаган нарса нима деб сўрасалар, мен: «Адаб Сарриштаси» — деб жавоб берган бўлардим. Сар — бош, ришта — ип, сарришта — ипнинг боши, калаванинг учи. Ҳар бир ишнинг асоси. Адабнинг боши. Адаб сарриштаси — менталитетимизда — ўзак. Бу халқ ва унинг фарзандлари офатлардан калавасининг учини йўқотмай чиққан ва калавасининг учини ҳеч кимга тутқазган эмас.

Мирзаалон Исмоилий табиий икромии шакланган, одоб мужассамлашган ва мураккаб замонлар таъсирида нозик-инжа шакларга кирганди.

Шодмон Отабек эсини таниганидан бери устози Мирзаалон Исмоилийга интилиб яшади. Буни улар бир жойдан, бир булоқ атрофидан бўлганликлари би-

лан изоҳлаш мумкин. Бу ҳам муҳим ва асосий нарса. Шодмонбек ҳаётдан ўз идеалини қидираётган ёшида (ўн тўрт — йигирма беш ёшлар орасида) — машҳур юртдошининг номига, кейин асарларига дуч келди. Уларни бирин-сирин ўқиди. Асарлар унга саримойдай ёқди, кўксини сўз билан юмшатди.

У ўзига энг керакли сарришта, энг керакли бир пайтда топганига ишонч ҳосил қилди. Тўла ишонч — тўла эътиқод тусига кирди.

Шодмонбек ҳали ҳеч нарса ёзмаган бўлса-да, жуда хурсанд бўлиб кетди. У ҳаётининг айна мазмунига дуч келганди.

Қибланома топган ва қибланома топмаган одамлар бор.

Қибласини топган ва топмаган одамлар бўлади.

Шодмонбек қибланамосини ҳам, қибласини ҳам топгандек кўзлари чарақлайди. У ҳаётининг айна мазмунини топгандек эди.

Мирзакалон Исмоилий ва унинг асарларига хос етук одамийлик, одамгарчилик — унинг ўқ марказида жойлашган кенг, катта маънодаги адаб — ёш идеал изловчини ўзига батамом мафтун қилиб қўйди. Мафтунлик кетидан машғуллик келди. Шодмон Отабек Мирзакалон Исмоилий асарларини қайта-қайта ўқиш билан чекланмай, адиб ва унинг асарлари замиридаги ғоялар ва санъаткорликларни ўзи учун бирин-сирин оча бошлади. У Мирзакалон Исмоилий ҳақида мақолалар, китоблар ёзишга киришди. Ҳаётининг юлдузли дамларида кекса адиб билан бот-бот учрашиб турди. Ўзини безовта қилган саволларга адибдан жавоб излади.

Мирзакалон Исмоилий ўзбек адиблари орасида йирик тил билимдонларидан бўлиб, жонли тил товланишларидан теран хабардор эди. Бу жабҳада у Чўлпон, Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Сўфизода, Комил Яшинга яқин турарди. Улардаги тил ва миллий ифода бойлигига яқинлашишга интиларди. Бу борада у романи ва таржималарида яхши натижаларга эришди ва миллий колоритга бой бадиий тилни истифода этди.

Шодмон Отабек Мирзакалон Исмоилийни устоз ва пир даражасида алқаб, адабий-ижодий қизиқишларида унга ҳар томонлама эргашди. Тил ифодаларида жонлилик ва соддаликни кўзлади. Адабий муҳитга яқинлашаркан, адиблар, адабий ҳаёт ҳодисаларини теранроқ, идрок этишга интилди. Адиблар ҳаётида бўлиб ўтган қизиқ-қизиқ, воқеалар, ҳангомалар, бетакрор

лутфлардан маъно қидирди. Бу кузатишлар унинг кейинчалик қайта-қайта нашр этилган «Дўрмон хангомалари» китобига хамиртуруш бўлди.

Ўзи тенги маслакдош қаламкашларга ҳам шу нигоҳ орқали назар ташлади.

Бу шунга олиб келдики, бора-бора унда устоз билан руҳий яқинлик пайдо бўлди. Бундай руҳий яқинликни адабнинг бошқа бир шогирди Тоҳир Малиқда ҳам кузатиш мумкин.

Шодмонбек айниқса ўзига адабий, инсоний қарашлари жуда яқин бўлган Рауф Парфи, Тоҳай Мурад, Асқар Қосим, Тоғай Мурад, Амирқул Пўлканов, Мирпўлат Мирзо, Насриддин Муҳаммадиев, Маҳкам Маҳмуд, Қамчибек Кенжа, Ҳабиб Темир, Ашуралӣ Жўраев, Абдунаби Бойқўзиев сингари замондошлари ҳақида қалб сўзлари, хотираларини самимий эҳтиром ва ихлос билан қовозга туширади, улар ижодининг ўзига хос жиҳатлари, адабиётдаги ўрни ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилади. Айни чоқда ўша устоз нигоҳи, ўша устоз хайрихоҳлиги, бамисоли машғаладай унга йўл кўрсатади, тўғри таҳлил оҳангини топиш, тўғри талабларни илгари суришга кўмаклашади. Шодмонбек худди устози каби фақат ўзига яқин, ўзи жуда яхши билган, яхши кўрган, миридан сиригача ўрганиб чиққан, ишонч ва муҳаббат билан сўз айтоладиган ижодкорлар ҳақида ёзади. Бошқалардан фарқли сўз айтади, хулосалар чиқаради, қизиқиш уйғотади.

Шодмон Отабек гўзалликни — гўзал сўз, гўзал образ, гўзал таҳлил ва тасвирни сезгирлик билан илғаб олади. Унинг Рауф Парфи, Тоғай Мурад ҳақидаги фақат Шодмонбекка маълум сўзлари, таҳлиллари ни ўқиётганда, у фавқулодда нимаси биландир Чехов қаҳрамонларига ўхшашини сезиб қоламан. Яна кўз ўнгимдан Туробжон, Сиддиқжон, Бабарлар ўтади. Ташқаридан қарасангиз, бу қаламкашга пафос бегона, жўшқинлик бегона. У сўзларини пичирлаб айтади, пичирлаб гаплашади. Дунёга ўзидан заррача озор етишидан ҳадиксираб туради. Барча хаёли, барча ҳаёти ичида бўлса керак дейсиз.

Ўйланиб, ўйланиб...

Бу ҳам Устоздан дейман...

Шодмонбек ўз интилишларида Устоз изидан боради.

Уни шогирдлик бахтини топган қаламкаш деб баралла айтиш мумкин.

**Иброҳим Ғафуров**



## УСТОЗ САБОҚЛАРИ

### Ҳаётининг ўзи одамийлик қиссаси

Болалик хотиралари сира унутилмайди. Эсимда, ўшанда бешинчи ёки олтинчи синфда ўқисам керак, бир куни отам (ҳозир тўқсон икки ёшни қоралаяпти, Оллоҳ умрини зиёда қилсин) шаҳарга жўнаётиб «Сенга нима олиб келай, ўғлим?» деб сўраб қолди. Мен китоб олиб келинг, дедим. Кечга яқин отам тандирдан ҳозиргина узилган нондек янги нашр этилган, муқоваси кўкишроқ, қалин бир китобни олиб келди. Бу — Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романи эди. Дарҳол ўқишга тутиндим. Китоб бир неча кунгача, далада мол боқиб юрганимда ҳам, пахта тераётганимда ҳам қўлимдан тушмади. Асарда тасвирланган воқеалар тамомила эс-ҳушимни олиб қўйди. Қаҳрамонлар — Фуломжон ва Ҳаётхонларнинг аянчли қисматига ачиниб юм-юм йиғладим.

Тўғриси, ўшанда китоб муаллифига жиддийроқ эътибор қилмаганман. Ўсмирликда кўпинча шундай бўлади. Ёзувчининг яхши китобини маза қилиб ўқиймиз-у, уни ким ёзгани билан унчалик қизиқмаймиз.

Инсон ҳаётида гоҳо мутлақо кутилмаган, ақл бовар қилмайдиган ва ҳатто орзу ҳам қилиб бўлмайдиган бахтли тасодифлар (балки булар тасодиф эмасдир), унутилмас воқеалар содир бўларкан. Балки ҳаёт шуниси билан бетакрор, завқли, шоир таъбирича «англаб бўлмас сир»дир...

Ҳа, ўшанда — «Фарғона тонг отгунча»ни йиғлаб ўқиганимда фалакнинг гардиши билан кунлардан бир кун шу китобни ёзган ёзувчи билан учрашман, ҳаттоки у билан устоз-шогирд тутиниб, ота-боладек яқин бўлиб қоламан, у ҳақда ёзаман деб



ўйлаш етти улаб тушимга ҳам кирмаган эди. Оллоҳга шукрки, тақдирнинг инояти билан шундай бахтга муяссар этди.

Университетда ўқиб юрганимда «Темур тузуқлари»ни илк бор «Гулистон» журналида чоп этилишида жонбозлик қилган ҳамқишлоғим, таниқли ёзувчи Рустам Раҳмоннинг «Севги қаримас» деган янги қиссаси китобхонлар ўртасида анча-мунча тилга тушган эди. Китобга Мирзакалон Исмоилий қисқа, мазмундор сўзбоши ёзганди. Кейинчалик билсам, бу икки ёзувчининг ўзаро муносабатлари устоз-шогирдлик мақомида экан. Раҳматли Рустам аканинг домла ҳақида гап кетганда, у кишини ўзига яқин тутиб, самимий бир меҳру ихлос билан «Мирза ака» деб аташига ҳавасим келарди... Кейинчалик, университетни битиргач, Рустам аканинг ёрдами ва даъвати билан республика радиосининг «Ёшлик» таҳририятида ишлай бошладим. Р.Раҳмон илгари «Ёшлик»да бош маҳаррир бўлган, Ж.Абдуллахонов, С.Сиёев каби таниқли ёзувчилар билан елкадош бўлиб ишлаган кезлар таҳририятнинг эшиттиришлари жуда оммалашган, унда М.Исмоилий ҳам ўз чиқишлари билан фаол қатнашиб турган. Бу яхши анъана кейинчалик ҳам давом этган. Таҳририят топшириғига кўра мақола ундириш баҳонасида таниқли адиб Мирзакалон Исмоилий билан танишиб ҳам олдим. Ҳамюрт эканлигимизни билгач, (ёзувчининг болалиги қадрдон қишлоғи Булоқбошида кечган, мен кўшни қишлоқ Ширмонбулоқда ўсиб улғайган эдим) домла менга ўзларини янада яқин тутиб муомала қилар, бундан кўнглим тоғдек кўтарилиб, астойдил суюнар эдим. Домланинг радиодаги ҳар галги чиқишлари тингловчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотар, акс садо, хатлар ёғилиб кетар эди.

Эсимда, бир куни таҳририятга талаба қиздан аламли бир мактуб келди. Унда ёзилишича, боёқиш қиз емай-ичмай, талабалик нафақасидан тийинлаб йиғиб тўплаган пулига янги пальто сотиб олган экан. Афсуски, қувончи узоққа чўзилмабди.

Бир куни автобусда кетаётса, кимдир унга билдирмай, орқасидан янги пальтосининг шапалоқча жойини қирқиб олибди. Буни кўрган бечора талаба хўрлиги келиб йиғлаб юборибди. Унинг хатидаги мана бу жумладан ҳаммамиз ларзага тушдик: «Мен сотиб олганимга атиги уч кун бўлган яп-янги пальтомдан ажраганим учун эмас, йўқ-йўқ, фақат шунинг учунгина эмас, орамизда шундай бетамиз, бешафқат ярамаслар борлиги учун ачинаман. Наҳотки орамизда бировнинг дилини оғритишдан маза топадиган қабиҳлар бўлса?! Қораси ўчсин бундай безориларнинг!»

Биз ўйлаб ҳам ўтирмай бу хатни дарҳол Мирза акага бердик. Орадан кўп ўтмай Мирзакалон Исмоилийнинг «Ким экан у ноинсоф?» деган ўткир жавоби эфирда янгради. Жабрдийда қизнинг мактубидан қанчалик ларзага тушган бўлсак, домланинг мўлжалга беҳато урган жавобидан ҳам шунчалик таъсирландик.

Домланинг радиодаги одоб-ахлоққа доир чиқишлари ва матбуотдаги мақолалари кейинчалик ёзувчининг «Инсон ҳусни», қайта-қайта нашр этилган «Одамийлик қиссаси», «Қизлар дафтари» деб номланган китобларига кирди. Китобларда тилга олинган мавзулар ҳаётда бўлиб ўтган, реал вақеаларга асослангани учун ҳам мухлисларда ўзгача бир қизиқиш уйғотди. Ҳар гал бу китобларни варақлаганимда «Мирзакалон Исмоилий ҳаётининг ўзи одамийлик қиссаси эмасмикин?» деган хаёлга бораман. Чунки домланинг ҳаётида ибратли, САБОҚ бўладиган жиҳатлар кўп эди.

Мирзакалон Исмоилий таълим-тарбияга «Ё ҳаёт, ё мамот» (А.Авлоний) масаласи деб қарарди. Айниқса, ёзувчини ўсмирлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар жиддий ташвишлантирар, эринмай ахлоқ тузатиш колонияларига бориб, ёзилажак асарига материал тўплар эди. «Бизнинг роман», «Ўзингдан кўр» қиссалари ана шу эҳтиёж ва саъй-ҳаракатлар маҳсули эди. Домла болаларни жуда яхши кўрар, табиатан жуда болажон одам эди. Уй-

ларига йўқлаб борганимда кўпинча набираси Турсунойни кўчада ўйнатиб юрганини кўрардим. Бир куни ўзаро суҳбатимизда шундай деганлари ёдимда: «Замоннинг қандайлигини болаларнинг рангирўйига қараб билиш мумкин. Агар бола икки юзи қип-қизил, соғлом, дуркун ўсаётган бўлса, бу замоннинг шарофати. Илгари, бизнинг давримизда болалар озгин, нимжон, оёқлари ингичка, қорни шишган бўларди...»

М.Исмоилийнинг публицистик асарлари қалб даъвати билан, самимий ёзилар, қуруқ, сийқа панднасихатлардан холи эди. Куйинчак ёзувчи одамларнинг кўнглига йўл топишни, уларнинг дардига малҳам бўлишни биларди. Мурувватли, олийҳиммат, саховатли инсон эди. Қўлидан келганча одамларга яхшилик қиларди. Агар мендан «Ҳаётингизда сизга энг кўп яхшилик қилган инсон ким?» деб сўралса, сира иккиланмай, устоз Мирзакалон Исмоилий!» деб жавоб берган бўлардим. Устоз адабиётдаги илк машқларимни синчковлик билан ўқиб, қимматли маслаҳатлар берган. Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлаётганимда тавсиянома ёзган. Мусофирчиликда қийналиб юрганимда туриш-турмушимдан огоҳ бўлиб, ёрдам қўлини чўзган.

1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин пойтахтда паспортларни қайд қилдириш қийинлашган эди. Устоз шунда қўлимдан етаклаб, эринмай идорама-идора юриб, бу мушкулотни ҳал қилиб берган эди. Пешонамга биринчи бор бошпана-уй битиши ҳам устознинг беминнат ёрдами туфайли насиб этган...

М.Исмоилий билан яқиндан мулоқотда бўлганим сайин унинг ҳаёти ва ижодига янада кўпроқ қизиқа бошладим. Ёзувчининг барча асарларини яна қайта, жиддий ўқиб чиқдим. Шу аснода устознинг ижоди, таржимонлик фаолияти ҳақида китоб ёзиш, илмий иш қилиш нияти ҳам туғилди. Энди устознинг асарлари ва таржималарини бошқача — тадқиқотчи назари билан ўргана бошладим. Ўзаро суҳбатларимиз ҳам кўпроқ адабиёт, устознинг

ҳаёти ва ижоди, айрим асарларининг ёзилиш тарихи ҳақида бўларди. Устоз саволларимга ҳамиша эринмай, батафсил жавоб берар, мен сўраган айрим муҳим маълумотларни ҳатто ёзма равишда тайёрлаб қўяр эдилар. Домланинг чиройли дастхати билан ёзилган бу табаррук қўлёзмаларни шахсий архивимда кўз қорачиғидек сақлайман. «Ўзим ҳақимда яна жиндак» деган сарлавҳа билан менинг илтимосимга кўра ёзилган қисқача таржимаи ҳоли устоз ҳақида ёзган китоб ва мақолаларимда асқатган. Айни чоғда ўзим ҳам устоз ҳақидаги хотираларимни кундалик тарзда қоралаб қўйишни одат қилдим. Ҳар гал уларни варақлаганимда устознинг кулиб турган, истарали чеҳраси кўз олдимда намоён бўлади.

Мирзакалон Исмоилий Чўлпон, Абдулла Қодирӣ, Ғози Юнус, Мухтор Авезов каби буюк сиймолар билан шахсан кўришган, мулоқотда бўлган, ҳатто А.Қодирӣ унинг биринчи китобига муҳаррирлик қилган экан. Устознинг бу табаррук шахслар ҳақидаги хотираларини бутун вужудим билан берилиб, юрагим хапريقيб, ҳаяжонланиб тинглар эдим. Чунки домланинг бу ҳикояларини бошқа бирон жойда ўқиш, бирон кимсанинг тилидан эшитиш мумкин эмас эди. Бу табаррук сиймоларни яқиндан, яхши биладиган одамлар ҳаётларининг охиригача, ҳатто мустақилликдан кейин ҳам кўрган-кечирганларини бирон жойда ёзиб чиқмадилар. Шўроларнинг машъум сиёсати уларнинг онгу шуурини шу қадар жароҳатлаган эди.

М.Исмоилий ҳақидаги хотираларни ушбу китобни ёзиш жараёнида қайта кўздан кечирарканман, қуйидаги ёзувга кўзим тушиб қолди:

«...Ёз кунларининг бирида Мирза аканинг «Болалар дунёси» дўкони ёнидаги уйида узоқ суҳбатлашиб қолдик. Гап айланиб келиб илгари ўтган шоирларга тақалди. Домла Чўлпонни яхши билар экан. У ҳақда шундай дедилар: «Менинг дастхатим чиройли эди. Буни эшитган Чўлпон мени ўзига котиб қилиб олди. Чўлпон ўз шеърларини давра-

ларда ўқиб беришни яхши кўрарди. Бир даврада у «Кеча ва кундуз» романини овоз чиқариб ўқиб берибди. Мен бундан беҳабар қолибман. Уйига борганимда бу армонимни ўзига айтсам, «Сира хафа бўлманг, мана ўзингизга ўқиб бераман» дея бутун романни тонг отгунча бир ўзимга ўқиб берди».

Ўзаро мулоқотларда Чўлпон гоҳо ҳеч кимга айтмайдиган, айтиш ўта ҳавфли бўлган дарду армонларини ҳам тўкиб соларкан. «Миллат хароб бўлди. Унинг энг муқаддас нарсалари, шаъни-шарафи қўлдан кетди. Ҳар қадамда юрагимиз қуш ҳадиги билан уради, — деган экан Чўлпон. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси — миллатни шармандаларча қуликдан, ҳақорат ва хўрликдан қутқариш бўлмоғи керак».

Чўлпон ҳақида гап кетганда устоз ҳар гал «Ҳа, Чўлпон ноҳақликдан, миллат бошига тушган зулмдан фарёд чекиб ўтди», дея куйиниб таъкидларди.

М.Исмоилийнинг Чўлпон шахсияти ва ижодига қизиқиши, меҳру ихлоси изсиз кетмади. Гоҳо «Балки устознинг адабиётга, ижодга юз тутуши ҳам Чўлпоннинг таъсири туфайли бўлмадимикин», дея ўйлаб қоламан.

«Фарғона тонг отгунча» романи ҳам аслида Чўлпоннинг таъсирида ёзилган. Бу китобнинг иккинчи нашрига муҳаррирлик қилган таниқли шоир Асқар Қосимов (университетда бирга ўқиган эдик, Оллоҳ раҳмат қилсин) Чўлпонни жуда яхши кўрар, ижодини ёд билар эди. Асқар романнинг Чўлпон услубида ёзилганини айтганда, устоз бу эътирофдан хурсанд бўлган эдилар.

Матбуотда Мирзакалон Исмоилий ҳақида асосий маълумотларни, мунаққидларнинг эътиборидан четда қолган тафсилотларни ёзувчининг ўзидан сўраб билиб олишга интилар эдим. Дастлабки мулоқотларимизда устоз ижодининг илк даврида нега айнан пьеса ёзганини сўраб-суриштирдим. Бу саволга жавобни ўша хотира дафтаримга шундай қайд қилиб қўйган эканман:

«Радиодан Мирза акага телефон қилдим. Сўнг уйига бордим. Илмий ишни бошлаб юборганим-

ни айтдим. Домладан таржимаи ҳолларини ёзиб беришларини сўрадим. Суҳбатимизда домла ижодининг илк даври ҳақида шуларни айтиб берди: «Биринчи асарим — «Саккизинчи март — хотин-қизлар озодлиги» пьесаси. Билим юртида ўқиб юрганамизда ўзимизнинг ҳаваскорлар саҳнамиз бўларди. Уйнай десак пьеса йўқ. Шунда мен ўша пьесани ёзувдим. Бир қизнинг эри нашриётда ишлар экан, пьесани обориб берибди. Босилганини эшитиб, ўзим ҳам бир дона сотиб олдим. Бунга пул берармиш дейишди. Нашриётга бордим. Абдулла Қодирий мени кўриб, «Ҳа, нега келдинг? Пулгами?» деди-ю қоғозга бир нима ёзиб берувди, 50 сўм пул беришди. 26 сўмга яхши бир костюм-шим сотиб олдим. Қолганини отамга берувдим, 10 сўмга учта қўй олиб келди. (Ўша кезлар уч сўмга битта яхши қўй бериларди.)

Кейинчалик, рус адаблари ва жаҳон адабиётини ўқиб чиққач, ўша асарим нақадар бўш ёзилганини пайқадим ва эҳ-э, менинг асар ёзишимга яна етти-саккиз қовун пишиғи бор экан деб ўйладим. Кейин рус тилида чиққан бадий асарларни ўргана бошладим. Таржима билан шуғулландим. Мутолаа ва таржима ёзувчи бўлишимда катта роль ўйнади».

Устоз бадий таржиманинг ўз ижодида тутган ўрни ҳақида кўп гапирарди. «Қаламимни тарашлаган омил бадий таржима, айниқса улуф Толстой асарлари таржимаси устида терга пишиб қилган меҳнатим бўлди» дея эътироф этгани бир гал. Домла ҳақида ёзган қўлёзмани танишиб чиқиш учун ўзларига бердим. Чамаси, ўрганиш ва ўзаро таъсир ҳақидаги мулоҳазаларда меъёрни унутиб, андак қовун туширганман чоғи, устоз қўлёзманинг бир четига «Ахир ўзимдаям бир нима бўлганми?» деб ёзиб қўйибдилар. Ҳаққоний танбеҳдан изза тортиб, андак мулзам бўлдим. Устоз далда бердилар: «Бу битта сизнинг хатонгиз эмас, умуман олимларимизга теккан касал».

Мирзакалон Исмоилий ижодий фаолиятида публицистика, наср ва бадий таржима салмоқли

ўрин эгаллашини ҳисобга олиб, адиб ижодини уч босқичга бўлиб ўргана бошладим. Шу асосда баҳоли қудрат адибнинг бетакрор ижодий портретини яратишга уриндим.

## **Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак**

Мирзакалон Исмоилий асарларининг китобхон дилига йўл топиши, адабиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши аввало ёзувчининг ҳаёт билан доимо ҳамнафас бўлгани, халқ турмушига яқинлиги туфайлидир. Адиб ижодига бу фазилат унинг йирик насрий асарларидагина эмас, ижодий фаолиятининг дастлабки даврларида ёзган мақола ва очеркларида, ахлоқий мавзудаги асарларида ҳам яққол сезилади.

Маълумки, журналистика ижодкор учун чексиз имкониятлар эшигини очадиган соҳадир. Жуда кўп таниқли ижодкорлар ана ўша мактабдан сабоқ олгани бежиз эмас. Устоз Мирзакалон Исмоилий ҳам шу мактабдан таълим олган адиблардан. У Тошкент киностудияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси, «Шарқ Юлдузи» журнали ва Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлаган кезлари журналистика билан жиддий шуғулланиб, бир қатор публицистик асарлар яратди. 1942–1947 йилларда ҳарбий хизматга сафарбар қилиниб, фашизмга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жанглирида қатнашди. Шу йилларда у қаламини найзага айтантирган ижодкорлар сафида бўлди.

Уруш йиллари деярли ҳамма фронтларда ўзбек тилида газеталар чиқариларди. Бу газеталарда кўплаб адиб ва журналистлар фаолият кўрсатдилар. Уларнинг сафида Мирзакалон Исмоилий ҳам бор эди. Ёзувчи фронтда чиқадиган ўзбек тилидаги газетада масъул котиб, муҳаррир ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. Сўзнинг қудратини кўрсатди, сўз билан минглаб жангчиларни қаҳрамонликка даъват этди. Фронтдаги хизматлари учун орден ва медаллар билан тақдирланди.

М.Исмоилий фронт газетаси мухбири сифатида тез-тез жангларнинг олдинги марраларида бўлар, аскар йигитларнинг мардлиги ва жасоратини ўз кўзи билан кўрар, улар билан юракдан суҳбатлашар эди. Адибнинг уруш йиллари ёзган жанговар лавҳалари, ҳикоя ва очерклари фронт газеталарида кетма-кет босилиб турди, турли тўпламларда эълон қилинди. Бу асарлар ёзувчининг 1965 йили чоп этилган «Озод инсон ҳақида қўшиқ» номли китобига киритилди. Унда фашизм қуллик тимсоли сифатида талқин этилади, озодлик ғояси улуғланади. Ёзувчи айрим уруш лавҳаларини ёритиб, жангчиларнинг қаҳрамонлиги ҳақида шунчаки хабар, ахборот беришни мақсад қилиб қўймаган. Адиб қаҳрамон жангчиларнинг эсда қоладиган, ёрқин сиймоларини яратишга интилган ва бунга эришган.

Мазкур китобга ном бўлган «Озод инсон ҳақида қўшиқ» очеркида ёзувчи қаҳрамон ўзбек жангчиси Мамат Усмонов ҳақида ҳикоя қилади. Бу асарга «Юз йил умр кўрган қулдан кўра, бир кун эркин яшашга улгурган киши бахтиёр ва беармондир» деган сўзлар эпиграф қилиб олингани бежиз эмас. Мамат Усмонов инсон озодлиги учун курашда шаҳид бўлган минглаб жангчилардан бири эди.

Фашизмга қарши Ватан урушида қаҳрамон жангчилар сафида хотин-қизлар ҳам мислсиз жасорат кўрсатишган. «Барҳаёт қиз» очеркида ёзувчи ўзи хизмат қилган фронт газетасининг жонкуяр машинкачиси, фронтга ўз ихтиёри билан жўнаган 17 ёшли қизнинг ажойиб сиймосини чизади.

Ёзувчини ўша оловли йилларда рўйирост намоён бўлган Ватанга муҳаббат, қаҳрамонлик ва фидокорлик туйғулари ва бу муқаддас қадриятларнинг манбаси кўпроқ қизиқтиради. Бу асарлар ҳануз ўз қимматини йўқотмаган. Зеро, улар оталаримиз жасорати, халқимиз қаҳрамонлик солномасининг бадий ифодаси сифатида ҳамisha ардоқлидир.

М.Исмоилий Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам бадий публицистика ва прозанинг кичик жанрларида баракали ижод қилди. Адабий-танқи-




дий мақолалар ёзди. Бадий таржиманинг долзарб муаммолари ҳақида жиддий чиқишлар қилди.

Адиб публицистикасининг кўзга яққол ташланган қирраси, шубҳасиз, одоб, ахлоқ мавзуда ёзилган асарлардир. Маълумки, ахлоқ ҳамиша, ҳамма замонларда даврнинг мураккаб, нозик ва долзарб муаммоси ҳисобланган. Ўз ижодида бу мавзуга у ёки бу даражада мурожаат қилмаган ёзувчи бўлмайди. М.Исмоилий яхши кўрадиган буюк ёзувчи Лев Толстой ўз жамиятининг ўткир муаммоларига «Жим туролмайман» дея наъра тортиб муносабат билдирган эди.

М.Исмоилий катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, турмуш тажрибаси бой адиб. У таржимонлик фаолияти туфайли бошқа халқларнинг санъати, маданияти ва урф-одатларини чуқур ўрганган. Айни чоғда шарқнинг одоб-ахлоқ борасидаги энг яхши анъаналарини юксак қадрият сифатида эъзозлайди. Ушбу омиллар ёзувчининг одоб-ахлоқ мавзудаги асарларини ичдан нурлантириб туради.

Устознинг радио ва телекўрсатув, газета ва журналлар орқали ахлоқ бобидаги чиқишлари жамоатчиликнинг диққат-эътиборига сазовор бўлди. Бу мавзуга қизиқиш шу қадар кучли эдики, адиб баъзан биргина чиқиш билан ўз мухлисларидан қутулмасди. Гоҳи баъзи масалалар юзасидан қайта-қайта чиқишга, кейин эса кўп сонли мухлислардан келган хатларга жавоб қилишга тўғри келарди. Адиб, юқорида таъкидланганидек, узоқ муддат Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик» таҳририяти билан ҳамкорлик қилиб келди. Ёшларнинг одоб, ахлоқ, севги, оила масалалари билан қизиқиши табиий, албатта. Ёзувчининг чиқишларида ёшларни қизиқтирган масалалар атрофлича таҳлил қилинар, муҳим муаммолар, хулосалар ўртага ташланар эди.

М.Исмоилийнинг ахлоқ ҳақидаги асарлари шу қадар оммавийлашиб, халқ дилига йўл топгани бежиз эмас. Ёзувчи аввало муҳим, долзарб масалаларни қаламга олади ва мавзуга чин дилдан, астойдил, самимий муносабат билдиради. Китебхонни



ҳам баҳсга жалб эта билади. Шу боис адибнинг ахлоқ мавзuidaги асарлари баъзи насихатчиларнинг меъдага тегиб кетган, сийқа гапларни ҳар гал бир мақомда такрорлаши, ошкора ақл ўргатиши каби эмас, балки ҳар гал қандайдир бир янгилик, ҳаётий, муҳим масалага даъват каби қабул қилинади. Шунинг учун ҳам адибнинг «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси» китоблари тез орада оммавийлашиб, қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Маълумки, публицистикада адиб шахси — «мен»и биринчи ўринда туради. Ёзувчи ўз қарашлари, фикр-мулоҳазаларини бевосита кўнглидан ўтказиб, турмуш тажрибасига таянган ҳолда ҳаётий мисоллар билан ёритишга ҳаракат қилади. Ижодкорнинг савияси, интеллектуал маданияти публицистикада айниқса яққол сезилиб туради.

«Одамийлик қиссаси»нинг илк саҳифасида ҳазрат Навоийнинг ушбу пурҳикмат сатрларига кўзимиз тушади:

*Одамий эрсанг демагил огами,  
Ониким йўқ халқ ғамидик ғами.*

*Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик била от.*

Ҳазратнинг бу ҳикматлари китоб мундарижаси, муаллиф чорлаётган баҳс мавзусидан бизни огоҳ қилгандек бўлади. Ҳа, бу китоб одамийликдан, эзгуликдан баҳс этади. Бунда ғайриинсоний одатлар, юракларни изтироб-аламларга чулғовчи ноҳўя хатти-ҳаракатлар ва уларнинг кўнгилсиз оқибатлари хусусида ҳам сўз боради.

Дарҳақиқат, нега шундай бўлади? Ростдан ҳам нега одамлар яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билишса ҳам, баъзан «қовун тушириб» қўядилар? Нега?

Мирзакалон Исмоилийнинг публицистик асарларида кўпчиликни қизиқтирган ана шундай муҳим жумбоқ-саволларга муносиб, қониқарли жавоб берилган.

Китобда юксак инсоний фазилатлар — одамийлик, меҳнатсеварлик, маданийлик, ширинсўзлик,

кўнгилхонлик ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилади. Муаллиф, табиат ато этган ҳусн-жамолдан ташқари ана шу хислатларга эга бўлган инсон ҳақиқий гўзалдир деган фикрни илгари суради.

Гўзалликни кенг маънода талқин этган адиб шундай хулосага келади:

«Инсон — у яратувчи, у барча хилқат ичида энг юксаги, энг қудратлиси, энг фаросатлиси, энг ақлу идроклиси. Демак, гўзалликнинг ҳам энг юксаги, энг мазмунлиси, энг чиройлиси инсонда».

Китобнинг бевосита ёшларга тааллуқли бўлган фарзандлик бурчи, севги ва оила масалаларига бағишланган «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа» боби ҳам диққатга сазовордир. Унда ёши қирқлардан ошиб кетган, бола-чақали одамни яхши кўриб қолган ўн етти-ўн саккиз ёшли бир қизнинг муҳаббати хусусида фикр юритилади. Ёзувчи масаланинг нозик ва мураккаблигини чуқур ҳис қилган ҳолда аввало қиз кўнгилидаги ўша эҳтирос оловининг нимадан пайдо бўлиши ҳақида асосли ва дадил мулоҳаза юритади:

«...сизни беқарор қилган ўша одамдан жозибали омилини қидиринг. Балки у одам ашулачи ва чолғучидир, ёзувчи ё рассомдир. Агар сизда ҳам санъатнинг шу турларидан биронтасига ёшлиқдан, юрак-юракдан ишқибозлик бўлса, демак, у киши сизни санъати билан сеҳрлабди. Нимага десангиз, қизларда (йигитларда ҳам) туғиладиган севги ҳайратланишдан, завқланишдан бошланади. Таассурот уни ҳар кўйга солади...»

Бу мулоҳазаларда жон бор, албатта. Дарҳақиқат, ҳаётда юқоридагидай воқеалар учраб туради. Ўсмирликдан балоғат ёшига ўтиш даврида шундай бир мураккаб ҳолатлар бўладики, бунда киши кўпроқ ақл билан эмас, юрак билан, эҳтирос билан иш тутади, гоҳи ўткинчи таассуротларнинг асири бўлиб қолади. Айрим ёшларнинг савияси ўртамиёна ва ундан ҳам пастроқ бўлган шоирлар, хонандаларга кўр-кўрона сажда қилишлари ҳам парвона янглиф ана ўша ташқи ялтироқликка алданиш эмасмикин?

М.Исмоилий баъзи ёшларда бўладиган шундай заифликнинг ҳаётда қандай хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантиради.

Муҳаббатда иши юришмаган, дунё кўзига қоронғу кўринган бир қиз ёзувчига хат ёзиб, «Дунёда ҳақиқий севги борми? Агар бўлса, нима учун у мени алдади?» деб сўрайди.

Бир қарашда бу сўроқ мантиқсиздай туюлиши мумкин. Дарҳақиқат, биров сени алдаса, бунинг муҳаббатга нима дахли бор? Аммо масалага теранроқ ёндошсак, бошқача манзарага дуч келамиз. Ҳар бир шахснинг интим ҳаёти ҳақида фикр юритаётганда масалага севишганлар кўзи билан ҳам қараш лозим бўлади. «Муҳаббат қорани оқ деб туриб олса борми, ҳар қандай далилга қарши ҳужум бошлай беради» деган эди буюк ҳинд адаби Тагор. Шоир айтган «асрларни йиғлатган севги» бобида бировга тайёр маслаҳат бериш қийин. Ёзувчи ҳам бундай ниятдан йироқ. У юқоридаги каби ҳолатларга дуч келганда фақат азият чекувчигагина малҳам бўлишни эмас, аввало бундай воқеанинг ибратли, сабоқ бўладиган жиҳатларини ҳам ўйлайди ва «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабалида иш тутади. Айни чоғда муаллиф ўз хулосаларини чиқаришда халқимизнинг азалий, соф чашма мисол пок удум-одатларига, боқий қадриятларига ҳам таянади. Айрим ўринларда адиб баҳс оҳангини кескинлаштиради, қаҳрамон хатти-ҳаракатларини қатъийроқ қоралайди.

«Одамийлик қиссаси» асари китобхонни баҳсга, ўйлашга даъват этиши билан ҳам қимматлидир. Китобнинг сўнгги — «Исмини яширган киши» боби яшашдан безган, ҳамма нарсадан кўнгли совуган, ота-онасини унутган ва оқибат ҳалокат ёқасига келиб қолган бир йигитнинг мактуби хусусида. Бир қарашда бу хатга муносиброқ жавоб топиш мушкулдек кўринади. Ёзувчи турли муаммолар, сўроқлар билан ўзига мурожаат қилинган мактубларни кўп олган бўлса ҳам, бу хилдаги қийин жумбоққа дуч келмаган эди. Масаланинг яна бир

қийин томони — мактуб муаллифи кўп нарсаларни сир сақлаган, ҳатто исмини ҳам яшириб, ўзини Махфийроз деб атаган.

М.Исмоилий ўз жавобида бу «қулф»га ҳам мос «калит» топа олган. Ёзувчи бошданок Махфийрозни таънаю дашномларга кўмиб ташламайди, вазминлик билан, асосли мулоҳаза юритади, қуруқ панднасихат билан хитоб қилмайди. Махфийрознинг «ҳақиқат тарозисининг палласида оққуш патичалик тош босмайдиган андишалари»дан руҳий тушкунлик сабабларини аниқлашга, изоҳлашга ҳаракат қилади. Ниҳоят, умидсизликка тушган йигитнинг ўз хатти-ҳаракатлари, танлаган йўли ҳақида жиддийроқ ўйлашга даъват этувчи мулоҳазаларини баён этишга киришади.

«Махфийроз, фикрингизни йиғиштириб олиб, ҳаётга мундоғ разм солинг-а, оғир дарддан ёки бахтсиз ҳодисадан майиб бўлиб, ўлим чангалида ётган кишиларнинг ўлим билан олишганларини, то охири нафаслари чиққунча ҳам ҳаёт учун курашганларини кўрасиз. Бу хил одамлар дунёга сўппайиб келиб, сўппайиб кетишни ўзларининг инсонлик шаънларига иснод деб биладилар...

Махфийроз, яшаш учун кураш — ҳар бир инсон бўйнидаги қарз. Яшаш маъносининг замирида халқ хизматини қилиш, Ватанни шарафлаш бурчи ҳам бор. Ўз жонига қасд қилиш эса — ана шу муқаддас бурчдан қочиш деган сўз».

Ёзувчининг ҳаққоний мулоҳазаларига қўшилган китобхон Махфийрознинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига ишонади, бундай ёзишманинг катта сабоқ бўладиган тарбиявий аҳамиятини юракдан ҳис қилади.

М.Исмоилий ўз китобхонлари, мухлислари билан доимий мулоқотда бўлиб турган. Бу мулоқотлар гоҳ ёзишмалар, гоҳ турли анжуманлардаги учрашувлар, матбуот ва радио орқали чиқишларда давом этган. Гоҳо шундай бўлардики, мухлислар фақат ўз дарду қувончлари ҳақидагина эмас, бошқа одамлар тақдири ҳамда адибнинг асарлари тўғрисида ҳам

ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишар, ҳаётий муаммоларни ҳал этишда ўзлари ҳам фаол иштирок этишар эди. Бу эса адиб публицистикасининг ҳаётий қимматини белгилайдиган муҳим фазилатдир.

Мирзакалон Исмоилийнинг энг садоқатли шогирди, жияни, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик устоз публицистикаси анъаналаридан илҳомланиб, таъсирланиб, «Одамийлик мулки», «Келинлар дафтарига» каби китобларни ёзди. Мухлислар эътиборини қозонган бу китобларни ўқиганимизда беихтиёр Мирзакалон Исмоилийнинг энг яхши публицистик асарларини эслаймиз. Зеро, устознинг боқий қадриятларимизни улуғлашга хизмат қилувчи публицистикаси ҳеч қачон эскирмайди.

Устознинг қуйидаги ўғити эса худди шу бугун айтилгандек туюлади:

«Ота-онанинг болаларига мерос қилиб қолдирадиган энг қимматли нарсаси — одоб-ахлоқ, одамийлик бобидаги таълим-тарбиясидир. Болаларни замон йўлига, одамийлик йўлига, виждон йўлига туширишнинг яна бошқа аҳамияти ҳам бор. Болалар ота-она бағрида яхши тарбия олиб, яхши одам бўлиб етилишса, демак, жамият ҳам пок виждон уясига айланади. Жамиятда ҳалоллик, тўғрилик, инсоф ҳукмрон бўлади.»

## **Қамоқхонада ёзилган роман**

Дунёга машхур турк ёзувчиси Азиз Несиннинг бир ҳажвиясида шундай ғаройиб воқеа ҳикоя қилинади. Танбал ёзувчи юрса-турса, ижод қилишга шароит йўқлигидан нолиб юради. Уйим тор, бунақада ёзиб бўладими, агар кенгроқ ижодхонам бўлганда зўр асар ёзиб ҳаммани қойил қолдирардим дейди. Пешонасига уй ҳам битади. Бозор-ўчарга автобусда бораман, йўлда асабларим бузилади, бундай шароитда ёзолмайман дейди. Машинали ҳам бўлади. Ниҳоят, ҳамма истаги амалга ошади. Ёзувчи шунда ҳам нолишини қўймайди: Эҳ, пашшалар, пашшалар! Энди ёзай деганимда пашшалар бурнимга қўниб,

ёзишга қўймаяпти! Бунақада ижод қилиб бўладими? Эҳ, агар пашшалар бўлмаганда эди...» дейди...

Ҳар гал Азиз Несиннинг ўша қаҳрамонини эслаганимда Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романи қандай шароитда дунёга келганини тасаввур қилишга уринаман. Аммо барибир бундай мушкулотни кўз олдимга келтиролмайман. Ўзаро суҳбатларимизда устоз бу асари қамоқхонада ёзилганини айтган эди.

Маълумки, шўро ҳукуматининг қатағон сиёсати туфайли М.Исмоилий 1950 йили ноҳақ ҳибсга олинган, (ёзувчи унгача ҳам қуруқ туҳмат билан қамалиб чиққан эди) умрининг тўрт йилдан зиёдроқ қимматли вақти ҳибсхонанинг зах хонасида ўтган. Навқиронлик йиллари урушда қон кечиб Ватанни ҳимоя қилган, бутун онгли ҳаётини, ижодини эл-юртига, халқига бахшида қилган фидойи инсонга халқ душмани деган, ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдиган «стандарт» айб тақалган эди.

Сталиннинг қатағон сиёсати ҳақида гап кетганда айрим тоифа кишилар ўртасида кенг тарқалган бир янглиш тушунчани тилга олиш жоиз. Бундай одамлар «Сталин Чўлпонларни, Қодирийларни, Усмон Носирларни шахсан танирмиди? Уларни Сталин эмас, ўзимиздан чиққан одамлар, сотқинлар қаматган, бунда Сталиннинг айби йўқ», дея жуда юзакки, содда фикрлайдилар. Шундай одамларга қарата «Ахир мамлакатда сотқиннинг бир оғиз сохта кўрсатмаси, туҳмати билан қама-қама авж олган экан, бу ҳолат кимнинг сиёсати туфайли юз берди? Йиллар ўтгач, қатағонларга шахсан Сталиннинг ўзи раҳнамолик қилгани рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан минг карра исботланди-ку! Сиз қамоқхонада кечирилган бир кунлик, бир лаҳзалик азоб-уқубатни тасаввур қила оласизми? Махбуснинг чирқиллаб қолган ёш болалари, қариндош-уруғлари бошига тушган мусибатни кўз олдингизга келтира оласизми? Сиз рус адаби Солженициннинг машҳур «Гулаг архипелаги» асарини лоақал бир карра варақлаб кўрдингизми?!», дея алам билан

хитоб қилгинг келади. Афсус-надоматлар бўлсинки, сталинизмнинг моҳияти ҳали тўла англалмаган ҳақиқат. Россия телевидениясида ўтказилган «Россия тимсоли» сўровномасида Сталинни аҳолининг кўпчилиги ҳамон қўллаб-қувватлагани бағоят таасуфлидир.

Тўғри, қатагон даврида сотқинликлар юз берган. Ноҳақ қамалган ёзувчилар қатори М.Исмоилий ҳам тухматга учраган эди. Устозни энг яқин дўстлари сотган эди. Шулардан бири қандай хиёнат қилганини ўзаро суҳбатимизда устоз шундай ҳикоя қилганди:

«У одам билан (гарчи устоз суҳбатимиз норасмий бўлгани учун сотқиннинг исму шарифини айтган бўлсалар-да, мен маълум сабабларга кўра уни ошкор қилолмайман, иложи йўқ, менталитетимиз бунга йўл қўймайди. Қариндош-уруғи эртага келиб ёқамдан олади. Ижодининг тайини йўқ, фирт истеъдодсиз бу одам бир муддат ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик ҳам қилган экан.) яқин дўст эдик, ўзаро борди-келди қилиб турардик. Мен урушдан кейин Берлинда хизматни давом эттирганимда машҳур немис композиторларининг пластинкаларини тўплаб олиб келгандим. Ўша дўстим уйимга бир келиб кетгандан кейин мундоқ қарасам ўша пластинкалар йўқ бўлиб қолибди. Қамоққа олинганимдан кейин мени сўроқ қилаётган терговчи «Нима учун уйингизда немис композиторларининг (немис бўлса ҳаммаси душман деб ўйлаганда) пластинкаларини сақлагансиз?» дея қистовга олиб қолди. Мен тап тортмай кесатдим: «Эҳ аттанг, сиз эҳтиётсизлик қилиб мени сотган ўз агентингизни маълум қилиб қўйдингизку?! «Нега бундай деяпсиз?» дея терговчи ўшқирди. Шунда ўзимни йўқотмай «Пластинкани ким, нима мақсадда ўғирлагани мана энди маълум бўлди. Ахир ўша пластинка ўғриси — фалончи айтмадими нима учун сақлаганимни» дея терговчинини анча бошини қотирганман.

Устоз иродали инсон эди, бир куни ҳақ жойида қарор топишига ишонарди, шу боис руҳий тушқун-



ликка берилмайди. Қамоқхонанинг таҳқирловчи, оғир шароитида ҳам ижод қилишга ўзида куч топа олади. Ёзувчи романнинг қандай ёзилганини китобхонга ёзган мактубида шундай эслайди: «Мен бу китобни ёза туриб қанчалар йиғлаганман, қанчалар қон ютганман!.. Билсангиз, пешонамда темир панжара, тепамда ўлимтик чироғнинг ўлиб бўлган қора нури, остимда зах, совуқ бетон, эшигида отнинг калласидек қулф!.. Қўйинг, бошқа тафсилларнинг қораси ўчсин! Бу шунчаки бир китоб эмас, йўқ шахсга сажда даврининг қора кунларида минг азоб, минг тўлғоқ билан туғилган бир ғариб хилқат. Ҳа, хилқат!..»

М.Исмоилий Сталин қамоқхоналаридаги оғир шарт-шароит ва бошига тушган таҳқирлашлар ҳақида таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматовга бир куни шундай ҳикоя қилган экан:

«...Қарағанданинг қаҳратон қиш чилласи. Бир ҳафтаки қор бўрони кўз очирмайди. Совуқ йигирма-ўттиз даражадан тушмайди. Туфланган туфук муз парчасига айланиб, ердаги қор қатламини ўйиб ичкари кириб кетади. Турадиган масканимиз — ёғоч барак билан иш жойимиз — шахта ораси бешолти чақирим йўл. Айниқса, ишдан қайтиш чоғи танамдан дармон кетиб оёқларим каловланиб, юролмай қоламан. Ҳамроҳларим икки қўлтиғимдан суяб аранг баракка олиб келишади. Ўшандай кунларнинг бирида ёши мендан улуғроқ, аммо чайир дўстим: «Мирза, бу кетишда ё бедаво дардга йўлиқасан ёки нобуд бўлиб кетасан. Яқинда лагерга янги раҳбар келган. Ўқимишли, зиёли одам дейишади. Ахир сен журналист-ёзувчисан, русчага, ёзув-чизувга устасан, котибликка ҳам ярайсан. Ҳузурига кир, аҳволингни тушунтир, илтимос қил. Лагерда сен боп иш топилади», — деб маслаҳат берди. Бу гап менга маъқул тушди. Эртаси эрталаб янги раҳбар ҳузурига кирдим. Ёшгина, кўринишдан зиёлинамо йигит экан. Яқин олиб дардимни — арзимни айтдим. Бирдан қовоғи уюлиб, қаҳри қўзғаб, истеҳзо билан отаси тенги одамга — менга чақчайиб, сен-

сираб: «Ҳали журналистман, дегин, боз устига ёзувчиман, дегин!.. Қани ўша ёзадиган қаламинг, менга берчи!» — дея ўрнидан туриб, бирдан тепамда ҳозир бўлди. Чўнтагимдан қаламимни олиб узатганимда, уни икки қўллаб шартта синдирди-да, хона бурчагидаги саватчага ирғитди, шу заҳоти бор овоз билан ўкирганича адъютантини чақирди ва унга курак олиб келишни буюрди. Бошлиқ куракни унинг қўлидан силтаб олиб менга тутқазди-да, қатъий буйруқ оҳангида «Илтимосинг қондирилди, бугундан бошлаб шахтага қатнамайсан, барак билан ҳожатхона орасидаги йўлакни тозалаб турасан. Агар йўлақда бир кафт қор туриб қолса, кўрадиганингни кўрасан. Уқдингми?! Жўна!» — дея гапни чўрт кесди».

Ҳаётда машаққатларга, ноҳақликларга дуч келганда айрим иродасиз одамлар мувозанатини йўқотиб қўяди, ҳаётдан кўнгли совийди. Мирзакалон Исмоилий тушкунликка берилмайди. Бир иложини қилиб, романни ёзишда давом этаверади. Ниҳоят, Сталин вафотидан кейин ҳақ жойида қарор топиб, оқланиш фурсати келганда терговчи ёзувчидан «Нима истагингиз бор?» деб сўраганда у киши «Яна уч-тўрт ой чиқармай турунглар, роман ёзаётган эдим, шунини тугатиб олай» дея жавоб қилади.

Озодликка чиққан ёзувчи романга сайқал бериб, нашрга тайёрлай бошлайди. Айни чоғда урушдан илгари бошлаган хайрли иши — таржима билан ҳам жиддий шуғулланади. Жаҳон мумтоз адабиёти ва рус адибларининг энг сара асарларини ўзбек тилига ўгиради.

Қамоқхонанинг офир шароитида ёзилган «Фарғона тонг отгунча» романининг чоп этилиши осон кечмайди. Асар муҳокамасида ёзувчига бир қатор асосиз эътирозлар билдирилади. Жумладан, бош қаҳрамон Фуломжоннинг батрак эмас, муллавачча экани айримларга ёқмайди. Ваҳоланки, ёзувчи ХХ аср арафасидаги зиёли образини яратмоқчи эди. Агар романни танқид қилувчилар талабига кўра тугатса, бутунлай бошқа асар ёзишига тўғри келарди. Шу боис адиб романни қайта ишлагиси

келмай, тортмага ташлаб қўяди. Табиатан камтар-камсуқум бўлган адиб ўзича «Сен бир таржимон эдинг, ёзувчиликни ким қўйибди сенга» дея ўзига тасалли бериб, таржимонлигини қилиб юраверди. Йиллар ўтади. Бу орада Ёзувчилар уюшмасига Сарвар Азимов раҳбар бўлиб келади-ю, роман у кишининг қўллаб-қувватлаши билан юзага чиқади, аммо жуда оз — атиги 15 минг нусхада чоп этилади. Китобхонлар ўртасида катта шуҳрат қозонади, талашиб-тортишиб ўқилади. Фарғонада романни тарқатиши билан шахсан вилоят раҳбарининг ўзи шуғулланади...

«Фарғона тонг отгунча» аслида уч китобдан иборат трилогия бўлиши лозим эди. Романнинг дастлабки икки китоби — «Қаър гулдуриси» ва «Сўнгги кеча» қайта-қайта чоп этилади. Трилогиянинг учинчи китоби ёзилмай қолади. Бунинг сабаби ҳақида кейинроқ мулоҳаза юритамиз.

«Фарғона тонг отгунча» — чинакам миллий роман! Миллий руҳ романнинг гўзал, ширали тилида, XX аср бошларидаги мураккаб ҳаёт, турли тоифа-қатламдаги қаҳрамонлар характери, ўша даврдаги урф-одатлар ва турмуш тарзининг ҳаққоний манзаралари тасвирида анча ёрқин акс этган. Адабиётимизда чинакам миллий руҳ билан суғорилган бундай асарлар санокди.

«Фарғона тонг отгунча» гарчи юракдан, самимий ёзилган бўлса-да, ёзувчи шўро мафкураси талабига кўра, айрим ўринларда муроса қилишга, асарга инқилобчилар образини киритишга мажбур бўлган. (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романига ҳам шундай талаб қўйилган эди.) Шўролар ўйлаб топган социалистик реализмнинг бу темир қондаси чинакам адабиёт йўлига қўйилган катта тўсиқ эди. Ўзига, ижодига ҳамиша талабчан бўлган устоз бир суҳбатимизда «Ҳозир мен «Фарғона тонг отгунча»ни бошқача ёзган бўлардим. Ҳозир тилга ҳам бошқача ёндошилади, тил бошқача ҳозир. Романнинг учинчи китобидан айрим саҳифаларини ёқиб юбордим» деган эдилар.

«Фарғона тонг отгунча» романининг бош қаҳрамони Фуломжон — ўртаҳол, ўзига тўқ дехқон оиласидан. Шоиртабиат, кўнгилчан, заррача адолатсизликни кўтара олмайдиган йигит. Отаси илму маърифатнинг қадрига етадиган одам эди. Шу боис у ўғлини мадрасага ўқишга беради.

Ёзувчи Фуломжон характеридаги ҳар бир ўсиш, ўзгаришни реал ҳаётий воқеалар, оддий меҳнаткаш халқ турмуши билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Романда Фуломжон ва Ҳаётхон ўртасидаги узоқ давом этган бахтсиз севги тасвири жуда ҳаяжонли ва таъсирли чиққан. Бу муҳаббат тасвирида ёзувчи маҳорати яққол намоён бўлган. Икки ёшнинг узоқ вақт бир-бирига етишолмай, доғу ҳасратда надомат билан ўтиб кетиши эҳтирос билан, ёрқин тасвирланган.

«Фарғона тонг отгунча»да турли ижтимоий табақа вакиллари, уларнинг ўзаро муносабатлари орқали ёзувчи ўша давр ҳаётининг муҳим томонларини ҳаққоний акс эттирган. Романда оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти жуда ёрқин бўёқларда чизилгани алоҳида диққатга сазовор. Бу жиҳатдан камбағал Матқовул оиласининг тасвири романнинг энг таъсирли, реал манзараларидан бири. Матқовул хонадонидида шунчаки воқеа — қозон қайнаб, овқат пишган кун жуда катта байрамга айланиб кетади. Бу хурсандчилик («Шилпилдоқ» боби) бутун икирчикирларигача китобхоннинг эсида қолади.

Романдаги драматизмга тўлиқ оммавий саҳналар тасвирида ёзувчининг халқ ҳаёти, унинг туриш-турмуши, яшаш тарзини яхши билишлиги аниқ сезилади.

Қишлоққа ҳоким келганда бўлган кураш томошасини эслайлик. Мадумар мингбоши фирромлик қилиб, Шайтон полвонни чалиб йиқитгач, одамлар норозилик билдириб, шовқин кўтаришади. Мингбоши сурбетлик қилиб туравергач, Барот полвон орага тушиб, адолат ўрнатмоқчи бўлади. Шунда мингбоши ҳаддидан ошиб, Барот полвонга қараб: «Юр ўртага, иззатини билмаган» дейди, яъни курашга

чорлайди. Асл полвонлар гурурли бўлади. Барот полвон орият учун, унга кўз тикиб турган халқнинг ишончини оқлаш учун курашга чиқади. Китобхон шундай кейинги тасвирни юраги ҳаприқиб ўқийди. Барот полвоннинг «қайноқ севги билан, ишончқувонч тўла сезги билан халққа кулиб» қарагани, унинг бу қарашада: «ишончларингизни оқлайман, кўнгилларингиз тўқ бўлсин», дегани, халқнинг ўз ўғлини жангга юбораётганда: «Ой бориб, омон кел! Ол, олдирма!» — деб дуо қилганидек, «Қўлинг баланд бўлсин, омин!» — дея фатво бергани, полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек бўлгани — ҳамма-ҳаммаси ниҳоятда ҳаяжонли, таъсирли! Шундан кейин қийин олишувда мингбоши йиқилиб, «халқ душманини енгиб келган қаҳрамон ўғлини қарши олаётгандек, Барот полвонни севинч билан, олқиш ҳайқириқлари билан қарши» олгандагина китобхон ҳам енгил тортади.

Ўзаро суҳбатимизда устоз Барот полвоннинг мингбоши билан кураш тушишини йиғлаб-йиғлаб ёзганини айтиб берган эди. Ана шундай ёниқ ҳиссиёт ва чинакам илҳом билан ижод қилган адабгина умрбоқий асар ярата олади.

Романда маҳорат билан тасвирланган оммавий саҳналарни яна тоғ қазиб, сув чиқариш воқеаларида ҳам кўришимиз мумкин. Бу воқеалар тасвирида халқнинг улкан бунёдкорлик қудрати, унинг ҳар қандай қора кучлардан устун экани намоён бўлади. Шунингдек, айрим оммавий саҳналарда адаб миллий характердан келиб чиқиб, қувноқ халқ юморида ҳам усталик билан фойдаланган. Масалан, чойхонада мингбоши билан Ёдгорнинг хўроз уриштириш воқеасини эслайлик. Гарчи бутун воқеа тасвирида ҳазил-мутойиба сезилиб турса-да, бу ҳазилнинг таги зил...

Оммавий саҳналардаги драматизм романдаги бутун тасвир оҳангига хосдир. Чунки қаламга олинган воқеалар ҳамда ўша даврнинг ўзи кучли драма эди.

Матқовул сингари камбағал, жафокаш, Қудрат, Барот полвон, Замон каби кўкраги баланд, ҳар ишга қодир, Алим бува, Ҳасан сўфига ўхшаган доно, тадбиркор халқ образи, халқ руҳи романнинг оҳангига ўзгача бир жозиба бахш этган.

Маълумки, «Фарғона тонг отгунча» асари трилогия бўлиши лозим эди, афсуски, учинчи китоб ёзилмади. Адибнинг ўзи бунинг сабаби ҳақида аниқ бир фикр айтмаган. Ёзувчига ҳаётлигида учинчи китобнинг тақдири ҳақида мухлислар ва шогирдлар қайта-қайта мурожаат қилишади. Жияни, таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ҳам тоғасига бу ҳақда кўп эслатади, ҳатто асарни ҳамкорликда ёзишга даъват этади. Устоз бунга кўнгандек ҳам бўлади. Айрим сабабларга кўра барибир бу иш битмай қолади. Т.Маликнинг кузатишича, ўша даврдаги раҳбарият томонидан бўлган тазйиқлар, қадрсизлик (кўп жилдлик асарларининг чоп этилмагани, юбилейларининг ўтказилмагани) ёзувчининг ҳафсаласини пир қилган. Шунингдек одоб-ахлоқ мавзуида асарлар ёзишга берилиб кетгани роман ёзишдан чалғитган бўлиши мумкин.

Тоҳир Малик «Озод инсон ҳақида қўшиқ» китобида бу ҳақда яна қуйидагиларни ёзади:

«Мирзакалон Исмоилийнинг вафотларидан сўнг «Фарғона тонг отгунча», «XX аср ўзбек романи» туркумида қайта нашр этиладиган бўлганда мажбуран қўшилган саҳифаларни (асарга инқилобчилар образининг киритилиши, октябр тўнтариши билан боғлиқ воқеалар назарда тутилмоқда — Ш.О.) қисқартириш нияти туғилди. Кейин ўйлаб қолдим: бу иш аввало ёзувчи меҳнатига беҳурматлик бўлади. Қолаверса, фаросатли ўқувчи қаер чин, қаер ёлғон — ўзи ажратиб олади, деган тўхтамга келдим. Бундан ташқари, зийрак китобхон асар ёзишдаги ёзувчининг заҳмати ҳис қила олади.

Хуллас, февраль ва октябрь тўнтаришлари орасидаги воқеалар тасвирида энг кўп ёлғон ишлатиши лозим бўларди. Чунки совет тарихчилари айни шу даврни уйдирмалар билан безаб-бежашган эди.

Тоғам эса бу даврни ўз кўзлари билан кўрган эдилар. *Биринчи ва иккинчи китобга мажбуран ёзилган саҳифалар сонини оширишни лозим кўрмай, ишни давом эттирмаганлар.* (Таъкидлар бизники — Ш.О.) Агар ёзувчи бугунги кунларимизда яшаганларида, шубҳам йўқки, учинчи китоб ёзиларди. Ёзилганида ҳам ҳақиқат йўлида, ажойиб тарзда ёзиларди».

М.Исмоилий ҳаёти ва ижодини баҳоли қудрат ўрганган бир қаламқаш, тадқиқотчи сифатида ишончим комилки, Т.Маликнинг сўнги мулоҳазалари ҳақиқатга яқинроқ. Ёзувчи ёлгон аралашган асарни ёзишдан кўра, ёзмай қўя қолишни афзал кўрган ва тўғри қилган. Дарҳақиқат, устоз хоҳ ҳаётда бўлсин, хоҳ ижодда бўлсин, ёлгонни, юзакиликни ёқтирмаган. Ҳамиша эътиқодига содиқ қолган.

М.Исмоилийнинг ўзига хос услуби, маҳорати «Фарғона тонг отгунча» романида тўла намоён бўлган.

Ҳар қандай ёзувчининг услуби аввало унинг тилида акс этади. М.Исмоилий услубида ҳам биринчи гада китобхон эътиборини тортадиган хусусият — ёзувчининг бетакрор, ўзига хос тилидир. Ифода гўзаллиги ҳамиша адибнинг диққат марказида бўлган. «Фарғона тонг отгунча»нинг илк муҳокамасида романни танқид қилувчилар бири бўлган Абдулла Қаҳҳордек тилга ўта эътиборли, ўта зукко бўлган ёзувчи ҳам асарнинг тилига юксак баҳо берган эди. Равонлик ва ифода аниқлиги, шоирона гўзал ташбеҳлар, сўз ўйинлари, бетакрор лутфлар, ўхшатишлар, сифатлашлар, ажойиб лиризм, ўзига хос оҳанг, миллийлик, жонли халқ тилига яқинлик М.Исмоилий асарлари тилининг асосий фазилатлари ҳисобланади.

Кузда хазонрезги боғларни кезганимда ҳар гал беихтиёр «Фарғона тонг отгунча»нинг илк саҳифасидаги ушбу гўзал тасвирни эслайман: «...ўрик япроқлари совуқга ўйнаган ёш боланинг лўппи юзугай қизарди...».

Қуйида келтирилган гўзал тасвирлар айтилиши чоғда қаҳрамон руҳиятини очишга ҳам хизмат қилади:

«Фуломжон онасининг нимага йиғлаётганини, нимага бетоб бўлганини билди. О, бола шўри нақадар даҳшатли зарбаки онага! Жигаргўшасининг бахти қоралигини кўрганда — она дили ҳамиша қон, юзи заъфарон! Мана, иззат тўшагиди пийрона чехрасидан бахт нурларини тўкиб ўтириш ўрнига мусибат кўрпасида дилпори бўлиб ётибди!..

...Фуломжон тилга олинмаган, лекин ҳаммалари тушуниб турган даҳшатли зарбанинг оғир юкини ҳужрасига кўтариб кирди...».

«Жамолддин мулойим кулди. Бу кулгиди ҳам Фосих афандининг юзига тортилган шапати қарси бор эди».

«Илон тилида заҳар бўлмаса, уни ҳамма севиб қўлга олган бўларди. Афсуски, пўстининг ялтироқлиги ҳеч кимни илтимайди...».

Бундай эсда қоладиган тасвирларни ёзувчи ижодидан истаганча топиш мумкин.

Тилга эътибор устознинг муҳим сабоқларидан бири. Раҳматли тилга эътиборсизликни кўрса чидаб туролмасди. Футболга ишқибоз бўлган домла ўзбек тилини лойга тушган гўштдек қилиб гапирадиган бир спорт шарҳловчисининг пойинтар-сойинтар репортажини бошлаб танқид қилган эди. «Тўп билан Абдураимов, тўп билан Красницкий» деган жумлалар ўзбекча эмас, ўрисча репортаждан нўноқлик билан қилинган таржима деб ҳисобларди.

Устоз тил масаласида ҳеч кимни, ҳатто шогирдларини ҳам аяб ўтирмасди.

Эсимда, бир куни журъат қилиб устозга илк ҳикояларимни ўқиш учун бердим. Кейинги гал борганимда домла машқларимни ўқиб, фикрларини қўлөзма четига қайд қилибдилар. Мундоқ кўрқа-писа кўз ташласам, ҳамма эътирозлари асосли. «Қайта» сўзини кўпроқ ишлатворган эканман, устоз «Ҳой «Қайтавой!» Бўлдида энди!» деб ёзиб қўйибдилар. Янги лақабимдан ўзим ҳам завқланиб кетдим...

Таниқли халқ ёзувчисининг тилга тушган романини ўқиб, ноўрин қўлланган, ғализ жумла ва



сўзларнинг остига қаламда чизиб қўйганларини кўрганман. Романда тасвирланишича, тунда эшик тақиллатган кишига хонадон соҳиби ичкаридан «Бу ким?» дея жавоб қилади. Устоз буни русча ўйлаб («Кто это?») ёзилган жумла дея изоҳладилар ва шундай кезларда халқона қилиб «Ким у?» дейилиши лозимлигини тушунтирдилар. Яна ўша асардаги «Соқолига оқ тушмаган мўйсафид» деган жумлага ҳам эътироз билдирдилар. «Соқолига оқ тушмаган бўлса, уни мўйсафид деб бўлмайти, бу форсча сўзни (мўй – жун, сафид – оқ) тушунмаслик оқибати, тилимизда «қорасоқол» деган сўз ҳам бор» деганлари ёдимда.

Тил ҳақидаги суҳбатларимизда устоз ўз тажрибаси ҳақида гапира туриб, яна шундай деган эдилар:

– Мен асаримда бирон сўз ёки иборани ишлатмоқчи бўлсам, аввало қаҳрамоннинг тилидан гапиртириб кўраман, уни ўзим ҳам худди эшитиб тургандек бўламан. Эриш ёки ноўрин туюлишини ҳам, ўз ўрнига тушишини ҳам шунда пайқайман. Жойига тушса – ишлатаман!

М.Исмоилий асарларининг тилига эътибор қилсак, устознинг бу тажрибаси унга қўл келганини сезамиз. Унинг асарларида дехқон дехқонча, зиёли зиёлича гапиради, натижада қаҳрамонларнинг характери айни чоғда уларнинг тили орқали ҳам очилади.

М.Исмоилий тил ҳақида, адабий тилимизга эътибор сусайиб кетгани ҳақида, уни ҳатто ёзувчилар, тилшунос олимлар ўзлари бузаётгани ҳақида куйиниб гапирарди. Фан доктори, номдор бир тилшунос олимнинг «Шарқ юлдузи» журналида босилган мақоласини ўқиб, ғализ жумлаларнинг тагига чизиб қўйганларига кўзим тушганди. «Мана кўрдингизми? – дедилар бўялиб кетган ўша мақолага ишора қилиб. – Тилшунос олимки тил ҳақида шунақа расво тил билан ёзса, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Шунақа «калтакбоп»ларидан анчасини йиғиб қўйдим. Академияда Матёқуб Қўшжонов *(Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтининг*

ўша кезлардаги директори, адабиётшунос олим — Ш.О.) тил ҳақида бир суҳбат ўтказиб беринг деяпти. Шунда ҳаммасини бир бопасаммикин? Ёки яна бошимга ғалва орттириб нима қиламан деб қўяман ўзимча. Бусиз ҳам юқорида мени ёқтиришмайди...»

Афсуски, устознинг сўнгги иддаосида жон бор эди. «Юқори»дан бўлган таъқиб-тазйиқ бир умр давом этади. Ёзувчилар уюшмасининг ўша йиллардаги раиси Комил Яшин бир куни домлани чақириб, «Катта (Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги раҳбари Шароф Рашидов — Ш.О.) билан орангларда нима гап бўлган ўзи?» деб сўрайди. Домла бир вақтлар «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида масъул котиб, Ш.Рашидов бош муҳаррир лавозимида ишлашганда ораларидан қора мушук ўтиб, муносабатлари бузилганини айтади. Шунда Яшин «Сиз каттага учрашиб, бир оғиз узр сўраб қўйинг, ҳеч нарса илтимос қилманг, у ёғини ўзим тўғрилайман» дейди.

М.Исмоилий юқорига чиқмайди, узр ҳам сўрамайди. Чунки у бировга бўйин эгадиган, катталарга қуллуқ қиладиган, виждонига қарши иш қиладиган одам эмас эди. Устоз астойдил ихлос қўйган шоири Чўлпоннинг «Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғилгонсен» деган ўша машҳур мисраларини бир умр ўзига шиор қилиб олган эди. Шу боис бир умр ўз имон-эътиқодига содиқ яшади. Тўғри, ўша ола қараш туфайли ёзувчининг юбилейлари ўтказилмади, кўп томлик танланган асарлари чоп этилмади. Шунга қарамай, домлага келган кўпгина хатларнинг «Ҳурматли Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирзакалон Исмоилий!» деган жумла билан бошланганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳукумат бермаган мукофотни китобхон бериб қўйган эди. Чинакам ёзувчига китобхон эътирофи ва ихлосидан юксак унвон, мукофот бўлмаса керак.

Ҳаётда рўшнолик кўрмаган, кўп қийинчиликларни бошидан кечирган айрим одамлар қаҳри қаттиқ бўлади, аламзадалик ич-этини кемиради. Устоз Мирзакалон Исмоилий ундай одам эмас

эди. Тўғри, ноҳақликни, адолатсизликни кўрсалар жаҳли чиқиб, гоҳо ўзларини тутолмай қолардилар. Ўша узоқ ўтмишда, «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлаб юрганларида бош муҳаррир билан бежиз тўқнашмаган эдилар...

Устознинг астойдил жаҳллари чиққанига ўзим ҳам бир гал гувоҳ бўлганман. Бир куни уйлари-га борсам кайфиятлари ёмон, кўнгилларига қил сиғмайдиган алпозда ўтирибдилар. Бундай ҳолатда шахмат ўйнашни таклиф (гоҳо ўйнаб турардик) қилишга журъат қилолмадим. Секингина, «Тинчликми, домла?» деб сўрадим. Устоз кимга ёрилишни билмай турган эканлар, дардларини тўкиб солди. Маълум бўлишича, домланинг ҳарбий мавзуларда асарлар қоралаб юрадиган, савия-саводи мундайроқ бир қўшнисини янги асар ёзган экан, қўлёзмани бериб, фикр айтишини сўрабди. Асар ғирт хом бўлса-да, домла қўшнисини аяб, фалон-фалон жойларини тузатсангиз яхшироқ бўлармиди, дегандек мулоҳаза билдирибдилар. Шунда ўша қўшнисини сурбетлик билан «Ўша жойларини ўзингиз тузатиб, ёзиб бера қолинг, сизни хурсанд қиламан!» дебди. Домла «Мени ким деб ўйлаяпсан?! Ҳали шу маҳалгача бунақа номаъқул ишни (аслида бундан кўра нордонроқ сўз айтилади) қилмаганман, йўқол кўзимдан!» дея қўшнисини ҳайдаб солибди.

Устоз ана шундай эътиқодли, тўғрисиўз, ҳалол инсон бўлган. Ҳаётдан завқ олиб яшашни ҳам билган. Боғбонлик, футбол, шахмат домланинг «хобби»си эди. Пойтахтнинг Қибрай туманидаги бир парча дала ҳовлисида куймаланиб меҳнат қилишни ёқтирардилар. Домланинг илтимосига кўра бир гал туғилган қишлоғим Ширмонбулоқдан отам етиштирган узум кўчатини келтириб берганимда жуда хурсанд бўлган эдилар. Бўш вақтларида шахмат ўйнашни яхши кўрардилар. Мен ҳам бу ўйинга қизиқардим, аммо домла билан тенгма-тенг беллашолмасдим, тажриба ҳар гал устун келарди. Ижодкорлардан Миад Ҳакимов, Рустам Раҳмон каби эски рақиблари билан дона суришаётганда қўллари

баланд келиб қолса, завқи тошиб, «Вой болангдан айланай!» деб қўярдилар.

Мавриди келганда М.Исмоилийнинг ўзим кутатган яна бир ибратли одатлари ҳақида тўхталмоқчиман. Устоз ҳеч қачон шахсий манфаат йўлида ўзини ўтга-чўққа урмасди, ўзи учун бирон нарсани ундиришга интилмасди.

Маълумки, М.Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», Л.Толстойнинг «Тирилиш» романини дастлаб М.Исмоилий таржима қилган, аммо кейинчалик улар бошқа таржимонларнинг номи остида чоп этилган. Шунингдек, М.Горькийнинг «Ленка ва Архип бобо», «Коновалов» асарларини ҳам илгари М.Исмоилий таржима қилган, уларнинг ҳам «эгаси» чиқиб қолади. Мен бу адолатсизликнинг сабаби ҳақида сўраганимда устоз узоқ ўйланиб, хомуш тортдилар ва шундай дедилар:

— Мени ўша ёқлардан (*қамоқдан дейишмоқчи — Ш.О.*) қайтиб келмайди деб ўйланган.

— Ахир... кеч бўлса ҳам ҳақ жойида қарор топиши керак-ку, домла! — дедим куйиниб. — Менимча, ҳалиям кеч эмас...

— Э-э, қариганимда идорама-идора юриб шикоят қилишга тоби тоқатим йўқ. Қолаверса, бу жоним ёнимга қолган...

Манфаат ҳақида гап кетганда яна бир тафсилот эсимга тушади. Киношунос олим Ҳамидулла Акбаровнинг гувоҳлик беришича, М.Исмоилий таниқли актёр Раҳим Пирмуҳаммедовнинг илтимоси ва даъватига кўра «Девонаи ростгўй» деган киносценарий ёзган, бош роль Раҳим аканинг ўзига мўлжалланган экан. Афсуски, сценарий ёзилиб бўлганда Раҳим ака оламдан ўтади. Шу-шу сценарий адибнинг архивида қолиб кетади. Ваҳоланки ёзувчи айрим мутасаддиларга маъқул бўлган ўша тайёр сценарийни киностудияга олиб бориши, уни ўтказишга уриниб кўриши мумкин эди. Устоз бунга ўзига эп кўрмайди...

Ёзувчилар уюшмасига Ўлмас Умарбеков раис бўлганда М.Исмоилийга «Волга» автомашинасини

бериш ҳақида қарор чиқаради. (Ўша йиллар давлат нархида машина сотиб олиш осон эмасди, узоқ муддат навбатда туриларди.) Ёзувчи бу мурувватга раҳмат айтади-ю, машинани олишдан воз кечади, уни муҳтожроқ ёзувчиларга беринглар, дейди. Ваҳоланки, айримларга ўхшаб машинани қарзга олиб, сўнг қимматига сотиши, қолган мўмайгина фойдани чўнтакка уриши ҳам мумкин эди. Аммо бунга виждони йўл қўймайди.

Мирзакалон Исмоилий болалиги ўтган Булоқбошини, ҳамқишлоқларини ҳамиша соғиниб яшар, ҳар гал қишлоқда бориб келганимда мендан янгиликларни сўраб-суриштирар, ўзи ҳам имкон топганида бориб қадрдонларини йўқлар эди. Булоқбошилиқлар ҳам Мирзакалон Исмоилийдек машҳур ёзувчи билан ҳамюрт эканликларидан астойдил фахрланишарди. Устознинг хотирасини азиз тутиб, маҳаллалардан бирига адибнинг номини қўйишган. Булоқбошида Мирзакалон Исмоилий хотирасига бағишланган жуда кўп, эсда қоладиган тадбирлар бўлиб ўтган. Ёзувчининг 90 йиллиги ҳам шу ерда кенг нишонланган. Тумандаги тарих музейида Мирзакалон Исмоилийга бағишланган махсус бўлим яратилган. Зеро, устоз шундай эъзозга лойиқ инсон эди. Одамларга меҳр кўргизган одамгина шундай меҳр топади.

Раҳматли устоз оқибатли инсон эди. Одамларга, оиласи, бола-чақалари, қариндош-урувлари ва шогирдларига эътиборли, меҳрибон эдилар. Адабиётга эндигина тетапоя қилиб кириб келаётган ёшларнинг ижодини диққат билан кузатиб борар, қўлидан келганча улардан ёрдамни аямас эди. Бўка туманида истиқомат қиладиган ёш ёзувчи Муҳаммадjon Соилов билан ота-бола тутинган. Ҳамюрти, таниқли ёзувчи Рустам Раҳмонга ихлоси баланд бўлган. Айниқса, ўз жияни Тоҳир Малиқдан умиди катта эди. Устознинг жиянига совға қилган бир китобига «Қаламимнинг меросхўри, суюкли жияним Тоҳирга...» деб ёзган дастхатига кўзим тушган. Не бахтки, жиян тоғанинг умидини оқлади.

Халқимизнинг сеvimли ёзувчиси бўлиб етишди. Мустақиллик шарофати билан тоғаси эришолмаган унвонлар, эътирофларга эришди. Мирзакалон Исмоилийнинг юз йиллигини ўтказишда бош-қош бўлди. Устози ва тоғасининг машаққатли ҳаёт йўли, унинг қамоқхонада бошидан кечирган изтироб-аламлари ҳақида «Озод инсон ҳақида қўшиқ» деган ажойиб китоб ҳам ёзди. Ҳақ жойида қарор топди!..

Мирзакалон Исмоилийнинг ижодий режалари кўп эди. Афсуски, ҳаёт йўлида чекилган машаққатлар, азоб-уқубатларнинг асорати вақт ўтгач билинди шекилли, сўнгги йилларда устознинг соғлиги берилиб ижод қилишга имкон бермади. Балки шу сабабдандир, айрим режалари рўёбга чиқмай қолди. Жумладан, «Фарғона тонг отгунча»нинг учинчи китоби, «Қизлар дафтарига»нинг мантиқий давоми бўлмиш «Буниси сизга, йигитлар» китоби ёзилмади. Устоз бир куни менга Хоразм хони Исфандиёрхоннинг фотосуратини кўрсатиб, Хоразм тарихи ҳақида роман ёзмоқчи эканини айтган эдилар. Бу ният ҳам амалга ошмай қолди...

### *Хотима ўрнида*

Илгари қиш фасли ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйи ижодкорлар билан гавжум бўларди. 1986 йилнинг февраль ойида мен ўша ерда эдим. Бир куни, аниқроғи 4 февраль куни тонг саҳарда шаҳардан совуқ хабар келди: «Ёзувчи Мирзакалон Исмоилий вафот этибди». Бу гапни эшитиб бошимдан бир челақ совуқ сув қуйилгандек сесканиб кетдим. Кўзларимга беихтиёр ёш қалқиб чиқди. Мирзакалон Исмоилий менга фақат устозгина эмас, ота қаторидаги яқин одам эди.

Ёзувчилар дарҳол тўпланиб, шаҳарга йўл олдик. Марҳумнинг Дархондаги уйига етиб келдик. Йўлак олдида кўзлари ғуссага ботган мотамсаро одамлар тўпланишган. Дафн маросимига тадорик кўрилаётган эди. Устоз билан сўнгги бор видола-

шиш учун ичкарига кирдим. Мангу уйқуга чўмган устоз кўзлари юмуқ ҳолда бир тутамгина бўлиб ётибдилар. Юзлари тиниқ тортган...

Устознинг ўз яқинлари — қариндош-уруғлар, фарзандлар билан рози-ризалик тилашгандан кейин хаёлидан ўтган гапларни жияни Тоҳир Малик «Озод инсон ҳақида қўшиқ» китобида шундай изҳор қилади: «Ҳаётдан розиманми? Албатта! Чунки ҳар қанча таъқиб қилишмасин, ҳар қанча хорлашга уринишмасин, мен қаддимни букмадим. Мен ҳатто қамоқда ҳам озод эдим... Ҳаёт менга номус инъом этган эди — номусимга содиқ бўлдим, ҳаёт менга идрок инъом эди — идрокимни беҳуда нарсаларга исроф этмадим. Ҳаёт менга беназир гўзал Ватанда туғилмоқ ва яшамоқ бахтини берган эди — Ватанга хиёнат этмадим... Мен ҳаётдан розиман... Ҳаёт мендан рози бўлса бас...»

Устознинг жасади ўз васиятига кўра «Минор» қабристонига — ҳаётдан эрта кетган фарзандлари — қизи Ойзуҳра ва ўғли Фаррухнинг қабри ёнига қўйилди. Марҳумни коммунистлар мазорига кўмиш ва митинг ўтказиш ҳақидаги таклиф-мулоҳазалар Тоҳир Маликнинг маслаҳати билан («Тоғам ўзларини қаматган, хорлаганлар билан ёнма-ён ётишлари керакми?») инобатга олинмади. Назаримда, туғри қилинди...

Дафн маросимидаги бир ҳолат сира кўз олдимдан кетмайди. Майит жойига қўйилиб, устига тупроқ тортилгач, Тоҳир Малик ўзини тутолмай, янги қабрни қучоқлаб, фарёд қилди: «Тоғажон, бизлардан рози бўлинг...».

Секин ёнига бордим, қўлтиғидан тутиб, ўрнидан турғаздим. «Оллоҳ раҳмат қилсин, ҳаммамизга сабр-тоқат берсин» дедим. Бошқа сўз қотолмадим, томоғимга тошдек бир нарсга қадалган эди...

Сўзимнинг аввалида Мирзакалон Исмоилийнинг ҳаётини одамийлик қиссаси деб атаган эдим. Дарҳақиқат, устоз бутун ҳаёти давомида одамларга одамийликдан катта САБОҚ бериб кетди. Устоз-

нинг ҳар бир инсоний фазилати ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Мен шу ўринда КЕЧИРИМЛИ, БАҒРИ КЕНГ инсон бўлганлигини яна бир қарра таъкидлагим келади. Устоз қатағон йиллари ўзини сотганларни кечириб юборган, қамоқдан қайтиб келгач, улар билан дўстона муносабатини давом эттираверган. Зеро, муқаддас динимизда ҳам кечиримли бўлиш лозимлиги бежиз айтилмаган. Демак, айтини чоғда устознинг дўстларга муносабати, ҳаётда дўст танлашда янглишмаслик лозимлиги ҳақидаги САБОҒИ ҳам бағоят қимматлидир.

Турмушнинг жамики оғир синовларидан ўтган, катта ҳаётий тажриба тўплаган адиб САБОҚ беришга маънавий ҳақли эди, чунки унинг ўзи илмига амал қиларди. Шу боис устознинг сўзлари таъсирли-салмоқли бўлган, қалбларда акс садо берган.

Адабиётни, ижодни муқаддас қадрият янглиф эъзозлаб қалам тебратгани устознинг энг катта САБОҒИДИР.

Атоқли адиб, меҳрибон устоз Мирзакалон Исмоилийнинг бой адабий мероси умрбоқийдир. Авлодларнинг вазифаси ана ўша мерос қадрига етиш ва унга муносиб ворис бўлишдир.

## ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД ЭДИ

Болаликда суйиб ўқилган китоблар хотирада тошга ўйилган ёзувдек муҳрланиб қолади. Ўз вақтида ўқилган китоблар эса гоҳо инсоннинг тақдирини, ҳаёт йўлини белгилаши мумкин. Мен болаликда шавқ билан ўқиган, касб танлашимга дахлдор бўлган китоблар (бундай китоблар кўп эмас, болаликда қўлимизга тушиб қолган ёки мактаб кутубхонасида бўлган китобларнигина ўқирдик) саноқли. Ҳали-ҳамон уларни эслаб, ўз вақтида ўқиганимга шукрона қилиб қўяман. «Ўзбек халқ эртаклари», «Робинзон Крузо», «Қутлуғ қон», «Фарғона тонг отгунча», «Ўқитувчи», «Сўна», «Геклберри Финнинг бошидан кечирганлари», «Капитан Грант бо-



лалари», «Қирқ қиз» каби китобларни қандай ўқиганим, олган таассуротларим кечагидек эсимда. Булар орасида яна бир шундай китоб ҳам борки, у ҳақида алоҳида тўхталмай ўтолмайман. Мен суюкли ёзувчимиз, ўзбек адабиётининг устунларидан бўлган Одил Ёқубовнинг (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) «Муқаддас» деган ихчамгина қиссасини назарда тутаётirman. Бу ёзувчи номи билан илк бор танишувим ана ўша асар орқали рўй берганди. Кичкинагина бу китобчанинг қўлимга қандай тушиб қолганини эслолмайман. Аммо ундан қанчалар мутаассир бўлиб, қандай ҳолатга тушганимни унотолмайман. Пахсадевор уйимизнинг сомонлари кўчиб-туртиб чиқиб қолган эски тоқчасида чўнқайиб ўтирганча ғира-ширада китобни ўқиб тугатганимда оқшом чўка бошлаган эди. Китобда тасвирланган воқеалар, қаҳрамонлар тақдири тамомила ақлу ҳушимни олиб, сеҳрлаб қўйган, руҳим юксакликларда, арши аълода парвоз қилиб юрарди. Бошимни аста кўтарганимда ён-атрофимдаги, ер юзидаги ҳаёт жуда ғариб, зерикарли кўриниб кетди кўзимга, энг қимматли нарсасидан ногоҳ айрилиб қолгандек кўнглим бўм-бўш бўлиб қолди. Ўша юксакликдан пастга тушиш алам қилди. Китобдан олинган беқиёс таассуротнинг, нашъу намонинг сира-сира тугамаслигини истардим... Китобдан бу қадар таъсирланиш мен учун бир янгилик эди...

Кейинчалик, адабиётдан андак хабардор бўлгач, «Муқаддас»ни бу қадар кўнглига яқин қилган омиллар, сир-асрорлардан огоҳ бўлдим. Аслида бунда ҳеч қандай сир йўқ эди. Адабиётда узоқ йиллар ҳукм сурган конфликтсизлик назарияси, асарларга мавзунинг муҳимлигига қараб баҳо бериш, бадийликни назар-писанд қилмаслик каби иллатлар сўз санъатини абгор бир аҳволга солиб қўйган эди. Китобхон соф инсоний туйғуларнинг самимий тасвирига муштоқ, ташна эди. Шундай кезде яратилган «Муқаддас» эса чўлда чанқаган йўловчига тугилган булоқ сувидек китобхон кўнглига асар қилган.

Шундан кейин Одил Ёқубов деган ёзувчининг қаерда, қандай китоби чиқса сўраб-суриштириб,

қидириб, топиб, кўзимга суртиб ўқийдиган бўлдим. «Тенгдошлар» деган илк қиссасини ёзувчи фронтдан юборганини, бу асар Асқад Мухтордек катта адибга маъқул бўлгани ва чоп этилганини билдим.

«Муқаддас» қиссаси адабиётимизга катта бир ёзувчи кириб келаётганидан дарак берган. Кейинчалик яратилган «Ларза», «Тилла узук», «Бир фелъетон қиссаси», «Матлуба», «Қанот жуфт бўлади», «Излайман» каби қиссаларни ҳам китобхонлар қизғин, самимий ихлос билан кутиб олди. Ҳали бу даврда ёзувчининг номини жаҳон миқёсида машҳур қилган, юксак доираларда эътироф этилган романлари ёзилмаганди. Қиссалар билан бир қаторда ёзувчи драматургия билан ҳам жиддий шуғуллангани, кўплаб пьесалари театрларда сахналаштирилгани негадир камроқ эсланади. Назаримда, ўша қиссалар, драмалар ёзувчининг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат», «Кўҳна дунё», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Осий банда» каби машҳур романлари соясида қолгандек туюлади. Бу дегани аввалги асарлари бўшроқ эди деган маънони англатмайди, албатта. Вақт аталмиш холис синовдан энг зўр асарларгина ўтади. Ҳар қандай ёзувчининг аввало баркамол асарлари кўпроқ тилга олинади. Адабиётда бу табиий ҳол, албатта. Айтишларича, Лев Толстой бўйи баробар китоб ёзган экан, яъни тўқсон томлик асарлари чоп этилган. Эндиликда унинг санокли асарлари — «Уруш ва тинчлик», «Тирилиш», «Анна Каренина», «Хожимурад» кўпроқ эсланади.

«Кўп ва хўп» ёзиш (Бобурнинг машҳур таърифи) бахти хазрат Навоийга насиб этган. Бундай қиёслаш андак ножоиз туюлса-да, Одил Ёқубов насрда ана ўша мақомга яқинлашиб келган, ёзувчи сифатида китобхонларнинг чинакам меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган бахтли адиб эди.

«Муқаддас» қиссасидан таъсирланиб юрган болалик пайтимда фалакнинг гардиши боис шундай улкан адиб билан яқиндан мулоқотда бўлман, ҳатто унинг қўл остида ишлайман деган фикр етти

ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди, албатта. Ҳаёт ҳар қандай ҳаёлотдан бойроқ бўларкан. Каминага худди шундай омад-бахт насиб этди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари Одил Ёқубов бир неча йил «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири бўлган эди. Мен ўша кезлари давлат ишларидан кўнглим тўлмай, ҳеч қаерда ишламай, уйда хонанишин бўлиб, ўзимча ёзувчизув қилиб юрган пайтим эди. Кунлардан бир кун газета ходими, таниқли журналист дўстим Ёқубжон Хўжамбердиев уйимга келиб, «Сизни Иброҳим ака йўқлапти» (газетанинг бош муҳаррир муовини, таниқли адабиётшунос олим, мунаққид, мутаржим И.Фафуров) деб қолди. Бордим. Иброҳим ака мени ишга таклиф қилди. Рози бўлдим. Одил аканинг суҳбатидан ўтдим. Ўша даврда газета ва журналлар санокли бўлгани боис қалам аҳлининг таҳририятларга ишга кириши осон эмасди. Буни ўз бошимдан кечирганман. Қаерга бош уриб, иш сўраб борган бўлсам, мени ўзларича синаб кўришар, турли топшириқлар беришар, кўпинча саъй-ҳаракатларим натижа бермас, чамаси, ёзган нарсам маъқул бўлмас ёки мен англаб етмаган бошқа сабаблар туфайли яна сарсон бўлиб қолаверар эдим.

Одил ака бутунлай бошқача раҳбар экан. Расмиятчилик, майдакашлик унинг табиатига ёт эди. Биринчи суҳбатдаёқ нималар ёзишимни сўраб-суриштирган бўлди, чоп этилган бир-иккита юпқагина китобларимни варақлаб кўрди, сўнг аризамга имзо чекиб, «Бўлди, ишлайверинг!» деди. Мен оддий бир ходим сифатида, синов муддати билан (аксарият жойларда шундай қилинарди) ишга олинган бўлсам керак деб ўйлагандим. Буйруқ чиққанда билсам, биратўла бўлим мудирини вазифасига қабул қилинган эканман. Хурсанд бўлиб, ишончини оқлаш учун бошим билан ишга шўнғиб кетдим.

Республика маданий, маънавий ҳаётида, адабий муҳитда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг нуфузи жуда баланд эди. Газетанинг адади салкам бир миллионга яқинлашиб қолганди. Қалам

ҳақи ҳам анча баракали эди. Ҳар бир қаламкаш унда ўз асари босилишини орзу қиларди. Газетанинг обрў-эътибори кўп жиҳатдан Бош муҳаррир Одил Ёқубовнинг жонкуярлиги, саъй-ҳаракати самараси эди. Таҳририятда яхши бир ижодий жамоа шакланган эди. Одил ака ҳар бир ходимнинг иқтидори, имконияти, феъл-атворини яхши билар, шунга яраша уларни қадрлар, яхши нарсалар ёзишга даъват этар эди. Биз — Маҳмуд Саъдий, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Нусрат Раҳматов, Маматқул Ҳазратқулов, Ёқубжон Хўҷамбердиев, Ашурали Жўраев, Гулчеҳра Умарова, Нодир Норматов, Мирзо Кенжабек, Камол Матёқубов, Мирзааҳмад Олимов (Оллоҳ раҳмат қилсин), Муҳаббат Туробова каби ҳамкасблар Одил акадан кўп нарсани ўргандик, оталарча ғамхўрлигидан, эътиборидан баҳраманд бўлдик. Биз Одил акани яхши кўрардик, унга ихлосимиз баланд эди, шундай буюк адиб ва ажойиб инсон билан елкадош бўлиб ишлаётганимиздан фахрланардик. Газета аввало халқ ҳаётининг, дарду муаммоларининг чинакам кўзгуси бўлиши лозимлигини англадик. Ҳар гал газетанинг навбатдаги сони режалаштирилаётганда, Одил ака албатта муҳим муаммолар кўтариладиган, газетхон қизиқиб ўқийдиган мақолалар саҳифадан ўрин олиши лозимлигига алоҳида эътибор берарди. Холис танқидга нотўғри муносабат туфайли турли идоралардан эсадиган совуқ шамолларга кўкрагини дадил тутиб ўзи жавоб берар, анча-мунча тазйиқларга бўш келмас эди.

Одил ака пайти келганда ўзини ҳам, ҳамкасб шогирдларини ҳам, адабиётнинг манфаатларини ҳам дадил ҳимоя қила оладиган одам эди. Шунга қодир эди. Ёзувчига оламшумул шухрат келтирган «Улуғбек хазинаси»нинг илк муҳокамасида билдирилган асоссиз эътироз-талабларни дадил рад эта олган, Пиримқул Қодировнинг узоқ йиллар чоп этишга руҳсат этилмаган «Юлдузли тунлар» романини муттасил, ҳамма жойда қатъий туриб ҳимоя қилган эди. Айни чоғда нашриётларда, ёзувчилар

уюшмасида бўладиган янги асарлар муҳокамасида асоссиз андишага бориб ўтирмай, қиёмага етмаган, бўшроқ қўлёзмалар ҳақида бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишга ҳаракат қилар, бошқаларни ҳам шунга ундар эди. (Дарвоқе, раҳматли Шуккур Холмирзаев Одил ака ҳақидаги эсселарида бу ҳақда батафсил ёзган...)

Одил аканинг адабиётни, ижодни юксак, муқаддас эътиқод мақомида бир умр эъзозлаб келгани ҳам ибратлидир. У жаҳон адабиётини, айниқса рус адабиётини яхши билар, муттасил, жуда кўп ўқир эди. Вақтини беҳуда ўтказмасди. Рус тилини мукамал билгани (Университетнинг рус филологиясини битирганди) унга қўл келди, бир неча йил «Литературная газета»нинг муҳбири бўлиб ишлади.

Мен Одил аканинг нутқини турли катта-кичик анжуманларда кўп эшитганман. Ажабо, бир қарашда уни жудаям сўзамол, гапга чечан деб бўлмасди. Шошилмасдан, сўзларни танлаб-саралаб, салмоқлаб, гоҳо вазмин-ҳорғин бир оҳангда гапирарди. Унда маъно, мантиқ ва самимиятдан ташқари қандайдир бир жозиба ҳам бор эди, юракдан гапирарди. Юракдан чиққан гапларгина юракларга етиб боради. Унинг мустақилликдан илгари Москвада халқ депутатлари қурултойида сўзлаган, ўзбек деҳқонининг аянчли аҳволи, унга нотўғри муносабат ва шу билан боғлиқ беҳисоб адолатсизликлар, жиноятлар ҳақидаги ўша машҳур нутқи бутун мамлакатни ларзага солган эди. Бу ҳақида устоз Озод Шарафиддинов ҳайратланиб, фахрланиб «Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари» деган мақола ҳам ёзган. Ёзувчининг ўзи эса «Мен бутун ижодимни тарозининг бир палласига қўйсам, иккинчи палласига шу нутқимни қўйган бўлардим...» дея эътироф этган. Дарҳақиқат, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда фақат ҳақиқатни, халқнинг дардини айтиш адибнинг эътиқодида устувор эди. Одил акага бундай эътиқод билан яшаш осон бўлмаган, албатта, бунинг жабрини кўп ва хўп тортган... Лекин барибир Одил ака одиллигича қолаверган. Исми

жисмига монанд инсон эди. Тантилиги, мардлиги ва бир озгина чапанилиги ҳам бор эди. Дилтортар давраларда гоҳо жўшиб дадил кетса, нордонгина гапларни ҳам шартга айтворар, бошқалар тилида сал одобсизликдай туюлувчи бу эркалик Одил акага ярашгандек туюлар, бусиз у ўзига ўхшамасди. Яқинлари ҳамиша унинг суҳбатига ташна эди.

Устознинг ўзим кузатган ва бошқалар ҳам эътироф этган бир хусусиятини тилга олмай ўтолмайман. Одил ака эҳтиросли одам эди.

Шундай бир воқеа эсимда қолган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинаётган эдим. Ҳал қилувчи суҳбат учун ичкарига чорлашди. Ҳайъатда уюшма раиси Сарвар Азимов ва Одил Ёқубов (менинг газетадаги раҳбарим), Назир Сафаров, Ҳафиз Абдусаматов, Иброҳим Раҳим каби казо-казолар ўтиришибди. Камина ҳақида бирикки киши гапирган бўлди. Масала ҳал бўлай деганда сатирадан фан доктори бўлган олим ўрнидан туриб, шундай қўшимча қилиб қолди:

— Шодмонбекнинг ижодини кузатиб бораман, умуман яхши. Мана, у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаб, «Шум боланинг чойхонаси» саҳифасини анча жонлантириб юборди. Аммо баъзан бўшроқ нарсалар ҳам чиқиб кетяпти. Масалан, яқинда обуна муносабати билан бир ҳазил (Саид Аҳмад ёзганди ўша ҳазилни — Ш.О.) босилди. Эмишки, бир юзу йигирмага кирган бо-бойдан «Отахон, узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?» деб сўрашса, чол «Мен юз йилдан буён «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўламан, «Шум боланинг чойхонаси»га ташриф буюриб, кулиб юраман. Узоқ умр кўришимнинг сири шунда», дебди. Ахир бу газетанинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ-ку?! Демак, чолнинг газетани ўқигани учунгина узоқ умр кўриши ҳақиқатга тўғри келмайди. Айтмоқчиманки...

Кўпчилик зўрға ўзини кулгидан тийиб турарди. Табиатан эҳтиросли бўлган Одил ака эса чидолмай, қўлида ўйнаб турган қаламини жаҳл билан отиб юборади:

– Э, сиз умуман ҳазилни тушунмас экансиз!..

Назаримда, Одил аканинг эҳтирослари соф инсоний туйғуларга пайвастадир. Ҳақиқий адабиётнинг асосида, Тагорнинг таъкидлашича, туйғулар ётади. Чехов ҳам бир ёш адибага «Туйғуларингизни самимий тасвирласангиз кифоя» дея маслаҳат берган экан. Одил аканинг асарларини ўқишли, жозибали қилган нарса ҳам, аввало, ана ўша эҳтирос, туйғуларнинг самимий тасвири эмасмикин деб ўйлаб қоламан. Ёзувчининг номини машҳур қилган ва ҳали-ҳамон суйиб ўқиладиган, (замонавий мавзуда ёзилган асарнинг йиллар синовидан ўтиши ноёб ҳодиса) қип-қизил нақш олмадай гўзал «Муқаддас» қиссасининг жозибаси-сеҳри ҳам ана ўша эҳтирос-туйғуларнинг самимий тасвири эмасмикин?..

Одил Ёқубов ўзбек адабиётига салмоқли ҳисса қўшган, унинг олтин хазинасини бебаҳо, умрбоқий асарлари билан бойитган, бутун туркий дунёда ҳам маълум ва машҳур бўлган буюк ёзувчидир. (Буюклар фақат узоқ ўтмишда бўлмайди). Гоҳо шундай улуғ ёзувчини ўз вақтида қадрига ета олдикми дея ҳасратли ўйга толаман. Шунда машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраевнинг «Менинг кимлигимни эл билса бўлди» (шоир Омон Матчон мисраси) деган ўша ибратли қўшиғи қулоқларим остида янграгандек бўлади...

Ўзбекнинг буюк ёзувчиси Одил Ёқубовнинг ҳеч қачон эскирмайдиган бой адабий мероси халқимизга яна узоқ йиллар хизмат қилади.

### ФАРИШТАЛИ ИНСОН ЭДИ

Ҳар бир инсон учун Ватан остонадан бошланади. Шу маънода Ватан деганда энг аввало ўзим туғилиб ўсган жонажон она қишлоғим — гўзал Ширмонбулоқ кўз олдимга келади. Мен учун оламнинг маркази Ширмонбулоқдир.

Ватан деганда кўз олдимизга ота юртнинг фақат гўзал табиати, дарёю булоқлари, боғ-роғ-

лари, моддий неъматларигина келмайди. Ватанда аввало, шоир айтганидек ер юзининг сарвари, дурри гавҳари бўлмиш олий зот — инсонлар яшайди. Ватаннинг додруғини, шон-шуҳратини оламаро тарқатадиган ҳам ана ўшалардир. Биз шундай таниқли Ватандошларимиз, юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Масалан, туғилган қишлоғим ҳақида гапиришга тўғри келганда, фахругурур ила «Биз машҳур хонанда Муножот Йўлчиева билан ҳамқишлоқмиз» дейман. «Э, шундайми?» дея самимий ҳайратланган ҳамсуҳбатим ҳурмат-ихлосининг бир бўлаги айна чоғда қишлоғимизга ҳам кўчгандай туюлади...

Ширмонбулоқдан ўқимишли, зиёли, таниқли кишилар кўплаб етишиб чиққан.

Инсоннинг ҳаётда ўз олдига қўйган юксак мақсадлари оддий орзу ҳавасдан бошланади. Эсимда, ўқувчилик давримизда пойтахтдан таътил маҳали қишлоққа келган, ўсиқ сочлари елкасига селкиллаб тушган, оппоқ кўйлаклари, билаклардаги ярқираб турган соатлари ихчам, чиройли жуссаларига хўп ярашган ҳамқишлоқ талабаларни кўриб, уларга чин дилдан ҳавас қилардик. Раҳматли тарих ўқтувчимиз Аҳбарали Ҳайдаров дарс пайти бизга «Агар яхши ўқиб, ўқишга кириб олсанг, елкангдан соч қўйиб, таътилда қишлоққа келиб кўчаларда гердайиб юрасан» дея кўнглимизга чуғ ташлаб кўярди. Домламизнинг бу ҳазиломуз ўғит-истаклари ижобат бўлиб, кўпчилигимиз катта илм даргоҳларида ўқиб, олий маълумотли зиёли бўлдик.

Гоҳо қишлоқ кўчаларида бизга нотаниш, ёши каттароқ кишиларни ҳам учратиб қолардик. Маълум бўлишича, улар ҳам пойтахтда ёки бошқа жойларда хизмат қилаётган ҳамқишлоқларимиз экан. Танимаслигимиз табиий, улар қишлоқдан кетишганда биз ёш болакай бўлганмиз. Ана ўша одамлар орасида ўрта бўйли, хушрўйгина, тўлиқ юзли, истараси иссиқ, кўзойнагида янада салобатлироқ кўринадиган, асл зиёлисифат бир киши алоҳида диққатимни жалб қиларди. Кейинчалик бу одам-



нинг ҳамқишлоғимиз, таниқли журналист ва ёзувчи Рустам Раҳмон эканлигини билгач, унга бўлган қизиқишим янада ортди. Сабаби — адабиёт ихлосманди эдим, китобни, айниқса бадий асарларни кўп ўқирдим. Ҳаётимда тирик ёзувчини биринчи марта кўргач, унинг ўзимда сақланаётган ягона китоби — «Бахт билан учрашув» ҳикоялар тўпламини яна бир карра синчиклаб ўқиб чиқдим. Рустам ака ҳар гал қишлоққа келганида, журъат килиб, бирон марта ёнига боролмаганман. Шу қадар уятчан, тортинчоқ эдик-да. Ваҳоланки, кейинроқ билсам, Рустам ака отам ва онам билан мактабда бир синфда ўқишган экан. Оиламизда китобхонликни одат қилган, узун қиш кечалари «Ўткан кунлар»ни сандалда ўтириб бизларга ўқиб берган отам матбуотда, газета-журналларда синфдошининг бирон бир асарини учратса, дарров менга кўрсатиб, «Мана, Рустамжоннинг мақоласи чиқибди, ўқи!» дер эди.

Ниҳоят, тақдир сўқмоқлари бизни учраштирди. Пойтахтга келиб, дорилфунуннинг филология факультетига ўқишга кирдим. Кейинчалик физик олим бўлиб етишган ҳамқишлоғим Эргаш Мусаев билан Рустам аканинг олдига бориб турардик. Ўқишни битиргач, менинг пойтахтда ишлаб қолишимга ҳам Рустам ака сабабчи бўлди.

Мустақиллик шарофати билан газета-журналлар кўплаб чоп этилаётгани боис ҳозир ишлайман, ўзимни кўрсатаман деган журналистга имкониёт катта. Олтмишинчи йилларда аҳвол бутунлай бўлакча эди, санокли таҳририятларга ишга кириш осон эмасди. Рустам ака мени Республика радиосининг олдинроқ ўзи бош муҳаррир бўлган «Ёшлик» радиостанциясига (илгари шундай номланарди) ишга жойлаб қўйди. Ўшанда ўзи янги ташкил этилган, аниқроғи, қайта тикланган «Гулистон» журналида саркотиб (масъул котиб шундай дейиларди) эди.

Тақдир Рустам акани аксарият ҳолларда яхши одамларга йўлиқтирган. Ажойиб инсон, таниқли ёзувчи Иброҳим Раҳим шундай одамлардан эди. Улар бир-бирларини илгаридан яхши билишар,

«Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида ҳам бирга ишлашган эди. Одам танишда янгилишмайдиган Иброҳим ака синашта Рустам акани «Гулистон» журналида (ўзи эндигина Бош муҳаррир этиб тайинланган эди) бирга ишлашга таклиф этганди. Бу журнал ўз даврида халқимизнинг маънавий-марифий ва маданий ҳаётида жуда катта роль ўйнади. Ҳукмрон қизил мафкура тазйиқлари ва қийинчиликларига қарамай, маданий мерос ва миллий қадриятларни, тилимизнинг нуфузини қайта тиклаш борасида таҳририят жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди. Бу саъй-харакатларда Рустам аканинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Иброҳим аканинг ҳикоя қилишича, тажрибали журналист Рустам ака ғайратли, ташаббускор эди, турли янги рукнларни (жумладан, «Муҳокама, Мулоҳаза, Мунозара» рукнини) ўйлаб топар, долзарб, муҳим муаммоларни кўтариб чиқишда фаол эди.

Тарихий меросимизнинг ўлмас обидаси, машҳур «Темур тузуклари»нинг атоқли аллома Алихонтўра Соғуний таржимасида биринчи бор она тилимизда босилиши бевосита Рустам аканинг таклифи ва ташаббуси туфайли амалга ошди. Рустам ака домланинг уйига бориб, сандалда ўтирганча тузукларнинг таржимасини Соғунийнинг тилидан кирилл-ўрис ёзувига ўтириб келар эди.

Ҳозирги авлодга Темур, Бобур каби улўф сиймоларнинг ҳатто номларини тилга олиш душвор бўлган ўша йиллари «Темур тузуклари»нинг босилиши нақадар улкан воқеа бўлганлигини тушунтириш қийин. Ҳукмрон мафкуранинг ўзимиздаги малайлари соҳибқироннинг бу ўлмас мероси нашрини охирига етмай тўхтатиб қўйишади. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов таржимасида чоп этилаётган Расул Гамзатовнинг машҳур «Доғистоним» асари тақдири ҳам худди шундай бўлди. Рустам ака бундай адолатсизликлардан қаттиқ куйинар, аммо дориломон кунлар келишига астойдил ишонар эди. Турли қийинчилик ва қатағонларга қарамай, Рус-

там ака каби фидойи, миллатпарвар инсонларнинг хайрли ишлари тарихда қолди.

Илгари биз «Миллат» деган сўзни жуда ҳадиксираб, қўрқиброқ тилга олардик. Айниқса, «чи» қўшимчаси қўшилганда (гарчи бир вақтлар «миллатпарвар» маъносида қўлланган бўлса-да), бу сўз бамисоли бомбага айланиб қоларди. Рустам акани сира иккиланмай чинакам миллатпарвар одам эди дейиш мумкин.

Маълумки, Андижонда ширмонбулоқликларни турклар дейишади, Рустам ака ўзининг буюк турк қавмига мансублиги билан фахрланар, яхши маънодаги турк бирлиги учун қайғурар, курашар эди.

Сир эмас, «Миллат, Ватан» дея кўкрагига урадиганлар амалий ишга келганда кўпинча пилдирпис бўлиб, ин-инига уриб кетишади. Замона офир, курашиш қийин эди, дейишади. Тўғри, бундай мулоҳазаларда ҳам жон бор. Ҳамма гап ана шунда — офир, мураккаб замонда ўз вақтида, журъат билан айтилган бир оғизгина ҳақ сўз, озгина хайрли иш ҳам миллатнинг кўзини очиб, ўзлигини танишида катта аҳамият касб этиши мумкин. Рустам ака ўз ҳаёти давомида ана шундай жасоратга бир неча бор ботина олган ва бунинг учун яхшигина «калтак» ҳам еган эди.

Маълумки, истиқлолдан илгари кўпгина муаммолар қатори маданий-маърифий ишларнинг ҳам асосий калити-жилови марказдан-Москвадан бошқариларди. Рустам ака ёзган бир киносценарий муҳокама қилинаётганда кимдир «Сценарий умуман олганда дуруст ёзилган, фақат Москвадан тажрибалироқ бир муаллифни асарга шерик қилиш керак» дейди. Табиатан кўнгли очиқ, дилидагини шартта тилига чиқариб қўя қоладиган Рустам ака бу адолатсиз талабга чидай олмайди, «Ахир қачонгача катта оғаларимизни мингаштириб юрамиз? Нима, биз миллат сифатида ўзимиз мустақил бир иш қилолмаймизми? Бу ҳол яна қачонгача давом этади?» дея эътироз билдиради.

«Тилга эҳтиётсиз» бўлгани Рустам акага қимматга тушади. Вилоятнинг «Коммунист» газета-

сида Рустам акани миллатчиликда айблаб фельетон босилади. Талай изтироблар, кўнгилсизликлардан кейин, Иброҳим Раҳим каби устозларнинг аралашуви туфайли фельетон нотўғри деб топилади, уни босиб чиқарган бош муҳаррир ишдан четлаштирилади. Аммо ҳамиша ҳам адолат тантана қилавермаган. Рустам аканинг «Гулистон» журналида босилган «Андижон «А»дан бошланади» деган мақоласи анча шов-шувларга сабаб бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказқўми томонидан кескин танқид қилинади. Муаллифнинг бор-йўқ «айби» — ўз вилоятини севгани, уни ҳамма соҳада биринчи бўлишни истагани эди. Маълум бўлишича, қизил мафкура ҳукмрон бўлган ўша даврда бундай истак мумкин эмас экан. Хайриятки, бу гал жиддийроқ жазо чораси қўлланилмайди.

Назаримда, истиқлол ғояларининг зиёлилар, оддий меҳнаткаш халқ онгу шуурида шаклланишида Рустам ака каби фидойи, миллатпарвар инсонларнинг хизматлари катта бўлган.

Французларнинг «Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўладилар» деган бир гапи бор. Катта шаҳарлар ҳамиша, азалдан маданий-маърифий марказ ҳисобланган ва одамлар парвона янлиғ унга интилганлар. Аммо ҳаётда истиснолар ҳам бўлиб туради. Масалан, Шолоховдек дунёга машҳур ёзувчи ўз қишлоғида яшаб, ижод қилган.

Рустам Раҳмон узоқ йиллар пойтахтда яшаб, турли таҳририятларда ишлагач, ахийри ота юрт соғинчи, Ватан туйғуси ҳамма нарсадан устун келади-ю, Андижонга — туғилган қишлоғи Ширмонбулоққа кўчиб кетади. Республика радиосининг Андижон вилояти бўйича махсус мухбири сифатида иш бошлайди. Радиодан унинг оғир, вазмин, салмоқли ва ширали овози тез-тез эшитилиб туради. Ҳамкасбларнинг самимий эътирофича, Рустам ака радионинг «биринчи номерли мухбири» эди. Бу унинг маҳорати, иқтидорига берилган тўғри, ҳалол баҳо эди. Рустам ака Тошкентга хизмат юзасидан келганида радиодаги собиқ ҳамкасблари, дўстлари

ва шогирдлари билан учрашар, тажрибали журналистнинг нафаси теккан эшиттиришлар мазмунли ва жонли чиқишини яхши билган таҳририят ходимлари унга турли мавзуларда буюртмалар беришар эди. Радиожурналистикада бой тажриба тўлагани Рустам акага мухбирликда қўл келди. Кекса, фажрий журналистлар ва ўша давр маданий-маънавий ҳаётидан яхши хабардор бўлган муштарийларнинг гувоҳлик беришича, Рустам ака бош муҳаррирлик қилган йиллари «Ёшлик» радиостанциясининг эшиттиришлари халқ ўртасида тилга тушиб, оммалашиб кетган. Мухлислар бу эшиттиришни орзиқиб кутишган, ўзлари ҳам таҳририят уюштирган баҳс-мунозараларда фаол қатнашганлар. Бош муҳаррир ўз атрофига кейинчалик таниқли ижодкорлар бўлиб етишган Жонрид Абдуллахонов, Саъдулла Сиёев, Тўлаган Тўхтаев, Диёр Турсунов каби ёшларни тўплаб, яхшигина ижодий жамоа тuzган эди.

Рустам ака қишлоқ ҳаётини яхши билар, бободеҳқоннинг, оддий меҳнаткашнинг дарду қувончлари кўнглига яқин эди. Деҳқончиликнинг сир-синуатини ўзи ҳам бир деҳқончалик билар эди. Табиийки, кўпроқ ўзи яхши билган мавзуда ёзарди. Ёзганлари айнаи чоғда ёзувчининг қалб қўри билан йўғрилгани учун ҳам ўқувчи ёки тингловчини бефарқ қолдирмасди. Раҳматли ҳамкасбларининг ижодини диққат билан кузатиб борарди. Уларнинг ютуқларидан қувонар, камчиликларини очик айттар эди. «Унинг кўкрагини комсомол значоги безаб турарди» мақомида ёзадиган халтурачиларни ёқтирмасди. Эсимда, «Гулистон» журналида раҳматлининг «Ҳамқишлоқларим» деган лавҳа — очерклардан иборат каттагина ҳужжатли асари босилади. Уни ўқиб, ўзим учун кўп нарса уққанман, муаллифнинг маҳоратига тан берганман. Ҳар бир лавҳа — очерк қаҳрамони менга болалиқдан яхши таниш ҳамқишлоқларим эди. Уларнинг ҳаёти энди мен учун бутунлай бўлакча мазмун касб этган, муаллиф оддий одамлар тақдиридаги бир қарашда илғаб олиш қийин бўлган муҳим, ҳаяжонли нуқ-

таларни оддийгина бадий воситалар билан, таъсирчан ифодалай олган эди.

Уруш қатнашчиси раҳматли амаким Юсуф Отабоевдан уйига «Ўғлингиз урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган мазмунда қорахат келганлиги, фарзанд доғида юрак-бағри куйган бобом эл-юртга ош тортиб, марака қилгани, аммо кунлардан бир кун тонг саҳарда амаким ўз оёғи билан юриб уйига кириб келгани, бобомнинг шу лаҳзадаги ҳолати ҳақида ёзилган лавҳа — очерк эса майда тафсилотларигача эсимда қолган.

Ўз қаҳрамонлари билан дўстлашиб, қадрдонлашиб кетиш камдан-кам қаламкашларга насиб этади. Рустам ака самимияти, инсоний фазилатлари билан ана шундай бахтга муяссар бўлганди. Андижондан чиққан машҳур чўлқувар пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов ҳақида кўп ёзди, у билан туғишган ака-укадек яқин эди. Ҳаётда ўз ўрнини тополмай, тирикчиликдан қийналиб юрган одамлар, кўпроқ ёшлар гоҳо ҳадди сиғиб, ёрдам сўраб мурожаат қилишганда Рустам ака уларга қўлидан келганча ёрдам берар, айримларини чўлга — Мамажон аканинг ҳузурига юборар эди.

Журналистиканинг сермашаққат, аммо шарафли касб эканлигини яхши англамаган, бу борада заҳмат чекишни истамаётган ҳозирги ёшларни кўрганимда дарҳол кўз олдимга Рустам ака келади. Раҳматли бир умр ўз касбига содиқ қолди, уни ардоқлаб ўтди. Журналистиканинг қора меҳнатидан, заҳматидан завқланиб, маънавий қониқиш ҳосил қилиб яшади. Шу боис ўз қаламини деҳқоннинг кетмонига қиёслади. Нафақага чиқиб, оғир бетоб бўлиб қолгунча қўлидан ўша «кетмон»ини қўймади. Маълум муддат бир вақтлар ўзи ишлаган, журналистлар ибораси билан айтганда «отахон газета» ҳисобланмиш қадрдон «Ўзбекистон овози»да махсус мухбир ҳам бўлди. Оддий меҳнаткашнинг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатини назар-писанд қилмайдиган маҳаллий амалдорлар, тўралар, порахўрлар билан бир умр келишолмади,

шу ҳақда жон куйдириб ёзди, ёзганлари гоҳо айрим тўсиқларга учраб, чоп этилмай қолганда астойдил ранжиди, дили ҳуфтон бўлди.

Кўпчилик қаламкашлар каби Рустам Раҳмон ҳам ҳаёт қозонида обдон қайнаб пишгач, катта адабиётга журналистика орқали кириб келди. Унинг «Қишлоғимиз болалари», «Уч оғайни паҳлавон» каби ҳикоя, эртақ тўпламлари, «Чангалзордаги шарпа», «Севги қаримас», «Келин», «Меҳр кўзда» номли қиссалари, «Бахт ҳақида баҳс» публицистик асари, «Қутлуғ қадам» романи (Раҳматли шогирди Исмоил Тўлакнинг эътирофича, Чўлпондан кейин роман ёзган андижонлик иккинчи адиб!..) чоп этилган.

Олтмишинчи йилларда «Коммунизмнинг мухташам қасрини бунёд этиш» учун кураш, «ураура»чилик авж олган, адабиётда чўлқуварлар ҳаётдан юзаки асарлар ёзиш авж олганда, Рустам ака инсоннинг интим ҳаёти, бахти ҳақида «Севги қаримас» деган яхшигина, ихчам бир қисса ёзди. Бу асарни китобхонлар, айниқса ёшлар суйиб, қўлмақўл қилиб ўқишгани эсимда. Ёзувчининг сеvimли устози, таниқли адиб Мирзакалон Исмоилий шу қисса баҳонасида шогирдига шундай оқ йўл тиланганди:

«Севги қаримас» қиссаси Рустамжоннинг биринчи катта иши. У ўзининг қайноқ ёшлигида, теvaraгида кўрган, кўнглида ўйлаган — интилган нарсаларини ҳассос санъаткор қалами билан жўшқин тасвирлайди. Қисса композициясининг жозибадорлиги, характерларнинг ўткирлиги, тилининг шинамлиги билан китобхонни мафтун этади. Не бахтки, Рустамжон ўз ижоди билан умид туғдирди. Китобхонлар энди ундан замона, замондошлар ҳақида янги қиссалар, романлар кутади».

Шогирд устоз ишончини оқлаш учун баҳоли қудрат ҳаракат қилди. Айни чоғда Рустам ака ҳеч қачон ўзини катта ёзувчиман деб даъво қилмас, ўзини санъаткорман, тирик классикман дегувчи айрим ҳамкасбларининг фожеасини теран англари, ҳар бир ижодкор аввало ўз даражасини, ўрнини билиши керак деб ҳисоблар эди.

Ҳа, раҳматли табиатан камтар-камсуқум инсон эди. У устозининг юқоридаги «Оқ йўл»ида ишлатилган «ҳассос», «жўшқин» деган сўзларга ҳам эътироз билдиради. Шунда Мирзакалон ака «Майли, бу менинг орзуим. Шунга интиласиз деб атайин ёздим» — дейди.

Рустам ака ҳеч қачон амалга, бойликка, дабдабали ҳаётга ружу қўймаган. Ўз яқинларини ҳам шу руҳда тарбиялаган. Бунга шахсан ўзим кўп марта гувоҳ бўлганман.

Қизиқ, айрим одамлар қариндош-уруғи, болачақасини иложи борича каттароқ, ёғлироқ, нуфузлироқ ишга жойлаштириш пайида бўлади. Рустам ака эса пойтахтда, катта идорада, жуда нуфузли вазифада ишлайдиган ўғли Қаҳрамоннинг бошқа, пастроқ, оддийроқ, тинчроқ бир ишга ўтиб хизмат қилишини талаб қилар, ҳатто таниш-билишларидан бу борада ўғлига ёрдам беришни илтимос қилар эди. Ахийри ақлли, билимдон ўғилота ўғитига амал қилади... Бу ҳам устознинг менга жуда кучли таъсир қилган бир ибратидир.

Элик, олтмиш ёшга кирган айрим ижодкорлар «Ўзинг учун ўл етим» дея ўзини ўтга-чўққа уриб, юбилей тантаналарини ўтказишга, семиз-семиз китоблар чиқаришга интиладилар. Рустам ака бундай нарсаларга қизиқмади. Ижодкор дўстлари, шогирдларининг «Ҳеч бўлмаса битта китобингизни чиқарайлик, қўлёзмани кўчиртириб беринг» деган гапларига ҳам раъй қилмади. «Биз кўрадиганимизни кўриб бўлдик, энди замона ёшларники, шуларнинг асарини чиқариш керак!» дер эди.

Ёшларга бағрикенглик, ҳомийлик, меҳру муруват Рустам акага Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий каби устозлардан мерос эди. Айниқса, катта истеъдодларни қўллашни ўз бурчи деб билар, уларга қўлидан келганча амалий ёрдам берар, истеъдодларни куртаклигиданоқ илғай олар эди.

«Олтмишинчи йилларнинг пасту баланд даражалари, талаблари, ўша вақтнинг мафкурасига хос бўлган қийинчиликлари кўпчиликка аён. Шундай



бир шароитда бағрида йилт этган нур ёхуд жасорат, янги гап бўлган асарларни ўтказишнинг ўзи бўлмасди, — дея эслайди Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. — Уни тушуна билган, қалбдан ўша асарларни қўлаб-қувватлайдиганлар ҳам уни юзага чиқаришга келганда қўли калталиқ қиларди. Ёхуд жасорати етишмай қоларди. Биз буни яхши англадик. Бироқ Рустам Раҳмон адабиётда, журналистикада ўша илғор, халқпарвар асарларни қалбдан ҳис қилиб, қўлаб-қувватларди. Ўша асарлар учун курашиб, тортишиб, уларни юзага чиқаришда катта жонбозлик кўрсатар эди. Мен ҳеч унутмайман, Ўзбекистонга бағишланган шеърларим, «Юзма-юз» деган дostonим биринчи мартаба мана шу «Ёшлик» радиостанцияси орқали эшиттирилган. Рустам Раҳмон шундай мард одам эди». (*«Холис» газетаси 1997 йил, 5 декабрь.*)

Андижонлик таниқли адабиётшунос олим ва шоир Исмоил Тўлакнинг (раҳматли) илк шеърларини Рустам ака «Мана, ўзимиздан ҳам Абдулла Ориповдек зўр шоир чиқаяпти!» — дея суюниб, таҳририятларга тавсия этганди. Раҳматли кези келганда фақат маънавий ёрдам билан чекланмас, ўз яқинларидан ёнидаги сўнгги тийинини ҳам аямас эди. У Андижон шаҳри марказидаги каттагина, данғиллама ҳовлисини ўша севимли шогирди Исмоил Тўлакка шундоққина текинга ҳады қилиб юборади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай хотамтойлик худди афсонага ўхшайди. Ҳа, шундай танги, саховатли одамлар ҳам бўлган экан-да! Қорин билан фикрлайдиган, тор, майда манфаатларнинг қули бўлиб қолган одамлардан Рустам ака каби инсонларнинг фарқи шундаки, булар охират учун яшаганлар! Умрини беҳуда сарфламаганлар! Бу эса биз учун катта сабоқдир.

Одамзоднинг ҳақиқий дўсти одатда кўп бўлмайди. Бу табиий. Айниқса ёш бир жойга борганда дўстлар ҳам сараланиб, танланиб қолади. Рустам ака дўстларига, устозу шогирдларига садоқатли,

меҳрибон эди. Уларнинг даврасида яйраб-яшнаб ўтирар, суҳбати, гурунги дилтортар, ўзи ҳам яхши улфат эди. Феъл-атворида, характерида ўзбекнинг, ўзбекчиликнинг, миллий урф-одатларимизнинг энг яхши жиҳатлари жамулжам эди. У Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Раҳим, Абдукарим Абдуазимов, Азиз Абдураззоқ, Сайёр, Тўлан Қўзибоев, Исмоил Тўлаков каби ижодкорлар билан руҳан яқин эди, уларни кўнглига яқин оларди. Шулар орасида бир вақтлар Республикада донг таратган, «Қармоқ» сатирик эшиттиришини ташкил этган таниқли журналист Абдукарим ака билан умрининг охиригача давом этган дўстлиги ҳавас қилгуликдир.

Қадрдон дўсти бевақт вафот этганида Рустам ака роса куйинган, унга атаб Ширмонбулоқда марака ўтказган эди.

Айни чоғда яқин дўстлар, шогирдлар ҳам Рустам аканинг одамохунлигини, инсоний фазилатларини қадрлашар, худди оҳанрабога интилгандек унга талпинар эди. Севимли, садоқатли шогирдларидан бири, «Табассум» радиожурналининг ташкилотчиси бўлган Тўлан Қўзибоев (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) устозига атаб шундай фахрия битганди:

*Яхшиларга жон эди  
Бизнинг Рустам акаemiz.  
Меҳри бир жаҳон эди,  
Бизнинг Рустам акаemiz.  
Камтарлигу оддийлик —  
Одамийлик бобига  
Рустами гостон эди  
Бизнинг Рустам акаemiz.*

Рустам Раҳмон ҳаётининг сўнги йилларида офир хасталаниб, Андижон шифохонасида узоқ даволанади. Ўша ерда дўхтир бўлиб ишлайдиган синглим Қундузхондан телефон орқали устознинг соғлигини сўраб, борганда кириб йўқлар эканман, Рустам аканинг жавдираб тикилган мунгли кўзлариларида, сўниқ чехрасида зоҳир бўлган адоқсиз дарду ҳасрат, армон мени сергаклантирар, кўнглимга ғулу солар эди. Назаримда, раҳмат-

ли бизга нимадир демоқчи, нималарнидир ва-сият қилмоқчи эди. Ана ўша айтилмай қолган сўзлар унга ҳам, бизга ҳам чексиз армон бўлиб қолди. Фариштали, имон-эътиқодли инсон Рустам Раҳмоннинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди. Устоз хотирасини абадийлаштириш, асарларини чоп этишга бурчлимиз. Андижонлик маърифатпарвар раҳбарлардан Абдухалилхожи Чақалов билан режиссёр Толибхожи Каримов устоз ҳақида ҳужжатли фильм яратишди. Аммо бу ҳали хайрли ишнинг дебочаси, холос.

### ИСМЛАРНИНГ ЗАЛВОРЛИ ЮКИ

Ушбу хотираларни қоғозга туширишдан олдин Неъмат Аминовнинг (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) «Икки пуллик обрў», «Қаҳқаҳа», «Ёлғончи фаришталар» деган машҳур китобларини яна бир карра қайта ўқиб чиқдим. Худди биринчи марта ўқигандек (икки марта ўқишга ярамайдиган китоблар бир марта ўқишга ҳам арзимаydi!..) завқландим. Кўз олдимда ёзувчининг фақат ўзига хос ўткир қаламидан яралган қуйма образлар галереяси саф тортди. Бир-бирига ўхшамаган турфа қаҳрамонларнинг ўзига хос тилда жаранглаган ажабтовур гап-сўзлари қулоғим остида акс садо бериб турди...

Биз Неъмат акани ҳали ўзини кўрмасдан сўзини ўқиган, сўзини ўқиб ўзини тасаввур қилишга уриндик. Айниқса унинг бетакрор ҳажвий ҳикоялари ҳали китоб бўлиб чиқмасданоқ тилга тушган, давраларда худди латифа янелиф офиздан-офизга кўчиб юрарди. Эсимда, бир куни (ўтган асрнинг етмишинчи йиллари) ёзувчи Эркин Аъзамнинг уйида Мурод Муҳаммад Дўст, Нодир Норматов, камина — тўртовлон тонг отгунча гурунглашиб, Неъмат аканинг ҳажвияларини алоҳида бир завқ-шавқ билан бир-биримизга ҳикоя қилган, кўзлардан ёш чиққунча мириқиб кулишган эдик. Бу ҳажвиялар

биз шу маҳалгача ўқиган асарларга мутлақо ўхшамасди. Адабиётга ўзига хос овози-услуги билан даядил кириб келаётган бу истеъдодли ёзувчининг кулгиси маъноли, характер кулгиси эди. Ана шу ноёб фазилати билан у устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам назарига тушган эди. Ўша йиллари бундай эътироф ҳар қандай қаламкаш учун катта шараф эди.

Неъмат ака айрим қаламкашлар каби институтни битириши биланоқ пойтахтга интилмади. Бетакрор ижоди, ўткир, мағзи бутун ҳажвиялари билан танилгач, пойтахтнинг ўзи унга талабгор бўлади. Иззат-икром билан нуфузли «Муштум» журнаliga ишга таклиф этилади.

Пойтахтда ёзувчининг истеъдоди ҳар жиҳатдан, тўла-тўқис намоён бўлади. Бир жиҳати хизмат тақозоси туфайли бўлса керак, устоз ҳажвиялардан ташқари жуда кўплаб фельетонлар, мақолалар ёзди. Ҳажвчининг нони қаттиқ бўлишига тобора амин бўла борган ёзувчи танқидни, ҳажвни нотўғри талқин қилувчиларнинг турли тазйиқларига, асоссиз даъволарига сабр-тоқат билан чидайди. Бир муддат бадий таржима билан ҳам жиддий шуғулланади. Мольернинг «Сохта оқсуяк», Б.Нушичининг «Министрнинг жаноб олиялари», Дерфашнинг «Тирқиш», Гориннинг «Сен ким-у, мен ким?», Михалковнинг «Думалоқ хат» каби комедиялари ва Чехов, Зошченко, Аверченко, Марти Ларни, Азиз Несин каби кулги дарғаларининг асарларини катта маҳорат билан ўзбекчалаштиради. Борис Приваловнинг «Улибки Майсари» китобининг таржимаси эса ўз даврида анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлган эди. Гап шундаки, бу асарни Неъмат ака оқсоқол ёзувчилар — Иброҳим Раҳим ва Ҳамид Фуломларнинг илтимос-буюртмасига кўра таржима қилган эди. Нашриёт муҳаррири эса таржимага асоссиз салбий баҳо бериб, матни қизил қаламда бўяб ташлайди. Устознинг кўзига дунё қоронғу кўриниб, аввалданоқ кўнгли чопмаган бу ишга қўл урганидан пушаймон қилади. Бу орада нашриёт машҳур таржимашунос олим Ғайбулло Саломовдан ушбу

таржимага холис баҳо беришни илтимос қилади. Устоз эринмай 42 бетлик ички тақризиди таржимани юқори баҳолайди. Ўша тақриз шундай якунланган эди: «Хурматли Борис Привалов афандим, мабодо Насриддин Афанди ҳақида янги асар ёзмоқчи бўлсалар, Неъмат Аминовнинг ушбу таржимасини тил биладиган яхшироқ бир таржимон топиб русчага ўтурсалар, Насриддин Афанди ҳақида ажойиб, ҳақиқатга мос келадиган бир асар яратган бўлурдилар...»

Таржима асарнинг аслиятдан кўра юқори савияда бўлиши (аслида, кўпинча бунинг тескариси бўлади) амалиётда камдан-кам учрайдиган, ноёб воқеадир.

Неъмат Аминов ижодида ҳажвийёт устувор йўналиш касб этади, устоз бир умр ушбу жанрга садоқат билан, астойдил хизмат қилади. Адабиётимизни ўлмас, умрбоқий асарлари билан бойитади. Турли йилларда ёзувчининг «Икки пуллик обрў», «Қирқ учинчи почча», «Лабиховуз хандалари», «Жигари тўкилди», «Тилла табассумлар», «Чинорлар қўшиғи» каби китоблари чоп этилади.

Неъмат аканинг ҳажвиялари шавқ билан ўқилгани учунми, бир қарашда осонгина, бир нафасда ёзилганга ўхшайди. Аммо дўппини мундоқ олиб қўйиб ўйлаб кўрилса, бу фазилат юксак маҳорат маҳсули эканлиги маълум бўлади. Ёзувчи китобхонни кулдириш учунгина қалам тебратмайди. Ҳажвияларга туртки бўлган воқеа-ҳодисалар аввало ниҳоятда ҳаётийлиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Улар шуниси билан таъсирчан, китобхон кўнглига яқин. Ёзувчи худди моҳир рассом каби бир-икки характерли чизиқлар, ранглар воситасида қаҳрамон қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантириб қўяди. Салбий типларни тасвирлашда нуқул қора бўёқларни чаплаб ташламайди. Ҳар қандай ёмон одамнинг ҳам аввало инсон, айтиб чоғда хом сут эмган банди эканлигини эътибордан соқит қилмайди. Меъёрни унутмайди. Бир сўз билан айтганда нимани ёзишни ва қандай ёзишни яхши билади. Бу эса чинакам санъаткорликдир.

«Лабиховуз хандалари» китобида «Туғилган куним қани?» деган ажойиб бир ҳажвия бор. Ҳажвия шундай бошланади:

«Ойиси Хуршидни боғчадан вақтли оларкан, тарбиячисига «Бутун болагинамнинг туғилган кунин!», деди. Кундузги уйқудан вақтли уйғотилган Хуршид «туғилган кун»нинг нима эканлигига ақли етмаса-да, қувнаб ирғишлай бошлади:

Туғийган куним, туғийган куним! — дея қичқирганча олдинга тушди.»

Афсуски, болакайнинг қувончи узоққа чўзилмайди. Оқшом хонадонга меҳмонлар йиғилганда тантананинг асосий «айбдори» бир четда қолиб, ҳамма саъй-ҳаракат, ҳамма эътибор «ўзи ёш бўлишига қарамай республикада хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонга сазовор бўлган Саврижон Салимов»га қаратилади, унга ҳамду санолар ўқилади. Болакай билан эса ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Шу боис унинг мурғак қалби изтироб чекади, «Туғийган куним тани?» дея ғингшиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила бошлайди. Бу эса катталарга ёқмайди. Улар ўзларига халақит бераётган болани судрагандек қилиб бошқа хонага олиб чиқадилар. Бечора болакай «қўғирчоқларига қиё ҳам боқмай, узоқ ўтиради. Зерикади, юраги тўлиқиб, кўзларига ўз-ўзидан ёш келади. Хўрсинади. Унсиз йиғлайди... Қўшни хонада ҳамон унинг туғилган кунини нишонланар, меҳмонларнинг бири отасини мақтаса, иккинчиси онасини мақтарди». Ёзувчи шу тарзда боланинг нигоҳи билан бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки хил олам — катталар ва болалар дунёсидаги фарқни контраст усулида тасвирлайди, худди шу фарқ туфайли келиб чиқадиган, бир қарашда кулгили туюладиган воқеа заминидagi кичик фожиани ҳам катта маҳорат билан кўрсата олади.

«Тўтихон» ҳикоясида ҳам кулгу заминидagi фожеа анча бўртиб кўринади. Адабиётда фожеа билан кулгунинг омухта бўлиб кетишини тасвирлай олиш эса камдан-кам сўз санъаткорига насиб этган.

Неъмат Аминовнинг адабий мероси ҳақида гапирганда шубҳасиз, биринчи галда унинг «Ёлғончи

фаришталар» ҳажвий романи тилга олинади. Бу бежиз эмас. Устоз Озод Шарафиддинов бу асарни «Қаҳқаҳа» китобига ёзган сўзбошисида роман эмас, қисса деб атади. Майли, бу борада баҳслашиш, мавриди эмас. Асарнинг қайси жанрда эмас, қандай ёзилгани муҳимдир. Қисса дейилгани билан асарнинг қиммати пасайиб қолмайди, албатта. Модомики муаллифнинг ўзи асарнинг сўнгги нашрида уни роман деб атаган экан, бунга у ҳақлироқ, албатта.

Адабиётшуносларнинг эътирофича, адабий жанрлар ичида энг қийини — драматургия. Менимча, энг қийини — ҳажвий роман ёзиш! Бунинг исботи — «Ёлғончи фаришталар»! Бу ноёб асар ҳозиргача адабиётимизда яратилган ягона ҳажвий роман сифатида ҳам диққатга сазовордир.

Асарнинг биринчи қисми «Елвизак» номи билан нашр этилгандаёқ тилга тушиб, машҳур бўлиб кетган эди. Иккинчи қисми «Суварак» деб аталди. Ҳар икки қисмининг бош қаҳрамони елвизакфеъл суваракмижоз Баширжон Зайнишевдир.

Сир эмас, эндиликда Баширжон Зайнишев дейилганда китобни ўқиган ва ундан завқланган мухлислар лабида беихтиёр табассум пайдо бўлади. Маълумки, ёзувчилик санъатининг энг муҳим, масъулиятли жиҳати характер яратишдир. Баширжон Зайнишев эса шунчаки тўлақонли, мукамал яратилган характер эмас, замона зайли билан юзага чиққан ўзига хос типдир.

Ўтган асрнинг ўрталарида одамларни раҳбарлик ишига тайинлашда ғалати тамойиллар бўларди. Шулардан бири — «номенклатура» деб аталар, бунинг жайдари маъноси — раҳбар одам гўё онасининг қорнидан бир умр раҳбар бўлиб туғилар, бир ишдан олинса, худди томдан ташланган мушук барибир оёғи билан ерга тушгандек, албатта яна бошқа ишга раҳбар бўлиб оларди. Баширжон Зайнишев ҳам турли лавозимларда ишлайди, район маданият бўлимида, маҳаллий саноат корхонасида, суғурта идорасида раҳбар бўлади. У қаерда ишламасин, ҳамма жойда ишни расво қилади, ҳаминча биринчи галда ўз манфаатини ўйлайди, порахўрлик, та-

магирлик қилади, маишатга берилади. Қилмишлари очилиб, энди шарманда бўлай деганда, ҳар гал сунган тоғи Шамси Тўраевич жонига оро киради. Асарда бу одамнинг қандай вазифада ишлаши аниқ айтилмайди. Унга Зайнишевга ўхшаб қулдек хизмат қиладиган, нима деса хўп дея қуллик қилиб турадиган муте ижрочилар жуда-жуда керак эди.

Шубҳасиз, Баширжон Зайнишев Неъмат Аминов яратган энг ёрқин, мукамал характер. «Бир жиҳатдан у елвизакка ўхшаб кетарди, — деб ёзди муаллиф ўз қаҳрамони ҳақида. — Елвизак — терлаган, димиққан баданларга хуш ёқса-да, аслида у жуда кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Баширжон ҳам ўта соддалиги, кўринишда беғараз, беозорлиги билан кўпларга ёқарди. У бир ташкилотга бошлиқ бўлиб келган заҳоти маълум бир ишлар қилиш мақсадида югуриб-еларди. Лекин ҳаял ўтмай, у яна ўз шахсий манфаатлари, кичик, арзимас ташвишлари билан алаҳсиб кетарди».

«Ёлгончи фаришталар»нинг муҳим фазилатларидан яна бири — қаҳрамонлар нутқининг ўзига хослиги. Ҳар бир қаҳрамон фақат ўзига хос тилда, ўзига хос йўсинда сўзлайди, шу аснода унинг характери ёрқинроқ очилиб боради.

«Мен «атеистман»! ...Лекин, худога шукур, муулмонман...» дейди Баширжон Зайнишев кўкрагига уриб. Суғурта идорасида раҳбарига қандай қилиб давлат мулкани ўмариш юзасидан «қимматли» маслаҳатлар берган хотинмижоз, хезалакнусха Қиёмхоннинг асл башараси ҳам ўзининг нутқи орқали фош қилинади. Айрим жиҳатлари билан Садриддин Айний яратган машҳур Қори ишқамбани эслатувчи Вафо атторнинг нутқи янада характерли. Умуман айтганда, ёзувчи тилимизнинг бебаҳо, бетакрор бойлиги бўлмиш шевалардан унумли фойдаланган, уларни қаҳрамонлар нутқи орқали дадиллик билан адабий тилга олиб кирган. Бухоро воҳасининг ўзига хос колорити, нафасини ёзувчи асарларининг ҳар бир сатрида сезиш, ҳис қилиш мумкин. Бу эса жуда муҳим фазилатдир.



Неъмат аканинг асарларида диққатни жалб қиладиган муҳим жиҳатлардан яна бири — қаҳрамонларнинг исму шарифи. Ҳа, қаҳрамонларга исм танлай билиш ҳам алоҳида маҳоратни талаб қилади. Ёзувчи томонидан топиб қўйилган исмлар шу қадар узукка кўз қўйгандек жойига тушганки, гўё исмларнинг ўзиёқ, қаҳрамонларнинг ким эканлигини кўрсатиб, таърифлаб тургандек туюлади. Ҳа, биз Баширжон Зайнишев деганда бежиз кулиб қўймаймиз. Ёки, Қирмизхон, Қиёмхонларнинг номи ҳам алоҳида бир «юк» ташиётганга ўхшайди. Буни қарангки, ҳатто Қирмизхоннинг дугонаси ҳам... Ношпўттихон! Топилмадан завқланиб, беихтиёр «Э қойил-е!» деб юборасиз.

Бугунги кун — эртага тарих. Яхши асар ўз даврининг бадиий солномаси. Ҳозирги ёшлар «Ёлғончи фаришталар»ни ўқиб, яқин ўтмиш — ўтган асрнинг 60—70-йилларидаги ижтимоий ҳаёт, иқтисод ва сиёсат, урф-одатлар, турфа хил одамларнинг туриш-турмуши ҳақида ҳам анча ёрқин тасаввур ҳосил қилишлари мумкин. Назаримда, бу асар шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир.

Энди устознинг асарлари ҳақидаги гапни муҳтасар қилиб, (бу ҳақда мутахассислар ёзишган) бевосита инсоний фазилатлари, ҳаётда қандай одам бўлганликларини эсламоқчиман. Одатда, хотираларда ўтганлар ҳақида фақат яхши гаплар айтилади. Бу бизнинг менталитетимизга хос, яхши хусусият. Шу боис гоҳо ўтганларнинг йўқ фазилатини ҳам бор қилиб кўрсатамиз, шу билан бурчимизни ўтаган бўламиз.

Неъмат ака ёлғон мақтовга муҳтож эмас эди. У ҳақда ҳар қанча яхши гап айтсак виждон қийналмайди. Чунки у ростдан ҳам боладай содда, беғубор, имон-эътиқодли инсон эди. Шу фазилатлари билан мухлислару шогирдларга суюкли эди. Шу боис кўпчилик Неъмат акани яхши кўрарди. У шундай инсоний бахтга муносиб ва лойиқ эди. У чинакам Халқ Ёзувчиси (шундай унвон бежиз берилмаган!) эди!..

Одамнинг маънавияти, ички дунёси юзида акс этади дейишади. Ҳақ гап. Неъмат аканинг хушрӯй чехрасидан ҳамиша нур ёғилиб турарди. Шу ўринда «Яхшиликни аввало чехраси очиқ кишилардан изланг» деган ҳадиси шариф эсга тушади. Устознинг одамларни ўзига жалб қиладиган қандайдир бир оҳанрабои бор эди. Неъмат ака табиатан қувноқ, ҳазилкаш ва ҳозиржавоб одам эди. Ҳикоя қилишга, латифа айтишга уста эди. Шу боис у қатнашган даврада албатта теша тегмаган ҳангомалар, бетакрор ҳазил-мутойибалар бўларди. Ҳар бир воқеа-ҳодисани устоз ўзига хос тарзда, кўпинча ҳазиломуз оҳангда шарҳлар, кейинчалик бу ҳазил-мутойибалар офиздан-офизга кўчиб юрарди. Камина бундай теша тегмаган ҳазилларнинг айримларини «Дўрмон ҳангомалари» китобимга ҳам киритганман. Мана, шулардан бир шингил.

«Бухоролик шоир Темур Норов содда, самимий одам эди. Қорачадан келган, алқомат Темур акага дўслари ҳадди сиғиб ҳазил қилишар, уни америкалик машҳур қоратанли қўшиқчига ўхшатишиб «Пол Робсон!» деб қўйишарди. Ахийри бу тегажқликлардан безор бўлган шоир бир куни устоз Неъмат Аминовга ҳасрат қилади.

— Хўш, нима бўляпти ўзи, укажон? — деб сўрайди Неъмат ака ғамхўрлик билан.

— Э-э, кўрмайсизми бу хумпарларни! Нуқул «Сен Пол Робсонсан!» деб ҳол-жонимга қўйишмаяпти.

— Э-э, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Асло парво қилманг, укажон. Сиз Пол Робсон эмас, Полний Робсонсиз!»

Бундай самимий, беғубор ҳангомалар Неъмат аканинг бисотида кўп эди. Давраларда шунақа ҳангомаларни айтиб, ҳаммани кулдиргач, қаҳқаҳанинг ортидан секингина «Буни ўзим ёзаман!» деб қўярдилар. Дарвоқе, шундай ҳангомаларнинг бир қисмини ёзувчи «Шунда мен...» деган туркум остида чоп эттирганди.

Неъмат ака илмига амал қиладиган одам эди. Сир эмас, ҳаётда сўзи бошқа-ю иши бошқа бўлган

кимсалар ҳам оз эмас. Афсуски, бундайлар айрим устозлар орасида ҳам учраб туради. Неъмат ака бу масалада ҳеч кимни аяб ўтирмасди: «Фалончи «устоз» — имонсиз!» дея фикрини дангал айтарди.

Айтишларича, Неъмат ака «Муштум»да ишлаб юрганида унга чоп этилиш арафасида турган фельетонни чиқармаслик эвазига катта пора таклиф қилишади. Табиий, устоз кескин рад жавобини беради. У бир умр нопокликдан, ҳаром-харишдан жирканиб яшаган.

Неъмат ака маърифатли инсон эди, кўп ўқирди. Китобхонликка, мутолаа маданиятига алоҳида эътибор берарди. Эсимда, турли мажлис — анжуманларда ёнма-ён бўлиб қолсак, нутқ сўзловчиларга ўзича баҳо бериб ўтирарди: «Ҳа, тушунарли, бу одам китоб ўқиркан, сўзидан маълум. Мана буниси аравани қуруқ олиб қочяпти, умрида қўлига китоб ушламаган...». Балки ана шу фазилати инобатга олиниб, Неъмат ака юртбошимиз ташаббуси билан республикамизда маънавият маркази ташкил этилганда ушбу нуфузли ташкилотнинг биринчи раҳбари этиб тайинланади. Кўплаб хайрли, савоб ишларга бош-қош бўлади. У ҳеч қачон амал, сохта обрў, манфаат юзасидан ўзини ўтга-чўққа урмайди. Ҳалол, камтарона яшаб ўтади. Қўлидан келганча одамларга яхшилик қилади. Адабиётга ўзидан кейин кириб келаётган ёшларнинг бошини силайди. Кўнгли очиқ, самимий одам бўлгани учун ёшлар ҳам сира тортинмай, қимтинмай устозга дадил мурожаат қилишарди. Калондимовлик, такаббурлик устознинг табиатига ёт эди.

Бир куни Тоғай Муроддек (раҳматли, Ўзбекистон халқ ёзувчиси) ўта мағрур, ўта инжиқ ва жангари йигит уйланаётганда ҳадди сиғиб, Неъмат акадан куёв сарпо олишда ёрдам беришини илтимос қилади. Устоз дарҳол «Муштум»даги ишини йиғиштириб, эринмай Тоғай билан бирга шаҳарга чиқиб, дўконма-дўкон юриб куёв сарпо қидиришади...

Ёзувчилар уюшмасига ўтаётганимда кимдан тавсиянома олсам экан дея ийманиб-тортиниб юрга-

нимда Неъмат ака учраб қолиб, мушкулимни осон қилгани сира эсимдан чиқмайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Илгари адабиётимизда устоз-шогирдлик анъанаси анча кучли, устувор эди. Ўта мураккаб, қийин замонада яшаган Ойбек, Фафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор каби устозларга узоқ умр кўриш насиб этмади. Улар пайғамбар ёшига етар-етмас бу фоний дунёни тарк этдилар. Хўш, уларнинг ўрнига қолган кейинги авлод устозлар анъанасини давом эттира олдиларми? Уларга муносиб бўла олдиларми?.. Бу оғриқли саволга янги авлод ҳали-ҳамон жавоб излайди... Мен ҳам шу ҳақда кўп ўйлайман. Шундай лаҳзаларда яна беихтиёр Неъмат акани эслайман. Назаримда, мабодо Неъмат ака ҳаёт бўлганида ихлос қўйиб этагига намоз ўқиса бўладиган, санокли оқсоқолларимиздан бири бўлиб, давраларга файз киритиб ўтирган бўлар эди.

Биркам дунёнинг адоқсиз ташвишлари ижодкорнинг етмиш икки томирида акс этади. Неъмат аканинг шахсий ҳаёти осонгина, силлиқ кечмаган... Ҳамма нарсани қалбига-юрагига яқин олиб юргани ахийри ўз таъсирини кўрсатади. Неъмат ака инфаркт бўлиб ётганида, энг садоқатли, суюкли шогирди Ашурали Жўраев билан касалхонага йўқлаб борганимиз ҳамон эсимда. Биз ўзимизча устознинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилсақда, қандайдир бир маҳкумлик туйғусидан кўнглимиз гаш эди. Айни чоғда устознинг соғайиб кетишидан умидвор эдик. Афсуски, ўша учрашувимиз охириги экан. Энсизгина каравотда бир тутамгина бўлиб ётган устознинг ярим юмуқ, нурсизланаётган мунгли кўзлари бизга муҳим бир нарсани уқтирмақчи, ниманидир васият қилмақчи бўлаётганга ўхшарди. Ҳаётининг сўнгги йилларида астойдил тақвога берилган устоз балки «Оллоҳ инсонни азизу мукарам қилиб яратган, ана шу номга муносиб бўлиб яшанглар!» демоқчи бўлгандир...

## АДАБИЁТ ҚИСМАТ БЎЛСА...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев (аллоҳ раҳматига олган бўлсин) насрда кўп ва хўп, баракали ижод қилган эди.

Адиб «Сайланма»ларининг дастлабки уч жилдига ҳикоялари, тўртинчи жилдида «Эсселар» жамланган.

Мундоқ олиб қараганда, эссе кўпроқ ғарбда урф бўлган ва биз учун андак янгиликдай туюладиган жанр, унинг ҳамма бирдек амал қиладиган қонунқоидаси ҳам йўқдай. Дарвоқе, буни Шукур аканинг ўзи ҳам эътироф этган. Тўртинчи жилд шундай жумла билан якунланади: «Назаримда, эссе жанри имкониятларини унча-мунча суиистеъмол қилганга ўхшайман. На чора? Домлам эссе ҳақида мента сабоқ бермаган эди...»

Шаклдан кўра мазмун аҳамиятлироқ эканини назарда тутсак, китобхон учун ўша эсселарнинг мазмун-моҳияти муҳимроқ, албатта. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, Шукур Холмирзаев эсселарини хотира сифатида ёзилган мемуар адабиётининг ажойиб намуналари дейиш мумкин. Эътироф этиш жоизки, ёзувчи ҳикоячиликда қандай мактаб яратган бўлса, эссе жанрида ҳам ўзига хос бир йўналишни бошлаб берди.

Китобга адибнинг барча «Сайланма»ларини жонкуярлик билан тўплаб, нашрга тайёрлаган Сайёра Холмирзаева (ёзувчининг қизи) мухтасар «Кириш сўзи» ёзган. Маълум бўлишича, бу китобга ёзувчининг кўпгина эсселари «тўпламнинг ҳажмини ҳисобга олиб» киритилмаган экан. Шундай бўлса-да, мазкур китоб истеъдодли адиб ижодининг янги қирраси ҳақида анча ёрқин тасаввур беради.

Шукур ака мақолаларидан бирида «Адабиётда бўлсин, ҳаётда бўлсин умрим йўлида из қолдирган шахслар ҳақида бир-бир эссе ёзиб қолдиришни илгаритдан ўйлаб юрардим» деб ёзган эди.

«Умр йўлида» тақдир ёзувчини Шукур Бурҳонов, Ботир Зокиров, Мутал Бурҳонов, Абдулла Қаҳҳор, Иброҳим Раҳим, Матёқуб Қўшжонов, Одил Ёқубов,

Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов каби замонасининг таниқли, машҳур кишилари билан бақамти қилди. Ёзувчи эсселарда ана ўша шахслар ҳақида мароқ билан, эҳтирос билан, яйраб-суйиб ёзади. Айни чоғда барча эсселарда ёзувчининг «Мен»и — шахси ҳам мана мен» деб бўй кўрсатиб туради. Тилга олинган ҳар бир воқеа-ҳодисада адибнинг синчков нигоҳи яққол сезилади. Шу асно ёзувчи ўзининг мукамал таржимаи ҳолини ҳам яратадики, адабиётимиз тарихида ҳали бунақаси бўлмаган.

Маълумки, Ш.Холмирзаев ижодининг илк давридан бошлаб воқеа-ҳодисаларни четдан туриб, холис кўрсатиш усулига майл билдирган ва шу эътиқодига бир умр содиқ қолган адиб эди. Эсселар ҳам асосан ана шу йўсинда ёзилган. Ёзувчи ўз қаҳрамонлари характеридаги етакчи хусусиятларни уста мусаввир янглиф бир-иккита характерли чизиқлар билан китобхон кўз ўнгида жонли гавдалантира олади.

«Тақдир башорати» эссесида буюк актёр Шукур Бурҳоновнинг оддий ҳаваскорликдан машҳур санъаткор даражасига етишгунча босиб ўтган ҳаёт йўли қаламга олинган. Ўзбек театри тарихи, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов каби санъатимиз дарғалари ҳақида ҳам маълум тушунчатаставвур берилади.

Шукур Холмирзаев камдан-кам қалам аҳлига насиб этадиган бахтли-омадли ёзувчи эди. Талабалик йилларидаёқ китоблари чоп этилиб, ёзувчи сифатида танилган ва тан олинган. Университетнинг тўртинчи курсида ўқиб юрганида Абдулла Қаҳҳордай «тирик классик»дан «Тўлқинлар» қиссасини маъқуллаб ёзган хатини олади. Ёш ёзувчи бундан ҳовлиқиб, ўзини йўқотиб қўймайди. Ўшанда кўнглидан кечган ўй-мулоҳазаларни рўйи-рост изҳор қилади: «Кўп дўстларим хатни кўриб, ҳаяжонга тушишди. Айрим домларим мени табриклашди. Лекин мен қандайдир ҳайронлик ичида юрдим: «Ўзлари шу ерда — Тошкентда яшасалар,

нега хат ёзадилар?» деб ўйлардим баъзан... «Жавоб ёзсаммикин?» дердим-да, беихтиёр кулимсирардим... қасам ичиб айтаман, Абдулла Қаҳҳордан бундай мактуб олишдан унчалик фахрланмадим ҳам».

Ёшлиқда — ғўрликда ҳамма нарса бўлиши мумкин-да. Юзаки қараганда Шукур ака сурхондарёча айтганда «бодилик»-олифталик қилаётганга ўхшайди. Хулосага шошмайлик. Ахир ёзувчи тўғриси айтяпти, ўшанда кўнглидан шундай ўйлар кечган бўлиши мумкин. Демак, самимий. Балки унинг ўрнида бошқа ёзувчи бўлганда, орадан кўп йиллар ўтгач, бунақа «ношукурчиликни» тилга олиб ўтирмасди. Шукур ака бундай қилолмайди, ўзининг холис тасвир услубига содиқ — ўзини ўзи «фош этади». Дарвоқе, ўша эссенинг давомида яна шуларни ўқиймиз:

«...Э, чархи кажрафтор, билмаган эканман. Абдулла Қаҳҳордай адиблар истисно тариқасида ўтар экан! Оддий бир қаламкашнинг машқий бир қиссасини эринмай ўқиб чиқиб, тагин ўтириб олиб унга хат ёзиш!.. Ҳозир эса туриб-туриб ўйлайман: «Мана, ёшинг ҳам ўтяпти. Қандай ёзувчи бўлдинг — бу иккинчи масала. Бироқ сендан кейин адабиётга кириб келаётган ёшларнинг асарларини эринмай ўқияпсанми? Қайси бирига эринмай, ўз фикрмулоҳазаларингни очик хат қилиб ёздинг?» дейман ўзимга. Мақтанолмайман. Бироқ адабиётга, ёш авлодга жонкуярлик туйғусининг ҳис этилишига, ўзи, Абдулла Қаҳҳор сабаб бўлганига иқрорман, холос».

Йиллар ўтгач, ўша хат баҳонасида ёзувчи шундай муҳим хулосага келади, чунки адабиётга, унинг келажаги билан боғлиқ масалага ёзувчи ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Ушбу иқрорномада ёзувчининг фақат Абдулла Қаҳҳорга эмас, умуман адабиётга муносабати ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Адабиёт эса, унинг учун, ўзи очик эътироф этганидай, мўъжиза эди.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов каминанинг «Дўрмон ҳангомалари» китобига ёзган сўзбошисида «Бизда адабий муҳитнинг тарихи маҳсус ёзилмайди» дея таъкидлаган.

Шукур Холмирзаев адабий муҳитнинг, адабий жараённинг қайноқ, жўшқин бир даврига гувоҳ бўлган адиб эди. Унинг эсселари аввало бадиий тафаккур ва адабий, маданий-маърифий муҳитнинг бетакрор бадиий солномаси сифатида ҳам аҳамиятли ва қадрлидир.

«Одил акани ўйласам» эссеси шу жиҳатдан диққатга сазовор. Шукур ака унда адабиётимиздаги айрим асарларнинг ёзилиш тарихинигина эмас, чоп этилиш тарихини ҳам ўзига хос йўсинда ифодалайди. Ҳа, айрим асарларнинг чоп этилиш тарихи ҳам бағоят қизиқарли ва ибратли бўлиши мумкин экан.

Эсседа машҳур адибимиз Одил Ёқубовнинг адабиётимиз олтин хазинасидан муносиб ўрин олган ва кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган «Улуғбек хазинаси» романи ёзувчилар уюшмасида қандай муҳокамадан ўтгани ҳақида ҳикоя қилинади. Йўқ, шунчаки ҳикоя қилинмайди.

«Партком секретарининг гапидан кейин «шундай хулоса пайдо бўлдики, роман қайта ёзилиши керак экан. Ҳаммада бир ҳайрат ва Одил Ёқубовга нисбатан бир ачиниш пайдо бўлди...» деб ёзади муаллиф. Шундан кейин баҳс-мунозараларнинг янада қизигани, Одил аканинг фақат ўзига хос бўлган нутқ тарзи, гапириш оҳанги, ҳатто дикциясини (масалан, «язувчи» дейиши...) худди санъаткорларнинг овозига ўхшатиб тақлид қиладиган пародиячи-артист янглиф (Дарвоқе, Шукур аканинг «артист»лиги алоҳида мавзу!..) шу қадар маҳорат билан тасвирлайдики, китобхон беихтиёр завқланиб кетади.

Хуллас, О.Ёқубовнинг эҳтирос билан, жўшиб-тошиб гапиргани айтиларкан, ёзувчи бу тафсилотдан шундай муҳим хулоса чиқаради: «Одил ака аксар ёзувчилардан, ҳа-ҳа, деярли барчасидан фарқли ўлароқ ўз романини ўзи... ҳимоя қила олган адиб эдики, буни ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитдим, алқисса бу адибга бўлган меҳрим яна-да ошиб кетди».

Эссе ниҳоясида муаллиф юқоридаги фикрини давом эттириб, ундан-да муҳим тўхтамга келади:



«Шунда Одил аканинг иккинчи бир фазилатини кашф этдим: бу улкан адиб ўз асарларининг эмас, адабиётимизнинг ҳам ҳимоясига тайёр юрар экан. У нафақат адабиётни...

Шу тобда Одил аканинг — бу сирли-сеҳрли шахснинг Масковдаги баланд минораларда («минбарларга» *гейлмоқчи, шекилли — Ш.О.*) туриб, аждаҳо коми қаршисида пахта ва Орол муаммоси ҳақидаги нутқлари қулоғимга эшитила бошлади...»

Ш.Холмирзаев О.Ёқубов ҳақида яна бошқа бир эссе ҳам (бу тўпламга кирмаган) битган эди. Шу тариқа ёзувчи элу юртнинг тилига, дилига тушган атоқли сиймоларни ҳақли равишда улуғлайди.

«Ай, Шухрат акам-а...» эссесига Абдулла Қаҳҳорнинг энг садоқатли шогирди, ўзи ҳам бир умр одамларга беминнат яхшилик қилиб келган, устози каби ёш ижодкорларнинг бошини силаган, уларга амалий ёрдам берган, тақдирнинг аёвсиз синовларига дуч келган ва ҳаётлигида замона зайли билан қадр топмаган ажойиб инсон, шоир ва ёзувчи Шухрат ҳақида ҳикоя қилинади.

Усмон Азим Германияда ҳарбий хизмат қилиб юрганида Шухрат ака унинг шеърларига оқ йўл тилаб, матбуотда чиқаради. Уни шоир сифатида «кашф этиб»гина қолмай, келажақда катта шоир бўлиб етишишини башорат қилади.

Эсседа Шухрат аканинг инсоний фазилатлари ҳаётий мисоллар билан, таъсирчан ифодаланади.

Шукур ака элик ёшини Дўрмондаги ижодхонасида хонанишин бўлиб, беш-олти нафар яқин дўстлари даврасида камтарона нишонлайди. Расмий доиралардан ҳеч қандай акс садо бўлмайди. Шунда Шухрат ака ўғли Бобур билан уни йўқлаб, қидириб келади. Елкасига чопон ёпиб, қутлуғ сана билан табриклайди.

Бир даврада ёшларга панд-насихат қилишга маънавий ҳаққи бўлган устоз шундай дейди:

«Мен сизларни яхши кўраман. Сизлар — менинг келажагим... Адабиётимизнинг келажагисизлар... Сизлар зўр. Биздан зўр... Биз, биз... бир-биримизни

ейишгача бордик. Қўрқоқлик туфайли. Юрак олдириб қўйгандик. Жон ширин экан... Бизнинг ичимиздан сотқинлар кўп чиқди. Сотқинлик ёмон... Сизлар биздай бўлманглар, ўхшаманглар бизга».

Афсуски, тарихни, ҳатто яқин ўтмишни яхши билмайдиган ҳозирги айрим ёшлар бу аламли сўзларнинг маъно-моҳиятини яхши англамаслиги мумкин. Қатағон даврида жон ширинлик қилиб, бир-бирини сотганлар орасида, таассуфки, айрим ёзувчилар ҳам бўлганлигини улар эшитишмаган, бу ҳақда ўқишмаган. Раҳматли ёзувчининг катта дард билан айтган юқоридаги гаплари авлодларга яхши сабоқдир.

Ш.Холмирзаев «Қадимий Бақтрия тупроғида», «Тоғларга қор тушди» (буларда публицистик оҳанг кучлироқ), «Бир оқшом суҳбати ёки Рўзи Чориев» каби эсселарида Сурхон воҳаси ва унинг одамлари ҳақида алоҳида бир эҳтиром ва жўшқин эҳтирос билан ёзади. Гарчи ёзувчи бутун онгли ҳаётини пойтахтда яшаб ўтказса-да, асарларига асосий мавзунини ўз юртидан олади, бир умр юртига талпиниб-топиниб яшайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, машҳур рассом Рўзи Чориев ҳақидаги эссе муқаддимасида ёзувчининг мухтасар сўз воситасида чизган қаҳрамон портрети жонли, аслига монанд. Рўзи ака билан ҳаётда кўп мулоқотда бўлган одам буни ўқиса, беихтиёр завқланиб, «Ҳа-ҳа, худди ўзи-я!» дейиши табиий.

«Рўзи соқоли кўксига тушган, сочи гарданига етган ҳолда, бақририб-чақририб, баъзан пала-партиш, баъзан чуқур хаёлчанлик билан, гоҳи бирдан пўртанадек ғалаён қилиб гапириши, ҳатто кўзига ёш олиб қолишини тасаввур этишнинг ўзиёқ мени илҳомлантиради. Уни суйганимдан, унинг хатти-ҳаракатларидан завқланганимдан, унинг филдек меҳнаткашлигига тан берганимдан, у билан фахрланганимдан шавқим кепкетаверади».

Ушбу муқаддимадан кейин ёзувчи ўзининг холис тасвир услубига биноан Рўзи Чориевнинг ўзига

«сўз бериб» қўяди. Энди завқланиш гали китобхонга келади. Болалиги етимхоналарда, сарсонсаргордонликда ўтган, Россияда ўрисча ўқиб таълим олган рассомнинг она тилини андак оёғини осмондан қилиб гапириши, гоҳо ўрисчани аралаштириб юбориши китобхонни гашлантирмайди. Ҳаммаси табиий-самимий. Китобхон учун соддадиллик билан айтилган бу гапларнинг маъно-моҳияти муҳим. Бу гаплар рассомнинг китоблардан ўқиб-ўқиб олган хулосалари эмас, балки ўз ҳаёти, ижоди давомида шахсан ўзи ишонч ҳосил қилган ўз ҳақиқатлари эди:

«Э! Бу дунёда ижод қилиш керак! Надо творить! Вақт ўтади!»

«Биласанми мен нега одам бўлдим! Чунки мен ҳаётда добрий одамларни кўп учратдим. Улардан ўргандим».

«Ёмонлардан ҳам ўргандим... Ёмон бўлмасликни ўргандим!».

«О! Ўзимизнинг мақомлар! Ўламан! Эшитсам ўлиб қоламан... Қара! Музика – ҳам миллий, ҳам интернационал! Одам ҳам шундай бўлиши керак! Одам ҳам!..Э, одам зўр! Это великое чудо!»

Шукур ака адабиётга ўзи билан бир даврда кириб келган тенгдошлари ҳақида ўзгача бир илҳом, бетакрор бир завқ-шавқ, юракларни ўртагувчи бир соғинч ҳисси билан, ўртаниб-эврилиб ёзади. Бу жиҳатдан «Йўллар айро тушди», аммо...» эссеси характерли. Эссени ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Уни ўқир экансиз, кўнгилни жунбушга келтиргувчи бир лирик, маҳзун оҳанг узоқ-узоқлардан акс садо бериб тургандек туюлади...

Шукур Холмирзаев халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов билан юртдош, университетда бирга ўқишган, талабаликнинг завқу сурури, ташвишу қувончларини ўртада тенг баҳам кўришган.

Эсседа муаллифнинг Абдулла ака билан ўзлари яхши кўрадиган Пушкин боғидаги мажнунтоллар эгилиб турган сўрида бўлиб ўтган бир тарихий суҳбат тафсилоти келтирилади. Йўқ, бу сирли, фаройиб мулоқотни шунчаки икки талабанинг оддий бир гурунги деб бўлмасди...

«Ҳаёт қизиқ экан-да, ҳурматли ўқувчи! — деб ёзади муаллиф, — Мажнунтолар соясида ўтиришнинг ҳам кимса ҳаётида фасли бўларкан. Айниқса, ўн саккиз-йигирма беш ёшларингда, ҳаётнинг шафқатсизликлари туйғуларингни дағаллаштирамаган, ҳисларингда ёш бўлган пайтларда. Хусусан, изтиробли чоғларингда ундай ерда ўтириш роҳат: зероки, азобланган, сўлғин ҳисларинг билан мажнунтолнинг мунис, ғарибона эгилган толалари орасида бир уйғунлик, балки ўхшашлик бўлади.

Ҳа-ҳа, биз икковлон ҳам ота-она қучоғидан чиққач, ўзимизга яраша қийинчиликлар тортган эсак-да, мусофирчиликка хос турткиланишларга-да дуч келган ва офир ўйларни елкадан ошириб ташлаган, бундан ташқари — адабиёт деган сирли дунёнинг турли кўчаларига кириб-чиқаётган йигитлар эсак-да, барибир... Мажнунтолар соясига ишқибоз эдик».

Келажақда машҳур ижодкорлар бўлиб етишган бу икки ёшнинг нозик кўнгли ўшанда шундай шоирона, романтик кайфиятга мойил эди. Ёшлиқда одам кўнгили тубида чўкиб ётган, ҳаттоки ўзидан ҳам қизғанадиган энг эзгу орзу-умидларини охир-оқибат барибир ким биландир баҳам кўргиси келади.

Гап шундаки, Шукур Холмирзаевнинг айрим насрий асарлари матбуотда чоп этилган бўлса-да, гоҳо шеърлар ҳам машқ қилиб тургани учун Абдулла ака уни шоир деб ҳисоблар, «сизнинг йўлингиз — шоирлик» дер эди. Ўзи эса... шеър ёзишини кўпчиликдан пинҳон тутар, матбуотга ҳам шеър бермас эди. Мажнунтол соясидаги ўша суҳбат эса ниҳоят бу нозик масалага аниқлик киритади. Абдулла ака шеър тўла 12 варақли дафтарини ахийри журъат қилиб курсдошига беради, ўқиб бўлгунича бир зум ўзини четга олиб туради. Ана шундан кейин муаллиф ўзбекнинг буюк шоирини (буюклар фақат ўтмишда бўлмади!) илк бор ўзи учун қандай кашф этганини бағоят самимий бир ҳаяжон ила, юраги хапприқиб-хапприқиб тасвирлайди:

«Бисмиллоҳ» деб бошладим. Ўқиб чиқдим бир шеърни. Карахтман. Уни қайта ўқимоқчи бўлдим-у,

навбатдагисига ўтдим. Ундан кейин учинчисига. Кейин тўртинчисига. Кейин...Ўқиб қўйдим. Карахтман. Дафтарнинг яна илкинчи бетини очдим. Таниш-азиз бир нимарсамни кўргандек энди ҳиж-жалаб ўқий бошладим:

*Куз...*

*Қуёшнинг эринчоқ ёғдуларига*

*Совуқ ялтирайди барги хазонлар...»*

Муаллиф ўз ҳайратини, шеър сеҳру жодусидан қандай таъсирланганини соддадиллик билан изоҳлашга уринади. Албатта, унинг шеърни қандай ҳис этгани, қандай анлагани танқидчи, адабиётшуноснинг илмий таҳлилига мутлақо ўхшамайди:

«Вой! «Қуёшнинг эринчоқ ёғдулари...» Ҳа, куз қуёшининг нури «эринчоқ» бўлади. Бу сўзни одамга нисбатан эмас, қуёшга-нурга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин экан-ку?.. Худди кўнглимдагини айтгандай... «Совуқ ялтирайди барги хазонлар». «Совуқ ялтирар экан, демак, япроқларда қиров бор. Совуқ ялтирайди! Шунақа дейиш ҳам мумкин экан-а?...»

Оқибат шу бўлдики, муаллиф шеър «завқу шукуҳидан маст-аласт бўлиб», кўзларидан «милт-милт ёш оқизиб» ўтирганда «Абдуллажон ҳалпилаб келиб қолди». «Ёқдимиз?» деб сўрайди шоир юрак ютиб. Шунда Шукур ака «Зўр! Қойил!» дея ҳовлиқиб, баландпарвоз гаплар билан дўстига ҳамду сано ўқимади. Соддагина қилиб: «Сиз – шоир...» дейди.

Кейинроқ Абдулла Ориповнинг илк машқлари «Гулхан» журналда бош муҳаррир Эркин Жабборов, бўлим мудирини Носир Фозилов ҳомийлигида эълон қилингани айтилади.

Улуғ шоиримизнинг адабиёт аталмиш қутлуғ, муқаддас даргоҳга қандай кириб келгани шундай гўзал, самимий ва шоирона тасвирланади.

Ёзувчи хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган бу тарихий воқеани китобхоннинг ҳам маънавий мулкига айлантиради.

«Сайланма»га киритилган «Бинафша ҳидланг, амаки!» эссесининг ҳажми кичикроқ бир қиссага

тенг. Дарвоқе, эссенинг ўзи ҳам худди яхши қиссадек шавқ билан ўқилади. Гарчи бу эссе «Ўлмас Умарбеков ҳақида» дейилса-да, унда муаллиф ўзи эътироф этганидек, 60-йилларда адабиётимизга кириб келган бир гуруҳ истеъдодлар — Ўлмас Умарбеков (ижодкорларнинг жўрабошиси), Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов каби адиблар, таржимон Низом Комилов ва Турғун Азизов, Ботир Зокиров сингари артистлар ҳақида ҳам адибнинг батафсил хотиралари берилади. Ёзувчи ўша даврдаги адабий муҳитни яхши билганлиги, ўша адабий жараён ва унда фаолият кўрсатган тенгдошларининг ҳаёти ва ижоди кўнглига яқин бўлганлиги бу хотираларга ўзгача, бетакрор ва кўтаринки бир руҳ бағишлаган. Ёзувчи тенгдошлари даврасида ўз кўрган-кечирган воқеа-тафсилотларни суйиб, мароқ билан ҳикоя қилади. Ижодкорларнинг ўзаро учрашувлари, улфатчиликлари, тонготар гурунглари гоҳо меъеридан ортиқ даражада, майда икир-чикирларигача, батафсил тасвирланади. Беихтиёр бу воқеаларни эслаб қолган ёзувчининг хотирасига қойил ҳам қоласан. Шунда ёзувчи эссе-хотирада фақат бўлиб ўтган воқеаларнигина эмас, балки бўлиши мумкин бўлган нарсаларни ҳам ёзишга ҳақли бўлса керак деган фикр хаёлдан ўтади...

Эсседа номлари зикр этилган ижодкорлар адабиёт аталмиш муқаддас даргоҳга кетма-кет кириб келаётган ҳаммаслақлар эди. Айни чоғда ўнта бўлса ўрни бошқа дегандек, уларнинг асарлари ҳам, ўзлари ҳам бир-бирига ўхшамасди. Муаллиф ҳамқалам дўстларини турли ҳаётий синовларда, хуш-нохуш кунларда синчковлик билан кузатади, уларни ўзи учун қайтадан кашф этади, шу аснода ўзини ҳам англаб бораётгандай бўлади.

Ҳаётда ҳар жиҳатдан омадли бўлган Ўлмас Умарбековнинг нурли сиймоси шарқона одоб билан европа маданиятини омухта қилган, чинакам зиёли, истеъдодли ёзувчи, дўстларига эътиборли ва меҳрибон инсон сифатида ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади. У жўрабоши сифатида ҳаммиша ижод-

корларнинг бошини қовуштириб юради, гоҳо ўзаро аразлашиб қолганларни яраштиради, шу тариқа керакли мувозанатни сақлаб юради. Дўстларининг ютуқларидан астойдил суюнади, уларни муттасил ижодга рағбатлантириб туради, кимнингдир бошига иш тушса, биринчи бўлиб ёрдамга ошиқади. Хуллас, ҳар жиҳатдан рисоладагидек одам.

Эссе адабиётнинг, ёзувчи меҳнатининг ўша давр маънавий ҳаётида қандай нуфузга эга бўлганлиги ҳақида анча ёрқин тасаввур беради. Ажабо, ўша даврда ёзувчи биргина ҳикояси (Учқун Назаровнинг «Одамлар» ҳикояси) ёки биргина жажжи қиссаси (Ўлмас Умарбековнинг «Севгим, севгим», Шукур аканинг «Тўлқинлар» қиссаси) биланоқ тилга тушиб, танилиб, ҳатто машҳур бўлиб кетиши ҳам мумкин экан! Биринчи китобнинг чоп этилиши муаллиф ва унинг дўстлари, яқинлари учун чинакам зўр воқеа, катта байрам бўлган экан! (Ҳозир пул бўлса чангалда шўрва — ўқувчи мактабни битирмасданоқ бир нечта китоб чиқариб қўймоқда. Асарнинг қиммати, бадиийлиги учун муаллиф жавобгар эмас!..) Қалам аҳли бир-бирига меҳрибон, эътиборли бўлган экан, қўлидан келганча бир-бирига ёрдам берган экан!..

Ш.Холмирзаев эсседа замондошларини шунчаки улуғлаб, инсоний фазилатларини идеаллаштирмайди. Уларнинг ҳам жонли, хом сут эмган банда эканлигини унутмайди. Гоҳо қовун тушириб қўйишларини, худди ёш боладек аразлашиб қолишларини ҳам яшириб ўтирмайди. Бу билан китобхоннинг ўша ёзувчилардан ихлоси қайтиб қолмайди. Китобхон ҳамиша ёзувчининг шахсига қизиқади, уни жонли инсон сифатида кўргиси келади.

«Бинафша ҳидланг, амаки!» эссесида серқирра санъаткор, рассомлик ва ёзувчиликдан ҳам анча-мунча хабари бўлган, ўзбек эстрадасининг асосчиси Ботир Зокировга бағишланган саҳифалар ҳам талайгина. Шукур ака Ботир Зокиров билан яқиндан мулоқотда бўлган, улар қўшни, бир давранинг одамлари эдилар.

Маълумки, Б.Зокиров дунё тан олган машхур санъаткор эди. Биринчи совет космонавти Юрий Гагариндан «Энг яхши кўрган қўшиқчингиз ким?» деб сўрашганда у иккиланмай «Ботир Зокиров!» деб жавоб берган экан.

Мен ҳам Ботир Зокиров қўшиқларини яхши кўрсамда, нима учун ёқтиришимни тузукроқ тушунтириб беролмасдим. Шукур аканинг эссесидан бу жумбоқнинг сирини англагандек бўлдим.

«Энди наздимда, муҳим бир нуқтани қайд этишим лозим: Ботир Зокировнинг барча (соҳаларда) интилишлари орасида... Куйлашга — қўшиқ айтишга бўлган эҳтиёж ҳамма интилишларини босиб кетар, балки барча қобилиятлари ана шу қўшиқ айтиш (танлаш, тайёрлаш, қалбдан ўтказиш ва куйлаш) салоҳиятига хизмат қилар, ана ўша соҳалардан қандайдир қоникмаганлиги-да қўшиқларида ўз ифодасини топар, топганда ҳам айна ўзига — Ботир Зокировга хос тарзда — юксак пардаларда, соф шарқона титрамаларда, қалбларнинг туб-тубига кириб борадиган «ингичка» оҳангларда ўз ифодасини топар эди, зеро унинг қўшиқлари бутун вужуди, куч-қуввати, онги-дунёси қандайдир жамланган-йиғланган қалби тубидан чиқар эди.

Вей, унинг қўшиқлари!

Ҳамон ўша-ўша эътибор этсангиз — уларда манзараларни ҳам кўрасиз (расмдагидек), тарихий-муסיқавий-ботиний иддизларингизни ҳам ҳис этасиз, сўз... сўзнинг айтилиш тарзи, қўшиқдаги тўлғоқли фикрнинг баёни (ҳикоядагидек содда-тушунарли) онг-қалбингизга шундоққина етади-қўяди».

Узун иқтибос учун узр сўраган ҳолда таъкидламоқчиманки, қўшиқ ҳақида, адибнинг ўз ибораси билан айтганда, «шундоқ ёзса ҳам бўларканда!..» Тўғри, қўшиқни тушунтириб бўлмайди, уни тинглаш, ҳис қилиш керак дейишади. Аммо Шукур ака уни «тушунтира» олибди. Қўшиқнинг бу қадар мукамал, теран таҳлилини мутахассис-санъатшуносларнинг асарларида ҳам ўқимаган эдим!



Сайланманинг сўнгги — «Бу кишим — устоз, мен — шогирд» эссеси (адиб уни «эссе-қисса» деб атайди) кичикроқ бир роман ҳажмида бўлиб, китобнинг салкам ярмини ташкил этади. Эссе «Ўзбекнинг Белинскийси» номини олган таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновга бағишланган бўлса-да, унда талайгина бошқа сюжет йўналишлари ҳам бор.

Сир эмас, адабиётдаги устоз-шогирдлик масаласи бошқа соҳалардан кескин фарқ қилади, мутлақо ўзгача тарзда кечади. М.Қўшжонов Ш.Холмирзаевга чин маънода, астойдил устозлик қилган, илк машқларининг босилиб чиқишида бош-қош бўлган. Икки ўртада яқин муносабат ўрнатилган, ўзаро борди-келди қилишган. Бу мулоқотлардан қониқиш ҳосил қилган ёзувчи шундай ёзади: «О, инсоний муносабатларнинг энг юксак чўққиларидан бири эмасми бу — Устоз — Шогирдлик муносабати!»

Шукур ака Матёқуб Қўшжоновнинг «Бадий маҳорат масалалари» номли туркум мақолаларини ўқиб оқ устозга ихлос қўйиб қолган эди. Кейинроқ домла бошқарган адабий тўғарақда Эркин Воҳидов, Иброҳим Фафуров, Норбой Худойберганов, Маҳкам Маҳмудов, Маҳмуд Саъдий каби ижодкорлар қатори фаол иштирок эта бошлайди. Шу аснода адабиётнинг моҳиятини янада теранроқ англагандай бўлади, бу ҳақда тинимсиз ўйлайди, ўзича муҳим хулосалар чиқаради. «Энг яхши кўрган машғулоти» — «ўқиш ва ўйлаш» эканини қайд этади.

«Э, воҳ, сен нодон «Адабиёт — ҳаётнинг кўзгуси», деган гапни такрорлаб юраверган экансан-да, — дея Гамлет монологларидан бирини ўқиётгандек ўз-ўзимга хитоб қила бошладим. — Ахир, ҳаёт ўз ҳолича — хаос, тушунилиши мушкул бир савдо эканини... Ҳа-ҳа, ҳис қилардинг-ку? Бироқ шу ҳаётни қандайдир тартибга келтириб, ундан, яъники — ҳаётий ҳақиқатдан мукамалроқ бадий ҳақиқатни ярата оладиган ягона унсур — адабиёт эканини нега идрок этмас эдинг?»

Охир-оқибат идрок этиш асносида ёзувчи бундан-да муҳимроқ ҳақиқатларни англаб етади:

«...асардаги қаҳрамонларни ёмонлаб ҳам, яхшилаб ҳам бўлмас экан: бунга адибнинг ҳаққи йўқ экан. Бу ҳол, яъни одамларнинг яхши-ёмонлиги асарнинг ўзидан — ҳолис тасвирдан ситилиб чиқмоғи лозим экан».

Ўзаро муносабатлар асносида устоз шогирдини адабий жараёндаги кўзга яққол ташланавермайдиган айрим сир-асрорлардан ҳам огоҳ этиб боради. Шу ҳақдаги ўзаро гурунларда бир куни шундай дейди: «Истеъдодли одамлар ҳам бир-бирини топиши керак. Бусиз бўлмайди... Талантсизлар эса дарҳол бирлашиб кетаверади. ...Барча адабиётларда қадим-қадимдан бўлганидек, бугунги ўзбек адабиётида ҳам иккита қутб бор. Иккита шода занжир десанг ҳам бўлади... У занжирга ман ҳам бир халқаман. Озод, Пиримқул, Одиллар ҳам бор. Насиб бўлса, тузукроқ бир асар ёзсанг, Қаҳҳор билан таништираман».

Ниҳоят, кунлардан бир куни Шукур акага Абдулла Қаҳҳор билан танишиш ҳам насиб этади. Ўшанда катта устоз ёш ёзувчига шундай маслаҳат беради: «Домлангиз етук олим. ...Ундан кўп нарсани ўрганибсиз, назаримда. Яна ўрганса бўладиган томонлари ҳам кўп... Бироқ бир нақл эсингиздан чиқмасин: домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма».

Абдулла Қаҳҳор адабиётда катта мактаб яратган, бир умр ёзувчилик эътиқодига содиқ қолиб, адабиётнинг манфаати, софлиги учун курашган улкан ёзувчи бўлиш билан бирга узоқни кўра биладиган донишманд ҳам эди. Устознинг юқоридаги ўғити бежиз айтилмаганига Ш.Холмирзаев кўп ўтмай ишонч ҳосил қилади.

М.Қўшжонов бир куни шогирдига «...ҳақиқий адабиёт учун курашда «баъзи бир нуқсонлар»га атайин панжа орасидан қараш лозимлиги» («Ҳа-ҳа, адабиётда шунақанги ички бир манёврлар ҳам бўлади. Ниманидир ҳимоя қилиш учун нималардандир кўз юмишгаям тўғри келади...») ҳақида ўз мулоҳазаларини айтганда шогирд бу фикрларни «истаб-истамай» («...назаримда, домлам-устозим,

ўзининг қандайдир (бу аниқ) принципларига қарши иш тутгандек эди») қабул қилади.

Кейинчалик устоз ҳамма яхши биладиган, ҳамма у билан ҳисоблашадиган катта амалдор ёзувчининг бўшроқ асарини (ваҳоланки А.Қаҳҳор «вақтим йўқ» дея ўша асарни ўқигиси келмаган экан) ёқлаб чиқади. Шогирд, табиий, устознинг бундай «манёврлар»ини ҳазм қилолмай изтироб чекади. Лекин шу аснода орага совуқлик ҳам тушмайди. Кўриняптики, устоз-шогирдлик муносабатлари ҳаммиша ҳам бир текис, силлиқ кечмаган.

Эсседа ёзувчининг бўлажак умр йўлдоши билан боғлиқ воқеа-тафсилотлар худди севги ҳақидаги гўзал бир қисса янглиф мароқ билан ўқилади. Тасвирнинг тиниқлиги, табиийлиги, йигит ва қиз ўртасидаги шарқона муносабатларнинг назокатли, беғубор эканлиги беихтиёр китобхонни ром этади. Ажабо, севги ҳақида шундай ёзиш учун ҳеч қандай бадиий тўқиманинг ҳожати йўқ экан-да! Ҳаёт ҳар қандай бадиий тўқима-уйдирмадан кўра мазмунлироқ ва бойроқ экан!.. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти, айниқса у шахс бўлса, ёзилмаган бир китоб экан!..

Тақдир ёзувчини Саида исмли гўзал, фариштадек покиза ва оқила бир қиз билан учраштиради. Ажабо, уларнинг бир-бирларини топишлари ҳам, шоир айтганидек, «китобларда ёзилган мисол» эмас, бутунлай бўлакча, фаройиб ва бетакрор. Улар... саҳнада, ҳа-ҳа, ҳаваскорлар саҳнасида топишадилар. Икковлари ҳам бош роль — севишганларни ўйнайдилар. Аввал, «Ганг дарёсининг қизи»-да Саида Камола, Шукур ака Нолинакха ролида чиқадилар. Кейин, «Гамлет» фожеасида Саида Офелия, Шукур ака Гамлет қиёфасида бир-бирига талпинадилар. Гўё тақдири азал уларни ҳаётда ҳам ўзаро қовушишлари учун мудом даъват этаётгандек бўлади...

Саида Шукур аканинг адабиётдаги илк машқларига катта қизиқиш билан қарайди, ҳар бир чоп этилган асари учун астойдил, самимий суюнади, рағбатлантиради, шу тариқа у ёзувчига илҳом

бағишлайди, уни тушунишга интилади. О, ўшанда бу бокира қизалоқ ёзувчига хотин бўлиш нақадар мушкул иш эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган, албатта...

Ёзувчи эса, кўнглида севги куртак ота бошлаганини, тобора Саидага кучлироқ боғлиниб қолаётганини ҳис қиларкан, ўзининг севгига қарашлари билан адабиётга муносабати қайсидир бир нуқтада бирлашиб, омихта бўлиб кетганини қайд қилади. Унинг адабиётга муносабати эса, аввалданок маълум эди:

«Менинг асосий мақсадим — адабиёт-ку! Ҳаммасидан муҳими — шу!»

«...ёзувчи халқи, аввало, адабиётни билиши керак — адабиёт билан яшаши керак...»

Шу ўринда мавзуга дахлдор кичик бир чекиниш: Шукур акадаги актёрлик истеъдодини эрта иллаган атоқли санъаткор Шукур Бурҳонов уни театр институтида ўқишга қайта-қайта даъват этади, истасанг Офелиянг — Саида ҳам ўша ерда сен билан бирга ўқийди дейди. Аммо Шукур ака ўламан саттор «Мен ёзувчи бўлмоқчиман!» дея ўз аҳдида қатъий туради. Унинг артистлиги эса ҳаваскорлар саҳнасида Шукур ака раҳбарлиги-раҳномалиги билан қўйилган «Гамлет» фожиасидаги Гамлет ролини ўйнаш билан яқунланади. Шукур акани яхши билган яқинлари ўртасида эса «Шукур ака — артист!.. деган муқим ибора қолди...

Аслини олганда артистликни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, ёзувчилик артистликдан минг чандон оғирроқ! Ёзувчи бир вақтнинг ўзида асарда иштирок этаётган ўнлаб, юзлаб одамларнинг «ролини ўйнаши», уларнинг ҳар бирига феъл-атвориға яраша гап-сўз топиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, актёрлик истеъдоди Шукур Холмирзаевга ёзувчилик фаолиятида асқатган, албатта. «Қора камар» пьесасининг Давлат мукофотиға сазовор бўлиши бежиз эмас.

Ш.Холмирзаев Абдулла Қаҳҳорнинг кўп шовшуларға сабаб бўлган «Ёшлар билан суҳбат» де-

ган машҳур китобига муҳаррирлик қилаётганда «юқоридан» совуқ шамол эсиб, ишдан кетадиган бўлади. Шунда Ўлмас Умарбеков бошчилигида ёзувчи дўстлари бир ёқадан бош чиқариб, уни янги ташкил этилган «Гулистон» журнаliga ишга жойлайдилар. Афсуски, кейинчалик Шукур ака замона зайли — қизил мафкура тазйиқи остида бу ерда ҳам «бошини кундага қўйишга» мажбур бўлади ва яна ишдан кетади. Адиб «Шарқ юлдузи» журнаliga ҳам узоқ ишлай олмайди. Кўпгина яроқсиз асарларни қайтаргани учун «вақтинча бўшаб туришни» илтимос қилишади. Ёзувчи бутунлай кетади. У адабиёт манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяр, бу борада мурасага боролмас эди.

Хуллас, адабиётни қисмат деб билган Шукур Холмирзаев бир умр ана ўша эътиқодига содиқ бўлиб қолди. Пайти келганда ўша эътиқодини астойдил ҳимоя қилди. Адабиётнинг дарвешини бўлиб, камтарона, хокисор яшади...

Сир эмас, бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳамма соҳа қатори адабиётни ҳам жиддий синовдан ўткази бошлаганда айрим ёзувчилар мувозанатини йўқотиб, нима қиларини билмай, талмовсираб қолган эди. Кўпчилик ижодкорлар эса ёзмай қўя қолди, аниқроғи, ёзолмай ҳам қолди. Айримлар бу ҳолни «Бир ҳисобдан шундай бўлгани ҳам тузук, табиий танланиш бўляпти, адабиётда фақат ёзма са туролмайдиганларгина қолади» дея шарҳлашди. Шукур ака ана ўша кейинги тоифага мансуб эди. Шогирдлари даврасидаги бир гурунгда деворда осифлиқ турган милтиғига ишора қилиб, «Агар ёзолмай қолсам, Хемингуэйга ўхшаб ўзимни отаман» деган эди. У ўша йиллари матбуотда «Адабиёт ўладими?» деган шов-шувли мақоласи билан чиқиб, ўз қарашларини яна бир карра ҳимоя қилди. Унинг ўзи эса, таъбир жоиз бўлса, адабиётдаги динозавр (адибнинг шу номдаги романи бор) бўлиб қолди.

Ажабо, Шукур ака ўз келажаги-қисматини-да ўзи башорат қилиб кетган экан. У ёзувчи дўсти Учқун Назаров билан бир масалада тортишиб қол-

ганда «Борим — шу... Адабиётга ўлигимни ташлаб олганман. Охири ўша опкетади мени» дейди. Ё тавба дея ёқа ушлайсан. Фаришталар ўша гапга ҳам омин деган экан-да!..

Эссе-хотираларни қониқиш билан ўқиб тугатдим-у хаёлимдан яна кўп фикрлар ўтди. Беихтиёр Наим Каримовнинг «Чўлпон» деган китобини ўқиганим эсимга тушди. Замондошлари Чўлпон ҳақида деярли ҳеч нарса ёзиб қолдирмагани, муаллиф қатағон қурбони бўлган шоир ҳақида материал тўплашда жуда-жуда қийналгани, бирон йилт этган маълумотни олиш учун асосан архив ҳужжатлари ва ҳатто жосусларнинг чақув-ёзишмаларидан фойдаланишга мажбур бўлганидан ҳайратланган эдим. Тўғри, ўша йиллари замона оғир эди дейилади. Аммо Чўлпонни яхши билган айрим замондошлари, кекса адиблар мустақиллик йилларида ҳам сукут сақлашди-ку! Минг афсуски, улар хотиралари, кўрган-кечирганларини ёзишга журъат этмадилар. Қўрқув-ҳадик туйғуси шу қадар чуқур илдиз отган эди-да...

Бу иддаолардан мурод шуки, адабий муҳит ҳақида, ҳозир ҳаёт бўлган ҳар бир таниқли шахс, у ёзувчи бўладими, санъаткорми ёки олимми, бундан қатъи назар, у ҳақда айтилган, ёзилган ҳар бир калима-сўз, ҳар бир катта-кичик хотира бебаҳо қадриятдир!.. Ана ўша қадриятларни ўз вақтида қадрига етиб, вақт фаниматлигида қоғозга тушириш, фото ва видеотасмаларга муҳрлаш (Абдулла Қаҳҳорнинг ягона, ноёб видеотасмаси Учқун Назаровнинг саъй-ҳаракати билан тасвирга туширилган, ёзувчи ҳақидаги кўрсатувларда ҳамиша ўша ноёб манбадан фойдаланилади!..) лозим. Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, Шукур Холмирзаевнинг эсселари (ёзувчи эссе-хотираларни ҳам ҳикоя каби кўп ва хўп ёздики, адабиётимизга бу борада ҳам ҳеч ким у билан тенглашолмайди) жуда катта аҳамият касб этади. Келгусида эсселарда тилга олинган шахслар ҳақида жиддийроқ, катгароқ асарлар ёзиладиган бўлса, (Абдулла Қаҳҳор, Шу-

кур Бурҳонов, Ботир Зокировлар ҳақида шундай асарлар келажақда албатта ёзилади!..) ушбу эсселар хайрли ишга қўл урган муаллифларга жуда-жуда асқатиши мумкин. Афсуски, ҳозирча улуғларимиз ҳақида вафотларидан кейингина, ҳафсала қилинса, «Фалончи замондошлари хотирасида» деган китоб чиқариш билан чекланиляпти.

Шукур Холмирзаев эсселари онгу шуури, диди сариқ матбуотдаги олди-қочдилар билан заҳарланган китобхонлар учун бир оз зерикарли туюлиши ҳам мумкин. Ҳар қандай жиддий адабиёт махсус тайёргарлиги бўлган, савияси баланд, хос одамлар учун мўлжалланишини ҳисобга олсак, ушбу эсселар аввало адабиётга, ёзувчи шахсиятига ихлоси-эътиқоди баланд, ўқимишли-маърифатли китобхонлар учун ёзилгандир.

Ҳозир китобхонлик, мутолаа маданиятининг су-сайиб кетганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Агар китобхон ёзувчи шахсиятига қизиқса, улар ҳақида ёзилган меъмуар асарларни қизиқиб ўқиса, адабиётда тилга тушган китобларнинг ёзилиш тарихидан бохабар бўлса, унда мутолаага рағбат уйғониши мумкин. Шукур Холмирзаев эсселари ана ўша эзгу мақсадга ҳам хизмат қилади. Демак, бу эсселар маърифий-тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Анъанага кўра, эсселардаги кўзга яққолроқ ташланадиган айрим камчиликлар ҳақида ҳам икки офиз тўхталмаслик адолатдан бўлмайди.

Айрим воқеа-тафсилотлар (Масалан, «Бинафша ҳидланг, амаки!»да муаллифнинг тенгдош ёзувчилар билан муомала-мулоқотлари, улфатчилиги тасвирланган саҳифалар керагидан зиёдроқ чўзилган, «юки» камроқ, кўпсўзлилиқ сезилади, баъзи тафсилотлар эса (ёзувчининг иккинчи синфда ўқиётганида «Икки сандиқ» деган эртақ китобни сотиб олгани, Ш.Бурҳоновнинг театр институтида ўқиш учун даъват этгани, А.Қаҳҳордан хат олгани ва ҳ.з.о.) қайта-қайта такрорланади. Заҳматкаш ёзувчи Шухратнинг 70-йилларда «Шинелли йиллар»ни ёзаётгани айтилади, янглишмасам, бу асар 1958 йили чоп этилган.

Шухрат ҳақидаги эсседа «бир куни Эркин қўнғироқ қилиб...» дея бошланадиган жумлада Шукур аканинг қайси ижодкорлар билан яқиндан мулоқотда бўлганидан хабардор китобхон гап таниқли ёзувчи Эркин Аъзам ҳақида кетаётганини фаҳмлайди. Лекин аксарият китобхонлар буни билмаслиги (адабиётимизда Эркин отлиғ ижодкорлар кўп-да) ҳам мумкин. Китоб муҳаррири масалага аниқлик киритиши лозим эди.

Шунингдек, китобда тахрирталаб жумлалар ҳам учраб қолади. Шукур ака гоҳо андак «артистлигига», чапанилигига борибми, айрим ижодкорлар ҳақида баъзан камситиброқ, беписандроқ ва ҳатто кўполроқ оҳангда ёзадики, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Эсселарнинг кейинги нашрларида бундай нуқсонларни асарнинг умумий мазмун-моҳиятига путур етказмаган ҳолда тузатиш мумкин.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг эсселари адабиётимизда камроқ ривожланган мемуар жанрининг ажойиб намуналари сифатида ўз қимматини ҳеч қачон йўқотмайди.

### **ЁЗУВЧИНИНГ АРМОНЛИ ДУНЁСИ**

Ҳаммаслақ, яқин одамингдан жудо бўлиш нақадар оғир мусибат эканини Ёқуб ака вафот этгандан кейин янада чуқурроқ англаганман. Биз — дўстлари унга жуда-жуда ўрганиб, суяниб қолган эдик. Ҳали-ҳамон унинг орамиздан кетганига ишонгимиз келмайди. Дўстимиз, шоир Мирпўлат Мирзо айтганидек, гўё Ёқуб ака зарур бир иш билан сафарга жўнаган-у негадир сафари чўзилиб кетгандек, аммо барибир эртами кеч, «Э, ҳорманглар, мени соғиниб қолмадингларми?» — дея мулойим овозда, майин жилмайиб, алп қоматини адл кўтариб келиб қоладигандек...

Ёқуббек Яқвалхўжаев журналист, танқидчи, адабиётшунос олим ва ёзувчи эди. Қисқагина умри давомида салмоқли ишлар қилишга улгурди. Кўри-



нишдан андак боқибегам, танбал одамдек (гоҳо столда ўтирган кўйи мудраб, ухлаб қоладиган одати бор эди раҳматлининг) туюлувчи Ёқуб ака аслида жонсарак, вақтини беҳуда ўтказмайдиган инсон эди. У бир вақтлар, университетни битиргач, «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида 65 сўмлик маош (ўша даврдаги пул бирлиги) билан мусахҳиҳ сифатида иш бошлаган. Таҳририятда қаттиқ банд бўлишига, газета ишининг машаққатига қарамасдан Ойбек ижоди ҳақида илмий иш ёзиб, диссертация ёқлаган эди.

Фан номзоди асосан олий ўқув юрти ёки илмий-текшириш институтларида ишласагина маошига қўшимча ҳақ тўланарди. Ёқуб ака эса ўз манфаатига дахлдор масалаларда ўта камсуқум, ўта содда, тортинчоқ эди, шу боис узоқ муддатгача ўзига муносиброқ иш тополмай юрди. Бир муддат Тошкент вилоят хотин-қизлар педагогика билим юртида эстетикадан дарс берди.

Эсимда, бир куни Тошкент Маданият институтида илгари бирга ишлашган собиқ ҳамкасбим, фан доктори Мансур Бекмуродов мени яна мазкур институтда ишлаш учун даъват этди. Мен Мансурга миннатдорчилик билдириб, ўрнимга Ёқуб акани тавсия қилдим. Хуллас, дўстлар кўмагида Ёқуб аканинг домлалик фаолияти бошланди.

Ёқуб ака кейинчалик Низомий номидаги Педагогика институтида ишлади. У ерда раҳматли Сафар Ўтанов ҳамда Анвар Хидиров каби зиёли, истеъдодли одамларнинг қадрига етадиган, фидойи муаллимлар билан қадрдонлашиб кетди. Ёқуб ака вафот этганида Сафар аканинг нақадар куйингани ҳам бежиз эмас эди.

Сир эмас, аксарият қалам аҳлининг онгу шуурига ҳақиқат, адолат туйғуси сингиб кетади. У истасистамаса ана шу мезондан келиб чиқиб иш юритади. Мустақилликдан илгари олий ўқув юртларида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар, хусусан гуруҳбозлик, порахўрлик, тарбияга муҳтож тарбиячи-муаллимларнинг маънавий қашшоқлиги,

талабаларнинг саводсизлиги, илму маърифатга лоқайдлиги каби иллатлар билан Ёқуб ака сира-сира келишолмас, баҳоли қудрат шуларга қарши курашар, аммо дард бору дармон йўқлигидан ўкинар, афсусланар, ҳар гал кўришганимизда шу ҳақда куйиниб, афсус-надомат билан ҳасрат қилар эди...

Миллатнинг камолини кўриш раҳматлининг эзгу орзуси эди.

Ёқуб ака ҳаётининг сўнгги йилларида муайян муддат камина бош муҳаррир бўлган «Хабар» газетасида ҳам ўриндошлик йўли билан фаолият кўрсатди. Газетачилиқда орттирган катта тажрибаси бизга қўл келди. Газета таҳламларини варақлаб, Ёқуб ака қаламига мансуб бўлган илму маърифат, одоб-ахлоқ, маданий меросга доир маъзи бутун мақолаларни қайта ўқирканман, раҳматли ўзини тўлқинлантирган ҳар бир муаммога ёниб, куйинчаклик билан муносабат билдирганига, ҳеч қачон шунчаки қўл учида, юзаки иш қилмаганига амин бўламан.

Мустақиллик шарофати билан яхши, пишиқ-пухта ёзадиган тайёр қаламкашларга эҳтиёж кучая бошлагач, Ёқуб ака каби журналист, адибларнинг ҳам бозори чаққон бўлиб кетди. Ёқуб аканинг «Ёш куч» журнали билан бир неча йил давом этган ҳамкорлиги ҳам самарали бўлганди. Журналда кўп йиллар масъул котиб вазифасида ишлаган дўстимиз Шоҳруҳ Акбаров ҳамиша Ёқуб акадан хурсанд бўлиб гапирарди. Фан номзоди, «Қайтар дунё»дек ажойиб роман муаллифи, адабий жамоатчилик ва китобхонлар ўртасида ўзига яраша обрў-эътибор топган катта ёзувчи бўлишига қарамай, Ёқуб ака таҳририятнинг ҳар қандай топпириқ-илтимосини бажонидил бажарарди. Эсимда, бир гал Ёқуб ака мардикорчилик муаммосини ўрганиш учун астойдил заҳмат чекиб, бир неча кун пойтахтнинг Чорсу бозорига қатнаган, бу ҳақда журналга каттагина мунозарали мақола ёзиб берган эди. Раҳматли журналистиканинг қора меҳнатидан қочмасди, аксинча, ундан завқ оларди, маънавий қониқиш ҳосил қиларди.

Ёзувчи Ёқуббек Яқвалхўжаевдан қолган адабий мерос ҳақида гап кетганда шубҳасиз, биринчи гада унинг «Қайтар дунё», «Уч кўчанинг охири» романлари ва ниҳоясига етмай қолган, алоҳида ҳикоялардан иборат, юқоридаги асарларнинг мантиқий давоми бўлмиш «Муҳожир» романларини тилга олиш жоиздир.

Ёқуб аканинг роман ёзгани ўзи алоҳида бир тарих, алоҳида бир ҳикоя!

Кунлардан бир куни таниқли ёзувчи дўстим Қамчибек Кенжа Ёқуб аканинг (дарвоқе, иккови бир вақтлар «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида битта хонада ўн йил ёнма-ён ўтириб ишлашган, бир умр қадрдон оға-ини бўлишган) роман ёзгани ҳақида гапириб қолди. Мен, тўғриси, андак таажжубланган бўлдим бу гапга унча эътибор бермадим. Сабоби — Ёқуб аканинг шу маҳалгача биронта насрий асарини ўқимаган эдик. Акахонимиз асосан мақолалари, тақризлари билан адабий жамоатчиликка маълум эди. Энди ҳе йўқ, бе йўқ бирдан роман ёзгани тасаввурга сиғмас эди-да! Қолаверса, адабиёт илмидан, таниқли ёзувчиларнинг панд-насихатларидан яхши маълумки, каттароқ жанрга ўтиш учун олдин кичик жанрларда обдон машқ қилиш, кўплаб ҳикоялар, қиссалар битиш лозим. Ёқуб ака эса... Йўқ, бу шунчаки дўстларни синаш учун айтилган ҳазил бўлса керак деб ўйладим.

Вақт ўтган сайин бу гапнинг ҳазил эмаслиги аён бўла бошлади. Ёқуб аканинг романи ҳақида турли давраларда ҳар хил гаплар тарқалди. Роман қўлёзмасини ўқиганлар муаллифнинг фавқулодда яхши бир асар ёзиб қўйганига ишонч ҳосил қилишарди. Хуллас, қўлёзма муҳокама қилинди, фикр-мулоҳазалар айтилди, нашрга ҳам тавсия этилди. Аммо асар таҳририятларнинг тортмасида узоқ йиллар туриб қолди.

Таниқли ёзувчи Тоҳир Малик Ёқуб аканинг илк романи ҳақида шундай фикр билдирганди: «Узоқ вақт газетачи бўлиб ишлаган одам оғир хасталикдан сўнг роман ёзади. Газетачининг бундай асар

ёзиши бировларни ажаблантирди, бировларнинг ҳафсаласини пир қилди, бировлар яхши асар дунёга келганига ишонмади.

Яхши асар яратилган эди. Гердайтиб юрадиган адибларни бир чўқишда қочирадиган ромон яратилган эди. Асар муҳокамаси чўзилгани ёдимда. Номдор ёки амалдор ёзувчининг асари сўнгги нуқтани қўйишга улгурмай муҳокама этилади, мақташ бошланади. Камтар газетачи эса кута туради».

Ҳа, раҳматли Ёқуб аканинг бор-йўқ «айб»и — кутилмаганда яхши бир асар ёзиб қўйгани эди. Адабий жамоатчиликда, адабий муҳитда, таҳририятларда ҳалоллик, мардлик етишмади — асарнинг қандай ёзилганига эмас, ким ёзганига қарашди! Шу боис асар ўз ўқувчисининг қўлига етиб боргунча бир неча йил ўтиб кетди. Бағри кенг инсон Ёқуб ака негадир бундан ортиқча куйинмади, хафа ҳам бўлмади. Асарини эринмай қайта ишлаб, сайқал бераверди, шу боис роман грузинларнинг чача ичимлиги янглиф, қанча узоқ сақланса шунчалик қуввати ошаверди.

Юқорида эслатилганидек, таниш-билишчилик, олғирлик Ёқуб ака табиатига зид эди. Оз бўлса-да уни тушунадиган дўстлари, хайрихоҳлари ҳам йўқ эмасди. Раҳматли адиб Асқад Мухтор ҳамда Тоҳир Малик, Маҳкам Маҳмудов, Қамчибек Кенжа, Муроджон Мансуров, Баҳодир Муродалиев, Эмин Усмон, Аҳмад Аъзам, Меҳли Сафаров каби қалам аҳлининг кўмагида ниҳоят «Қайтар дунё» романи аввал «Ёшлик» журналида, сўнг 1990 йили алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

Хўш, адабиётимизда ўзига хос бир воқеа бўлган, шу мавзудаги асарлардан кескин фарқладиган бу асар нима ҳақда эди? Бу саволга муаллиф асарга ёзган «Бизнинг ёзуғимиз не эди?» деган сўнгги сўзда ўзи мукамал жавоб берган:

«Бобом Аҳмадбек ҳожи (Андижоннинг машҳур бойларидан, Октябрь тўнтаришидан кейинги қатағон йиллари оиласи билан тарки ватан қилишга мажбур бўлган — Ш.О.) вужудига тинчлик бермасдан қийнаётган туйғуларини ошкор этолмай,

босиқлик билан ичига ютиб келган бўлса-да, охир-оқибат сабри чидамаган, тўқсон ёшдан ошиб, умрининг ниҳоясини ҳис ата бошлаган дақиқаларида армон билан фарёд этган эканлар:

«Ўнг оёғимни шаҳри Андижонга қўйсаму, чапини босмоққа улгурмай жоним узилса қанийди, яратган Эгам, ўзга тилагим йўқ Сендан».

Бобонгиз шундай деган эди деб, унинг гувоҳи бўлган одамлар айтган бу калима ҳамон мени қийнаб келади. Мен бугун ўша аччиқ ўтмишга улуғ мозийга тикилгандай назар ташлайман, авлодимнинг ва яна халқимнинг бир бўлаги тортган азобуқубатларининг сабаби нима экан, деб ўйга толаман. Тарки ватан этганларнинг ўзим гувоҳ бўлган ноласига, чароғон кўкни ҳам зимистонга айлангирган оҳига не таскин берган экан, деб суриштирман, уларнинг ёзуғи, гуноҳи не, деб сўроқлайман».

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Ёқуб ака эса, тақдир тақозоси билан тарки ватан айлаган ватандошларнинг хориждаги ҳаётини кўрибгина қолмай, бу аччиқ қисматнинг дарду изтиробларини беғубор болалик, бетакрор ўсмирликнинг соф туйғулари ила онгу шуурига сингдирган.

Юқоридаги аламли сўнги сўзда яна шуларни ўқиймиз:

«Ўз юртида «ватангадо», «хоин» деб аталиб, «душманлар» рўяхатига қўшилганларнинг ўзга элларда туриш-турмуши, иш аъмоли қандай кечди! Булар бугунги ўқувчига ҳамон қоронғу бўлиб келяпти. Айрим эски удумдан кечмаганлар: «Бир балоси бўлмаса юртини ташлаб кетишармиди?» деб айтишдан ҳануз ўзларини тиёлмай юрибдилар. Шунинг учун ҳам эндиликда ҳақиқатни рўйирост айтмоқ, «ватангадо» ватандошларимизнинг тақдиридан, юрагидаги орзу-умидларидан сўзламоқ, жасоратли хизматларини баён этмоқ жоиздир».

Лев Толстойнинг қайд этишича, ёзувчининг маҳорати ўз дардини қай даражада бошқаларга «юқтира олиши»да билинади. Ёқуб ака юқоридаги ўз эътирофида аён кўриниб турган дарду армонларини баҳоли қудрат китобхонга «юқтира ол-

ган». Роман қаҳрамонлари — Жайнақ мирзо, унинг ўғли Баҳромбекнинг жонли сиймолари, аянчли қисматлари китобхон хотирасида муҳрланиб қолади.

Ёқуб ака «Қайтар дунё» романини ёзмаслиги мумкин эмас эди! «Бой бобом билан суҳбат» деган эссесида бобосининг «Не билан машғулсиз, ўғлим?» деган сўровига набира — ёзувчи шундай жавоб беради: «Ўша сизнинг куйиб тамом бўлган дардингизни, ўша тупроқ остини ҳам безовта этган азобингизни, авлодарингиз фарёдларини жисмига жо этиб, уларнинг армонларини вужудимни куйдираётган олов ичида ёниб, қоғозга тушираётирман, бобо».

Ҳа, Ёқуб ака бу асарни шунчаки китоблардан, тарихлардан ўқиб, ўрганиб эмас, «вужудини куйдираётган олов ичида ёниб» ёзгани учун ҳам роман таъсирли, ўқишли чиққан. Дарҳақиқат, роман мутолаа қилган одамни тўлқинтирмай қўймайди. Бу, шубҳасиз, ёзувчининг ютуғи — бахти эди. Эҳтимол, тақдирнинг оғир синови туфайли хастаналиб, узоқ муддат тўшакка миҳланиб ётганида уни ҳаётга қайтарган ҳам ана ўша — ёзиш илинжи бўлган бўлса ажаб эмас! Ўзининг эътирофича, раҳматли тўшақда қимирлай олмай ётган кўйи романнинг ҳар бир боби, ҳар бир жумла, сўзини ҳаёлида пишитиб, ёзиб қўйган экан!

Дарвоқе, «Қайтар дунё»нинг қандай ёзилгани «Уч кўчанинг охири» романининг «Чароғон кун ёхуд Ёдгорбек» қисмида яхши ёритилган. Ёдгорбек — ёзувчининг ўзи! Аён бўляптики, ёзувчининг деярли ҳамма насрий асари воқеий — ўзи ва авлодаждодларининг кўрган-кечирганларидир. Мураккаб ҳаётнинг ўзи, чигал тақдирнинг ўзи ёзувчига ҳар қандай тўқима-уйдирмадан кўра кўпроқ, бойроқ мавзу берган.

«Қайтар дунё»нинг чоп этилиши асарнинг манتيқий давоми — «Уч кўчанинг охири»га йўл очди. Янги асарга осонгина талабгор ҳам топила қолди — «Ёзувчи» нашриётининг ўша кезлардаги директори

Шоир ака Усмонхўжаев асарнинг дарагини эшитиб, чоп этишга рози бўлади. Романни ёзишга вақт топган Ёқуб ака олис сафар — Америкага, жиянининг ҳузурига отланаётгани боис қўлёзмани нашриётга топшириш учун имкон тополмайди. Раҳматлининг илтимосига кўра романнинг нашри билан ўзим шуғулландим.

«Уч кўчанинг охири» китобининг илк саҳифасидаги ушбу дастхат мен учун қадрлидир: «Шодмонбекка! Китобни мен ёздим, сиз уни чиқардингиз, азизим, бунинг учун сизга таъзим бажо эттайман. Ёқуббек. 25.1X.91».

Афсуски, юқоридаги романларнинг мантиқий давоми бўлмиш «Муҳожир» асарини тўла-тўқисни ҳоёсига етказиш муаллифга насиб этмади. Матбуотда новеллалардан таркиб топиши лозим бўлган бу асардан талайгина парчалар эълон қилинди. Раҳматлининг бу ва яна бошқа асарларини тўплаб, нашр этишга бурчлимиз.

Ёқуб аканинг ижодий ниятлари, режалари кўп эди. Эсимда, бир кун у менга Шарқий Туркистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракати йўлбошчиси, «Темур тузуклари»нинг таржимони, машҳур аллома Алихон Соғуний ҳақида катта асар ёзмоқчи эканлигини ҳаяжонланиб гапирган эди. Раҳматли кўнглидаги жамики режаларини удалашга кўзи етмаган чоғи, ҳаётлигида бу ҳақда афсуснадомат ва чексиз армон билан шундай ёзган эди: «Армонли дунё бу... Хаёлимда Ўрта Осиё ва Қозоғистон деб аталган Туркистон йўлларини кезаман. Бир томони — Марв, Чоржўй, Хоразм воҳаси, Хиванинг ўша Ичан қалъаси, Лабиҳовуз, бобомиз Амир Темур мақбарасини тиз чўкиб зиёрат қилсам, дейман. Бир томони — Олотов, Жирғаланг йўлларида яёв юрсам, Жамбул кезган тоғлар этакларида ўтирсам, тошлар орасидан ёриб чиққан сунбулга тўйиб-тўйиб термулсам, болалигимнинг излари қолган, аждодларим мангу уйқуга кетган Шарқий Туркистонни — ўша ошиқона Қашқарни, мулки Хўтанни, Фулжа, Урумчини кўрсам, онам-

дай яқин уйғур аёлининг саҳродаги чайласида бир коса этган чойни оппоқ юпқа нон билан тамадди қилиб яйрасам... «Улуғ Туркистон йўлларида» деган бир асар ёзсам, дейман. Афсус ва минг афсус бўлмайким, бу менинг қўлим етмас ва ёзиб ниҳоясига етказолмайдиган асаримдир».

Ушбу мухтасар хотирада (Ё худоё тавба деб айтишим керакки, раҳматли ўзаро суҳбатимизда гоҳо муҳим ёки қизиқроқ бирон гап айтса, «Буни мен ҳақимдаги хотираларингизда эсларсиз» дея ҳазиллашиб қўйгувчи эди; демак фаришталар ўша гапларга ҳам омин деган экан-да дея армон қиламан) Ёқуб аканинг ҳаётда қандай одам бўлганлиги, инсоний фазилатлари, феъл-атвори ҳақида ҳам қисқача тўхталмасам, бу ёднома кемтик бўлиб қоладигандек.

Яқин дўстлари, ёру биродарлари ҳамиша Ёқуб аканинг дийдорига интиқ бўлишар, раҳматлининг қалбида қандайдир бир оҳанрабоси бор эди, шу боис суҳбати жонон, гурунги дилтортар эди. Гап-гаштакларда, турли маросим, тўйларда ҳаммамиз унинг оғзига тикилар, қани бу ҳақда нима дер экан, дея теша тегмаган ғаройиб гапларини иштиёқ билан тинглардик. Дарҳақиқат, раҳматли бу дунёнинг ҳар бир катта-кичик муаммосини фақат ўзига хос бир йўсинда идрок этиб изоҳлар, шу боис фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор, мароқли эди.

Ёқуб ака ўзи хорижда — Шарқий Туркистоннинг Фулжа шаҳрида туғилиб вояга етган, кейинчалик қариндош-уруғларини қора тортиб Туркия, Америкага сафар қилган, хуллас, дунё кўрган одам эмасми, бизнинг хориж ҳақидаги илк тасаввуртушунчаларимиз у кишининг мароқли, образли ҳикоялари асосида шаклланган эди десам муболаға бўлмайди.

Мана ўша ҳикоялардан бири:

Ёқуб ака советлар даврида туғишган акасини қидириб Туркияга боради. Афсуски, акасини кўролмайди. Келинойисининг айтишича, акаси оёғига калишини омонат илиб, елкасига чопонини омонат



ташлаб, шундоқ кўчага — чойхонадаги улфатларининг олдига чиқса, дўстлари юрақол, бир айланиб келарсан дея ўзлари билан Японияга олиб кетибди! Уларда хорижга бориб келиш шу қадар осон экан-да! Хорижга, айниқса капиталистик мамлакатларга бориш учун минг бир текширув-чиғириқлардан ўтиб, омади чопса базўр рухсат оладиган собиқ совет фуқароси учун бу ҳикоя ростдан ҳам ҳайратомуз эди-да!..

Ёқуб ака ҳаминша яқин дўстларини соғиниб, йўқлаб турар, оқибатли, меҳрибон инсон эди. Пойтахт ва вилоятдаги дўстларнинг бошини қовуштириб юарди. Андижондан Қамчибек Кенжа ёки Исмоил Тўлак пойтахтга келса, албатта Ёқуб аканинг уйида лағмонхўрлик бўлар, мароқли гурунгимиз тонг отгунча давом этарди.

Одамзод меҳр кўргузмагунча ўзи меҳр топмайди. Ёқуб ака чинакам дўстларига, ҳақиқий устозларига астойдил меҳр, ихлос қўйганди. Дўстларидан Зафар, Омон, Маҳкам, Абдураим, Михли акаларга суяниб қолган эди. Андижонга атай анжирхўрликка (раҳматли анжирни жуда яхши кўрарди) бориб, шу баҳонада Баҳром, Ҳасанбой Исмоил (Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин), Қамчибек, Турғунбой каби дўстларнинг дийдоридан баҳраманд бўлиб келарди. Шундай сафарларнинг бирида Андижондаги Навоий номли истироҳат боғига кириб, Халқ амалий санъати музейини бирга томоша қилдик. Бу музей аслида Ёқуб аканинг бобоси Аҳмадбек ҳожининг уйи экан. Музей залларини айланиб юарканмиз, Ёқуб ака армон-ҳасрат билан шундай деганди: «Бу ёқда бобомнинг шундай ажойиб қасри бор экан-ку, мен пойтахтда неча йил уйсиз-жойсиз, ижарада яшаб, сарсон-саргардон бўлибман-а...»

Ёқуб ака ўз шажараси, авлод-аждодлари билан ҳақли равишда фахрланар, айниқса, бобоси Аҳмадбек ҳожининг невараси эканлигидан гурурланар («Бой бобом билан суҳбат» эссеси таъсирчан ёзилган), бобосини кўп эслар эди. Дарҳақиқат, кексаларнинг ҳикоя қилишларича, Андижонда икки бой Миркомил (қизиллар отиб ўлдирган)

ва Аҳмадбек ҳожи маърифатпарварлиги, халқпарварлиги билан эл-улус орасида катта обрӯ-эътибор қозонганлар.

Меҳр билан қаҳр ёнма-ён юради деганларидек, кези келганда Ёқуб аканинг қаҳри ҳам жуда қаттиқ, аммо меҳру ихлос қўйган одамани бир умр ардоқлаб, эъзозлаб гапирар, иймон-эътиқоди бутун одам эди. Устозлардан Озод Шарафиддиновни кўп гапирар, домлага ихлоси жуда баланд эди.

Энди икки оғиз оиласи ҳақида. Ёзувчига умр йўлдоши бўлиш аёл учун қийин синов! Оиладан ёлчимаган ёзувчининг кўнгилдагидек ижод қилиши мумкин эмас. Ёқуб ака университетда ўзи билан бирга ўқиган андижонлик курсдошига уйланган, беш нафар фарзандлари — Улуғбек, Мадина, Аҳмадбек, Аваз, Анварнинг келажагидан умиди катта эди. Раҳматли «Ҳурматли рафиқамиз!» дея ҳазил ила эъзозлайдиган Тўлқиной келинойимиз (Оллоҳ раҳмат қилсин) эрининг яхши-ёмон кунларида, айниқса, оғир хасталикка чалинганида чинакам фидойилик, меҳрибонлик кўрсатди.

Доноларнинг айтишича, ҳазил туйғуси аслида ўткир ақл-заковат натижаси экан. Ёқуб ака ниҳоятда ҳазилкаш, дилкаш одам эди. Бошидан ўтказган айрим қизиқ воқеаларни «Дўрмон ҳангомалари» китобимга ҳам киритганман.

Эсимда, Ёқуб ака билан Андижонга дўстимиз Абдухалил ҳожи Чақаловнинг фарзанди тўйига борган эдик. Тўйдан кейин журналист Анорбой Қуронбоев (раҳматли) бизни уйига олиб кетди. Ухлаш олдидан ёзувчи Нурали Қобул ҳадиксираб шундай деди:

— Ким хуррак отса очигини айтсин, мен бошқа хонага чиқиб кетаман.

Қамчибек Кенжа ва раҳматли устоз Рустам Раҳмон озроқ хуррак отишларини тан олиб айтишди. Нурали иккиланиб қолган эди, шунда девқомат Ёқуб ака дарҳол масалага аниқлик киритади:

— Нурали, Сиз сира хавотирланмай шу ерда ухлайверинг, кўп ўтмай буларнинг хуррагини эшитмайсиз.

— Қизик, нега энди эшитмас эканман?

— Чунки мен хуррак отганимда уларнинг хураги мутлақо эшитилмай қолади!..

Ёқуб ака ана шундай қувноқ, ҳазилкаш одам эди. Айни чоғда айрим буюк одамлар каби парижонхотир эди. Америкага — туғишган жиянининг хузурига жўнаш тараддудида юриб, бир неча ой мобайнида турли идораларга кириб, Москвага қатнаб, минг машаққат билан қўлига олган муҳим ҳужжатларини трамвай бекатида унутиб қолдиради...

Каминанинг Қорасув даҳасидаги хонадонидан кўп марта бўлганига қарамай, ҳар гал уйимизга келаётиб ярим йўлдан телефон қилар, фалон жойда турибман, энди буёғига қандай бораман деб сўрар эди. Бундай саргузаштлар беғубор ҳазилмутойибаларга уланиб кетарди.

Бир марта йўқолиб, сўнг қайта топилган нарсанинг қадру қиммати бўлакча бўлади. Мухожирликнинг бутун азобу уқубатларини ёш бошидан кечирган, Ватан соғинчи, Ватан туйғусини мурғак қалбига жуда эрта сингдирган, асл Ватанига қайтганидан аввалига хурсанд бўлиб, кейин қизил империя исканжасида ҳақиқий озодликни яна кўп йиллар интиқ-интизор кутган, орзу қилган Ёқуб ака каби инсонлар учун Мустақиллик айниқса муқаддас тушунча эди. «Истиқлол, бу — ҳар қандай тушунчалардан ҳам устун турувчи миллатнинг виждонидир, — деб ёзган эди раҳматли. — Истиқлол бу — қўшиқмас, ором ҳам эмас у. Истиқлол бу — меҳнатдир, бу — дарддир, жонни фидо этмоқни истагувчи ширин азобдир. Мабодо, Истиқлол нималигини англамаган бўлсанг очун, уйғон!» («Ўзбекистон овози», 01.01.1992 йил). Афсуски, ана шу буюк бахт — Истиқлол берган эмин-эркинликдан, рўшноликдан эндигина баҳраманд бўла бошлаганида унинг ҳаёт шами ногоҳ сўниб қолди...

Биз — дўстларга ягона таскин-тасалли шуки, раҳматлидан асарлар ва ёруғ хотиралар мерос бўлиб қолди. Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин.

## СЎНГИ ДАРВЕШ

Талабалик давримизда (ўтган асрнинг 60-йиллари) маълум муддат ётоқхонада (кейинчалик, 1966 йилдаги зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолисига бошпана зарур бўлгани учун ёппасига кўчирилганмиз) яшаганмиз. Янглишмасам, ўшанда биринчи курсда ўқирдик. Ётоқхонада биздан уч-тўрт босқич юқорида ўқийдиган талабалар ҳам бор эди. Аралаш-қуралаш яшаганимиз учун бутун туриш-турмушимиз ўртада, ошкора, ўзаро кирди-чиқди, қўшничилик одатий ҳол эди. Шундай бир ҳолат сира эсимдан чиқмайди. Юқори босқичда ўқийдиган, бўйи ўртадан пастроқ, жиккаккина, хушрўй, истарали, ҳамиша негадир бир хил — қора кўйлак кийиб юрадиган бир йигит (исмини ҳали билмасдик) кўпинча хонамизни тақиллатиб, сигарет сўрар, биз чекмаслигимизни айтар, узр сўраб қайтиб кетар, аммо бир неча кундан кейин яна ўша илтимосини такрорлар, шунда жонимизга тегар, намунча хира бўлмаса дея орқасидан тўнғилаб қўяр эдик. Қашшоқ талабанинг сигарет сотиб олишга ҳам пул тополмай қолиши бизни ажаблантирмасди, албатта.

Орадан қанча кунлар, ойлар ўтди, билмайман, бир куни «Шарқ юлдузи» журналининг янги сониде атоқли адиб Асқад Мухторнинг «Оқ йўл»и (ўша йиллар таниқли ижодкорларнинг шунақа фатвоси билан матбуотда кўриниш ҳар бир ҳаваскор қаламкашнинг катта орзуси эди) билан Рауф Парфи деган, номини биз ҳали эшитмаган бир шоирнинг туркум шеърлари босилиб чиққани қўлимизга тушиб қолди. Унинг фотосурати ҳам берилган эди, бундоқ қарасак, ўша — биздан сигарет сўраб юрадиган «хира» йигит экан!.. (Шундан кейин ким эшигимизни тақиллатиб келса, сергак тортадиган бўлдик, аммо истеъдод деганлари «тақчил матоҳ» бўларкан, Рауф Парфига ўхшагани бошқа учрамади). Шеърларни таллашиб-тортишиб ўқий кетдик. Айниқса, ёмғир ҳақидаги шеър шундоққина юрагимизга қўйилиб қолди.

*Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар,  
Томчилар томчилар сочимга.  
Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар,  
Ҳам қайғумга, ҳам қувончимга.*

Мен бу шеърни ҳозир шоирнинг китобларига қарамай, ёддан тикляпман. Ҳа, бу шеър бир ўқинида ёдда қолган, биз шу пайтгача ўқиган, билган шеърларга мутлақо ўхшамас эди. Атоқли адиб Рауф Парфи ҳеч кимникига ўхшамаган бир овоз билан куйлаб юборганини бежиз таъкидланмаганди. Раҳматли Асқад Мухтор кейинчалик, орадан кўп йиллар ўтиб, Рауф Парфи таниқли шоир бўлгач, шогирдини асоссиз танқидлардан ҳимоя қилиб катта таҳлилий мақола ҳам ёзган эди.

Рауф ака билан биринчи танишувимиз ана шундай бўлган. Кейинчалик унинг қўшиқ қилиб куйланган яна бир шеъри тилга тушиб, оммалашиб кетганига гувоҳ бўлганмиз. Бу — ҳозир хонанда Илҳом Фармонов суйиб куйлаётган ўша машҳур қўшиқ:

*Балки ўчган эдим ёдингдан  
Ширин хаёлингни буздимми?  
Лайло, Лайло, сенинг ёнингга  
Япроқ каби кўрдим ўзимни,  
Ширин хаёлингни буздимми?*

Айрим мисралари кейинчалик қайта ишланган бу шеърни биринчи марта Рауф Парфининг Фозил Усмон деган ногирон курсдоши (шеър лирик қаҳрамоннинг севги изтироблари, дарду армонлари изҳори эди) қўшиқ қилиб, жўшиб-ёниб куйлаган. Илк бор ёзувчи Рустам Раҳмон ва журналист, ҳажвчи шоир Тўлан Қўзибоевларнинг саъй-ҳаракати билан «Ёшлик» радиостанциясида эфирга берилган. Айни чоғда бу қўшиқни Рауф аканинг курсдоши, шоир, таниқли хонанда Дадахон Ҳасанов ҳам ўша кезлар меъёрига етказиб ижро этган.

Ҳар даврнинг ўз қўшиғи бўлади. «Лайло» 60-йиллар авлодининг севимли қўшиқларидан бири эди. Талабалик йиллари пахта мавсумида бу қўшиқ-

ни ўзимизча хиргойи қилиб юришни ёқтирардик. Қўшиқ нимаси биландир куйган кўнгил фарёдларига ҳамоҳанг эди. «Лирика кечалари»миз бу қўшиқсиз ўтмасди. Тилга тушган бу машҳур қўшиқ тарихи билан боғлиқ шундай воқеа ҳам эсимда. Ўтган асрнинг 80-йиллари эди, бир куни Дадахон Ҳасанов «Волга» машинасида журналист Меҳмонқул Исломулов иккимизни Туркистондаги Яссавий мақбараси зиёратига олиб бориб, савоб ил қилганди. Қайтишда хонанданинг яқин таниши бўлган бир хонадонда меҳмон бўлдик. Шунда Дадахон ака бизга хизмат қилиб юрган уй бекаси ташқарига чиқиб кетгач, секин қулоғимизга шивирлади «Бу аёл — Рауфнинг илк муҳаббати, ўша — Лайло ҳақидаги шеър унга бағишланган».

Рауф Парфининг ҳамма асарлари ҳам юқорида қайд этилган шеърлари каби содда, тушунарли эмас. У хос шоир эди. Унинг кутилмаган, беқийс, бетакрор образлиқка асосланган, турли рамзлар, мажозлар, мураккаб тимсолларга йўғрилган шеърларини тушуниш учун шунчаки дидли-фаросатли китобхон бўлишнинг ўзи камлик қилади. (Мумтоз адабиёт ва шеърятни айрим адабиётчи, танқидчиларнинг ўзлари ҳам теран идрок этиб, кўнгилдагидек таҳлил қила олмаслигини назарда тутсак, масала янада ойдинлашади). Бунинг учун алоҳида бир тайёргарлик, малака, қобилият ва шеърятни нозик тушунадиган бадий дид ҳам керак. Рауф Парфи айнан худди шундай шеърхонни кўз олдига келтириб ёзарди. Бундай китобхонлар эса ҳаминша санокли бўлган. Рауф Парфи бундай китобхонлар пайдо бўлишини кутолмасди. Шу боис у инсоннинг армони ва андуҳи ҳақидаги аламли битикларини имкони борида қоғозга тўкиб қолади.

Шоир лирик қаҳрамонининг дарду армонлари, ички кечинмалари гоҳо ўта мураккаб, аммо мавхум эмас. Адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси — оламни, одамни мукамал кўрмоқ орзуси Рауф Парфи шеърятнинг ҳам асосий мавзусидир. «Қасдинг борми менда, эй сўнгсиз қайғу, Дунё —

дунё эмас, дунё бу — яра?! Наҳот бу жароҳат со-  
битдир мангу» деб ёзади шоир бир шеърида.

Мухбирнинг «Шоир ким, унинг буюклиги ни-  
мада?» деган саволига Рауф Парфи шундай жавоб  
берган эди: «Шоир бу ёруғ дунёда яшаётган инсон-  
нинг чексиз-чегарасиз кечинмаларини сўз билан  
ифода қилгувчи шахсдир. Шоир кўзининг ўрнида  
дарёлар оққан, елкасида тоғлар йиқилган, ўз тани-  
дан чиқиб, руҳга айланган зотдир. Шоир моддий  
дунёни кўзга илмай, маънавий дунёга қадам қўйган  
дарвишдир».

Мустақилликдан илгари Ватан, Миллат, мил-  
лий ғурур, халқнинг дарди, боқий қадриятлар каби  
шеъриятнинг азалий, муқаддас мавзуларида бор  
овоз билан, очиқ куйлаш мушкул эди. Бунга урин-  
ган шоирлар дарҳол исканжага олинар, хизмат-  
га шай мафкурачилар дарров ёрлиқ тақаб, сиёсий  
айб қўйишдан тоймас эдилар. Машҳур «Ўзбегим»  
қасидаси муносабати билан Эркин Воҳидов бошига  
ёғилган маломатларни эслаш кифоя. Шундай му-  
раккаб шароитда Рауф Парфи «айтса бўладиган»,  
замона кўтарадиган гапларнигина (барибир замо-  
на билан тўқнаш келиш муқаррар эканини кўнгли  
туйган шоир «Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,  
Юзма-юз келади шоир ва замон» деб ёзган эди)  
айта олди, қолган барча дарду армонлари дафтарла-  
ридаги битикларда, кўплари юрагининг туб-тубида  
қолиб кетди. Шоир ўша «айтса бўладиган» гаплар-  
ни ҳам турли имо-ишоралар, рамзлар билан айтиш-  
га мажбур бўлар, услубидаги айрим мураккаблик-  
лар қисман шу билан изоҳланар эди. Дарвоқе, бу  
ҳақда ўша кезлар шоирнинг ўзи шундай деган эди:  
«Мен шеър ёзиб юрадиган одам сифатида ўйлайди-  
ган бўлсам, ўзбек шеърияти имо-ишора шеърияти  
эди. Бизнинг шеърлар турманинг ичида ёзиладиган  
шеър эди. Тўртта одам тушунади, қолганлар-чи...»

Рауф Парфи шеъриятида Туркистон қайғуси,  
турк бирлиги ғояси устувор йўналиш касб этди.  
Ижодидаги бу қутлуғ, ўзак масалага истиқлол со-  
винчи оҳанглари ҳамоҳанг бўлиб, шеъриятини ич-

дан нурлангирди, юксак бир чўққига кўтарди. Шоирнинг «Сабр дарахти» китобида шундай сатрлар бор: «Ў, сабр дарахти — қутлуғ Туркистон». Р.Парфи матбуотдаги бир суҳбатида фикр-мулоҳазаларини янада куйинчаклик билан, очиқ баён этади: «Миср — Бобил, Хитой — Ҳиндистон, Рум, Эрон, Оврупо, Америка сингари Турон — Туркистон, Турк Дунёси жаҳон илму фани, маданияти, адабиёти ва санъати хазинасига ўзининг муносиб меросини берди ва беражақдир. Шоирларимиз Туркистон руҳини, ўзбек руҳини куйладилар. Зеро, ўзбек Руҳи ўлмасдир, Ўзбек Руҳи бутун Турк Дунёсининг меросидир. Ўзбек миллати бу олтин мероснинг эгаси, бу мерос бутун жаҳон учун, бутун инсоният учун Оллоҳ инояти-ла гўзал аргумондир. Ўзбек миллати жаҳон тамаддуини бир поғона баланд кўтарган буюк миллатдир. Ўзбек бўлиб туғилган, ўзбек деган номни муқаддас билиб, тану руҳида асраган инсон нақадар бахтли инсондир».

Шоир кўнглининг туб-тубидан отилиб чиққан бу залворли эътироф, бу ички нидони хотиржам, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Зеро, кўп асрлар давом этган истилолар, зулмлар, қатағонлар туфайли миллий ғурури топталган, қадди букилган, ўзлигини унутаёзган, онгу шуурига қуллик психологияси сингдирилган халқининг озод бўлишини, ўзлигини танишини, рўшнолик кўришини истаган, ўз миллатини чин юракдан севган, миллати билан фахрланган, миллатига юкинган, миллатининг бағри бутун бўлишини астойдил хоҳлаган миллий шоиргина шундай дея оларди. Бу дил изҳори шоирнинг эзгу орзулари, дарду армонлари инъикоси бўлмиш ўлмас шеърини моҳиятига янада теранроқ, сергакроқ назар ташлашга ундайди. Шунда сиз устоз Иброҳим Фафуров «Рауф» деган мансурасида

*«Кўзи — Туркистоннинг кўзи*

*Сўзи — Туркистоннинг сўзи*

*Ўзи — Туркистоннинг ўзи», —*

дея бежиз ёзмаганини англайсиз...



Адабиёт тарихида миллатни уйғотган шоирлар ҳамиша санокли бўлган. Бу табиий, албатта. Чўлпонни ўзига устоз санаган Рауф Парфини сира иккиланмай миллатни уйғотишга хизмат қилган шоирлар сирасига қўшиш мумкин. Ҳар гал буюк турк шоири Юрдокулнинг «Ҳайқирувчи бир шоири йўқ миллат тун чўкканда чирояи йўқ уй кабир» деган ибратомуз гапини эслаганимда кўз олдимга Рауф Парфи келади. Ҳа, у чиндан ҳам «ҳайқирувчи» шоир эди...

Рауф Парфи шеърини осонгина, бир ўқишда ҳазм қилинадиган битиклар эмас эди. Унинг шеъринидаги мураккабликлардан, образли ташбеҳлардан, коса тагидаги нимкосалардан ҳадиксирайдиганлар аввалига сувни лойқалатишга уриниб кўришди. Гоҳо ҳассос шоирни тушкунликда айблашди, шеърларидаги айрим сатрларни матндан узиб олиб, бўлакча талқин қилишди. Шоир ўз вақтида бунга муносиб жавоб берган эди: «Мозор сукунат, жимлик билан руҳни тарбиялайди, санъат эса мунг ёрдамида кўнгилдаги касал туйғуларни даволайди».

Халқда мевали дарахтга тош отилади деган гап бор. Илмда эса ҳақиқат баҳсларда туғилади дейишади. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек шеъринида биронта шоир ижоди Рауф Парфичалик кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлмаган. Бу баҳсларда шоир ижоди гўё жиддий қайта синовдан ўтди, шеърини «забт этилмаган чўққи» (У.Ҳамдам) дея эътироф этилди. Хайриятки, 37-йиллар ортда қолган эди, соғлом фикр волиб чиқди. Донишманд адиб Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Иброҳим Ҳаққул каби зукко олимлар шоир ижодини тўғри, холис таҳлил ва талқин этдилар.

«Рауф Парфи ҳиссиёт воситасида тафаккур қилувчи, кучли, беҳаловаг шоир. Яралари очиқ, дардли шоир». (Асқад Мухтор).

«Рауф Парфи шеър деганда шоир қалбидан кечган туйғунинг ўзини бевосита, нақд кўзга кўринадиган қилиб ифодалашни тушунадиган ижодкор». (Озод Шарафиддинов).

«Рауф Парфи ҳақиқат ва ҳурриятга тутқун шоир». (И.Ҳаққул).

Дарҳақиқат, Рауф Парфи услубидаги бетакрор оҳанг, ички мукамаллик, фикр, ранг ва ҳиссиётнинг ўта қуюқлиги унинг ижодига алоҳида файз, фусун бахш этиб, шеърлятини чинакам санъат даражасига кўтарди.

Юқоридаги фикрнинг давоми сифатида 20-асрнинг иккинчи ярмида биронта шоир ижоди Рауф Парфичалик ўзидан кейинги авлодга кучли таъсир этмаган десак муболаға бўлмайди. Рауф Парфини устоз санаган, унга эргашган, унга шеър бағишлаган шоирларнинг (Рауф ака бу шеърларни тўплаб, алоҳида китоб қилмоқчи эди) сон-санови йўқ. Тўғри, бу таъсирланиш ҳамиша ҳам кутилган натижани беравермаган. Муҳими — Рауф Парфи ижоди ўзбек шеърлятида янги тўлқин, янги-ча бир йўналиш пайдо бўлишига йўл очди. Устоз кулбасидаги (кўпинча кулбанинг ўзи бўлмасди) шеърхонликлар, адабиёт ҳақидаги тонготар, дилкаш гурунлар ҳеч қачон нутилмайди, соғинч билан эсланади. Тилак Жўра, Назар Шукур, Чори Аваз, Аъзам Ўктам (Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин) ва Тўра Мирзо, Чоршаъм, Турсун Али, Рустам Мусурмон, Баҳром Рўзимухаммад, Муҳаммад Ғаффор, Носиржон Тошматов каби шоирлар Рауф Парфига астойдил ихлос қўйган, устоз ижодидан руҳланган, илҳомланган эдилар.

Рауф Парфи ижоди жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан қолишмайдиган, ўзбек поэзиясини бир поғона юксакликка кўтарган, умрбоқий шеърлятдир.

Рауф Парфи (турли йилларда чоп этилган «Карвон йўли», «Акс садо», «Тасвир», «Хотирот», «Кўзлар», «Қайтиш», «Сабр дарахти», «Сукунат», «Тавба», «Сўнгги видо» каби ихчам китобларига киритилган шеърлар жамланса, битта салмоқли «Сайланма» бўлар экан) ҳаётлигида шоирлик шон-шухратининг нашъу намосидан андак баҳраманд бўлса-да, айрим номдор, донгдор ижодкорлар каби

оммабоп ва ҳаммабоп шоир бўлмаган, бунга ўзи ҳам интилмаган. (Зеро, оммавийлик санъатнинг бош мезони ҳам эмас.) Улуғбек Ҳамдам тўғри таъкидлаганидек, «Унинг учун шоирлик ТИРИКЧИЛИК ЭМАС, ТИРИКЛИК, Борлик ва Йўқлик, Аввал ва Охирдир!»

Рауф Парфи ҳаётлигида ўз қўли билан тартиб берган охирги китоби «Сўнгги видо» деб аталади. Ўз-ўзидан бу ном энди рамзий маъно касб этган. Китобнинг муқовасида шоирнинг яхлит фотосурати берилган. Сочлари қордай оппоқ, ўзига ярашган соқол-мўйлови қиров боғлаган шоир кўзларининг туб-тубида чексиз бир маҳзунлик, адоқсиз бир ғусса зоҳир. Тўйиб-тўйиб йиғлаб, эндигина юпанган, тин олган болакайнинг кўзларини эслатади. Бу кўзларга хотиржам тикилиб бўлмайди. Мен ҳаётда уни кўп кузатганман. Негадир, ўзи кулиб турганда ҳам кўзларидаги ўша мунгли ифода сўнмасди. У... шоирнинг шеърларига ўхшарди. Боланинг отонасига ўхшаши қанчалик табиий бўлса, ижодкор асарининг ҳам ўзига ўхшаши шунчалик табиийдир. Рауф аканинг шеърлари ҳам нимаси биландир ўзига ўхшайди, ўзини эслатади, ўзи ҳақида ҳикоя қилаётган мунгли, адоқсиз бир куйга ўхшайди. Агар унга қулоқ тутсак, уни тинглай ва англай билсак, шоир ҳақидаги энг муҳим, энг керакли, энг ҳаяжонли кечинмалардан огоҳ бўламиз. Шоирнинг дил изҳори бағоят самимий. Дарвоқе, шоир ҳаётда ҳам самимий, кўнгли очиқ, дилкаш инсон эди. Машҳур шоир бўлиб танилганда ҳам болаларча соддалиги, беғуборлигини сақлаб қололган. Шу боис ҳамиша атрофида дўстлари, мухлис ва «мухлиска»лари (шоирнинг ибораси) гирдикапалак эди, атай уни кўргани узоқ-узоқлардан келишар эди. Уни устоз санаган, унга пирга сифингандай ихлос қўйган ёшлар, улфатлар ҳам кўп эди. Бундай мулоқотлар кўпинча ичкиликсиз ўтмасди. Афсуски, шоир кўпларнинг бошига етган бу иллатдан бир умр қутулолмади. Балки ҳаётдан эрта кўз юмишига ҳам қисман шу одати сабаб бўлгандир.

(Аччиқ ҳақиқатни кеч бўлсада очиқ эътироф этиш раҳматлининг хотирасига ҳурматсизлик бўлмаса керак, аксинча, бундан сабоқ чиқармоқ жоиз). Шоир кўнгил тубида қат-қат бўлиб, тош каби чўкиб ётган адоқсиз дарду аламлардан бир лаҳза бўлса-да чалғиш учун аҳён-аҳён сархуш бўлмоқни ихтиёр этар, бундай кезлар улфатчилик учун ҳомий — «раҳбар» (шоир ибораси) ҳам топила қолар эди. Назаримда, ана ўша мухлислар, жўралар шоирни эҳтиёт қила билмадилар, чамаси, бу фикр ҳатто халёлларига ҳам келмасди, улар учун шундай машҳур шоир билан юзма-юз ўтириб улфатчилик қилиш муҳим эди. Аини чоғда Рауф Парфининг буюк шоир эканлигини юрак-юракдан ҳис этган, у билан замондош эканидан фахрланиб юрадиган, унга самимий ихлос қўйган дўстлари, мухлислари ҳам оз эмас эди. Шоир ўшаларга суяниб, юкиниб, гўё ўшалар учун яшади. Сўнгги йўлга ҳам суюкли шогирди, шоир Чоршамнинг уйидан кузатилди, дафн маросими ва маъракалари ҳам асосан шу ерда ўтди...

Ҳамма нарса қатъий ҳисоб-китоб асосига қурилган, дарвешликни мутлақо кўтармайдиган замонда Рауф Парфи беғараз, хокисоргина, дарвешона яшаб ўтди. Осон бўлмаса-да, шу мушкулотнинг уддасидан чиқа олди. Ҳа, у янги замондаги СЎНГГИ ДАРВЕШ эди. Шоирнинг ҳаёт тарзи, туриш-турмуши билан яхши таниш бўлган одамнинг хаёлига беихтиёр шу сўз-тушунча келади.

Катта истеъдод ва дарвешлик ўртасида бир уйғунлик борлиги сир (бу сир-синоат ҳалигача тўла-тўқис очилмаган) эмас. Тарихдан бунга мисоллар кўп. Беихтиёр девонаи Машраб сиймоси кўз олдимизга келади. Сархушлик, мастоналик, телбаворлик, ошиқоналик фидойиликка эш бўлиб, ижодкорлик салоҳиятини юксакликка олиб чиқиши чиндан ҳам бир мўъжизадир. Ҳаётда ўзидан кечиб, дарвешликни, «Бир оз гўдак, бир оз... шоир, Бир озгина девона»ликни (Эркин Воҳидов), «Соғлар орасида ўғай»ликни (Абдулла Орипов) ихтиёр этган шоирлар камдан-кам учрайди. Тақдирнинг бу зал-

ворли юки ва заҳмати кўтармоққа ҳамма ҳам қодир эмас. Рауф Парфининг дарवेशона, гаройиб ҳаёт тарзини кузатганда ҳайратланиш баробарида беихтиёр «Мабодо у бошқа сайёрадан келиб қолмаганми?» деган фикр хаёлга урилса, ажабланмаслик керак. Ҳа, у бу дунёнинг ҳою ҳаваслари, икир-чикирларидан устун тура олди, уларни назарписанд қилмади, кўнгил майлига қулоқ тутиб, кўнгли хоҳлагандай, эмин-эркин яшади. Ҳарқалай, у замондошларида шундай таассурот қолдирарди, зоҳирда шундай эди, аммо ботинда...

Хўш, ўша дарवेशлик ҳаёти қачон, нимадан бошланган эди ўзи?

Олтин давр ҳисобланмиш талабалик даврида Рауф ака камхаржликдан қийналиб, анча ночор яшаган. Оч-наҳор юрган кунлари кўп бўлган. Ана энди бир тасаввур қилинг: фалакнинг гардиши билан бир куни Рауф аканинг пешонасига яп-янги костюм-шим битади. Курсдош дўстлари «Қуллуқ бўлсин!» дея янги сарупо билан қутлашади. Оҳорли кийимга кўнгли суст кетган сабоқдошларидан бири «Мен ҳам бир кийиб кўрай-чи» дейди. «Майли» дея Рауф ака дарҳол кийимини ечиб беради. Сарупонинг курсдошига лоппа-лойиқ, ярашиб турганини кўрган Рауф ака кутилмаганда ҳаммани лол қолдиради: «Энди бу кийим сизники бўлди, ечиб ўтирманг!». Курсдошларнинг «ҳай-ҳай»лашлари, «жиннилик қилма!» дейишлари ҳам кор қилмайди, ўзи бир тийинга зор бўлиб юрган қашшоқ талаба яп-янги кийимини ҳады қилиб юборади. «Жиннилик» — дарवेशлик балки ўшандан бошлангандир...

Рауф Парфи университетни битириб, газета таҳририясида эндигина иш бошлаётганида бош муҳаррир «Қўлингдан нима иш келади?» деб сўрайди. Шоир (кўнглида албатта ўзини шоир деб ҳисобларди) ийманибгина «Шеър-пер ёзиб турман» дейди. Шунда раҳбар кесатибгина «Шеърни ҳамма ёзаверади, бу ерда мақола ёзишинг керак!» дея иддао қилади. Шоир мақола ёзишни, шўро сиёсатини мақтаб ҳамду сано ўқишни истамагани учун

тез орада ишдан кетади. Сарсонлик-саргардонлик, дарвешлик ҳаёти балки ўшандан бошлангандир?!..

Кунлардан бир куни Рауф ака таҳририятдан мўмайроқ қалам ҳақи олади. (Бундай ҳол камдан кам бўларди). Хушxabарни «ювиш» учун мухлис ва улфатлар хузурига ошиқади. Журналистлар макони — «Газета корпуси»нинг биринчи қаватидаги ошхонага киради. Сумкасини столда қолдириб, қўлини ювиш учун бир четга ўтади. Қайтиб келса, сумкаси жойида йўқ — ўғри уриб кетибди!.. Дарвеш шоир бу аламли воқеани кулиб шарҳлайди: «Она халқим пулимни ўғирлаб кетибди! Она халқим!.. Майли, ош бўлсин!.. Энди она халқимга бағишлаб шеър ёзаман!..»

Фақат дарвеш одамгина шундай дейиши мумкин...

Чамаси, шоир ҳаммани ўзидек деб ўйлар ёки ўзидек бўлишини истар эди. Унинг хатти-ҳаракатларини жайдари мантиқ доирасида тушунтириш қийин.

Дарвешликни ихтиёр этган Рауф Парфи айна чоғда ўзининг буюк шоир эканини билармиди? Мен шу ҳақда кўп ўйлаганман. Биз негадир «буюк» сўзи — тушунчаси фақат ўтмишга дахлдор деб ўйлаймиз. Айтишларича, дунёда шоир зотичалик ўз асарини яхши кўрадиган ижодкор бўлмас экан. Ўзаро учрашув, мулоқотларда бирон марта Рауф аканинг мақтаниш у ёқда турсин, ҳатто шоирлик даъво қилганини ҳам сезмаганман. Йўқ, бу сохта камтарлик эмас эди... Булбул учун сайраш қанчалик табиий бўлса, шоирлик унинг учун шундай табиий, руҳий ҳолат эди.

Рауф Парфи ҳеч қачон кўнглига ёқмаган ишга қўл урмаган, эътиқодига қарши бормаган. Ички бутунлиги — «мен»ига ҳамиша содиқ қолган.

Ўтган асрнинг 70-йиллари, шоир уйсиз, ишсиз қийналиб юрган кезлар эди. Ёш ижодкорларга ҳамиша ғамхўрлик қилиб юрадиган Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло шоирнинг аҳволидан хабар топиб, ташвишга тушиб қолади. Дарвешфеъл шо-

гирдига қандай ёрдам берсам экан дея ўйлай-ўйлай Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги раҳбари ҳузурига боради. Ночор аҳволга тушиб қолган истеъдодли шоирнинг аҳволини тушунтириб, ёрдам беришни илтимос қилади. Ижодкор дардини яхши тушунадиган ва истеъдодларни ҳамиша қўлаб юрган катта раҳбар ёрдам беришга ваъда бериб, Рауф акани ҳузурига чорлайди. Шукрулло ака мушкулотнинг осон кўчганидан хурсанд бўлиб чиқади. Шоирнинг хонадонига ошиқади. Рауф ака уйда йўқ экан, бор гапни хотинига айтиб, тайинлайди:

— Эртага Рауфни яхшилаб яантириб, янги костюм-шимларни кийдириб, бўйнига бўйинбоғ тақиб каттанинг қабулига юборасан. Худо хоҳласа, иш ҳам, уй масаласи ҳам ҳал бўлади. Соат тўққиздан кечикмасин, хўпми?

— Хўп. Сизга катта раҳмат, Шукрулло ака. Яхшиям Сиз бор экансиз.

— Бўлди, бўлди, мен шошиб турибман, хушxabардан кейин гаплашамиз. Фақат сен Рауфга тайинлаб қўй, катта билан суҳбатда ортиқча гап қилиб, қовун тушириб қўймасин.

Оқшом Рауф ака уйга келганда хотини оламшумул янгиликни суюниб айтаркан, эрталаб катта идорага бориши лозимлигини тушунтиради. Кутилмаганда шоир бу гапдан хурсанд бўлиш ўрнига тун қайтаради.

— Э мен бормайман унақа жойларга.

— Вой, нега бормайсиз?

— Бормайман дедим, бормайман, тамом — вассалом!

— Ахир қийналиб кетдик-ку! Бахт қуши елкангизга қўнай деб турганда бунақа ношукурлик қилманг, жон Рауф ака! Илтимос, борақолинг.

Хуллас, уй бекаси ялина-ялина бир амаллаб эрини кўндиради. Фақат эрталаб кийинаётганда шоир бўйинбоғ тақишни истамайди. Хотини уйда катта умидлар билан эрини кутиб қолади. Оқшом Рауф ака ширакайф бўлиб келади. Негадир ундан садо чиқавермайди.

— Хўш, бордингизми каттанинг қабулига? — сўрайди хотини.

— Йўқ, бормадим.

— Вой, нега бормадингиз? Нега?

— Бўйинбоғим бўлмагани учун боргим келмади.

— Уфф! Яна куйдирдингиз!.. Биламан — бўйинбоғ сиз учун бир баҳона! Менга тўғриси айтинг — нега бормадингиз? — дейди боёқиш аёл тутоқиб. Шунда Рауф ака кўнглидаги гапни дангал айтади.

— У одам ўзбек халқини пахтага қул қилиб қўйди. Тилимиз ҳам хор бўлди. Шунинг учун уни ёмон кўраман. Ёмон кўрган одамимнинг олдига нима қиламан бориб?..

Бундоқ караганда мантиқ содда, тушунарли. Зеро, бировни ёқтириш ёки ёқтирмаслик — ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Рауф Парфи ўша даврда мамлакатни бошқариш жилови Москванинг қўлида эканини яхши билар, шу боис катта раҳбарнинг гуноҳсизлигини ақли билан тушунар эди. Айни чоғда ақлдан устунроқ турувчи саркаш бир туйғу — ғурур ғолиб келади. Шу боис эътиқодига зид иш қилолмайди. У чинакам, миллатпарвар шоир эди.

Сир эмас, тирикчилик ташвишлари, турмуш, рўзғор қийинчиликлари кўпинча ижодкорни мувозанатдан чиқаради, ижоддан чалғитади. Рауф аканинг бу борадаги ҳаёт тарзи ҳам худди ижоди каби фақат ўзига хос эди, аниқроғи, шоир бунақа «икир-чикирлар»ни (у шундай ҳисобларди), оила, бола-чақа олдидаги масъулиятни гўё тан олмасди, улардан устун турарди. Агар «хархаша» (шоир хотинларини шундай атарди) минғир-минғир қилавериш безор қилса, уни ташлаб кетар, маълум муддат ўтгач яна бошқасига уйланар эди. Йўқ, у мутлақо енгилтак, хотинбоз эмасди. Шоир бир умр ўзини — ижодкорни тушуна оладиган аёлга талпиниб, унга интиқ-муҳтож бўлиб яшарди, аммо бу борада ўтмишда яшаб ўтган аксарият буюк истеъдодлар бошига тушган офир қисматдан қутулолмади. У ортиқча қуюшқондан чиққанда



яқинлари гоҳо уни қоралаб ҳам қўйишарди. Аммо бу ўғитлар ўйинқароқ болакайга берилган энгил танбеҳдек беозор бўларди. Ажабо, шоирнинг инсоний қусурлари ҳам гўё ўзига ярашгандек, ундаги фазилатларнинг давомидек туюлар, уларни бемалол кечирса бўлаверадигандек эди. Ва уни ҳар гал кечиришарди... Ва шоир гўё шунга маънан ҳақлидек эди... Бернар Дадъенинг шундай бир ҳикмати бор: «Баъзи бир инсоний заифликларда нақадар катта улуғворлик бор».

Эл-юрт ичида обрў-эътиборли одамларнинг анча-мунча гуноҳидан ўтиш жоизлиги ҳақида муқаддас ҳадис бор. Рауф аканинг жамики фазилату нуқсонлари, дарвешона ҳаёт тарзи, ҳаммаҳаммаси яхлит ҳолда унинг туғма шоир эканлигини эслатиб, таъкидлаб турганга ўхшарди. Шахсиятида оддий сўзлар билан тушунтириш қийин бўлган қандайдир бир жозиба бор эди. Худди шу нарса мухлислар ва дўстларни оҳанрабо янглиғ мудом ўзига тортарди.

Рауф аканинг ғаройиб, беҳаловат туриш-турмушини кузатган одам унинг қачон шеър ёзишга вақт топишини тасаввур қилолмасди. Дарҳақиқат, улфатчилик, сархушлик, «ит ётиш, мирзо туриш» қабилидаги хокисор, дарвешона ҳаёт тарзини ихтиёр этган шоирнинг кўнглига яна шеър сиғишини тасаввур қилиш қийин эди. Балки шунинг учун ҳам Рауф ака айрим ижодкорлар каби сермахсул бўлмагандир. Озгина-ю созгина ёзгани яхши бўлгандир. Дарҳақиқат, у «Унутормасликлари учун матбуотда тез-тез кўриниб туриш лозим» деган ақидани тан олмасди, бунга интилмасди ҳам. Ҳатто гоҳо ёзиб қўйган тайёр шеърларини таҳририятларга олиб боргиси келмасди. Шундай кезларда унинг янги шеър ёзганидан хабар топган яқин дўстлари (кўпинча шоир, хонанда Дадахон Ҳасан) шеърларини таҳририятларга элиб, чоп этиришар эди. Қанча-қанча шеърлари ҳали чоп этилмаган.

Рауф Парфи минбар шоири эмасди. Шу боис расмий давраларга интилмас, юксак минбарлар-

дан шеър ўқишни унчалик суймас эди. Мен унинг турли учрашув, анжуман, расмий тадбирларда (уни камдан-кам таклиф этишарди) шеър ўқиганини бир-икки бор кўрганман, холос. Мабодо шеър ўқишга тўғри келиб қолса, замонасозлик қилиб, оммабоп ва ҳаммабоп эмас, ўзига маъқул бўлган шеърларини ҳавола этарди. Шеър ўқиганда ширали, титроқ, айнаи чоғда ҳазин овозида ажиб бир улуғворлик оҳанги пайдо бўлар, шу асно ўзи ҳам бутунлай бошқа одамга айланиб қоларди. Шунда уни тинглаш кўп мароқли эди. Гоҳо ўзи эътиқод қўйган суюкли шоирлари — Чўлпон ва Нозим Ҳикмат (баъзан туркча ҳам ўқирди) шеърларидан ҳам ўқиб берарди. Адабий жараёни, айниқса шеърятни синчиклаб кузатар, бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар, кутилмаган кузатиш-хулосалари билан кўпчиликни ҳайратлантирар эди. Масалан, замона зайли билан бизда «ТАМА АДАБИЁТИ» пайдо бўлганини афсус билан таъкидларди. Шоирнинг бир оғиз лутфи билан мўлжалга беҳато урувчи ушбу ибора адабий муҳитда истеъфодага кириб, оммалашди.

Бозор иқтисодиёти бошқа соҳалар қатори адабиёт ва маънавият учун ҳам жиддий бир синув бўлди. Кўпгина ижодкорлар янгича шароитга мослашолмай, кўниколмай, мувозанатини йўқотиб қўйди, моддий, маънавий рағбатга қаттиқ боғланиб, ўрганиб қолганлар эса ижодни бутунлай йиғиштириб қўя қолишди. Рауф ака мана шундай мураккаб даврда ҳам ижодни муқаддас билди, манфаат илинжида айримларга ўхшаб ўзини ўтга-чўққа урмади, эътиқодидан заррача чекинмади. Зеро, у мансуб бўлган адабиёт тамадан холи эди.

Рауф Парфи ҳеч қачон мукофотларга, турли имтиёзларга интилмади. Охир-оқибат бир куни мукофотнинг ўзи уни қидириб топди. «Халқ шоири» деган шарафли унвон берилганда ҳам ортиқча ҳаяжонланмади. Мухбирнинг «Юксак мукофот муносабати билан нима дея оласиз?» деган саволига берган ўша машҳур жавобини авлодлар ҳали узоқ йиллар эслаб юрса ажаб эмас...

Шоир ҳадди сиғадиган, дилтортар давраларда яйраб-қувнаб, тинимсиз ҳазил-ҳузул қилиб ўтирар, ажойиб, бетакрор лутфлари, ҳазил-мутойибаларини эшитган киши уни ҳаётда ҳеч қандай ташвиши йўқ, бахтиёр одам деб ўйлаши мумкин эди. Шу ўринда бир шоирнинг «Қаҳ-қаҳ уриб куламан нечун, ўзгалар ғамгинлигим билмасин учун» деган мисраси хаёлга келади. Рауф ака ҳам кўпинча кўнги тубидаги асл дард — ҳасратларини пинҳон тутаётганга ўхшарди. У гапирганда ҳамма жон қулоғи билан, берилиб тингларди. Чунки унинг воқеликка муносабати ҳам ўзига хос эди, диққатни тортарди, теша тегмаган гаплари гоҳ кулгили, гоҳ шеърлари каби образли-рамзли бўларди. Жиддий тарзда ҳазил қилар, ҳазил ила жиддий гапирар эди. Бунини тушунган тушунар, тушунмаган талмовсираб ўтираверарди. (Масалан, унинг «Ҳаммаси мустақилликдан кейин яхши бўлиб кетади!» деган оддийгина, нимкоса гапини ҳамма ҳам дабдурустдан англайвермасди) Ҳозиржавоблик билан «ижод қилган иборалар»и эса (афсуски, уларнинг кўпини ёзиб бўлмайди) оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Эсимда, бир учрашувда ёш ҳаваскор минбарга чиқиб шеър ўқий бошлайди, аммо ярмига борганда асари эсидан чиқиб, тўхтаб қолади. Терлаб-пишиб дафтарини варақлай кетади, ўз ёзувига тиши ўтмади шекилли, барибир ўқиёлмайди. Шунда Рауф ака беозоргина оҳангда ҳаваскорга танбеҳ беради:

— Шеърни қўл билан ёзиш керак-да, шоир!

Рауф ака ҳаётга, ўзининг туриш-турмушига андак юқоридан, айна чоғда юмор, ҳазил билан қараётгандек туюлар, шу боис енгил тортиб юраётганга ўхшар эди. Гоҳо қисталанг, иложсиз дақиқаларда ҳазил билан вазиятдан чиқиб кетарди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ёзувчилар уюшмасида маълум муддат парокандалик юз бергани сир эмас. Ўзларига «Адиблар Иттифоқи» дея ном қўйган ёзувчилар айниқса фаоллик кўрсатиб, эски уюшмадан ажралиб чиқишга, ўзларига хайрихоҳларни жалб этишга урина бошлайди-

лар. Улар Рауф Парфини ҳам ўзларига оғдирмоқчи бўлиб, «Ариза ёзиб биз томонга ўтинг!» дея қистай бошлайдилар. Бунақа «ўйин»ларни табиати кўтармайдиган шоир «Ариза шарт эмас, мен сизлар томондаман» деса ҳам қутулмайди. Шунда у секингина, сирли товущда гап қотади:

— Мен ҳозирча эски уюшмада бўлиб турганим маъқул!

— Нега?

— Чунки мен... Адиблар Иттифоқининг Ёзувчилар уюшмасидаги жосусиман!

«Фракциячи»лар ана шундан кейингина «жосус» шоирни бунақа «жиддий» масалага аралаштириш «ножиддий иш» эканини англаб, уни ўз ҳолига қўядилар.

Рауф ака билан юракдан дардлашиб, гурунглашиш учун албатта унга қўшилиб бирга ичишиш шарт эмас эди. Шоир бу масалада анча демократ эди, улфатини ичишга қистамасди. Камина — ичмайдиган одам Рауф ака билан жуда кўп суҳбатлашганман, маълум муддат бир даврада гап-гаштақда жўра бўлганмиз.

Эсимда, 1995 йилнинг авжи қиш палласи шоир билан ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида бирга яшаганмиз. Ошхона ёнида бир эски кутубхона бўларди. Ўша кунлари кутубхонани тартибга солинаётган шекилли, бир четда чанг босган эски китоблар уюлиб ётарди. Чамаси, улар макулатурага мўлжалланган эди. Рауф ака улар орасидан анча-мунча нодир китобларни топиб, хонасига олиб чиқиб бир четга чиройли тахлаб қўяди. Бир гал хонасига чиқсам Нобель мукофотини олган Кнут Гамсуннинг китобини ўқиётган экан. Шоир китобни танлаб, саралаб ўқир, унга анча-мунча асар ёқмас, адабиётга талаби жуда юксак эди. Шарқ ва ғарб бадий тафаккурини пухта ўзлаштириб, омихта қилган эди. Ижодида бу яққол сезиларди. Унинг наздида, адабиёт ҳаётнинг жўн изҳори эмас, абадитга дахлдор илоҳий мўъжиза эди.

Рауф Парфи ўзбекнинг буюк шоири Чўлпоннинг астойдил ихлос қўйган чин мухлиси эди.

Чўлпон меросини яхши ўзлаштирганди, ундан илҳомланарди, таъсирланарди. Унинг ижодида «Қачон тонг отадир менинг юртимда, Қачон адо бўлар ғамга ботган ғам», «Агар юрак ютиб қилсам ошкор — Сўзларим зулмга отилган ўқдир» каби Чўлпонга ҳамоҳанг сатрлар кўплаб учрайди. Рауф ака шеърни ниҳоятда таъсирчан ўқирди, овозида бетакрор бир жозиба бор эди. Чўлпоннинг ўша машҳур «Тириксан, ўлмагансан, Сен-да одам, сен-да инсонсан, Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан!..» деган шоҳ сатрларини ички бир титроқ, ҳаяжон билан ўқиганда беихтиёр кўзларга ёш қалқиб чиқарди. Мавриди келганда Чўлпон ижодини тарғиб қилишдан эринмасди. Бир замонлар Болтиқбўйи мамлакатларига сафар қилиб, дарвешлиги боис у ерда тўрт-беш ой қолиб кетганида Чўлпон шеърларини ўзи баҳоли қудрат русчага тағлама (подстрочник, яъни сўзма-сўз ўтириш) қилиб, шу ерлик шоир дўстларининг она тилида таржима қилдириб чоп эттиради, натижада Чўлпон ижоди Болтиқбўйи халқларида катта қизиқиш уйғотади. Афсуски, бу ноёб тафсилотдан ҳатто аксарият адабиёт мухлислари ҳам хабардор эмаслар. Рауф ака матбуотдаги суҳбатида шундай ёзганди: «Абдулҳамид Чўлпон зулмга қарши, сталинизмга қарши, озодлик учун, дунёвий шеърят учун, ҳуқуқи учун курашаётганларнинг сардорларидан биридир. Халқ шундай шоирини кўп замонлардан буён кутган эди. У келди ва кураш майдонига чиқди. Ҳақ ва Ҳақиқат йўлида қурбон бўлди.»

Дўрмондаги дилтортар суҳбатларда ҳам Рауф ака Чўлпон ҳақида кўп гапирарди. Бу файзли маскан айниқса қиш палласи ижодкорлар билан жуда гавжум бўлар, у ердаги самимий, дилкаш, бетакрор гурунглارнинг нашъу намосини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмас эди. (Тўрт карра нашр этилган «Дўрмон ҳангомалари» деган китобимнинг ҳамиртуриши ҳам ана ўша ерда қорилган.) Адиблар бу ерда ҳаммага ҳам айтавермайдиган сир-асрорлари, ижодий режалари билан ўзаро ўртоқлашар, адаби-

ёт ҳақида тўйиб-тўйиб гурунглашар эдилар. Мен бу мулоқотларни ганимат билиб, «Замондошлардан эсдалик-дастхатлар» (ижодкорнинг дастхатини жуда қадрлайман, дастхат билан совға қилинган китобларни алоҳида, авайлаб сақлайман) деган бир дафтар тутган эдим. Дўрмонда яшаётган шоирлар бир-иккитадан шеърини ўз қўли билан ўша дафтаримга ёзиб беришган. Унда Азиз Абдураззоқ, Тўра Сулаймон, Усмон Азим, Абдулла Шер, Ориф Одилхонов, Ихтиёр Ризо, Ошиқ Эркин. Шукур Қурбон, Муҳаммад Раҳмон, Азим Суюн, Ҳабибулло Саид Фани, Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон каби шоирлар қатори Рауф Парфининг ҳам қимматли дастхати бор. Шоир ёмғир ва Лайло ҳақидаги шеърини лотин алифбосида битган, дафтар ҳошиясига худди Пушкин ўз қўлёзмалари четига чизгандек, ёмғир ва қиз тасвирини ҳам туширган, ҳатто «Лайло» қўшиғи нотасининг (шоир нотани билармиди — хабарим йўқ) аввали ҳам акс этган эди. Аслида Рауф ака билан батафсилроқ бир суҳбат қилишни кўпдан ўйлаб юрган эдим. Режамга кўра, бу суҳбат фақат қоғозга эмас, видеотасвирга ҳам муҳрланиши, авлодларга яхши, қимматли бир хотира бўлиб қолиши лозим эди. Мақсадимни ўзига айтганимда шоир хурсанд бўлиб, бажонидил бунга рози бўлган ва суҳбатга жиддий тайёргарлик кўра бошлаган, ўзимча муҳим деб билган саволларни қоғозга тушира бошлаган эдим. Афсус-надоматлар бўлсинки, кейинчалик бошқа ишларга чалғиб кетиб, бу эзгу ниятни амалга оширишга улгуролмадим. Бандасининг умри оллоҳга омонат эканини кўпинча унутиб қўямиз...

Ҳозир ўша саволлар битилган дафтаримни алам билан варақлайман. Хўш, мен шоирдан нималарни сўрамоқчи эдим?..

«Адабиётнинг ўзак масаласи, бош мақсади нима?», «Адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи, даражаси ҳақида нима дея оласиз?», «Адабиёт ўладими?» деган баҳсларга муносабатингиз?», «Нега айрим катта ижодкорлар бир-бирини тан олмайди ёки тан

олгиси келмайди?», «Абдулла Оринов ижодига муносабатингиз?», «Айрим шеърларингизни тушунтириш жуда қийин, нега шундай?», «Китобхонлик, мутолаа маданиятининг кўнгилдагидек бўлиши учун нима қилмоқ керак?», «Нега сиз, узр, дарвешона ҳаётни ихтиёр этгансиз?», «XX аср яқунланмоқда. Асрнинг асосий сабоғи нима? Бу давр адабиётида энг ёрқин из қолдирган ижодкор ким деб ўйлайсиз?», «Бозор иқтисодиётида ҳамма нарса пул билан ўлчанмоқда. Шундай шароитда адабиётнинг аҳволи нима бўлади?», «Маънавият ҳақида кўп гапирилмоқда. Маънавиятда адабиётнинг ўрни қандай бўлмоғи лозим?», «Мабодо юқоридаги саволларга юракдан, батафсил жавоб берсангиз, уларнинг чоп этилишига ишонасизми?»...

Чўзилиб кетган иқтибос учун узр, мен саволларнинг ўндан бирини келтирдим, холос. Агар ўша суҳбат ўз вақтида қилинганда эди, шоирнинг адабий мероси яна-да мукамал бўлармиди... Рауф аканинг бу саволларга жўяли, батафсил жавоб беришига ишонардим. У адабиёт ҳақида ҳамиша тегин, асосли мулоҳаза юритар, теша тегмаган фикрлари, ноёб кузатишлари билан кўпинча ҳаммани лол қолдирар эди. Адабий жараёндаги, айниқса шеърятдаги йилт этган янгиликни бағоят сезгирлик билан илғар эди.

Катта истеъдодларнинг ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалари ҳамиша юксак қадрият ҳисобланган. (Афсуски, атоқли адибларимизнинг ҳар хил муносабат билан турли жойларда айтган эътиборли фикрларини Гётенинг котиби Эккерман каби ёзиб борадиганлар йўқ.) Энди Рауф ака билан хаёлий суҳбат қилмоқдан ўзга илож йўқ. Ҳа, хаёлий суҳбат... Шоирнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, истеъдодининг йўналиши ва ўзига хослигидан келиб чиқиб жавобларни тахминлаш мумкин. Шоир билан юзма-юз ўтириб қилинган гурунгнинг нашъу намосини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Ижодкор, агар у ШАХС бўлса, унинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса босолмайди. Де-

мак, жўнгина, аммо бирдан-бир тўғри хулоса-сабоқ шу — ҳамма ишни ўз вақти-соатида қилиш, истеъдодларни ҳаётлигида қадрига етиш керак экан!..

Яхшиямки юқоридаги саволлар қайд этилган дафтарнинг бошқа бир саҳифаларига Рауф ака ўзаро суҳбатимизда айтган айрим фикрларни ёзиб қўйган эканман. Уларни ютоқиб, кўзимга суртиб, қайта-қайта ўқийман:

«Ижодкор ўз шахсини, шахсининг бутунлигини сақлаб қолиши керак. Мен ҳамиша шунга интиламан. Айримларга ўхшаб гоҳо валдирайверишим мумкин, лекин ботинан, ички бутунлигимни, шахсимни сақлашга интиламан».

«Тагор жуда буюк шоир, ҳайронман, негадир уни ўқишмайди, билишмайди. Ахир Чўлпонлар унга суянишган. Тагор бир умр инглизларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашган бўлса, Чўлпон чоризм зулмига қарши исён қилган.»

«Мумтоз адабиётимизни, тилимиз асосчиси Навоийни кўпчилик ўқимайди, тушунмайди, ҳатто шоирларимиз ҳам уни яхши билмайди. Луғатларга Навоий сўзларини киритиш керак, ҳеч бўлмаса X асрдан кейинги сўзларни киритиш лозим. Луғатимиз ғариб, у тилимиз бойлигини акс эттира олмайди.»

Рауф ака санъатнинг бошқа турлари билан жиддий қизиқар, айниқса қўшиқчилик ҳақида, айрим ҳофизларнинг қўшиқ матнини яхши англамаслиги борасида куйиниб гапирарди. Рангасвирга алоҳида меҳр қўйганди, рассомлар ҳаётига бағишланган китобларни тошиб ўқир, дафтарлари ҳошиясига бежирим суратлар чизиб юрарди. Аксарият таниқли рассомлар билан яқин дўст эди. Уйсиз-жойсиз қийналиб юрганда маълум муддат кандакор дўсти Омон Азизнинг ертўладаги устахонасида яшаб юради. Камхаржликдан қийналиб қолишганда дўстига Лениннинг ихчам бюстини ясаб тирикчилик қилишни маслаҳат беради. Омон Азиз эринмай бир талай бюстни ишлаб ташлайди. Аммо икковлон қанча елиб-югуришмасин, бирон жойда Ле-



ниннинг калласини сотишолмайди. Доҳийнинг калласи мустақилликдан анча олдиноқ касодга учраган (рамзий маънода ҳам) экан...

Рауф ака ўзаро гурунглarda бир куни рангтасвир санъати ҳақида шундай деган эди:

«Рассомнинг кўнглида бир дарди бўлмаса ба-рибир асари яхши чиқмайди. Техниканинг ўзи билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Агар дарди бўлса, одамларнинг, халқнинг ичига кирса, унинг оғриқ-дардларини ҳис этса, асаридаги ранглар га-пира бошлайди».

Рауф ака ҳар қандай одам билан осонгина тил топишар, нотаниш одамлар билан кўришаётганда ҳам юзларига самимий табассум ёйилар, муомала-мулоқотда жуда содда, ўта ишонувчан эди, шу боис кўпинча панд еб юрарди. Одамларга баҳо берганда уларга яхши ёки ёмон дея жўнгина таъриф бе-риб ўтирмасди. Кутилмаганда шундай бир ғалати ўхшатиш ёки қиёслаш қилардики, ўша одамнинг бутун характери, сохт-сумбати шундоққина киши кўз ўнгида яққол гавдаланарди. Масалан, бир куни Дўрмонда сайр қилиб юрганимизда илгари юқоридаги суянган тоғлари туфайли катта мансаб-ларга эришган, аммо замона зайли билан мансаб-мавқелардан мосуво бўлса-да, ҳали-ҳамон эгардан тушгиси келмаётган ўртамиёна бир ёзувчи ҳақида ачиниб шундай деган эди: «Фалончи боёқиш ўзи яхши йигит, лекин ичида бир стержен-хода бор-га ўхшайди, кўнглида мен доимо баланд мавқеда юришим керак дегандек бир тушунча бор, шу боис ҳамиша оддан тушса ҳам эгардан тушгиси келмай, рўдайиб юради.»

Рауф аканинг гап-сўзлари, ҳазил-мутойибалари ҳам фақат ўзига хос эди. Маълум доирада исти-фодага кириб кетган бу сўзларни (даҳшат, етим-хона, мўминхона, хархаша, раҳбар каби) фақат ўзи ва улфатлари, шогирдлари тушунадиган маъ-нода қўллар, уларда ҳазил аралаш истеҳзо, ки-ноя, қочирим зоҳир эди. Мухбир ҳузурига келиб, «Сиздан интервью олишим керак» деса, кулимси-

раб «Кимга қарши?» деб сўрарди. Бу билан шоир бир замонлар шўро матбуотининг қизил мафкура қўлида шафқатсиз қурол — тўқмоқ бўлганига ишора қилгандек бўларди гўё...

Сир эмас, ҳаётда кўп жабру жафо чеккан одамлар кўпинча дийдаси қоғиб, аламзада бўлиб қолади, мавриди келганда чекилган изтироб-аламларнинг ҳиссасини чиқариб олишга уринади. Рауф акага бундай одатлар ёт эди. У кўнглида губор сақламайдиган, боладек беғубор, кечиримли инсон эди. «Менга зуғум қилганларнинг ҳаммасини кечириб юборавераман, — деган эди шоир бир суҳбатимизда, — шунда ўзимни улардан халос этаману енгил тортаман, акс ҳолда ҳар қадамда бўладиган зуғумлардан ўлиб кетишинг ҳеч гап эмас.»

Афсуски, шоир барибир «зуғумлардан» тўлатўкис қутулолмади. Биз уни асрай олмадик. Замондошлари уни тўлиқ тушуна олмадилар, шундоқ ёнларида буюк бир шоир яшаб ўтганини англаб етмадилар. Аксарият буюкларнинг қисмати шундай якунланган. Беихтиёр хаёлга Рауф Парфининг қуйидаги сатрлари келади:

*Оҳ, шоир қисмати ярқироқ, гулун,  
Завқларга тўлар у, Бир Сўзни излар,  
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун,  
Айрича кулар у, айрича бўзлар.*

Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дермиш. Ҳаётдан эрта кетган айрим шоирлар гўё ўз тақдирини башорат қилгандек, негадир ўлимни тез-тез тилга олишади. Ҳар гал шунақа шеърларга кўзим тушганда ички бир титроқдан ларзага тушиб, сергак тортаман. Рауф акада ҳам шундай шеърлар бор эди. «Мен сизни севаман, аллоҳ кечирсин, Мен сизни севиб ўлганман, Кечирингиз ўлган одамни» деб ёзади шоир 1994 йили ёзган бир шеърда.

Рауф Парфининг маъракасида унинг садоқатли шогирди, шоир Тўра Мирзо Қуръони каримнинг Ёсин сурасини узоқ ўқиди. Ҳаммамиз сомеъ бўлиб,

бош эдик. Бундоқ разм солсам айримларнинг кўзида ёш ҳалқаланди. Мен ҳам мижжаларимга қалқиб чиққан ёшларимни тиёлмай мутаассир бўлдим. Хаёлимга «Бу дунёда рўшнолик кўрмаган шоир эрта кетди (раҳматли ёшини сўраганларга «Мен 25 ёшимда тўхтаб қолганман», дея ҳазил қилар, кўринишдан соч-соқоли барвақт оқарган беғубор гўдакка ўхшарди). Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, ҳали яшаса бўларди» деган аламли фикр қайта-қайта урилди. Кейин, Шайхзоданинг ўша машҳур сатрларини эсладим: «Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, Уни тиригида бир соат йўқланг».

Биз уни тиригида йўқлай олдикми? Қадрига етолдикми?.. Бу оғриқли саволлар бизнинг беғам яшашимизга ҳали кўп халақит беради...

Рауф Парфидек сўнги дарвеш шоир эса қайта дунёга келмайди...

## ДУНЁГА СИФМАГАН ШОИР

*Келди шоир, кетди шоир, ҳеч ким билмади.*

*Самад Вургун*

*Бу кеч қўшни чорбоққа  
Келин тушди ёр-ёр.  
Иложим йўқ бормоққа,  
Кўникаман зор-зор.  
Онам айтар: — Зерикмай,  
Ўғлим, тўйга бор-бор!  
Йўқ, бормайман, боришдан  
Ор қиламан, ор-ор!  
Шу тўйни деб қалбимга  
Узилди бир тор-тор.  
Энди панду насихат  
Қилмас менга кор-кор!*

Машҳур ҳофиз Шерали Жўраев ижросидаги ушбу қўшиқни кўпчилик билади, аммо унинг шеърини ким ёзган деб сўрасангиз аксарият мухлислар елка қисади. Бу шеърни ўтган асрнинг иккинчи ярмида адабиётга ёниб кирган, ижодидаги тугён ва

исён руҳи, бетакрор оҳанги Чўлпон ва Усмон Носирни эслатадиган оташнафас шоир Асқар Қосимов ёзган. Биз Асқар билан университетда беш йил бирга ўқиганмиз. Каминага у билан дўстлашиш, сирдош бўлиш насиб этган.

Эсимда, талабаликнинг илк кунлари, ўқишлар бошлангандан бир неча кун ўтгач, орамизда янги сабоқдош пайдо бўлди. Ўрта бўйли, йирик кўзлари синчков ва андак фаромуш боқадиган, эгнида одмигина уй кийими, оёғига калишини (калиш кийиши ҳам ғалати эди) омонатгина илиб олган бу йигит орқа қаторда индамайгина ўтирар, ҳеч ким билан очилиб-ёзилиб гаплашмас эди. Кейинроқ маълум бўлишича, Асқар «резерв» — заҳира (ўша даврда шундай тартиб-қоида ҳам бўлган) мақомида ўқишга қабул қилинган, тортиниб-қимтиниб юришининг сабаби шундан бўлса керак деб ўйлар эдик. Биз янглишгандик. Асқар ростакамига талаба бўлгандан кейин ҳам ўша камгаплиги, хаёлпарастлиги қолмади. У шоир эди. Илк машқлари матбуотда, тўпламларда чоп этилганини билиб, унга ҳавасимиз келди. Ижод билан шуғулланувчи талабалар домлалар ва курсдошларнинг алоҳида бир диққат-эътиборида бўлиши табиий. Асқар ҳам шундай шарафга ноил эди. Пахта йиғим-теримида юрганимизда ундаги истеъдод кутилмаган бир жиҳатлари билан намоён бўлди. Ҳар оқшом «барак» — ётоқхона ёнидаги сайхонликда бўладиган ўйин-кулги, шеърхонлик (биз бу тадбирни «Лирика кечалари» дея шоирона ном билан атардик) беғубор, бетакрор талабалик ҳаётимизга ўзгача бир завқ-шавқ, шукуҳ бахш этарди. Бунда ҳар ким ўз ҳунари — қобилиятини «неки бор имконида» (Э.Воҳидов) намойиш этарди. Шундай кечаларнинг бирида Асқар даврага чиқиб шеър ўқиди. Ўша ҳаяжонли лаҳзани ҳеч қачон унутмайман. Сталин қатағонига учраб, ёш умри бевақт хазон бўлган Усмон Носир ҳақидаги бу шеърнинг айрим мисралари (негадир уни шоирнинг тўпламларида учратмадим) хотирамга шундоқ мухрланиб қолган:

О Усмон, шоирим,  
Шеъри қойилим,  
Тирик бўлиб сени  
Ерда кўрмадим,  
Ўлик бўлиб сени  
Гўрда кўрмадим.

Асқар шеърни алланечук бир титроқ овозда, зўр ҳаяжон ва катта дард билан ўқиди. Дардини бошқаларга ҳам «юқтира» олди. Янгроқ қарсақлар узоқ давом этди. Шеър ёзиб, шеър ўқиб мухлисларни қойил қолдирган шоирни пахта даврида бошқа учратмадик.

Кейинчалик машҳур бўлиб кетган ўша «Ёр-ёр» шеърини ҳам Асқар пахтада юрганимизда ёзган ва илк бор менга ўқиб берган эди. Мен уни аввал халқ қўшиғи деб ўйлаганман. Услуб шу қадар содда, халқона эди. Унинг услубидаги оҳангдорлик, ички бир дард, куйган кўнгил фарёди, ҳар бир сўзнинг алоҳида жаранглаб туриши Чўлпон шеърятини эслатарди. Чўлпон Асқарнинг энг севимли, ихлос қўйган шоири эди.

Қаҳратон қиш кунларининг бирида Асқар мени «Юринг, сизга зўр бир нарса кўрсатаман!» дея Кўкчадаги ҳовлисига бошлаб борди. Китоб ва қўлёзмалар орасидан бир папкани авайлаб олди. Бу — Чўлпоннинг машинкада кўчиртирилган шеърлари экан. Ўша даврда ўзи ҳам, ижоди ҳам қатағонга учраган Чўлпоннинг китоби тугул, биронта шеърини топиб ўқиш ҳам мушкул эди. Шу боис ҳайратимни яширолмадим. «Қаердан топдингиз? Кимдан олдингиз?» дейиш эсимга ҳам келмади. Сувсиз саҳрода ташна бўлган йўловчидек бу шеърларни ютоқиб, қониқиб ўқий бошладик. Шунда Асқарнинг шеърларидаги ички дард, бетакрор оҳанг илдизлари менга ошкор бўлгандек туюлди. Ўша даврда Чўлпоннинг номи ҳали оқланмаган, университетда қизил мафкурага астойдил берилган ва ишонган айрим домлаларимиз дарсда Чўлпонни очикдан-очик ёмонлаб гапирар, ўзига хос, мустақил дунёқарашга эга бўлган таниқли адабиётшунос

олим Озод Шарафиддинов эса Чўлпонни ёқлашга журъат этар, ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган талабалар гоҳо иккиланиб ҳам қолар, ҳарқалай Озод аканинг фикрлари ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак деб ўйлар эдик. Асқар бу масалада гўё келажакни олдиндан кўргандек, биздан анча илгарилар кетганди. У Чўлпонни халқ дардини куйлаган, чинакам миллий, буюк шоир деб билар, шундай улуғ сиймоларни қатағон этган шўро ҳукумати ва мафқурасини бутун вужуди билан ёмон кўрар эди. Нафратини яшириб ўтирмасди. Айни чоғда у фикрини очиқ-ойдин айтиш билан инқилоб ясаб бўлмаслигини ҳам яхши тушунар, аксарият ижодкорлар сингари маълум маънода мураса қилишга мажбур эди. Йўлини топиб, ўз ғоя-қарашларини турли рамзлар ва тарихий шахслар образи орқали ифодалашга уринарди.

Асқарнинг турли йилларда чоп этилган ва менга дастхат билан совға қилган «Фаввора», «Мовий осмон», «Замин кўрки», «Толбаргак», «Кўнгил кабутари», «Сирлар» каби китобларини қайта-қайта варақлайман. Шоирнинг кўнгил кечинмаларини, адоқсиз дарду армонларини, шеърий санъатини янада теранроқ англашга уринаман. Асқарнинг дўстлик, севги, манзара ҳақидаги бир қарашда анъанавий мавзуларда ёзилгандек туюлувчи шеърларида ҳам биркам дунёнинг номукаммаллигидан куйиниш, ўртаниш яққол сезилиб турарди. Шеърининг асосий маъно-мазмунини, пафосини эса, шубҳасиз, халқ, миллат дарду қувончи, орзунин билан боғлиқ мавзулар эди. Буни шоирнинг ўзи ҳам очиқ эътироф этган: «Шоирлик деганда биз ўта сезирлик билан башариятга беминнат, ҳалол хизмат қилишни тушунамиз. Росмана шоир жамиятда бўлган, бўлаётган, бўлғувсини қувонч ёки қайғудан пайғом бериб, гоҳ келажакка, гоҳ кечмишга хаёлан парвоз қилиб кишиларни хушёрликка ундайди».

Асқар Қосимовнинг шоир Турди Фароғийга бағишланган «Обида» драматик достони, «Само сирлари» фантастик драмаси, Прометей ҳақидаги

«Сирлар» достонида шоирнинг асосий этиқодига айланган «башариятга беминнат, ҳалол хизмат қилиш» ғояси устувор. Мозийга, тарихий шахсларга мурожаат бежиз эмас. Мустабид тузум шароитида замонавий мавзуда қалам тебратган шоир ўз қарашларини очиқ-ойдин ифода этиши қийин эди.

«Ўзбекистон» сўзини биринчи бўлиб тилга олган Турди Фароғийнинг ижоди ва ҳаёт йўли шоирга илҳом берган. Турдининг «Тор кўнгилик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг, Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг!» деган ўша машҳур сатрлари шоир илгари сурган ғояларга ҳамоҳанг эди. Шоирнинг «Уруғчилик, тарафкашлик авж олган юртда алол-абад унум бўлмас» деган хитоби ҳали-ҳамон долзарб эканлигини ҳаёт тасдиқлаб турибди.

«Монанди қуш шоир руҳи озоддир, Шеърда унинг қўлагани тазоддир» дейди шоир бир шеърда. Мумтоз шарқ шеърлятида ўзаро зид тушунчаларни ифодаловчи сўз ёки ибораларни қўлашдан иборат, кенг тарқалган бадий тасвир воситасига тазод дейилади. Шоир бу билан гўё шеърлятидаги тимсоллар, нимкосаларга ишора қилади. Китобхонни сергак, синчков бўлишга ундайди...

Шоир руҳи ҳамиша озодликка ташна, ҳамиша озодликни орзу қилиб яшайди. Бу орзу мавҳум — мубҳам эмас, шоир Ватаннинг амалда озод бўлишини истайди, бунинг учун «Ер мавзуси» ҳал этилмоғи лозим дейди: «Шоир, кўкка боқма! Ер мавзуси, билсанг агар, энг яхши мавзу. Майли, киприк қоқма, Умр бўйи кўзларингни тарк этсин уйқу.»

Воқеалар Чилига кўчирилган (шоир шундай қилишга мажбур эди) «Мовий осмон қўшиғи» балладасида озодлик ғояси очиқроқ, юксакроқ пардаларда куйланади: «Осмон бўлманг, ерлашинг, Тарқоқ бўлманг. Бирлашинг! Токи Озодлик банди бўлиб Ётмасин кишанларда. Токи Тинчлик кабутарин Қанотлари синмасин. Йўқса Кураш деган сўзнинг маъноси ҳечдир!»

Эзоп тили, тимсоллар, ишоралар, мураккаб образлар шоирнинг қалб тугёнларини, дарду армонини тўла-тўкис изҳор қилиш имконини бермасди. Шоирга иложсиз қолганда дардини айтиб, кўнглини бўшатадиган бир «қудуқ» керак эди: «Эй, қудуқ! Лол бўлма, чимрилган қош каби, Кўксимда ташналик йўқ ҳали... Келдим мен қошингга сартарош каби Искандарнинг шохи бор деб айтгали.»

Дардни қудуққа айтиш билан мурод ҳосил бўлмасди, албатта. Бунинг сабабини шоир шундай изоҳлайди: «Ух, мунча оғир — Оқ билан қорани ажратгач Яшаш, фикрлаш.»

Ўша даврда оддий халқнинг, илғор зиёлиларнинг дунёқараши, яшаш, фикрлаш тарзи қандай эди? Ҳамма ҳам шоир назарда тутган ўша «оқ билан қорани» ажратиб олган эдими? Мустақиллик орзуси ўша мустабид тузум даврида қандай намён бўларди? Сир эмас, шундай эзгу орзу-тилак озми-кўнми ҳар бир соғлом фикр юритадиган, имон-эътиқодли ватандош кўнглида бўлган, албатта. Аммо бу орзу-истак кўнгилларнинг туб-тубига чўктирилган, уни овоз чиқариб айтиш мумкин бўлмаган, бу ҳақда ҳатто ўзаро гурунглашишга ҳам журъат қилинмасди. Худди шу масалада Асқар бошқаларга ўхшамасди. Юртнинг мустақил эмаслиги, қарамлиги, мустамлакачилик чиройли шиорлар билан ниқобланган ҳолда яна давом этаётганлиги шоирга муттасил азоб берадиган катта дард, сира битмайдиган очиқ яра эди, шу туфайли ўзини қафасдаги қушдек тутқун ҳис қиларди. Аламининг чеки-чегараси йўқ эди. Бу кайфият баъзан ижодида ҳам акс этиб қоларди. Гоҳо эҳтиётни унутиб, дардини очиқ айтворарди. Шундай бир ҳолатга ўзим гувоҳ бўлганман. Ёзувчилар уюшмасининг Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги эски биносида бўлиб ўтган бир адабий анжуманда Асқар юртнинг мустақил эмаслиги, миллатнинг камситилаётгани очиқ-ойдин ифодаланган шеърини минбардан туриб ўқиб юборади. Бу очикдан-очиқ исён эди. Бунақа «ўзбошимча»ликка анча-мунча «тентак» журъ-



ат қилолмасди. Ҳамма ҳангу манг бўлиб қолади, хайъатда ўтирган уюшма раҳбарлари кўрқиб кетишади. Шундан кейин махсус идора вакиллари «бебош шоир»ни суҳбатга чорлаб, анча вақтгача исканжага олишади. Хайриятки, 37-йилларнинг даҳшати ортда қолганди, акс холда унинг ҳам бошига Усмон Носир каби шоирларнинг қисмати тушиши ҳеч гап эмас эди...

Янглишмасам, 1967 йили, учинчи курсда ўқиётганимизда Асқарни Андижондаги қишлоғимизга олиб бордим. Айни баҳор фасли эди. Гўзал Ширмонбулоқнинг боғлари ва тоғларида мириқиб сайр қилдик. Шоир қишлоғимизга атаб бир шеър ҳам қоралади. Адабиёт муаллими бўлган ва ўзи ҳам дурустгина шеърлар ёзадиган Содиқ амаким билан таништирдим. Китобга ишқибоз бўлган амаким кутубхонасидаги Навойнинг «Лайли ва Мажнун» достонининг чиройли, эски нашрини Асқарга дастхат ёзиб совға қилди. Шоир бундан кўп мамнун бўлди. Ўша оқшом Асқар билан суҳбатимиз тонгга қадар давом этди. Гап айланиб келиб яна Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носирга, юртининг мустақил, озод эмаслигига тақалди. Асқар бу ҳақда куйиниб, тўлғониб гапирар, худди оғир дардан иситма тутаётгандек юз-кўзларидан тинимсиз тер куйилар эди. Титроқ овози дардининг ниҳоятда аламли, оғир эканини таъкидлаб турар, унга қандай таскин беришни билмас эдим. Уни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмагандим. Йўқ, бу шунчаки сирдошига ҳадди сиққанда айтиладиган оддий ҳасрат эмасди. Шоирнинг юрагини кемираётган чексиз ғусса менинг ҳам қалбимга кўчди, биринчи бор уни тўлароқ тушунгандек бўлдим. Ажабо, эл-юрт ғами, Ватан, миллат тақдири шоирнинг шахсий дардига айланган, ўша лаҳза буни ўз кўзим билан кўриб, кўнглимнинг туб-тубидан ҳис қилиб турар эдим. Беихтиёр ҳазрат Навойнинг «Одавий эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами» деган пурҳикмат сўзи хаёлимдан ўтди.

Университетни битириш арафасида курсдошлар бир-биримизга нақадар ўрганиб, боғланиб

қолганимиз маълум бўлди. Иложсиз хайрлашув онлари яқинлашиб келарди. Ўша кезлар Асқар умумий кайфиятимизни шундай ифодалаган эди: «Университет ҳижронга қодир, Бу даргоҳдан бир кун кетурман, Қадрингизга етмасам ҳозир, Дўстлар сизни қайдин топурман».

Пойтахтда ишлаб қолганим учун Асқар билан дўстона мулоқотларимиз кейинчалик ҳам давом этди. Унинг матбуотдаги ҳар бир чиқишидан қувонардим. Ҳар гал китоби чоп этилганда дастхат билан совға қиларди. Анча йил нашриётда ишлаб, Ҳамид Фулом, Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуров, Миразиз Аъзам, Пирмат Шермуҳаммедов, Маҳкам Маҳмудов, Ботир Норбоев, Миржалол Турсунов, Ҳикоят Маҳмудова, Назира Жўраева каби ижодкорлар билан елкадош бўлди, уларнинг айримлари билан дўстлашди.

Асқарнинг муҳаррир сифатидаги билими, малакасига кўпчилик ҳавас қилар, унга энг масъул вазифалар, муҳим қўлёзмалар ишониб топширилар, шоир мумтоз, замонавий ва жаҳон адабиётини мукамал билар эди. Ижоди камроқ ўрганилган, мероси халққа ҳали тўла етиб бормаган ижодкорларга алоҳида ихлос, эътибор билан қарарди. Шу боис Абдулла Авлони, Насимий китобларига суюниб, бажонидил муҳаррирлик қилганди. Устозим Мирзакалон Исмоилий «Фарғона тонг отгунча» романига Асқар муҳаррирлик қилгани ва у билан бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қилганини хурсанд бўлиб гапирган эди. Асқар моҳир таржимон ҳам эди. Қадимги юнон адиби Апулейнинг «Эврипишлар ёхуд Олтин хўтик» (Маҳкам Маҳмуд билан ҳамкорликда), Эврипиднинг «Медея», Эсхилнинг «Қабр олдидаги қурбонлик» асарини она тилига юксак маҳорат билан таржима қилган. «Медея» асосида телеспектакль ҳам қўйилган. Ушбу таржима маданий ҳаётда воқеа сифатида эътироф этилади. Шу муносабат билан республика раҳбари Асқарни ҳузурига чорлаб, самимий табриклаган ва рағбатлантирган эди. Ўша кезлар Асқар шахсий

ҳаётидаги алфов-далфовлар, мураккабликлар гирдоба қолган, туриш-турмушида ҳаловот йўқолган эди. Омади чоғиб имконият туғилганда катта раҳбардан айрим ижодкорларга ўхшаб машина ёки уй-жой сўрамайди. У Чўлпон асарлари чоғ этилишини илтимос қилади. Раҳбар яқин келажақда бу масала албатта ҳал этилажагини, яна бир оз кутиш лозимлигини айтади.

Асқар дуч келган одам билан осонгина элакишиб кетавермас, дилига, дидига ўтириб қолган одамнинг қадрига етар эди. У кўринишдан офир-вазмин одамдек таассурот қолдирса-да, туғёни, вулқони ичида эди. Яқинларига, дўстларига садоқатли эди, офир дамларда уларни ҳимоя қилишга қодир эди. Шоир Сафар Барноев (Оллоҳ раҳмат қилсин) шундай бир воқеани ҳикоя қилганди. Нашриётда ишлайдиган уч-тўрт нафар шоирлар ишдан кейин салқин бир масканда улфатчилик қилишади. Сархуш бўлиб, бурунлар бурунларга тегай деганда ошга пашша тушади. Қаёқдандир пайдо бўлган иккита барзанги шоирларга тегажоқлик қила бошлайди. Безориларни яхшиликча инсофга ундаш кор қилмайди. Шилқимлик авжига чиқаверади. Шунда Асқар енгил, чаққон бир ҳаракат билан ҳар икки барзангини қайта ўрнидан туролмайдиган қилиб ерга сулайтириб кўяди. Асқар ўсмирлик давридан бошлаб бокс билан жиддий шуғулланган, расмий мусобоқаларда қатнашган спортчи бўлган. У керак бўлса бошқалар учун жонини ҳам аямас, аммо ҳаётда ўзи учун, ўз манфаати учун ҳафсала қилмас эди. Ҳаётга мослашишни, айрим олғирлар каби офирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишни билмасди. Ниҳоятда содда, ишонувчан, камтар-камсуқум эди. Балки шу одатлари унинг фожиасини тезлатгандир...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик Асқар билан мактабдош бўлган, ҳарбийда бирга хизмат қилган, унинг бутун туриш-турмуши, ҳаётини яхши билган. Машҳур «Шайтанат» асарида Асқар Қосимовнинг эса қоладиган, мукамал образини яратган. Шоир ҳаётидаги фожа сабабларини таъсирчан ифодаланган.

Асқарда гоҳо таркидунёчиликка мойиллик кайфияти пайдо бўлиб қолишига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ўзаро суҳбатимизда «Қанийди дунё ташвишларидан узилиб, табиатнинг хилват гўшаларига бир умр бош олиб кетсанг...» дегани эсимда. Бу ҳам аслида ўша исённинг бир учқуни эди. Ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, ҳар қадамда учрайдиган ноҳақликлар уни ҳолдан тойдиради. Атрофдаги одамларнинг, миллатнинг виждони бўлиши лозим бўлган айрим казо-казоларнинг бу ҳолатга бефарқлиги, кўникиб қолганлиги уни баттар изтиробга солади. Бу ҳақда алам билан шундай ёзган эди: «Ноҳақлини кўрсам қалбим бозиллар, Не қилай мум тишлаб турса фозиллар?..».

Дарди ўзига етарли бўлган шоирнинг оилавий ҳаётда ҳам омади чопмайди. Икки марта турмуши бузилади, ҳаловати йўқолади. Яшашга иштиёқи сўна бошлайди. Дунё кўзига қоронғу кўринган, ё ҳаёт, ё мамот масаласи кўндаланг турган лаҳзаларда яқинлари (афсуски, яқинлари деганда кимлар назарда тугилаётганини очик айтилмайман, сабаби...ўзбекона андиша...) дардига дармон бўлиш, кўнглини кўтариш ўрнига уни тушунмайдилар, қайтанга ярасига туз сепиб, ўзларининг майда манфаатлари гирдобига торта бошлайдилар. Уларнинг дунёси шоирнинг руҳига ёт, бегона эди. Шоир у дунёга мослашишни истамайди. Унсизгина дардини ичига ютади. «Тез-тез рангли тушлар кўряпман, — деган эди у ўша кунлари яқин ҳамкасб дўсти Миржалол Турсуновга (шоир Миртемирнинг ўғли), — менга юринг, сизни олиб кетамиз дейишяпти... Кетворсаммикин...»

Шоир кетса кетворгудек эди. Бу тимсол-ишоранинг маъноси тез орада маълум бўлди...

Асқар Қосимовнинг фожиасига, жонига қасд қилишига яна қандай омиллар сабаб бўлганини англаш ва айтиш қийин. Ҳаётдан тўйиб бўйнига сиртмоқ ташлаган лаҳзада ҳаёлидан кечган ўй-кечинмалар, алам-армонларни ҳеч қачон билолмаймиз. Бир умр истиқдол софинчи билан яшаган

шоир худди Чўлпон каби ўша адолатсиз дунёга сифмади. Аниқроғи, ўша дунёда яшашни истамади. Ҳали унинг айтадиган, айтолмаган чўнг дардлари, ёруғ дунёдан умидлари кўп эди...

Пушкиннинг ўз ижоди ҳақидаги «Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга» деган эътирофи машҳур. Бундай демоққа анча-мунча ижодкорнинг журъат этиши қийин. Асқар шундай башоратга ботина олган эди:

*Атиргуллар ўз мушкин*

*Сочар шеъримга.*

*Қучоғини мангулик*

*Очар шеъримга.*

*Ҳозирганоқ сафларга*

*Басту бўйим бор.*

*Жаранглаган тор каби*

*Соҳир куйим бор.*

*Ҳеч вақт унга деворлар*

*Тўсиқ бўлолмас!*

*Етиб боргай қалбларга,*

*Қоғозда қолмас.*

Жафокаш шоир Асқар Қосимов ўзининг қисқа умрида рўшнолик кўрмай, ҳаётининг сўнгги лаҳзасигача озодликни, юрт мустақиллигини орзу қилиб, куйлаб ўтди. Афсуски, унинг адабий мероси ҳали яхши ўрганилмаган ва мухлисларга тўлиғича етказилмаган. Шоирнинг «Сайланма»сини, эълон қилинмаган асарларини чоп этиш ва хотирасини абадийлаштиришга бурчлимиз.

## ХАЛҚИГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙГАН АДИБ

Тоғай Мурод адабиётга атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда тутаб эмас, ёниб кириб келган эди. Адабиёт санъатнинг шундай қийин, мураккаб турики, унга бутун борлиғи, ҳаёт тарзини бахшида қилганларгина умрбоқий асарлар яратиш бахтига муяссар бўла оладилар. Раҳматли

Тоғай Мурод шундай бахтга ноил бўлган адиблардан эди. У нисбатан қисқа умрини тўла-тўқис адабиётга бағишлай олганди.

«Отамдан қолган далалар» романига ўзи битган, бир қарашда китобхонга андак ғалатиноқ туюлувчи сўнгсўзда шундай ёзган эди:

«Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният этдим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача уйланмайман, оила қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлайман. Мен фақат бир нарсани кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш. Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат қизганмадим. Мен дунё талашмадим! Фақат изландим, фақат ўқидим... Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!»

Тоғай Мурод ўзини ана шундай катта, улуғвор мақсадга чоғлаган эди. Унинг ёзганлари орасида «иккинчи нави — чиқити» бўлмади. Ҳар бир ёзган асари адабиёт осмонида чақмоқдек чақнаб, ёрқин юдуз бўлиб қолаверди. Ўз асарлари билан ўзбек халқига ҳайкал қўйишни орзу қилган ва бу эзгу мақсадига эришган бахтли адиб эди.

Биз Тоғай Мурод билан деярли тенгдош, адабиётнинг маънавий ҳаётда катта нуфузга эга бўлган, адабий муҳит ва адабий жараённинг жўшқин бир палласига гувоҳ авлодмиз. Эсимда, бу даврда истеъдод билан яратилган ҳар бир асар тезда тилга тушиб, қўлма-қўл бўлиб кетар, турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлар эди. Тоғай Муроднинг илк қиссаси — «Юдузлар мангу ёнади» ана шундай асарлардан бири эди. Ёзувчи ана шу илк жиддий асари билан китобхонлар қалбига йўл топди. Кейинги асарларининг довуғи эса бундан ҳам баланд бўлди. «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қўшиғи» каби бирин-кетин эълон қилинган қиссалари ва ниҳоят

«Отамдан қолган далалар» романи адабиётимизда ўзига хос, бетакрор воқеа бўлди. Бу асарлар аввало халқчиллиги, одамлар характерининг самимий, моҳирона тасвири, тилининг жозибаси билан ажралиб туради. Адабий танқидчилик ва оқсоқол адибларимиз — Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров Тоғай Мурод ижодига юксак баҳо бердилар.

Тоғай Муроднинг феъл-атвори бошқаларникига ўхшамагани каби, асарлари, айниқса уларнинг тили ҳам бошқаларникига ўхшамайди. Ёзувчи ўзбек тилининг бойлиги, халқчиллиги, оҳангдорлиги ва ички имкониятларини намойиш этди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ажойиб, бетакрор бир қўшиққа ўхшайди.

Адабиётимизда пахтакорнинг заҳмати, фожиаси, дарду қувончи ва армонларини ёрқин бадиий бўёқларда ифодалаган салмоқли асар деярли йўқ эди. Не бахтки, Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар» романи билан ана ўша кемтикни тўлдирди. Бу асар таниқли режиссёр Шухрат Аббосов томонидан кино ҳам қилинди. Бу ҳақда бир куни Тоғай Мурод менга шундай деган эди: «Шухрат аканинг ўзи менга телефон қилиб, романингизни кино қилсак майлими? — деб сўради. Мен рози бўлдим. Чунки ҳозирги вақтда бизда Шухрат акдан зўр режиссёр йўқ».

Раҳматли кионинг ҳам романи каби зўр бўлишини, умуман ҳамма нарсанинг, жумладан шон-шуҳратнинг ҳам зўр бўлишини истар, шу боисдан ҳам асарларини ўз эътирофича ғанимларига ўзини бир кўрсатиб қўйиш учун ёзганлигини тортинмай таъкидлаган эдики, ёзувчининг бу фикри билан андак баҳслашиш мумкин. Балки раҳматлига зўр асар ёзишида ана ўша «ўзини кўрсатиб қўйиш» истаги қўл келган бўлиши ҳам мумкин... Аммо асосий ҳақиқат шундан иборатки, ёзувчида Оллоҳ томонидан берилган истеъдод бўлмаса, минг чирангани билан яхши асар ярата олмайди. Тоғай Муродда аввало ана ўша табиий истеъдод бор эди. Ҳамма гап

ана шунда! Тўғри, ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўлида яхши-ёмон одамлар учрайди. Тоғай Мурод ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар қандай истеъдоднинг ижод йўли ҳеч қачон равон, бир текис бўлмайди. Истеъдодни кўролмайдиганлар ҳаминша, ҳамма замонда бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин Тоғай Муроднинг атрофида унга хайрихоҳлар ҳам кўп эди. Охир-оқибат истеъдоднинг қадрига етadиганлар туфайли ҳам етук ёзувчи сифати тан олинди, Тоғай Мурод бўлди-да! Ушбу оддий ҳақиқатни эътироф этиш жоиз.

Юқорида Тоғай Мурод бутун умри, ҳаёт тарзини адабиётга, ёзувчиликка бағишлаган эди дедик. Балки шу боисдандир, у одамларга қўшилмайроқ, хонанишин бўлиб яшади. Бунинг учун уни айблаш ўринсиз. Айни чоғда у кўнглига ўтиришиб қолган, дилга яқин одамлар билан анча илиқ муносабатда бўларди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида «Ўзбекистон маданияти» (Ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси) газетасининг наср бўлимини шоир, ёзувчи Қамчибек Кенжа бошқарар, Тоғай Муроднинг илк машқлари ҳам ана шу газетادا босилиб турарди. Қамчибек билан биз курсдош ва дўст эдик, тез-тез ишхонасига бориб турганларимда, кўпинча Тоғай Муродни ўша ерда учратганман.

Тоғай Муроднинг феъл-атворидаги «ғалати»ликлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Масалан, у ҳаммага маълум ҳақиқатларни тап тортмай инкор қилаверар, ҳар бир масалада ўз фикр-мулоҳазаси бўлар, фикрини эса очик айтаверар эди. У билан боғлиқ шундай бир ҳангома эсимда қолган. Кунлардан бир куни пойтахт марказидаги «Зангори гумбаз» чойхонасида шоир Шукур Қурбон, Тоғай Мурод ва камина гурунглашиб қолдик. (Ўша кезларда бу файзли жойда ижодкорлар тез-тез учрашиб, дилдан гурунглашиб турарди.) Ногоҳ суҳбат мавзуси кимнинг ёши нечада эканлигига келиб тақалди. Шунда маълум бўлдики, даврада ўтирганларнинг энг «қариси» (Агар янглишмасам, ўшанда



ҳали уйланмаган, ёшим ҳам нари борса йигирма тўрт-йигирма бешларга борган эди) ўзим эканман, бу менинг ўша лаҳзадаги энг катта «айбим» эди. Шу боис суҳбатдошларим бири олиб, бири қўйиб менинг «қарилигим»ни юзимга солишар, мен эса айбсиз айбдордай ўзимни оқлашга қийналиб, хит бўлар эдим. Ахийри чидолмай, «портлаб» кетганман: «Ҳей, менга қаранглар, мен эликка кирганимда биринг (Тоғай Мурод) қирқ саккизга, яна биринг (Шукур Қурбон) қирқ бешга тўлар экансизлар. Хўш, нима бўпти, шунга ҳам ота гўри — қозихонами?»

Шунда ҳаммамиз бир-биримизга қараб туриб, хахолаб кулиб юборганмиз. Феъл-атворимиздаги болаларча соддалик, беғуборлик бизни анча вақтгача тарк этмаган экан-да...

Тоғай Мурод курсдош дўстларидан таниқли шоир Мирпўлат Мирзони ўзига яқин олар, у ҳам дўстининг мураккаб феълига яраша муомала қилиб, кўнглига йўл топар, садоқат кўрсатар, асарларининг муҳокамаларини куйди-пишди бўлиб уюштирар, истеъдодни кўролмайдиган айрим олифта ғаламисларнинг шаштини қайтарар эди. Тоғай Мурод мукофот ва унвонлар олганда Мирпўлат билан уйига бориб, табриклаб келардик. Ёзувчининг садоқатли, жафокаш аёли, ўзи ҳам яхшигина қаламкаш Маъсумахоним парвона бўлиб, қўлбола палов қилар, меҳмонларнинг кўнглига йўл топар эди. Бундай пайтда Тоғай Мурод очилиб-сочилиб, яйраб ўтирар, яхшигина гурунг берар эди.

Тоғай Мурод бир неча йил камина бош муҳаррирлик қилган «Хабар» газетасида таҳририят аъзоси бўлган эди. Кўча-кўйда учрашиб қолсак, «Мен фақат «Хабар» газетасининг таҳририят аъзосиман, ҳа!» дер, унинг ҳазил аралаш айтган сўзларида гурур ҳам бор эди. Газетанинг яхши чиқаётганини айтиб қолар, айниқса, газетага ҳазрат Навоийнинг «Эрусен шоҳ, агар огоҳсен, сен. Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен» деган шоҳбайтини шиор қилиб олганимиз айти муддао бўлганини таъкидлар эди.

Тоғай Муроднинг ҳаётдан эрта кетгани адабиётимиз учун катта йўқотиш бўлди. Кўнгилга таскин берувчи ёлғиз тасалли шуки, ундан китобхонлар ҳамиша суйиб, қизиқиб, қидириб ўқийдиган умрбоқий асарлар қолди.

Тоғай Мурод ижоди йигирманчи аср ўзбек адабиётининг йирик, таниқли намояндаларидан бири сифатида ҳамиша ардоқли ва азиздир. Биз эса унинг порлоқ хотираси олдида ҳамиша бурчлимиз.

### «МЕН ЎЗИМГА ЎХШАЙМАН, ХОЛОСИ»

Бизнинг талабалик йилларимиз ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига тўғри келган. Ўшанда дорилфунуннинг (ҳозирги Миллий университет) Амир Темур майдони ёнидаги эски биносида ўқир эдик. Эсимда, илк сабоқлар бошланган кунларнинг бирида (ҳали бир-биримиз билан дурустроқ танишиб улгурмаган, содда-тортинчоқ эдик) сурхондарёлик курсдошим Ғофир Зиёқуловнинг ёнида беғубор кўзларидаги ҳайрат ва қизиқсинишни яширолмаганидан ўзи ҳам хижолат бўлгандай тортиниб-қимтиниб ўтирган болакайга кўзим тушиб қолди. Мен уни бежиз «болакай» демадим. Кўпчилигимиз омадимиз чопиб, мактаб остонасиданоқ тўғри университетга ўқишга киришдай катта бахтга (ўшанда бу ростдан ҳам катта бахт ҳисобланарди) муяссар бўлган, эндигина мўйлаби сабза ура бошлаган, ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги ўсмирлар эдик. Ҳалиги «болакай» эса кўриниши биздан ҳам ёш, худди еттинчи-саккизинчи синф ўқувчисини эслатар, шу боис унинг талабалар орасида ўтириши мени андак ажаблантирган эди. Кейинчалик билсак, у ўшанда ўн олти ёшда экан. Ғофир қизиқсинганимни пайқаб, мени «болакай» билан таништирди:

— Бу йигитча ҳам курсдошимиз, машҳур Пўлкан шоирнинг невараси Амирқул Пўлканов бўлади!

Амирқул билан ана шундай танишгандик.

Адабиётдан, халқ оғзаки ижодидан андак хабардор одамнинг Пўлкан шоирни билмаслиги мумкин эмас. Биз келажақда журналист, шоир, ёзувчи бўлишни орзу қилар (орзуга айб йўқ), аммо ҳали «тирик» шоир, ёзувчини кўрмаган, шу боис ижодкорнинг ўзигагина эмас, унга дахлдор нарсаларга ҳам қандайдир бир меҳр-ихлос билан қарар эдик. Шу боис, Амирқул машҳур Пўлкан шоирнинг невараси бўлгани учун унга самимий ҳавас қилар эдик. Орадан кўп ўтмай ўзи ҳам шеърлар ёзиши маълум бўлгач, ҳавасимиз янада ортди. Энди у билан фахрланадиган бўлдик.

Ўша йиллари куз мавсумида бир неча ойга чўзиладиган пахта йиғим-терими биз талабалар учун фақат оғир меҳнат эмас, балки бир-биримизни яхшилаб ўрганиш, севиб-севилиш, кимнинг нимага қодирлигини кўрсатиш учун берилган ажойиб бир синов даври ҳам эди. Оқшомлари бўладиган лирика кечаларида куй-қўшиқлар, интермедиялар қатори албатта шеърхонлик ҳам бўлар, биз — куйи босқич талабалари «оқсоқоллар» — юқори босқичдагилардан орқада қолмасликка ҳаракат қилар, шундай маҳалда ишонганимиз Амирқул эди. Тўғри, унинг ўша кезлардаги машқлари бадиий жиҳатдан мукамал эди, дейиш қийин. Курсдошимиз — неvara шоир бизга ёд бўлиб кетган шеърларини тортиниброқ, паст, ёқимли-мулойим овозда, худди муаллим олдида имтиҳон топшираётгандай, енгил бир ҳаяжон-титроқ билан ўқир, унинг ҳаяжони бизга ҳам кўчар, нафасимизни ичимизга ютиб тинглар эдик. Амирқул номи чиқиброқ қолган айрим «оқсоқоллар» каби олқиш ололмаса куйиниб ўтирмасдик, биз учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Муҳими — бизнинг ҳам шоиримиз бор! У ҳозир бўлмаса, келажақда албатта катта шоир бўлади! Кўнглимиз тўридаги бу фахр-истакни кейинчалик адабиёт илмини биздан сал аввалроқ илғай бошлаган юқори босқич талабалари ва айрим домлаларимиз ҳам эътироф эта бошладилар: «Амирқул келажақда яхши шоир бўлади!»...

Пахтада гоҳо бўш вақт топилганда футбол ҳам ўйнаб турар эдик. Ўйиннинг бу тури Амирқулнинг жону дили эди. У дарвозада турганда тепилган тўпни енгил сакраб тутиб олар, шу кўйи ёнбошлаб ётганча тўпни силаб-сийпалар, негадир қўйиб юборгиси келмас, ўйиндан завқ-шавқ олаётгани шундоқ кўриниб турар эди. Худди шу лаҳзаларда унинг бола характери янада яққолроқ намоён бўларди. Агар янглишмасам, умрининг охиригача ўзининг болалигидан йироқлашмаган эди. У бир шеърда «Яшагандек бўламан фақат Болаликка қайтган кунимда» деб ёзганди.

Эсимда, пахтадан қайтгач, курсимиз оқсоқоли, ажойиб инсон Тошпўлат Саидов (ҳарбий хизматдан кейин ўқишга кирган, биздан тўрт-беш ёш катта бўлгани учун бизни ҳазиллашиб «гўдаклар» деб атарди) билан ижарада тура бошладик. Курсдошлардан Дониёр Бегимқулов (Абдулла Орипов ижодининг билимдони ва тарғиботчиси) билан Амирқул кулбамизга келиб турарди.

Қаҳратон қиш кунларининг бирида Амирқул бизни йўқлаб келди. Қувноқ ва ҳазилкаш Тошпўлат ака бизни роса кулдирди. Шоирнинг янги шеърларидан эшитдик. Адабиётдаги янгиликлардан гурунглашдик. Кейин — «бадий қисмда» оқсоқолимиз ҳарбийда ўрганган ҳунари — боксни ўргатмоқчи бўлди. Сочиқни қўлқоп ўрнида бармоқларга ўраб олиб машқ қилдик. Қизишиб кетиб, яхшигина мушт ҳам едик. Айниқса Амирқул, шоир эмасми, қони қизиб, зарбага кўпроқ дучор бўлди.

Алламаҳалда Амирқулни кузатгани чиқдик. Трамвай бекатигача анча йўл эди. Тун ярмига яқинлашиб қолгани учун трамвай ҳам ҳадеганда келавермади. Бунинг устига Амирқул яна болалигига бориб, эски вагонда кетмайман деди. Янги вагон келишини (ўшанда эндигина юмшоқ вагонлар йўлга қўйила бошлаганди) кута бошладик. Кишининг қаҳри қаттиқ эди, оёқларимиздан совуқ ўтиб, қалтирай бошладик. Амирқул шунда ҳам барибир айтганидан қайтмади, янги вагонда кетди. Кайтиш-

да Тошпўлат ака шоирнинг болаларча беғубор феълидан, ўзига хос эркалиги-ўжарлигидан завқланиб (ажабо, бу одатлари унга ярашгандек туюлар, негадир бизга малол келмас эди) хитоб қилди: «Вой гўдак-эй! Янгисида кетаман дейди-я! Эскисида кета қолса нима бўпти?!»...

Кейинчалик Тошпўлат ака билан Амирқул худди туғишган ака-укалардек яқин, қадрдон бўлиб кетдилар ва бу яқинлик ўқишни битирганимиздан кейин ҳам бир умр давом этди.

Амирқул дуч келган одам билан тезда тил топишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетавермас, жини суймаганлардан нарироқ юрар, муғамбирлик қилиб, ёқтирмаганлигини яшириб ўтирмас, балки шу боис айримларда ўзи ҳақида нотўғри таассурот ҳам қолдирар, бундан у астойдил изтироб чекар, андак сархуш бўлган пайтларида яқинларига ҳадди сиғиб, шундай ҳасрат қилиб қолар эди: «Эҳ, Сизлар мени билмайсизлар-да, мен аслида яхши одамман!». Дарвоқе, шу ўринда унинг бир рубойиси ёдга тушади: «Дунёнинг асрори кўзимга маълум, Ҳар ўтган баҳорим — ёзимга маълум. Ҳамма ҳам тушунмас менинг қалбимни, Ўзимдан ўтгани ўзимга маълум».

Ростдан ҳам аслида у самимий, боладек беғубор (самимийлик ҳақида яхши бир шеъри ҳам бор) инсон эди. Тилини, дилини топган одам билан осонгина эл бўлиб, элакишиб кетар эди.

Ўқишни битиргач, ҳаммамиз ҳар ёққа тарикдек тарқаб кетдик. Амирқул ҳам ўзининг Самарқанд вилоятига йўл олди. Тирикчилик кўйида ҳар хил ишларга қўл урди, оғир меҳнатдан қочмади, деҳқончилик ҳам қилди. Отаси — Пўлкан шоирнинг ўғли Умарқул бобо (шоирлик бу кишига ҳам ота касб) талабалик пайтимизда ҳам пойтахтга келиб, ўғлидан хабар олиб турар, уни еру кўкка ишонмас, келажагидан умидвор эди. Амирқул отасининг ёнида елкадош бўлиб, катта рўзгорнинг залворли юкини биргаликда кўтара бошлади. Шоирнинг

*«Бошимга не ишлар тушмади мени,  
Бу тақдир тенгимга қўшмади мени.  
Туя минсамга ит тишлади мени.  
Қисмат ўйини-га, деб қўя қолдим», —*

деган мисралари ана ўша даврдаги руҳий ҳолатининг изҳоридек туюлади.

Қондаги шоирлик, ижодкорлик иштиёқи барибир уни яна пойтахтга — адабий муҳит бағрига чорлади. Чамаси, «Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўладилар» деган нақлнинг тўғрилиги яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Амирқул бир умр мансаб-мавқега, шон-шуҳратга, бойликка интилмади, қизиқмади ҳам. Пойтахтга қайтгач, «Ўзбекистон» нашриёти, кейинчалик «Шарқ юлдузи» журнали каби таҳририятларда оддий ходим вазифасида хизмат қилди. Ўз уйи бўлмагани учун узоқ муддат оиласи, бола-чақаси билан ижараларда яшаб юрди. Ваҳоланки айни шу йилларда Пўлкан шоирнинг юбилейини ўтказиш ҳақида ҳукумат қарори чиққан, Амирқулни юқори доирадаги раҳбарлар ҳам яхши билишар, шоирнинг бир офизгина арзи ҳоли мушкулани осон қилиши мумкин эди. Аммо у ниҳоятда гурурли, ор-номусли, ҳамиятли йигит эди, «Оғзинг қон бўлса ҳам душманинг олдида тупурма» нақлига амал қилиб яшарди. Шу боис бош эгиб катта идораларнинг эшигини қоқмади, умрининг охиригача бошини балаңд кўтариб юрди.

Ниҳоят, кўп қийинчиликлар, сарсонгарчиликлардан кейин шоирнинг пешонасига ҳам уй битди. Ишлари ҳам анча юришгандек бўлди. Пойтахтда яшаб қолган шоирнинг энг катта орзуси китоб чиқариш бўлса, бу орзусига ҳам эришди — кетма-кет «Пойга», «Булоқ», «Оҳанг», «Изҳор», «Оқ тўлқинлар» каби тўпламлари, «Мангуликка суиқасд», «Шайтоннинг ўлими» дostonлари чоп этилди. Рус шеъриятидан таржималар қилди, насрда ҳикоялар ёзди, улуғ шоир бобоси Пўлкан ижоди бўйича илмий иш билан ҳам шуғулланди. Айрим асарлари (жумладан, «Мувозанат» шеърий драма-

си) тугалланмай қолди. Албатта, шоир бундан ҳам кўпроқ иш қилиши, ижодий-илмий мероси янада самарали, салмоқли бўлиши мумкин эди. Минг афсуски, биркам дунё деганлари гоҳо хомсут эмган бандасини кутилмаган, аёвсиз синовларга рўбарў қилар, бу синовлардан эсон-омон, зиён-заҳматсиз ўтиб олиш ҳаммага ҳам насиб этавермас экан.

Амирқул ҳаётда севиш, севилиш бахтига муяссар бўлди, аммо... Шу ўринда беихтиёр сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Фақатгина бир дард ўртар юракларимни, Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман» деган машҳур сатрлари хаёлга келади.

Эҳтимол, тушунарли сабабларга кўра, хотиранинг ушбу тафсилоти Пўлкан шоир шажарасининг айрим вакилларига эришроқ туюлар. На чора!.. Одатда, ҳар қандай ижодкорнинг меросини унинг таржимаи ҳоли билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш анъанаси бор. Агар менталитетимизга тўғри келмайди дея ижодкорнинг шахсий ҳаётидаги муҳим тафсилот-воқеалардан кўз юмиб кетаверсак кўп нарса йўқотамиз. (Биз ҳали-ҳануз Навоий нега уйланмаган деган асрий-азалий саволга жўялироқ жавоб тополганимиз йўқ. Ҳатто яқин ўтмишда яшаб ўтган Фурқат, Муқимийлар ҳаёти ҳақида ҳам кўп нарса билмаймиз). Шундай фикр-мулоҳазалар хаёлимдан ўтди-ю собиқ курсдошимнинг муҳаббат тарихини қисқа бўлса-да тилга олмай ўтолмадим. Бусиз унинг ҳаёти ва ижодини тушуниш мумкин эмасдек туюлди. Зеро, Амирқулнинг ўзи эътироф этганидек:

*«Одамзоғ қалбининг чироғи севги,  
Йўлнинг ҳам энг яқин, йироғи севги.  
Кераксиз нарсалар кўпдир оламда,  
Одамга баридан кераги севги».*

Энди, «берди»сини айтадиган бўлсам, уларнинг севгисига биз — курсдошлар гувоҳ эдик, ҳавас қилардик. Шоирнинг «илҳом париси» ҳам бегона эмас — ўзимизнинг курсдошимиз эди. (Исмини

тилга ололмайман, бу қисматда унинг ҳеч қандай айби йўқ) «Шундай бахтли замонда» уларнинг «мурод-мақсадига» етишлари учун ҳеч нарса монелик қилиши мумкин эмасдек эди. Афсуски, шу ўринда ҳаёт эртаққа, Пўлкан бобо дostonларига ўхшамай қолди. Тақдири азалнинг бешафқат ҳукми шоир қалбида бир умр армонга айланди. Бу армон, бу изтироб-аламлар шеър бўлиб, дард бўлиб қоғозга тўкилди:

*«Кетдингиз Сиз мени ўлдириб,  
Кетдингиз қўл етмас манзиллар сари,  
Наҳот хато қилсам Сизга гул бериб,  
Наҳотки бир тушгай тугаса бари?».*

Энди шоир ўз салафлари каби ижоддан юпанч, тасалли қидиради:

*«Сенинг ёдинг билан умр ўтказиб,  
Фақат овунишим мумкин шеър билан».*

Айни чоғда шоирнинг «ижод қозони»да қайнаб пишган лирик қаҳрамон билан ижодкор шахсини тенглаштириш ҳам тўғри эмас.

Амиркул шеърияти фақат севги лирикасидан иборат эмас, унинг кўлами, мавзуси анча кенг. Шоир қалбини биркам дунёнинг норасоликлари муттасил безовта қилади, шу боис ОЛАМНИ ва ОДАМНИ мукамалроқ кўрмоқни истайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони она юртнинг бетакрор табиатидан, ажойиб оқшомлари, сулув баҳоридан сархуш бўлади, илҳомланади. («Баҳор келди Ўзбекистонга», «Оқшом», «Илҳом», «Интизор чечаклар»). Ҳар қандай лоқайдликни ҳазм қилолмайди. («Ногаҳонда элитса уйқу»). Бовларда ёр билан шоду хуррам юрганида ҳам бу бахтнинг адоғи борлигидан, ёшликнинг абадий эмаслигидан ўкинади, «Ҳаётни қонгунча ичмоқ истайман, Ҳаётим, сув каби кетма тўкилиб!»... дейди. («Чексиз уфқларни қучмоқ истайман»). Инсон умрининг елдай тез ўтиб кетишини ҳазм қилолмайди. («Эзгулик абадий куйланар»). Тақдирнинг аёвсиз синовларига қасдма-



қасд, Фарҳод каби қўлда чукич билан юксак қоя сари ўзига йўл очишга жаҳд қилади, қувончи, қайғуси, орому кулфати, эъзозлаб асраган собит туйғуси шеърят эканини эътироф этади. («Тинч, сокин хонамда тун ухлар». Беҳуда тергаб, насиҳат қилувчиларга « фақат севиб, ёниб, қалб амри-ла яшайман...» дея хитоб қилади. («Шўхлик қилма дерлар менга»), айни чоғда имон-эътиқод, қалб амри билан яшаш қийинлигидан изтироб чекади. («Яшаш қийин»). Шоирнинг дунёни оқ билан қора, адолат билан разолат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш тутиб туражаги ҳақидаги поэтик мушоҳадаси ҳам диққатга сазовор. («Дунё пайдо бўлгандан буён») Ҳақиқатга муштоқ, дили вайрон дўстига «Ахир адолатга етмоқлик учун Буюк ҳақиқатдек буюк куч лозим» дея таскин беради. Ҳаётда кўп нарса йўқотганлиги, гоҳида бахтнинг қадрига етмаганлиги боисини «Оқ кўнгил бўлганим сабаб барига» дея кутилмаган хулоса билан изоҳлайди.

Ватан ҳақида шеър битмаган шоир бўлмаса керак. Амирқулнинг бу мавзудаги шеърлари ҳам самимийлиги, бетакрор, гўзал ташбихлари билан ажралиб туради. Шоир бир рубойида шундай ёзади:

*«Суянган давлатим — арконим Ватан,  
Дунёда бору йўқ имконим Ватан.  
Юртимдан ўзга ҳеч қўналғам йўқдир,  
Орзуим, армоним, имоним Ватан».*

Бахши хонадониди дунёга келган Амирқул халқ оғзаки ижоди анъаналари ва услубини яхши ўзлаштирган. Шу боис шеърлари ҳам самимий, равон. Осон ва енгил ўқилади. Китобхон кўнглига қўшиқдай қуйилади. Унинг шеърларини ўқиганда қулоқларингиз остида гоҳ маҳзун, гоҳ ҳаётбахш лиризм билан йўғрилган бетакрор бир оҳанг акс садо бериб тургандай туюлади. Айни чоғда у ўзига хос, бетакрор шоир эди. Ижодининг илк, изланиш, ўрганиш палласида айрим сатрлари кимларнидир эслатган бўлиши мумкин. Ўшанда уни тақлидчиликда айбловчилар ҳам бўлди. Шоирнинг ўзи бунга жавобан шундай ёзади:

*«Бировларга ўхшайсан гема,  
Шу сўз мени этмайди лоҳас.  
Қиёс излаб, ғамимни ема,  
Мен ўзимга ўхшайман холос!»*

Унинг тўпламларини яна қайта ўқиб чиқарканман, Амирқул айрим шеърларида ўлим ҳақида ёзганлигидан ҳайратландим. (Мен «Башорат қилганлигидан» дейишга журъат қилолмадим.) Шоирнинг 1974 йили ёзган бир шеъри «Биламан, балки умрим Сўқмоқдек қисқа бўлар...» деб бошланади. Беихтиёр хаёлга «Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дейдилар...» деган нақл келди. Наҳотки?!..

Бир йигит қирқ йилда бино бўлади, дейдилар. Амирқул қирқ ёшга ҳам етмасдан, ўттиз беш ёшида, яқинларини доғда қолдириб, жуда эрта ҳаётдан кўз юмди. Унинг бутун сир-асрори, туриш-турмуши, дарду армонини яхши билганим учун кўнглимни чексиз бир афсус-надомат тирнайди: ахир у ўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Йўқ-йўқ, у ўлмаслиги керак эди демоқчи эдим! Э-воҳ, нега у ўзини эҳтиёт қилолмади? Нега у кўнглидаги армонлар, дарду аламлардан чалғиш учун ичкиликка берилганда, не-не истеъдодларни абгор қилган бу хавфли касофатдан уни асрай олмадик? Нега айрим истеъдодларнинг умри бевақт хазон бўлмоқда? Хатолар, фожиалар қачон бизга сабоқ бўлади?..

Бундан бир неча йил муқаддам Амирқулнинг юрти Хатирчига шоирнинг отаси Умарқул бобони (оллоҳ охиратини обод қилсин) йўқлаб боргандик. Амирқул дафн этилган қишлоқ қабристонига бориб, тиловат қиларканмиз, ўша афсус-надомат туйғуси яна бағримни янгидан тиглади, кўзларимдан шашқатор қуйилаётган алам ёшларини тиёлмадим...

Таскин-тасаллини яна шоирнинг ўзидан топамиз: «...ўлсам, ажалнинг Қутқусидан қилмасман ўпка. Таржимаи ҳолимга менинг Қўйилмагай энг сўнги нуқта».

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов ёзганидек, «Унинг камтарин ижоди улўф бобоси Пўлкан шоир номи

билан боғлиқ адабий хонадоннинг, қолаверса, шеърятимизнинг жажжи бир нишонаси бўлиб қолаверади».

Устозимиз эҳтиром билан тилга олган ана ўша «камтарин ижод»ни ҳамда «Пўлкан шоир номи билан боғлиқ адабий хонадон» меросини бор бўйбаста, кўлами билан халқимизга етказиш борасида ҳаммамиз бурчлимиз.

Таниқли шоирлар — Икром Отамуродов, Равшан Файз саъй-ҳаракати билан «Чўлпон» нашриёти 1991 йили «Йўлларимиз баҳорга туташ» деган ихчамгина бир китобча чоп этганди. Биринчи марта битта муқова остида Пўлкан шоир ва шажаранинг кейинги авлодлари — Умарқул Пўлкан ўғли, Амирқул Пўлкан, Саодат Пўлканова (шоира, журналист, Амирқулнинг қизи) ижодидан намуналар берилганди. Ушбу хайрли ишни яна давом эттириш пайти келди. Пўлкан шоир шажарасига дахлдор яна бир ижодкор — Саодатнинг турмуш ўртоғи, шоир, адабиётшунос, журналист Юсуф Расул Пўлкан шоир шажарасининг ижодий меросини тўплаб, нашрга тайёрлади. Умид қиламизки, бу мажмуа чоп этилиб, шеърят ихлосмандларига туҳфа этилади.

### **«ҚЎЛЁЗМАНИ ЧИҚИТГА ЧИҚАРМАЙМАН»**

Шахсий кутубхонамда шахматга доир китобларни алоҳида териб қўйганман. Баъзан бу китобларни олиб варақлайман, гоҳо берилиб кетиб, позициялар тасвирига узоқ тикилиб қоламан. Шундай лаҳзаларда гўё вақт ва макон тушунчалари мени тарк этгандек бўлади — кутубхонага нима учун кирганимни унутиб қўяман. Китоблар орасида мен учун ардоқли бўлган бир китоб бор. Бу — раҳматли Мамажон Муҳиддиновнинг 1962 йили чоп этилган «Шахмат» дарслиги. Ҳар гал бу китобни қўлга олганимда узоқ ўсмирлик йилларим кўз олдимга келади. Ўшанда шахмат ўйнашни сал-пал билардим. Эсимда, китобнинг чиройли безаги, айниқса муқовадаги

сакрашга тайёр турган сипоҳ — от диққатимни жалб қилди. Дарсликни қўлга олиб, варақладим. «Мактабларнинг янги ўрганувчи ўқувчилари ва кам малакали шахматчилар учун дарслик» деган ёзувни ўқиб, «Ў-ҳў, роса менбоп экан-ку!» деб ўйладим ва иккиланмай китобни сотиб олдим. Шундан кейин шахмат деб аталмиш сеҳрли, Мамажон ака ибораси билан айтганда «катакларга яширинган олам»га муккамдан шўнғиб кетдим. Ҳа, шахмат ростдан ҳам уни биладиган, ундан завқланадиган одамлар учун сеҳрли, мўъжизали олам! «Муҳаббат нималигини билмайдиган одамларга қанчалик ачинсам, шахматни билмайдиганларга ҳам шунчалик ачинаман» деган эди машҳур гроссмейстер Тарраш.

Ҳаётда жуда кўп муҳим, жиддий воқеалар оддий тасодифдан бошланади. Эҳтимол, Мамажон аканинг кўпдан-кўп китоблари, мақолалари, расмий мусобақалар ёки мухлислар билан сеансларда ўйнаган партиялари кимнингдир тақдирида кескин, ҳал қилувчи бурилиш ясагандир. Кўпгина таниқли шахматчилар Мамажон акани ўзларига устоз деб билишлари ҳам бежиз эмас.

Республикамизда шахмат тараққиётини Мамажон Муҳиддинов фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Бирон соҳада кўп ва салмоқли иш қилолган одамни «Фалончи бир ўзи бир неча кишининг ёки бутун бир институтнинг ишини қилган!» дея таърифлаймиз. Мамажон ака ҳақида ҳам худди шундай муқояса билан гапирилса ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, Мамажон ака фаолиятининг ҳар бир қирраси алоҳида таҳсинга сазовор ва ўрганишга лойиқ. У шахмат бўйича Ўрта Осиёда етишиб чиққан биринчи спорт устаси! Тошкент ва Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони, қишлоқ шахматчилари Бугуниттифоқ биринчилигининг уч марта ғолиби, Осиё мамлакатлари шахматчиларининг 1959 ва 1961 йилларда Тошкент ва Ашхабодда бўлиб ўтган халқаро турнирлари совриндори Т.Петросян ва М.Тайманов каби забардаст гроссмейстерлар билан беллашган шахматчи! Республи-

ка шахмат федерациясига қирқ йилдан зиёд жонкуярлик билан раҳбарлик қилган, юзлаб оммавий мусобақаларни уюштирган, пойтахтимизда шахматшашка клубини қуришда жонкуярлик қилган ҳам Мамажон ака эди.

Инсон ақлу заковатининг нодир мўъжизаси бўлмиш шахмат ўйинининг тараққиёти ва оммалашуви кўп жиҳатдан кучли шахматчилар фаолияти билан боғлиқдир. Буни яхши англаган Мамажон ака умрининг қирқ йилини муттасил мураббийликка бағишлади. Шогирдларининг кўпчилиги юксак натижаларга эришди. Унинг кучли шахматчилар оиласи — Аъзамовлар хонадони билан кўп йиллик мулоқоти ажойиб самара берганини биламиз. Георгий Аъзамовнинг Ўрта Осиёда биринчи гроссмейстер бўлишини йигирма йил муқаддам башорат қилган, Рустам Қосимжоновнинг истиқболи порлоқ бўлишини ҳам олдиндан айта олган эди. Терма жамоамиз 1992 йили Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида кумуш медални қўлга киритганида, ёш шахматчиларимиз Осиё, жаҳон чемпиони бўлишганида, юртимиздан кетма-кет гроссмейстерлар етишиб чиққанда астойдил қувонган, ғурурланган эди.

Шахмат мухлисларининг ҳаммаси ҳам Мамажон аканинг асл касби-мутахассислиги темир йўл муҳандиси эканлиги, кейинчалик шахматдаги кўп йиллик, самарали фаолияти учун халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) қарори билан халқаро арбитр деган юксак унвонга сазовор бўлгани, «Ўзбекистонда шахмат маданияти тарихи» илмий тадқиқоти учун (собик иттифоқда бу соҳадаги ягона иш) тарих фанлари номзодига сазовор бўлгани, биринчи бўлиб ўзбекча шахмат атамаларини тайёрлагани, Ўзбекистон фанлар академиясининг тарих институтида ўн йил катта илмий ходим вазифасида ишлаганини билишмаса керак. Хизматлари ва хайрли ишлари сарҳисоб қилинадиган бўлса, тарозининг иккинчи палласига у ёзган беҳисоб мақолалар ва китобларни ҳам қўйиш жоиз.

Қизик, умри давомида биронта китоб ўқи-майдиган гумроҳлар бўлади. Мамажон аканинг шахматга доир ёзган китоблари бир жойга тахланса, (улар эликка яқин) ёш боланинг бўйи етмаслиги мумкин. Унинг қайта-қайта нашр этилган «Шахмат» дарслиги, (ушбу китоб Асрор Мўминнинг мазмунли сўнги сўзи билан латин алифбосида ҳам нашр этилди) «Ўзбекистонда шахматчилик», «Шарқ — шахмат ватани», «Шахмат ва адабиёт», «Катакларга яширинган олам», «От суриб, фил ўйнатиб», «Ақл мўъжизаси», «Соҳибқирон дона сурганда», «64 хона, 32 дона», «Ўн тўққиз чемпион» каби бири-биридан қизикарли, сермазмун китоблари шахмат мухлисларининг ардоқли мулки бўлиб қолди.

Ҳозирги мураккаб замонда бир соҳанинг ўзини мукамал эгаллаб олиш ҳам мушкул. Хоҳиш бўлган тақдирда ҳам давр шиддати, чексиз ахборот оқимига бас келиш қийин. Энди илгариги энциклопедистларнинг замони ўтди. Шундай экан, Мамажон ака бир ўзи шундай салмоқли ишларни қандай удалай олди экан? Бир куни шу ҳақда устознинг ўзидан сўрадим.

— Ҳамма нарсанинг калити битта — меҳнат, меҳнат, меҳнат! — деган эди ўшанда Мамажон ака. — Биласизми, шахмат одамни ички интизомга, кунт билан, унумли меҳнат қилишга, айниқса вақтдан самарали фойдаланишга ўргатади. Акс ҳолда цейт-нотга (*вақт танглиги —Ш.О*) тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Умр қисқа, аммо ундан оқилона фойдаланилса, кўп ишларга улгуриш мумкин. Мен қўлёзмани деярли чиқитга чиқармайман, аниқроғи, бир марта ёзганимни қайта тузатиб, ўчириб-чизавермайман. Бундай иш услуби менга шахматдан «юққан». Шахматда ушлаганни юриш деган қоида бор, ортага йўл йўқ.

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Китоб шавқ билан ўқилиши керак» деган машҳур ўғити оммабоп асарларга ҳам тааллуқдир. Оммабоп асар ёзишда масъулиятли ишга қўл урган муаллиф ўз соҳасининг зуккоси бўлиши, айти чоғда мароқли

ёза билиши лозим. Мамажон ака ана шу икки фазилатни ўзида омухта қилган эди. Дарҳақиқат, унинг асарларидаги пишиқ-пухта, халқона тил ва услуб, топиб айтилган ташбиҳлар, ажойиб ўхшатишлар, қувноқ, самимий ҳазил-мутойибалар диққатга сазовордир. Шу боис китобларигина эмас, оддий мақола ва хабарлари ҳам худди бадиий асардай мароқ билан ўқиларди. Айни чоғда унинг асарлари оммабоп бўлиш билан бирга, маълум тоифага мўлжалланган. Муаллиф шахматнинг маърифий-тарбиявий аҳамиятини ҳамма нарсадан устун қўярди. «Мароқли ҳикоялар» китобида у ўқувчига шундай мурожаат қилади: «Мухтарам китобхон, ўсмир дўстим! Сиз инсон ҳаётининг энг жозибали палласи — ўсмирлик йилларининг қайтарилмас дамларини бошингиздан кечирмоқдасиз. Болаликдан катталикка ўтиш жараёни ҳисобланган бу даврда киши жисмоний, ақлий, ахлоқий ва ижтимоий жиҳатдан ўсиб, камол топади. Инсон қалби ана шу даврда романтик хаёлларга тўлади, ажойиб ишлар қилиб, оламни қойил қолдирмоқчи бўлади, элга, ватанга фойдали киши бўлиб етишиш йўлида кўп нарсага интилади. Буюк кишиларнинг таржимаи ҳолларига назар солсангиз, улар ўсмирлик даврларидаёқ ҳаммани ҳайратга соладиган ишлар, кашфиётлар қилганликларига гувоҳ бўласиз. Бу китобда инсон ақлу заковати ўсмирлик даврида нималарга қодир бўлганлиги ҳақида, хусусан, буюк шахматчиларнинг ўсмирлик даврида эришган ютуқлари тўғрисида, болалар шахматини кенг ёйиш, ривожлантириш борасида фикр юритамиз».

Эҳтимол бу китоб ҳам минглаб, миллионлаб мухлислар, бўлажак гроссмейстерлар ва чемпионлар кўнглига чўғ ташлагандир. Мамажон ака ўзини тўлқинлантирган масала-муаммоларга бошқаларни ҳам хайрихоҳ қилмагунча, мутасаддилар эътиборини жалб этмагунча тиниб-тинчимайдиган, куйди-пишди, эътиқоди бутун, фидойи инсон эди.

Камина Мамажон ака билан кўп мулоқотда бўлган, у билан матбуот учун туркум суҳбатлар қилган

ва бу суҳбатларни «Шахмат абадийдир» деган китобимга ҳам киритган эдим. Суҳбатимиз жараёнида баъзан айрим масалалар бўйича жиддийроқ баҳслашиб ҳам қолардик. Масалан, мен халқаро миқёсдаги жиддий мусобақаларда шахмат партияларининг кейинга қолдирилиб, уни секундантлар ва тренерлар иштирокида таҳлил қилинишига мутлақо қарши эдим. «Ахир шахмат спортнинг энг адолатли, холис тури, у икки киши ўртасидаги беллашув бўлиши керак. Қолдирилган партияларда эса кимнинг командаси кучли бўлса, ўша томон ютиб кетиши мумкин. Спорт нуқтаи назаридан бу ҳалол кураш эмас!» дея куйиб-пишиб ўз фикримни (ҳозирги қоидаларга кўра эндиликда партиялар қолдирилмайди) ҳимоя қилганим эсимда. «Қизишманг, шу йўл билан ҳам қизиқарли, мазмунли партиялар яратилиши мумкин!» дея Мамажон ака ўз нуқтаи назарини вазминлик билан баён қилганди. У ўта маданиятли, назокатли одам эди, тортишганда ўз фикрини тазйиқ билан ўтказмас, чамаси, демократия бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилишдан бошланишини яхши билар эди. Илмига ўзи ҳам амал қиларди. Ҳақиқий шахматчи шундай бўлади! Шахмат буюк тарбиячи, инсоннинг маънавий камолотга эришувида беқиёс восита.

М.Мухитдинов бир мақоласида шундай ёзган эди: «Шахмат инсон қалбидан қайнаб чиққан туйғулар, ёлқинли ҳислар, ақл, тафаккур билан омукташиб кетган. Шахмат тахтасининг ҳар бир катагида сирли олам яширинган гўё. У кишини мулоҳаза тарозусида тортилган фикрлар, жўшқин ҳислар гирдобига, кураш майдонига етаклайди. Ҳа, шахмат ўт-олови йўқ улкан жанг майдонига, муаллифи-ю охири йўқ китобга ўхшайди. Минг йиллардан бери ўша 64 катақда 32 дона сипоҳу пиёдалар билан жанг қилинади, ўша 64 саҳифада 32 та «ҳарф» билан сўз ясалади. Лекин ҳали ҳеч ким унинг адоғига етган эмас!»

Мамажон ака шахматни ана шундай кенг маънода, аввало маданий, маънавий қадрият сифатида



талқин қиларди. Бутун умрини ана шу қадимий ўйинни юртимизда ривожлантириш ва оммалаштиришга бағишлади ва бу борада жуда салмоқли ишлар қилишга улгурди.

Устознинг туриш-турмуши, ҳаёт тарзидан бирмунча хабардор эдим. Мамажон ака ҳаётнинг нашу намолари, зиёфату базмлардан ўзини четга тортиб, хонанишин бўлиб, заҳматли меҳнат билан умр кечирди. Ҳатто айримлар назарида кайфу сафо-ю ебичишдан иборатдай туюладиган гап-гаштакни ҳам шахматга «бўйсундирди» — Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов каби халқимизнинг фахри-ғурури бўлган зиёлиларнинг «Шахмат гапи»га асос солди. Раҳматли ҳаётда кўп рўшнолик кўрмади. Хотинидан бевақт жудо бўлди, фарзанд доғи қалбини яралади. Соғлиги ёмонлашди, кўзларини бир неча бор операция қилдирди. Шундай қийинчиликларга қарамай меҳнатдан, игна билан қудуқ қазидан тинмади. Мушкул вазиятда ҳам таслим бўлишни хаёлига келтирмаган уста шахматчи янглиғ сўнгги имкониятларини ишга солиб, яшаш учун курашаверди. Иродали инсон эди.

Ҳаётда алмаштириб бўлмайдиган, яъни ўрнини биров босолмайдиган одамлар бўладими ёки йўқми деган баҳс-мунозарани эшитганимда беихтиёр Мамажон Муҳиддиновни эслайман. Ҳозирги кунда шахмат бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларини ўтказиш тартиби ва қоидаларида жуда мураккаб вазият вужудга келди, бу қоидалар тез-тез ўзгариб турибди. Ана шулар ҳақида ва умуман шахмат оламидаги янгиликлар, ўзгаришлар, шунингдек, республикамизда кетма-кет ўтказилаётган мусобақалар ҳақида Мамажон акадай содда, мароқли тарзда ёзиб, шарҳлаб берадиган мутахассиснинг йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Ҳа, устознинг ўрни жуда-жуда билинмоқда. Фикримча, ушбу муаммони ҳал этишнинг энг мақбул йўли — шахматга доир алоҳида нашр — газета ёки журнал ташкил этишдир. Зеро бунга кучли эҳтиёж ҳам, асос ҳам бор. Шахмат шарҳловчилари

ана ўша таҳририят бағрида тарбияланиб, шаклланиши мумкин. Айни чоғда пойтахтнинг аҳоли гавжум жойларидан бирида шинамгина бир шахмат клубига ҳам эҳтиёж бор. Ҳозирча шахмат ишқибозлари тарқоқ, дуч келган жойда дона сурмоқдалар. Дарвоқе, ушбу масалаларнинг ҳал этилиши устознинг ҳам доимий орзуси эди.

Мамажон Муҳитдинов ўтганлар хотирасини эъзозлаш борасида кўп ибратли, хайрли ишлар қилган, Азмиддин Хўжаев, Георгий Аъзамов хотира турнирларини ташкил этишда бош-қош бўлган эди. Бу яхши анъана давом эттирилиб, ҳар йили Мамажон Муҳитдинов хотирасига бағишланган шахмат мусобақаси ташкил этилса хайрли иш бўлур эди.



*Истеръдог  
жилолари*



## ИККИ ОЛАМ ЗАҲМАТИ

(Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири  
Эркин Воҳидов билан суҳбат)

— Эркин ака! Ўзбек адабиётига бадиий таржима бой тарихга, ўз анъаналарига эга. Эндиликда, глобаллашув асрига бадиий таржиманинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бир замонлар, бадиий тафаккур ва тил тараққиёти ҳали унчалик ривожланмаган даврга жаҳон адабиётининг муҳим асарларини таржима қилиш жуда мушкул бўлган. Мана энди ҳар қандай мураккаб асарларни таржима қилиш имконияти туғилди. Етук таржима асарлари пайдо бўлди. Айни чоғда таржимачиликнинг ўзига хос муаммолари ҳам йўқ эмас. Сизнинг назарингизда, таржимачилигимизнинг ҳозирги умумий манзараси қандай?

— Жамиятнинг, инсоннинг тафаккури ҳамиша ўсиб, ривожланиб боради. Ижодий жараёнда ҳам бу ўз аксини топади. Бизнинг тафаккур даражамиз ҳоким мафкура қобиғини ёриб чиқолмаган даврлар бўлди. Бунга шароит ҳам йўқ эди, бундай ҳолга ижодкорлар ҳам гўё кўниккандек эди. Гарчи илғор зиёлилар, ижодкорлар жаҳон адабиётининг машҳур асарларини ўқиб, улардан таъсирланиб юрган бўлсалар-да, бу асарларни таржима қилиш имконияти бўлмаган. Халқимизнинг ўзи ҳам ҳали бундай асарларни англаш даражасига етмаганди. Бизнинг авлодимиз темир деворларнинг орасида яшаган. Мана энди мустақиллик туфайли маънавиятимизда инқилоб бўлди, халқимизнинг онги ўсди. Энди илгариги одамлар эмасмиз. Бизда етмиш йил ҳоким бўлган мафкура нураб тушди. Бизга кенг йўллар очилди. Халқимизнинг онги ўсиб, Ницшени, Шопенгауэрни, Жойсни ўқиб, анг-

лаш даражасига етди. Тўғри, бу асарларни ҳамма бирдек англаб, тушуна олади деёлмайман, улар хос одамлар учун мўлжалланган. Адабиётда ҳамма учун ёзиладиган бир тоифа асарлар бўлади. Масалан, Аҳмад Яссавий асарлари ҳамма учун, аммо Навоий, Бедил асарлари маълум тоифа одамлар учун ёзилган. Бундай тоифалар илгари ҳам кўп эмасди. Шу боис Бедилни тушунтириб, шарҳлаб, тафсир қилиб берувчилар пайдо бўлган.

Эндиликда етук таржима асарларининг пайдо бўлаётгани мустақиллигимизнинг янгича бадий тафаккуримизнинг ютуғи деб ўйлайман.

— Илгари таржималар асосан рус тили орқали қилинган. Сўнги йилларда аслият тилини биладиган таржимонлар етишиб чиқди. Аслиятдан қилинган қатор таржималар пайдо бўлди. Мисол тариқасида айтсак, Янглиш Эгамова Гётенинг машҳур асари — «Ёш Вертернинг изтироблари» романини, Мирзаали Акбаров Херман Хессенинг «Чўл бўриси» романини бевосита немис тилидан таржима қилдилар. Амир Файзулла ҳинд, урду классикаларининг бир қатор асарларини аслиятдан ўзбекчаштирди. Адабиётимизнинг хазинасини бойитган бу асарлар китобхонлар назарига тушди. Бу мисоллар кишини қувонтиради, албатта. Айни чоғда ҳаёт кун тартибига қўйган бошқа бир муаммо ҳақида гапирмоқчиман. Маълумки, сўнги йилларда адабиётимизда авлодлар алмашинуви тезлашди, бирин-кетин адабиётимизнинг чинорлари ҳаётдан кўз юмдилар, жумладан айрим устоз таржимонлар ҳам фоний дунёни тарк этдилар. Кузатишимча, етук, маҳоратли таржимонларимиз санокли экан. Етишиб чиқаётган ёш мутаржимларда маҳорат, тажриба ҳозирча етишмайди. Таржимонда тилни билиши билан бир қаторда потенциал адиблик иқтидори ҳам бўлиши керак. Энди жаҳон адабиётининг сара намуналарини кимлар таржима қилиши керак?

— Шоирнинг, ёзувчининг кўп тил билганига нима етсин. Бир вақтнинг ўзида ҳам иқтидорли

шоир бўлиш, ҳам бир қанча тилни билиш жуда ноёб ҳодиса. Бунақаси жуда камдан-кам учрайди. Тил билиш билан ижодий қобилият ўртасида доимо рақобат бўлади. Шоир ҳиссиёт одами. Айниқса шеърий таржимада шоир ижодини чуқур ҳис қилиб, унинг бутун руҳини китобхонга етказиш учун таржимон албатта яхши шоир бўлиши керак. Масалан, Байрон, Гёте шеъриятини ўзбек китобхонига етказиб бериш учун таржимон биринчи галда шоир бўлиши керак. Таржимон бирор шоирни таржима қилмоқчи экан, унинг руҳиятига киролмаса таржима қилолмайди. Унинг меҳнати машаққатга айланади. Бундай таржимани ўқиш ҳам машаққат бўлади. Таржимон шоирнинг руҳиятига киролса, Пушкин бўлиб, Гёте бўлиб сўзлайди. Шунда рус китобхони, немис китобхони ўз шоирларидан қанчалик завқланса, ўзбек китобхони ҳам шунчалик завқланади. Шоирнинг руҳиятига кириш эса осон эмас. Масалан, Гётенинг руҳиятига кириш, «Фауст»ни тушуниб етиш учун немис бўлиб туғилишнинг ўзи камлик қилади. Мен таржима жараёнида немис тилини ҳам ўрганишга ҳаракат қилганман. Лекин «Фауст»каби асарларни таржима қилиш учун тил билишнинг ўзи камлик қилади. Жуда катта руҳий тайёргарлик билан бир қаторда катта истеъдод ҳам керак бўлади.

Шеърни ёзиш таланти бор, ижод қила билиш таланти бор. Шу билан бир қаторда ижодни англаш таланти ҳам бор. Шеър қачон оммалашади? Халқнинг юрагида ана ўша англаш қобилияти бўлса оммалашади. Мен шукур қиламанки, бизнинг ўзбек халқимиз шеъриятни нозик англайди. Аниқ тафаккур қиладиганлар бор. Образли тафаккурдан йироқ одамлар ҳам бўлади. Халқимизнинг ҳар бир лутфида чиройли образ учрайди. Бундай назокатдан йироқ бўлган одамлар ҳам бор. Албатта, оригинал тилини билганга нима етсин. Мен Есенинни оригиналдан таржима қилиб, ўзбекча гапиртирганман. Бу шеърлар менинг ўз шеърларимга айланиб кетган. Ёки мен гўё Есенин бўлиб гапирганман. Назаримда,

бу шеърлар ҳозир ҳам суйиб ўқилади. Бу таржима-лар менга ўз ижодимдай азиз бўлиб қолган. «Фауст» ҳақида ҳам шундай дейишим мумкин.

Такрор айтаман, тилни билиш ҳам муҳим, аммо мен учун шоирни руҳан англаб етиш, уни ҳис қила билиш ундан-да муҳим. Бу қоида бадиий таржиманинг ҳамма турига хосдир, жумладан насрий таржимага ҳам. Образли тафаккурни англаб етиш учун руҳий тайёргарлик керак. Тилни билган одам асарнинг мазмунини етказиб бера олади, шоир одам асарнинг руҳиятини етказди. Илмий асар таржимаси учун унинг мазмунини етказиб бериш муҳим. Бадиий асар таржимасида эса бошқа мезонлар устувор, бунда асарнинг руҳи, образларини етказиш лозим бўлади, сўзлар остидаги маънони очиб бериш муҳим ҳисобланади.

Бир вақтлар Семён Липкин шеърларимни рус тилига таржима қилган эди. Менга ёзган хатида у камтарлик қилиб «Мен шеърларингдаги сўзларни таржима қилдим, холос, уларнинг остидаги маънони таржима қилишга қурбим етмади» деган эди. Ваҳоланки у катта таржимон эди.

— *Шеърят таржимасида таржимон шоирга рақиб, наср таржимасида эса таржимон ёзувчига қул дейишади.*

— Мен таржиманинг ҳар икки турида ҳам таржимонни муаллифга рақиб деб биламан. Хоҳ поэзия таржимаси бўлсин, хоҳ наср бўлсин, ҳар иккисида ҳам таржимон образли тафаккурга дуч келади. Бу образларни етказиб бериш осон эмас. Шу боис менинг назаримда таржимон аслият муаллифи билан гўё беллашаётгандек бўлади. Бунинг учун унинг иқтидори муаллифникидан кам бўлмаслиги керак. Таржимоннинг маҳорати ҳам, фалсафаси ҳам, образли тафаккури ҳам юксак даражада бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам таржимон ҳаминша рақиб мақомида бўлади.

— *Эркин ака! Ҳар қандай мукамал таржима ҳам йиллар, замонлар ўтиши билан эскиради. Яқинда*

Чеховнинг ўтган аср ўрталарида чоп этилган томликларини қайта ўқиб чиққанимда бунини яққол сездим. Таржима илмида ҳар бир халқнинг фақат ўзига хос хусусиятлари реалиялар дейилади. Ана ўша реалияларни таржима қилишда мутаржимлар қовун туширишган. Чехов қаҳрамонлари ўзбекча таржималарда бемалол аския айтишади, эрталаб бомдоғ намозини ўқишади. Бу ҳолат ҳозирги китобхон учун кулгили, албатта. Айтнинг-чи, ана ўша эскирган асарлар қайта таржима қилиниши керакми? Бу мушкулотни ким уддалай олади? Дарвоқе, қайта таржима қилиш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романини атоқли адиб Ойбек таржима қилган, ўз даврида бу катта воқеа бўлган эди. Бу романни иқтидорли шоир Мирзо Кенжабек қайта таржима қилишга журъат этди. Айни чоғда айрим таржималарнинг бир қанча вариантлари пайдо бўлди. Масалан, Бразилия ёзувчиси Пауло Коэлонинг «Алкимёгар» асарининг бир қанча таржималари яратилди. Бу ҳам адабиётимиз учун бир янгиликдай туюлмоқда.

— Таржимада миллий колоритни бера билиш муҳим масала. Бизда гоҳо таржимани ўзбекчага яқинлаштираман деб юқорида Чехов асарлари ми-солида айтганингиздек оригиналга путур етказиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатларни хорижий киноларнинг ўзбекча таржималарида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Оригиналга хиёнатдан эҳтиёт бўлиш лозим. Бир асарнинг юзлаб таржима вариантлари бўлиши мумкин. Масалан, Рудакийнинг ўша машҳур «Дунё шодликлари йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун» деган шоҳ байтининг юзлаб таржималари бор. Ш. Шомухамедов ўзига хос йўсинда, Абдулла Шер бошқача усулда таржима қилган. Ҳар бир таржимада ўша таржимоннинг ўз нафаси бор. Бир асарни бошқа таржимон қайта ўгирса, бунини олдинги таржимонга беҳурматлик деб қараш керак эмас.



Пушкиннинг шеърляти жуда равон, Ҳамид Олимжоннинг шеърляти ҳам шундай. Ойбек домланинг услуби эса бошқача, унда тафаккур устувор, лекин ўқилиши равон эмас. Шундай бўлса-да, Ойбекнинг таржимаси ҳам ўзига хос ижод намунаси бўлиб қолаверади. Улуғ асарларнинг таржимаси узлуксиз давом этадиган жараён. Уларга қайта-қайта мурожаат қилиниши табиий. Мен «Дон Кихот»ни қайта таржима қилинишини хоҳлардим. Ҳар бир замоннинг ўз қарашлари бор. Ҳар бир авлод ўзининг таржимасини яратиши керак. Мумтоз асарларнинг улуғлиги шундаки, асрлар ўтиши билан улар ўзининг янги-янги қирралари билан ярақлаб тураверади.

— Корней Чуковскийнинг таржима ҳақида ғаройиб бир таърифи бор: «Таржима худди хотинга ўхшайди. Тўғри бўлса чиройли эмас, чиройли бўлса тўғри эмас». Бу таъриф бевосита таржимоннинг маҳоратига дахлдор гап. Дарҳақиқат, таржимада ҳамма муаммони охир-оқибат таржимоннинг маҳорати ҳал қилади. Ҳар қандай таржима ҳам барибир муроса дейилади. Ҳақиқатан ҳам таржимада аслият руҳиятини тўла-тўқис етказа билиш жуда мушкул муаммо.

— Гапни «муроса» деган сўзингиздан бошламоқчиман. Шундай адабиётлар, асарлар борки, улардаги тафаккур тарзи, халқларнинг менталитети билан бизнинг халқлар ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Масалан, японлар билан бизнинг халқимиз ўртасидаги фарқ шундай. Масофа олис бўлган, борди-келди қилиш имконияти чекланган. Яқин чегарадаги халқлар билан эса руҳиятимиз яқин. Европада ҳам биз билан яқин алоқада бўлган давлатлар бўлган. Масалан, Испания билан яқиндан борди-келди қилишганмиз.

Фикрлаш тарзида, тафаккурида фарқ катта бўлган адабиётларни таржима қилишда ўша сиз айтган «муроса» масаласи катта муаммо бўлиши мумкин. Таржимада меъёрини, қаловини топиб японнинг

руҳиятини бера билган таржимон ўз мақсадига етган ҳисобланади. Бунга эришиш учун таржимондан катта иқтидор талаб қилинади. Масалан, мен япон шоирини ўзбекча гапиртиролмайман, бу иш қўлимдан келмайди. Бунга уринмаганман ҳам. Лекин шу ишни уддалай оладиган шоир чиқишига ишонаман. Ана ўша муроса бўлади.

Энди, Корней Чуковскийнинг ўша сиз айтган таърифи ҳақида. Адабиётда бунинг истисно ҳолатлари ҳам бор, яъни ҳам тўғри, ҳам чиройли таржималар ҳам йўқ эмас.

Пушкиннинг «Прошай, свободная стихия» деган машҳур сатри бор. Бу сатрни Миртемир домла «Алвидо зўр қудрат, асов ғалаён» деб таржима қилган. Мен луғатларни титкилаб, «свободная стихия»ни қандай таржима қилиш кераклигини тополмаганман. Бу иборани таржима қилиш мумкин эмасдек туюлади. Буни қаранг энди, «стихия»ни Миртемир домла «асов ғалаён» деб таржима қилган. Бунда энди ҳам гўзаллик, ҳам аниқлик бор, ҳам тоза ўзбекча. Таржима ҳар жиҳатдан мукамал. Адабиётимизда таржиманинг бунақа гўзал намуналари кўп. Масалан, Чўлпоннинг таржималарида бор шундай гўзал намуналар. Шекспирнинг «Хамлет» трагедиясини Чўлпон жуда маромига етказиб, гўзал таржима қилган. Таржимачилимиз катта мактабга эга.

— *Эркин ака! Энди бевосита ўзингизнинг таржимонлик фаолиятингиз ҳақида гаплашсак. Сиз Сергей Есенинни жуда гўзал таржима қилгансиз. Рус шоирининг шеърлари худди она тилимизда ёзилгандек равон ўқилади. Гётеннинг машҳур «Фауст» асарини ҳам катта маҳорат билан она тилимизга ўгиргансиз. Ҳозирги авлод бу таржималарнинг яратилиш тарихини билмаслиги мумкин. Юқорида эслатилган шоирларнинг ижодига қўл уришингиз бежиз бўлмагандир? Ўзингиз бу таржималарингиздан қониқиш ҳосил қилганмисиз? Сир эмас, бошингиз билан таржимага шўнғиб кетганингизда шеърларингизни соғиниб қолган айрим мухлисларингиз*

*гиз таржимадан кўра оригинал асарлар ёзсангиз бўлмасмиги дея угдао ҳам қилишган.*

— Сергей Есенин шеърятини мактабда ўқиб юрган човларимдан, талабалик йилларимдан яхши кўрардим. Биз мактабда ўқиб юрганимизда Есенин асарлари нашр этилмаган. Шахсга сифиниш йиллари у тақиқланган шоирлар қаторида бўлган. Талабалик йилларимизда Есениннинг юпқагина бир китоби чиққанди. Уни ёд олган эдим. Бу шоирни яхши кўришимга сабаб шуки, у ўз юртини жудажуда севади. Юртининг буғдойзорлари, жавдарзорлари, ўрмонлари, деҳқонларини жўшиб-жўшиб, илҳом билан куйлаган. Назаримда, у Россиянинг ҳам кўрки, ҳам дарди бўлиб туғилган эди. Ижодида ҳам шу кўркни, шу дардни акс эттирган. Шу боис уни ёқтирганман. Есениндек шоир бўлсам, ўзбекининг Есенини бўлсам деб орзу қилганман. Есенин кўнглимдан шундай чуқур жой олдики, кўлимга қалам олсам шоирнинг ўзи ўзбекча гапириб тургандек бўлди. Мана, ўша таржималардан бир шингил.

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,  
Уни сўйлаб беролмам сенга.  
Лекин мовий кўзларинг ҳар кеч  
Денгиз бўлиб кўринар менга.

Ёки:

Хуросонда бир дарвоза бор,  
Остонаси гулга кўмилган.  
Унда яшар бир парирухсор,  
Хуросонда бир дарвоза бор  
Хайҳот, уни очолмадим ман.

— *Қаранг, худди ўзбек тилига ёзилгандек, равон, оҳангдор. Демак, шоир ўз руҳиятига яқин шоирни таржима қилгани маъқул экан-да?*

— Ҳа, шундай. Мен Есенинни яйраб-яйраб таржима қилганман. Ҳар бир топилмадан қувониб, гўё осмонларда учиб юрганман.

— *Ўзбек тилидаги Есениннинг таржима эканлиги ҳам билинмайди-да.*

— Тўғри. Шоир Усмон Азим бир суҳбатида биз ўша таржималарни ўқиб руҳланганмиз деган эди. Бу менинг хизматим эмас, Есениннинг ўзбекка айланиб, ўзбекча гапиргани. Бизнинг авлодимиз ва биздан кейинги авлодда Есенин руҳиятининг таъсири бор. Катта авлодда бу сезилмайди. Чунки у даврда мафкура бошқача эди, дардни айтиш, куйлаш мумкин эмасди. Коммунизм қурувчиси фақат бахтли бўлиши керак, унда дард, оғриқ бўлиши керак эмас дейиларди. Ваҳоланки, инсон муҳаббатсиз, дардсиз бўлмайди. Масалан, Навоий ижодидан дардни, муҳаббатни олиб ташлангчи, Навоий қолармикин? Европа шоирлари ҳақида ҳам, Пушкин ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Есениннинг дарди бизни шоир қилган, дард эҳтиёжи пайдо бўлган. Адабиётга кириб келганимизда инсонларда юрагидаги дардни айтиш эҳтиёжи пайдо бўлган, аммо бу мумкин бўлмаган.

Мен Ҳамид Олимжоннинг шеъриятини жуда яхши кўраман, жуда равон шеърият. Аммо у бахт куйчиси, Фафур Фулом, Уйғунлар — ҳаммаси бахт куйчиси эди.

Ўша кезларда мабодо Есенин шеърларига ўхшаган шеърлар ёзсам матбуотда чиқаролмасдим. Шу эҳтиёж ҳам мени таржимага ундаган. Руҳиятимизга Ватан муҳаббати, Ватан дарди ошно бўлган. Юртининг, халқнинг дардлари, оғриқлари бизнинг юрагимизда эди. Ўз юртини, халқини озод кўришни истамаган ижод соҳиби йўқ дунёда. Ана ўша озодлик туйғуси шоирни дунёга келтиради.

— *Есенин ўзбек тилига ўз таржимонини топган. Сиз уни бевосита аслиятдан таржима қилгансиз. Энди, «Фауст» масаласи сал мураккаброқ, Сиз Гётени рус тилидан таржима қилгансиз. Бунақада таржима соянинг сояси бўлиб қолмайдими деган муаммо юзага қалқиб чиқади. Масаланинг яна бир мураккаб жиҳати — Гётенинг, «Фауст»нинг руҳи Сизга Есениндай яқин эди дейиш ҳам қийин. Яна, Сиз бу таржимага жуда узоқ вақт сарфлагансиз.*

— Есенин таржимаси билан «Фауст» таржимаси орасида ўн йилга яқин вақт ўтди. Есенинни 60-йилларда таржима қилган бўлсам, «Фауст»га 70-йилларда қўл урганман. Бу даврда менинг фикрлаш тарзимда, дунёқарашимда ҳам катта ўзгаришлар бўлган. Кўп мамлакатларда бўлдим, кўп ўқидим. Мен ўзимни такрорлаб қўйишдан жуда қўрқаман. Шунинг учун ҳам ҳамиша янгиланиб боришга ҳаракат қиламан.

«Фауст»нинг битта таржимаси билан чекланмаганман. Пастернак таржимаси орқали «Фауст»ни яхши кўриб қолганман. Бу таржимада «Фауст»нинг руҳи яхши берилган. Яна, Холодковскийнинг таржимаси бор, у ҳам жуда кучли таржима. Мактабларда ана шу таржима ўргатилади. У оригиналга жуда яқин, жуда мукамал таржима. «Фауст»нинг яна бошқа кўплаб таржималари бор. Соколовский деган ҳарбий одам, немис тили бўйича мутахассис «Фауст»ни сўзма-сўз, шарҳлари билан таржима қилиб чиққан, шу ишга умрини бағишлаган. Бу таржима революциядан олдин, 19 асрда нашр қилинган, менда сақланади. Жуда ноёб китоб. Шарҳларининг ўзи мингдан ортиқ. Шу китоб менга яхши қўлланма бўлди. Ушбу китоб қўлимга тушгандан кейин таржимага киришдим. Агар Пастернак ёки Холодковскийдан таржима қилсам бу шунчаки механик таржима бўларди. Таржима жараёнида столимда ҳамма манбалар бор эди. Гётенинг ўзи нима деган саволга Соколовскийда мукамал жавоб тайёр эди. Ҳамма манбаларни эринмай бир-бирига қийслаб чиқардим. Ана ўша ноёб манбалар менга немис тилини билишдан ҳам кўпроқ ёрдам берди, шоирнинг руҳиятини англаб етишимга кўмаклашди. Акс ҳолда таржима сиз айтгандек соянинг сояси бўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Мен шу пайтгача бу сирни очганим йўқ, биринчи бор сизга айтяпман. Мана яқинда Акмал Саидов ҳам «Фауст»ни таҳлил қилиб, сизнинг таржимангиз ҳамма таржималардан кўра оригиналга яқинроқ деган хулосага келди. Бошқа таржимашунос олимлар ҳам шундай

фикр билдиришди. Мен бу таржимани фақат ижодий иш эмас, илмий иш деб ҳам ҳисоблайман.

Агар «Фауст»нинг таржимаси жараёнида олиб борган тадқиқотларимни жам қилсам, шу ишларимнинг ўзи битта докторлик диссертациясига тенг бўларди. Энди менга докторликнинг унчалик кераги йўқ.

— *Бошқалар шу ишни қилса бўлади-ку! «Фауст»нинг ўзбек тилида чоп этилиши адабий, маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Янглишмасам, бу таржимангиз ўзимизда ва хорижда анча жиддий акс сагоси берди.*

— Бу таржима ҳақида мутахассислар, таржимашунослар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Иброҳим Ғафуров кўп мақолалар ёзди. Мени Германияга таклиф этишди, бориб келдим. «Фауст»нинг дунё тилларига қилинган кўплаб таржималари бор экан, мен ҳам ўз таржимамни дастхат билан совға қилдим. Буюк шоир Гётега ҳурмат-эҳтиромимни билдирдим. Таржимам ҳақида Германияда кўп мақолалар чиқди. Веймар шаҳрини шеъриятнинг маккатиллоси деган эдим, бу гапимни газеталар сарлавҳага чиқариб ёзиб чиқишди.

Парламентда ишлаганимда кўп вақтим хорижий мамлакатларда ўтди. Германияга борганимда уларнинг парламентида бўлиб, спикерлари билан дўстлашдим. «Фауст»нинг таржимасини уларга совға қилдим. Хурсанд бўлишди. Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларига менинг шу таржимам озгина ҳисса қўшолган бўлса, мен бундан мамнунман. Шарқда Япония, Жанубий Корея бизга қанчалик яқин бўлса, Европада Германия бизга шундай яқин мамлакат.

— *Эркин ака, энди шеъриятингизнинг бошқа тилларга таржимаси ҳақида ҳам фикрлашсак. Менимча, бу жуда муҳим масала. Яқинда мухлисларингиздан бири Москвадаги катта бир анжуманда қатнашиб, Сизнинг ўша «Дўст билан обод уйинг» деган машҳур ғазалингизни ўқиб бермоқчи эканли-*

гини айтаркан, мендан шу ғазалнинг рус тилидаги таржимасини топиб беринг деб сўраб қолди. Мен бу илтимосни Сизга етказдим. Шунда Сиз асарларингизнинг бошқа тилларга, жумладан рус тилига таржимасидан қониқмаслигингизни айтдингиз. Хўш, айтинг-чи, нега энди қониқмайсиз? Бу ерда қандай муаммо бор? Наҳотки рус шоирлари орасида руҳияти Есенин каби Сизга яқин бўлган таржимон топилмаган бўлса?

— Биз рус шеърятини жуда эрта англаб, тушунадиган бўлганмиз. Энди, яширишнинг ҳожати йўқ, илгари бошқа, қардош шоирлар ижодига андак паст назар билан қаралган. Буни энди очиқ айтаверсак бўлади. Масалан, бошқа шоирлар мен Есенин, Пушкинга берган меҳримнинг ўндан бирини ҳам бизнинг ижодимизга беролган эмас. Улар «подстрочник», яъни сўзма-сўз таржимани шундоқ олгану шундоқ қоғозга туширган. Шеърнинг руҳини, жозибасини беролмаган. Гоҳо улар шеъримни таржима қилиб, ўзимга ўқиб берсалар, мен «Дарҳол қайта ўзбекчага таржима қилиб, жойига қўйиб қўй!» дея ҳазиллашардим.

Хуллас, мен ўз асарларимнинг бошқа тилларга таржимасидан кўнглим тўлмаган. Расул Гамзатовнинг омади бор экан, Москвада Жаҳон адабиёти институтида ўқиб юрганида орттирган дўстлари — Н.Гребнев, Я.Козловскийлар уни юксак мақомда таржима қилиб, ижодини машҳур қилдилар.

— Демак, мутаржим аввало меҳр билан, ихлос билан таржима қилиши керак экан-да?

— Худди шундай! Буни кўп асрлик таржима тарихи, таржима амалиёти ҳам тасдиқлайди.

— Рус тилида китобларингиз чиққанми?

— Ҳа, чиққан. Москвада ҳам чоп этилган. Панченко, Налбадян каби таниқли таржимонлар анча-мунча меҳнат қилишган. Лекин натижа кўнгилдагидек бўлмаган.

— Асарларингизни кимлар кўпроқ таржима қилган?

— Мени асосан ўзимизнинг Александр Файнберг таржима қилган. Маълум даражада оригиналга яқин келадиган таржималар шу шоир қаламига мансуб. Ўзи шу ерда яшаган, у билан ўртоқ эдик. «Руҳлар исёни» дostonимни жуда яхши таржима қилган. Москвадаги ноширлар ҳам китобимга Файнберг таржималарини киритишган. Роберт Рождественский китобимга сўзбоши ёзган. У Файнбергни назарда тутиб, «Москвадаги таржимонларни нима қиласан? Бу ердаги таржимонлар оёғининг учида таржима қилишади. Файнберг меҳрини бериб таржима қилибди», деган эди.

Танаси бошқа дард билмас. Бегона барибир бегона, у таржимага юракдан ёндашмайди.

— Сиз дўстлар, мухлисларнинг ҳар хил угдаоларига қарамай, ижодингизни вақтинча бир четга суриб, таржимага жуда кўп вақт сарфлагансиз. Кетган вақтингизга ачинмаганмисиз?

— Йўқ, мен таржимага кетган вақтимга сира ачинмайман. Агар адабиётимиз тарихини кузатсак, бизда таржима билан шуғулланмаган ижодкор деярли йўқ. Айрим ижодкорларда таржима ҳатто устувор салмоққа эга. Масалан, Миртемир домлани шундай ижодкорлардан деб ҳисоблаш мумкин. Қирғиз халқининг машҳур эпоси «Манас»ни, рус шоирларидан Пушкин, Некрасовни домла меҳру маҳорат билан ўзбекчалаштирган.

— Устоз таржимон Мирзакалон Исмоилий ҳам шундай адиблардан эди. Домла рус ва жаҳон классикларининг икки юздан ортиқ асарини она тилимизга ўгирган. Таржиманинг ўз ижодига таъсири ҳақида устоз кўп гапирган.

— Бу фикрда жон бор. Агар «Фауст»ни таржима қилмаганимда «Руҳлар исёни» ёзилармиди? «Ёшлик» девонини ёзган шоир билан «Руҳлар исёни»ни ёзган шоир ўртасида ҳеч бир яқинлик борми? Тар-



жима шундай қудратга эгаки, у ижодкорни бутунлай бошқа ўзанга буриб юбориши мумкин экан. Ижодкорнинг тадрижий ривожини ўрганилса, у катта илмий ишларга мавзу бўлиши мумкин. Масалан, «Олтин девор» билан «Рухлар исёни»ни олинг. Бутунлай бошқа-бошқа олам. Агар менинг учта асарим — «Ёшлик девони», «Олтин девор», «Рухлар исёни» чоғиштирилса, бир-бирига мутлақо яқин келмайди. Учаласини битта одам ёзганига ақл бовар қилмайди. Лекин буларнинг замирида ўзининг тадрижи бор, битта одамнинг қалами бор, илдизи топилса шу ҳақиқат аён бўлади.

— *Таржима қилишга ўнғай, қулай шоирлар бўлар экан. Ўзингиз эслатган Гамзатов шундай шоирлар сирасига киради, ижоди ҳикматнамо шеърлардан иборат. Нима демоқчи экани, хулоса — ҳаммаси аниқ, лўнда. Рус шоирларини оладиган бўлсак, масалан Пушкин Фарбда унчалик машҳур эмас экан. Достоевский эса дунёда машҳур ёзувчи. Гап яна айланиб келиб таржима муаммосига тақалаяптида. Демак, Сиз таржима қилишга ўнғай бўлмаган шоирлар тоифасига кираркансизда?*

— Ижодкорда миллийлик қанчалик кучли бўлса, уни бошқа тилларга таржима қилиш шунчалик қийин бўлади. Пушкин ниҳоятда миллий шоир бўлгани учун уни таржима қилиш қийин. Гамзатовнинг кўп шеърлари Саъдийнинг ҳикматларига ўхшайди. Навоий Фарбда машҳур бўлмаган. Ҳофизнинг номини билишади, холос. Саъдийни ҳамма билган. «Гулистон», «Бўстон» асарлари ҳамма ерда маълум ва машҳур бўлган. Улар кичкина ҳикоячалардан иборат, русчада притча дейилади. Улар ҳамма тилда бир хил жаранглайди.

Таржимада миллийликни бериш қийин. Худога минг қатла шукурки, бизнинг Навоий, Бобурларимиз бор, Огоҳийларимиз бор, буюк ижодкорларимиз бор. Биз уларнинг руҳида тарбияланганмиз. Улар ниҳоятда миллий, ниҳоятда ўзига хос шоирлар, шу боис уларни бошқа халқлар тушуниб ети-

ши қийин. Бизнинг шеъриятимизни тушуниб етиш учун ўзбек бўлиб туғилишнинг ўзи камлик қилади. Навоийшунос олимларимизнинг ўзлари ҳам ҳали ҳазрат ижодини тўла англаб етмаган. Миртемир домла ижодхонасида Навоий портретини панароққа қўйиб, Пушкин портретини шундоқ рўпарасига қўйиб қўйган экан. Мен бунинг сабабини сўрасам, «Э-э бўтам, мен Пушкин олдида хижолатлик эмасман, уни тўлиқ ўқиб, тушунганман, ҳазрат Навоий ҳақида бундай деёлмайман» дедилар. Қаранг, Миртемирдек аллома, атоқли шоирки Навоийни ҳали яхши билмайман деса, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин? Шу гапни бир даврада гапириб берувдим. У ерда бир умр Навоий ижоди билан шуғулланган олим Абдуқодир Ҳайитметов ҳам ўтирган эди. Менинг ҳалиги гапимни эшитиб, «Биз ҳам шундоқмиз. Навоий дунёсига биз ҳам ҳали чуқур кириб боролмаганмиз, ҳазрат ижодини тўла англаб етолмаганмиз», дедилар. Шундоқ бўлгач, Фарб Навоийни қандоқ англаб етсин?

Маршакнинг бир ибратли гапи бор: «Шеъриятни умуман таржима қилиб бўлмайди. Ҳар бир омадли ҳолат истиснодир»

— *Ҳақиқатан ибратли гап экан.*

— Дарҳақиқат, шеъриятни таржима қилиш жуда мушкул иш. У муваффақиятли чиқса, Маршак айтганидек истисно ҳолат ҳисобланади.

— *Адабиётимизнинг хорижий тилларга таржимаси ҳақида нима дея оласиз? Бу борада қандай ишларни амалга ошириш керак?*

— Талантли шоир, ёзувчиларимиз ёшлигидан хорижий тилларни ўрганишлари керак. Олий адабиёт курсида ўқиётган ёшлардан яхши таржимонлар етишиб чиқиши мумкин. Истеъдодли ёшларга биринчи навбатда инглиз тилини ўргатиш зарур. Бу тил орқали жаҳонга чиқиш мумкин. Тил билган билан иш битмайди, албатта. Аввало, қалами бор, истеъдодли ёшларни жалб этиш керак бу ишга.

Бу иш бугун дунёда йўлга қўйилган. Олий адабиёт курсининг биринчи галдаги вазифаси шундан иборат бўлиши керак. Таржимонлар ўзимиздан чиқиши керак. Четдан биров келиб таржима қилиб бермайди. Мана, арманларни олинг. Бошқа тилларга фақат ўзлари таржима қилишади. Инглиз, испан, форс тилларига ҳам, ҳатто япон тилига ҳам арманлар ўзлари таржима қилишади.

— *Бизда ҳам бевосита хорижий тилларга таржима қиладиган мутаржимлар етишиб чиқмоқда.*

— Афсуски, бундай таржимонлар ҳозирча санокли. Уларни кўпайтиришимиз керак.

— *Эркин ака! Атоқли адиб, устоз таржимон Мирзакалон Исмоилий таржимани икки олам заҳмати деган эди. Сиз ана ўша заҳмат ҳақида бир-икки оғиз гапириб бердингиз, холос. Насиб этса, суҳбатимиз яна давом этади. Сизнинг таржимонлик фаолиятингиз ёш мутаржимларга катта ибрат мактаби бўлиши билан бир қаторга жигдий, салмоқли илмий ишларга мавзу бўла олади. Яқин келажакда бу хайрли иш ҳам албатта амалга оширилади деб умид қиламиз.*

*Қизиқарли, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!*

## АДАБИЁТНИ ТАНЛАГАН ЭДИ

(Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур  
Холмирзаев билан суҳбат)<sup>1</sup>

**Шодмон Отабек** — Шукур ака! Арабларда шундай бир мақол бор: агар одамнинг йўрға оти, кенг ҳовлиси, яхши хотини бўлса, узоқ умр кўради. Хабарим бор, муҳтожликдан йўрға от — машинангизни сотишга мажбур бўлгансиз. Кенг ҳовли у ёқда турсин, кенгроқ бетон уйингиз ҳам йўқ. Балки шунинг учундир, ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйига биратўла кўчиб келволдингиз. Не-не буюк адиблар яшаб ижод қилган бу муқаддас даргоҳга шу қадар ўрганиб қолдингизки, мабодо бирон юмуш билан шаҳарга чиқсангиз, қоқ ярим тунда бўлса ҳам барибир Дўрмонга қайтиб келишни одат қилдингиз. Хуллас, бир неча йилдан буён узлатга чекиниб, хонанишин бўлиб, дарвешона ҳаётни ихтиёр этганингизни ҳамма ҳам тушунавермайди, албатта. Яқинда бир ёзувчи танишим «Нима бало, Шукур аканинг уйидан илон чиққанми? Рўзғор, бола-чақа ташвиши йўқми?» деб қолди...

**Шукур Холмирзаев** — Шодмонбек, «уйидан илон чиққанми?» деган гапда жон бор. У «илон» — уйнинг торлиги. (Ўзингиз ҳам эслатдингиз).36 кв.млик уч хонали каталақда беш киши истиқомат қиламиз. Болаларим туядек бўп кетган. Хусусан, ўғлим Аффон урушидан қайтиб келгандан кейин уйга сифмай қолдим. Иш кабинети қайда!..

Кейин биратўла ёзувчилар боғига йиғиштириниб кела қолдим. Бу ер ҳар ҳолда тузук. Ҳар ой йўланмани янгилашга тўғри келади, холос...

---

<sup>1</sup> Эндиликда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев адабий меросига даҳддор ушбу суҳбат мустақиллигимиз арафаси адибларнинг Дўрмондаги ижод боғида бўлган ва ўша давр матбуотида анчагина қисқартирилиб, «силиқлаб» чоп этилган эди. Ёзувчининг аҳвол-руҳияси, туриш-турмуши, дунёқараш, айрим адабий-эстетик принциплари ҳақида маълум тасаввуртушунча берувчи мазкур суҳбатнинг тўлиқ матни ўқувчига ҳавола этилмоқда. (Муаллиф изоҳи)

**Ш.О.** — Уюшмамиз кенгроқ жой бермадими? Ариза берганмисиз ўзи? Ахир ёзувчи учун алоҳида ижодхона берилиши керак-ку?!

**Ш.Х.** — «Керак» дейилади... Ҳа, уни олганлар, олаётганлар ҳам кўп... Аризага келсак, биринчи аризани 72 йилда берганман. Шундан бери камида ҳар икки йилда аризани янгилаб тураман. Чунки менинг аризаларим нуқул йўқолади. Кейинчалик бир гапни рўкач қиладиган бўлишди: «Агар уйингиз саҳни 35 кв.м бўлгандайди, сизга қўшимча хона бериш мумкин бўларди». Вассалом. Бироқ уй ҳажми 40 кв.м бўлатуриб 70—80 кв.млик уй олаётганлар ҳам кўп.

Гап шундаки, улар «Йўлини қилишади». Мен эсам қилолмайман, қилишним истамайман. Келинг, бу мавзуда гаплашмайлик.

**Ш.О.** — Бу рўзгор, тирикчилик нима бўляпти энди?

**Ш.Х.** — Шодмонбек, худо шоҳид, мен ҳеч қачон бойликка ружу қўйган банда эмасман. Аммо кўп йиллардан буён давлат идорасида ишламаганим учун маош олмайман. Қалам ҳақи эса баъзан дурустгина бўлса, баъзан айтишга арзимайди. Хўш, ана шу танқисчилик туфайли мошинамни сотдимда. Йўғасам у менга «қанот» эди...

**Ш.О.** — Айримлар ёзувчиларни бой дейишади...

**Ш.Х.** — Унақа адиблар ҳам бор. Бироқ уларнинг аксари, ҳали айтганим — кенг-мўл уй олишнинг йўлини биладиганлар хилидан...

**Ш.О.** — Ёзувчидан барибир унинг ёзган асари қолади. Шу боис яхши асар ёзишнинг йўлини биладиган ёзувчи ютади охир-оқибат. Хўш, ана ўша яхши асар ёзишнинг йўли қандай ўзи? Америкалик машҳур ёзувчи Марк Твендан бир мухлиси «Зўр асарлар қанда ёзилади?» деб сўрабди. «Э бу жуда осон нарса, — деб жавоб берибди ёзувчи. — Оқ қоғозни олиб, чапдан ўнгга ёзиб кетаверасиз каллага нима келса. Фақат шу каллага бир нима келиши сал қийинроқ бўлади».

Марк Твен киноясида жон бор, албатта. Ёзувчилик меҳнاتини фақат юксак унвону мукофот-

лардан, роҳат-фароғату шон-шухратдан иборат деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас. Дарвоқе, сиздай камтар-камсуқум ёзувчининг ўтган йили Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиши, тўғриси, кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. Ҳатто ўзингиз ҳам «Қизик, нега булар менга мукофот беришди? Ахир мен пьесамда шўро сиёсатчилари нуқул қоралаб келган «босмачилар»ни оқлаганман-ку?!» дея ҳайрон бўлдингиз. Мукофотни топшириш маросимига эса ноз қилибми ёки Сурхондарёча айтганда, бодилик қилибми, боргингиз келмади. Боёқиш мутасаддилар мукофотни бир амаллаб эгасига топширгунча анча-мунча азият чекишди. Қизингиз Сайёранинг қаттиқ силтовидан кейингина бориб мукофотни олдингиз. Қизик, шунақаси ҳам бўларкан-да?!..

**Ш.Х.** — Демак, бўлар экан... Энди, Сизга мукофотдан ўзимни обқочиб юрганимнинг сабабини айтадиган бўлсам, сабаби кўп: биринчидан, ўша Давлат мукофотини берадиган ҳайъат аъзоларидан бири — ижодини жуда ҳурмат қиладиганим адибнинг баъзи қилиқларини ёқтирмасдим. Хом сут эмган бандамиз-да... У кишининг, хусусан, ўша мукофот тегмаган бир йилги ҳолатини кузатиб, раҳмим келиб кетган эди: уйқусида ҳаловат йўқ, ҳамма еб, у қуруқ қолгандек. Ҳайрон бўлиб ўйлардим: «Сизга нима кераги бор ўша мукофотнинг? Халқнинг иззат-ҳурмати етмайдими?» Хуллас, ана шу ҳол ҳам мени мукофотни олишдан тислантирган эди. Лекин муҳим сабаби бундаям эмас.

Мен «Қора камар»ни ёзаётган чоғимда Ҳамзамиздан кўнглим совутган эди. Ўша йилларда халқ нима ғамда-ю у зот нима ғамда экан? Эсланг... Қолаверса, «Яша Шўро!» деб, «Кимки бизга қарши турса, шартта-шартта отамиз!» деб ҳайқариб, «Бой ила хизматчи» пьесасида (Ундан илгари ёзган аксар асарларидаям) мусулмон қавмини бир-бирига қарши қўйган ва албатта шунинг учун ҳам кейинги давр, яъни «Совет даври адабиёти»нинг асосчиси этиб кўтарилган кимсанинг ёнида биронта ҳақиқий

шоир, адиб ёхуд адабиётшуноснинг исми шарифи қайд қилинмаслиги бот-бот гашимни келтирар ва гўеки улуф шоирдан «ўч» олмоқчига ўхшардим. Тагин бу ёқда унинг номи билан аталган мукофотга интилувчиларнинг кўнгил айнитар даражада кўплиги...

Қолаверса, Шодмонбек, ҳақиқий адиб мукофот учун ёзмайди ва ёзмаслиги керак деган ақидам борки, унга ҳамон собитман.

**Ш.О.** — Аммо охир-оқибат барибир ўша мукофотни олдингиз?!..

**Ш.Х.** — Ҳа, олишга тўғри келди, олмаганимга қўйишмади...

**Ш.О.** — Умуман шу мукофотлар керакми ўзи, деган баҳс-мунозаралар бўлгани эсингиздадир. Модомики ҳар қандай меҳнат тақдирланишга лойиқ экан, қаламкашнинг игна билан қудуқ қазишдай офир заҳмати ҳам (Абдулла Қаҳҳорнинг «Менчалик машқ қилса маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетарди» деган машҳур гапи бор) эътибордан четда қолиши мумкин эмас. Муңдоқ қараганда адабиётимиз совриндорлар адабиётига айланиб қолаёзди, оқсоқол адибларимизнинг мукофот олмагани қолмади ҳисоб. Аммо халқнинг маънавий мулкига айланган, қўлма-қўл ўқиладиган дурдона асарлар бармоқ билан санарли.

Менимча, Сизга сал бошқачароқ мукофот берилиши керакмиди... Италияда ўз ҳаётини фақат ижодга бағишлаган фидокор-санъаткорларга бериладиган махсус мукофот бор экан ва бу мукофотга рус ёзувчиси Ю.Нагибин сазовор бўлибди. Сиз ҳам ўшандай мукофотга лойиқ ёзувчисиз. Адабиётни қисмат деб биласиз, фақат ижод дарди билан яшаб, заҳмат чекасиз. Сиёсатга, турли гуруҳбозликларга аралашмайсиз, мукофот, мартаба, унвонларга хушингиз йўқ. Ҳатто 50 йиллигингиз ҳам мана шу Дўрмонда, беш-олти нафар яқинларингиз даврасида, дабдабасиз нишонланди.

**Ш.Х.** — Расмиятчиликни, дабдабани ёқтирмайман. Кимга кераги бор менинг эллик ёшимни би-

лиш?.. Буюк француз адиби Флобер 50 ёшга тўлган куни Мопассанга шундай хат ёзган экан: «Азизим Ги, бугун мен элликка тўламан. Кел. Ёқимтой москвич (И.С.Тургенев демоқчи) қолдириб кетган битта ўрис ароғи бор, шуни ичамиз».

Ўшанда у «Бовари хоним»ни ёзиб қўйган, дунёга машхур адиб эди...

**Ш.О.** — Яна Ҳамзага қайтсак. Сир эмас, қизил мафкура ҳукмрон бўлган, ҳамма нарса, жумладан санъат, адабиёт ҳам ана ўша мафкурага, сиёсатга бўйсундирилган бир замонда Ҳамза халққа бир ёқлама, яъни «қизиллаштирилиб» тақдим этилгани энди ҳеч кимга сир эмас. Бу жабҳада айрим ҳамзашунос олимларнинг ҳам «ҳиссаси» салмоқли бўлган. Таажжубланарлиси шуки, Ҳамзага муносабат борасидаги чекланиш, бир ёқламалик ҳали ҳамон давом этмоқда. Шоир меросини бўямайбежамай, тўла-тўқис халққа етказилсагина бу муаммо бартараф этилади деб ўйлайман.

**Ш.Х.** — Ҳақ гапларни айтдингиз. Тасаввур этингки, кейинги вақтда Ҳамзага нисбатан менинг муносабатим ҳам ўзгара бошлади. Унга ноҳақлик қилганга ўхшаб қоляпман. Қаранг энди, яқинда «Фан ва турмуш» журналида Ҳамзанинг бир буюк инсон — туркий халқлар даҳоларидан бири Исмоил Гаспринский вафоти муносабати ила ёзган марсияномасини ўқиб қолдим.

Агар Сиз Исмоил афандининг ер юзидаги туркий халқлар ўртасида барчасига тушунарли битта тил «яратиш», демак, битта имло ҳам «яратиш» каби ғояларини ҳисобга олсангиз ва Ҳамзанинг у зотни нечоғлик севиши, отамиз деб аташи ва ўлимидан нақадар изтироб чекканини ҳис этсангиз, (балки ҳис этгандирсиз?) мен каби ўйлардингиз, албатта: «Ахир бу бошқа Ҳамза-ку? Нечук биз билмаймиз?»...

**Ш.О.** — Ҳамзанинг «Яша шўро»сиям аслида «Яша Турон» экан.

**Ш.Х.** — Шундай.



**Ш.О.** — Юқорида тилга олинган мукофот «Қора камар» пьесангиз учун берилган. Сиз пьесани аслида ҳазил-ҳузул билан, яқин дўстларингизнинг буюртма-илтимосига кўра ёзгансиз. Асар мавзуси ва мазмуни эса шохига урса туёғи зирқирайдиган даражада дадил ва жиддий бўлиб чиқди. Спектаклни мен ҳам бир томошабин сифатида мириқиб кўрганман. Томошабин «босмачилар» бошлиғи Хуррамбекка беихтиёр хайрихоҳ бўлиб қолади, унинг аччиқ, аянчли қисматига юрак-юрақдан ачинади. Ҳа, бу пьеса бизнинг дарду армонимиз, шўр пешонамиз, яқин ўтмишдаги қисматимиз ҳақида эди. Бу пьеса «Ўзбекфильм» (ҳазил-киноя билан «Босмачфильм» ҳам дейишарди) киностудиясининг босмачилар ҳақидаги сийқа, фирт ёлғон ва уйдирма фильмларига ўхшамаслиги билан ҳам қимматли ва ибратли эди.

**Ш.Х.** — Бу пьесам ҳақида илгари ҳам бирикки жойда (интервьюда, телевизорда) айтган эдим. Қисқаси, қозонда бўлгани учун чўмичга чиққан-да. Қуруқ буюртманинг ўзи билан бир нарса чиқиши гумон. Агар шу буюртмани Баҳодир Йўлдошев берган деб ҳисобласак, (ҳақиқатан ҳам шундай!) у санъаткор менинг бор-йўғимни яхши билади, илло, менинг нимага қодир эканимни ҳам. Қолаверса, мени ўша чоғлар ўйлантириб юрган муаммоларни ҳам яхши билардики, унинг буюртмаси — турткиси кўнглимдаги кўрни кўзгаб юборди. Табиийки, кўр остида чўғ бўлади...

**Ш.О.** — Сиз драматургияда шунчаки бир ҳаваскорман дейсиз. Балки «профессионал» бўлмаганингиз учун ҳам пьесангиз яхши чиққандир. Айни чоғда «Шукур ака — артист!» деган гап ҳам кўп тарқалган. Дорилфунунда ўқиб юрган кезларингиз Шукур Бурҳон раҳбарлигидаги драма тўғарагида фаол қатнашганингиз, Гамлет ролини қойилмақом қилиб ўйнаганингизни (кейинчалик сизга умр йўлдоши бўлган Саида янгамиз Офелия ролида чиққан экан) эсласак, ҳарқалай театр,

сахна Сизга у қадар бегона соҳа бўлмагани аён бўлади. Ана ўша кичик тажриба «Қора камар»да асқатгандир?

**Ш.Х.** — Албатта асқатган! Раҳматли Шукур Бурҳон мени театр институтида ўқиб, профессионал артист бўлишимни жуда-жуда истаган ва бунга қайта-қайта даъват ҳам этганди. Аммо мен адабиётни танлаганман.

**Ш.О.** — Менимча, бу тўғри танлов фақат сизнинг эмас, аввало адабиётимизнинг ҳам бахти бўлган.

**Ш.Х.** — Билмадим...

**Ш.О.** — Энди гурунг жиловини шу бугунги кунларга бурсак.

**Ш.Х.** — Майли.

**Ш.О.** — Назаримда, кейинги йилларда жамиятда қалқиб чиқаётган муаммолар гўё адабиётнинг, ижоднинг ўзак масалаларини бир четга суриб қўяётгандек... Янги асарлар, йирик романлар ҳақида мабуотда, турли анжуманларда кўнгилдагидек баҳс-мунозаралар бўлмаяпти. Жанрлар бўйича ўтказилаётган йиллик муҳокамалар ҳам илгаригидек қизиқиш уйғотмаяпти. Кўпчилик ўзини публицистикага уриб кетди. Ҳатто адабиётнинг ўзида ҳам публицистик руҳ, оҳанг кучли. Сиз бир вақтлар тез-тез мақолалар ёзиб турардингиз. Негадир кейинги йилларда асосан наср билан шуғулланадиган «соф ёзувчи» бўлиб қолдингиз. Тўғри, ёзувчининг асосий вазифаси асар ёзиш деган ақидага эътироз билдириш қийин. Аммо Ватан ва миллат қисмати улкан ўзгаришлар палласига юз тутган бир даврда яшаётганимизни назарда тутсак, ўткир муаммоларга, сиёсатга фаол муносабат билдирмайдиган ижодкорларни (агар улар чинакам истеъдод бўлса) тушуниш қийин. Лев Толстойнинг ўша машҳур «Жим туролмайман!» деган ҳайқирғини эсланг.

**Ш.Х.** — Мен фикрингизни тушундим. Буни таъна деб қабул қилиш ҳам мумкин. Зеро, мен бунга гапни Сиздан олдин ҳам бир-икки мухбирдан эшитган эдим, хусусан, Тил, Тарихга муносабат билдириш бобида.

Лекин, Шодмонбек, Сиз ҳали халқ тақдири, аччиқ-чучук кунлари, борингки, юртимизда миллий кўтарилишнинг барбод бўлишлари ҳақида ёзилган «Қора камар» ҳақида кўп мақтов сўзларни айтдингиз. Шунинг учун Ватан, Миллат ҳақида фаоллик ила публицистик мақолалар ёзмаганим борасидаги «таъна»нгизга ўзингиз жавоб бердингиз деб ҳисоблайман.

Демак, ҳар бир жанр ижодкори ўша жанрга содиқ қолиб, унинг йўлида иш тутгани маъқул деб ҳисоблайман. Бу борада ортиқ гапиришга хушим йўқ. Бироқ илгарилари, Сиз айтгандек мақолалар, эсселар ёзганимга келсак, улар ҳам юқоридаги мавзулар бобида изланишлардан иборат эди: киммиз, нимамиз? Ўтмиш, Истиқбол қандоқ?..

Масалан, «Қадимий Бақтрия тупроғида» деган эссеми эсланг. Дарвоқе, уни бир кунда ёзганман, аммо икки йил маълумот тўплаганман, ҳазм қилганман.

Ана ўша изланишлар натижаси «Сўнги бекат» романимга асқатган эди.

Эслийсизми, у асарда кўп «нарса» бор! Тил ҳақида қайғуриб ўлади бир жувон. (Мактабининг номи эса — Маҳмуд Қошғарий!..) Ажинатепадан чиққан деворий нақшлар — расмлар ҳақидаги ўйлар-тахлиллар Турону Турк ҳақида эмасмиди? Мана, орадан шунча йиллар ўтиб, (ўша асар 1974 йили чоп этилганди) бирданига публицистларимиз ҳам ўша мавзуларда қалам суришаётган экан, мени «билмаганга олишса», не ажаб?

Умуман, у роман ўшанда қадр топмади. Ундаги ғояларни англаган дўст-ёронлар ҳам бирон калима илиқ сўз айтишмади.

**Ш.О.** — Дарвоқе, «Оғир тош кўчса» деган китобингизнинг мундарижасида ўша «Қадимий Бақтрия тупроғида» деган эссенгиз қайд қилинган, аммо ички саҳифаларда унинг ўзи йўқ эди?!..

**Ш.Х.** — Синчков экансиз... Эссе китобнинг сўнги боби эди, олиб ташлашди. Азаматлар ол-

миш минг нусхадан йиртиб-қўпориб опташлашди. Шунинг учун китобнинг баҳосиям ўзгарган: илгариги нархига қора чизиқ тортиб, ёнига янгиси битилган... Ўша бутун нусхадан ўзимда битта бўлса керак. Ўша вақтларда Мирза Кенжабек (ҳозирги машҳур шоиримиз!) «Ёш гвардия» нашриётида «Насилшик» — дастёр бўлиб юрарди. Шу Мирзажон икки нусха ўғирлаб қолган экан, бирини туғилган кунимга «тўёна» қилиб опкелган эди.

**Ш.О.** — Эссени нега олиб ташлашган эди? Сабабини айтишдими?

**Ш.Х.** — Йўқ, айтишмадиям. Ўшанда Эркин ака Воҳидов нашриётда бош муҳаррир эдилар. «Қўйинг, Шукуржон. Буёғи чиқаверсин. «Оғир тош кўчди» ҳикоянгиздан ҳам баъзи жойлари қисқартирилди. Ўткиржон (ёзувчи Ў.Ҳошимов — Ш.О.) уни «Тошкент оқшоми»да босгани учун унияма анча сиқишибди» дедилар.

Нима дейман? Ҳикоядан олиб ташланган жой — рассомнинг халқ ҳақида: «Нега бўшангмиз? Ҳамиша қўлимиз кўксимизда! Қачон ҳақимизни талаб қиламиз?» мазмунидаги гаплари экан. Эсседа мен Ленин бобони (Худо ўзи кечирсин!) Будда, Муҳаммад ва Зардуштий билан ёнма-ён қўйган эканман... Китобга фавқулодда сўнгги тақриз ёзган киши (у катта олим, фан доктори, этнограф!) «Бундоқ эмас, Лениннинг олдида Муҳаммад билан Будда ким бўпти» деб менга таъналар қилган, тагин бизнинг жанубдаги (мелоддан бурунги) тарихни билмаслиги туфайли (ўша тарих обидалари борлиги учун тарих музейимиз обод!) кўп маълумотларни инкор этган экан.

**Ш.О.** — Замонавий асар яратишнинг ўзига хос мураккабликлари, қийинчиликлари бор. Воқеа-ҳодисалар моҳиятини дурустроқ илғаб, мавзуни «ўзиники» қилиб олиши учун ёзувчига маълум муддат — масофа керак бўлади. Тарихий асар яратишнинг эса йўриғи бошқа: бунда воқеалар ҳарқалай бирмунча тиниқлашган, ойдинлашган бўлади. Айни чоғда, адабиётимизнинг яқин ўтмишига назар таш-

ласак, истеъдод билан яратилган айрим асарларда («Тобутдан товуш», «Диёнат», сизнинг «Тўлқинлар», «Кечаги кун кеча» қиссаларингиз) ҳозирги муаммоларга ҳамоҳанг, долзарб масалалар кўтарилганини кўрамиз. Демак, ёзувчи, агар у ҳақиқий санъаткор бўлса, фақат ҳозиржавоб бўлибгина қолмай, воқеа-ҳодисаларнинг ижтимоий моҳиятини олдиндан илғаб, ҳаётдан бир оз илгари юриши, истиқболни олдиндан ҳис этиши ҳам керак экан-да?

**Ш.Х.** — Ҳа, шундай. Мен бир суҳбатда «Илгари аксар ёзувчилар рост гапни ёзишдан ҳайиқишар эди» деган эдим. Аксари! Аммо Абдулла Қаҳҳор ва бошқа айрим санъаткорлар имкон етган қадар ҳақиқатни ёзишга интилдилар, ёздилар ҳам. Улар — ҳақиқий ёзувчилар. Балки шундайлар борлиги учун ҳам адабиёт ўзининг асл қиёфасию вазифасини сақлаб қолаётгандир, пироварди, бизга унинг муқаддаслигини айтиш учун ҳуқуқ бераётгандир...

Сиз муаммо кўтариш ҳақида ҳам гапирдингиз. Умуман, мен «муаммо кўтариш» деган гапни унча ҳазм қилолмайман. Муаммоларнинг муаммоси — одам. Одамни чинакамига акс эттирар экансан, унинг қилмиш-қидирмишларидан муаммолар келиб чиқаверади. Ўша муаммоларни ҳал этиш эса сенинг ишинг эмас. Уни ҳаёт ҳал этади. Ва пироварди, ўша «ҳал этилиш» жараёни яна адабиётда акс этиши мумкин.

Чеховнинг машҳур гапини жуда қадрлайман: «Ёзувчининг вазифаси — муаммони ечиш эмас, қўйишдир».

**Ш.О.** — Бугунги кунда адабиёт ҳақида гапсўз кам бўлаётгани, унинг муаммолари ҳақидаги баҳслар тўхтаб қолаётгани барибир кишини ўйлантиради.

**Ш.Х.** — Назаримда, шундай бўлишиям керак-дай: буюк инқирозлар, талатўплар маҳалида Адабиёт четга чиқиб кузатиб туришга мажбур. Шунда тезоб кишилар уни ўлдигаям чиқаришлари мумкин. Эсланг: Октябрь тўнтаришининг илк йилларида қайси жанрлар пешқадам эди? Ҳозир-чи?

Энг жушқин пўртаналар ҳам тинади, дўстим. Биз ҳозир ҳис-ҳаяжон билан айтаётган маънавий софланиш, жамиятда тубдан ўзгариш жараёнлари бора-бора оддий кундалик аҳволга айланиб қолишига ишонгим келади. Адабиёт эса, барибир адабиёт бўлиб қолиши керак!

**Ш.О.** — Шукур ака! Ўтган асрнинг 50-йиллар охирларидан бошлаб ҳикояларингиз матбуот юзидан кўра бошлаганини ҳисобга олсак, Сиз ҳам анча «қадимий» одам экансиз. Бу орада адабиётга бир қанча янги авлод кириб келди. Тўғриси айтганда, кўпчилик мухлисларингиз Сизни ҳикоя устаси сифатида тан олишади-ю романларингизни (уларни мутлақо камситмаган ҳолда) унчалик ҳазм қилишолмайди. Сиз ҳам буни билгандек, «Ҳали шошмай туринглар, ўзимни бир кўрсатиб қўяман!» дегандек, ҳозирги романингизни жуда узоқ, жиддий ҳафсала билан ёздингиз. Ҳатто бир гурунгимизда: «Бу романи ёзмасам гўё ўлиб қоладигандек эдим», — дедингиз. Хайриятки, романи ёзиб битирдингиз. Қўйинг ака, яхши ният қилайлик, фаришга яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин дейди!

Айтинг-чи, нега янги асарни бу қадар узоқ, қийналиб ёздингиз? Роман нима ҳақда ўзи? Нега романинг олдинги нусхасини ёқвордингиз? Нега «Энди бунақа асар ёзолмасам керак» дедингиз. «Ёзувчининг энг яхши асари ҳамиша олдинда бўлади» деган гаплар қаёқда қолди?

**Ш.Х.** — Бизда туппа-тузук адиблар ҳам шу гапни такрорлашни яхши кўришади. Гўё шу билан камтарлик қилишади. Бўлмаган гап. Қўлингидан асарни қиймега етказ. «Яхши асарим олдинда» деявериб умринг ҳалигидай асарлар ёзиш билан ўтганини билмай қолишинг мумкин.

Шодмонбек, «энг яхши асарим олдинда» деган гап — «Ҳали бундан ҳам яхши кунлар келади» дея содда ишонч билан эртанги кунга боқишга ўхшайди, холбуки, эртанги кунга етсак индинги кунни орзу қиламиз ва жамики орзу-армонларимизни у билан боғлаймиз. Инсон ҳаёти шу...

Шу маънода бу гап ёлгон эмас.

Энди, менинг ўша гапимга келсак, мен ҳақиқатан ҳам «яхши роман» ёзишни ўйлаб-ўйлаб, бу йўлда ўз камчиликларимдан ўрганиб-ўрганиб (дунё романчилик мактабларидан хабарим бор), ниҳоят бир неча жаллодликлар қилгач (ёзувчи романинг олдинги нусхасини ёқиб юборгани назарда тутилмоқда — Ш.О.), романи қўлдан чиқарар эканман, менинг бу йўлдаги изланишларим бир тўхтамага етгандай туюляпти.

Шу гапни изохлайман.

Мен, айтганингиздек, ҳикоя ёзишни, ҳарқалай, биламан: бу жанрнинг сир-асрорини биламан, билолмаган пайтимда ҳис этаман ва шу ҳис «ақл» ўрнини босади.

Хабарингиз борки, романгаям шу — ҳикоя услини қўллашга ҳаракат қилиб келаётирман. Насрдаги жанрлар бари шартли. Қолаверса, ёзувчи ўз имкониятини кенгайтириш ҳисобига иш кўргани дуруст. Бироқ роман мазмуни қандоқ бўлиши керак, бош қаҳрамон руҳий чизигини топиш ва қўлдан чиқармаслик, хусусан, асарнинг тўхтамида «оқсаш» борлигини англаб қолганимдан кейин.

Ана шундан кейин тўрт йиллик меҳнатим сингган «Йўловчи» романимниям китоб қилишдан воз кечдим. Чикса, адабиётга зиён бўлмасди, албатта, менга эса — фойда! Бироқ нафсдан буюкроқ нарсалар ҳам бор-ку...(Роман «шўрлик»нинг 16 боби «Шарқ юлдузи»да эълон қилинган ҳолда қолди, яна 16 боби қўлимда).

**Ш.О.** — Устоз танқидчи Умарали Норматов бир вақтлар Сизни танқид қилганда (боиси эсимда йўқ) Сиз бунга жавобан «Ҳали услубим шаклангани йўқ!» деган эдингиз. Мана, орадан кўп йиллар ўтди, хўш, энди услубингиз шакландими? Адабиётнинг «Қандоқ, ёзмоқ керак?» деган азалий муаммоси ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади, шекилли...

**Ш.Х.** — Ҳа, Умарали Норматовга шундай деганман. «Услуб (стил) — шахс» деб бежиз айтишмаган.

Ўшанда мен «услуг» деганда барча асарларнинг бир тарзда, дейлик, бир йўлда ёзилишини тушунганман. Бу фикрим хато экан. Бир услубнинг ичида минг усулда асар ёзиш мумкин экан. Бу нарса олинган материалга боғлиқ эканки, ўша услуб эгаси, агар оёққа туриб олган ёзувчи бўлса, ўша материални ҳар қандай усулда ёзмасин, ўз услубига содиқ қолаверар экан. Ахир услубда ҳамма нарса мужассам: дунёқарашдан тортиб, нуқта қўйишгача...

**Ш.О.** — Умарали ака яна «Шукур Холмирзаев ўз ижодида РОМАН ШАКЛИНИ излаяпти. Унинг романи ҳикоя каби ўқилади» деган мулоҳазани ҳам билдирган эди.

**Ш.Х.** — «Роман шаклини излаяпти», дейилгани биллоҳ рост. «Унинг романи ҳикоя каби ўқилади» дегани эса, гарчи ўша асар шундай эмаса-да, мен учун мақтов бўлиб туюлди. Негаки мен роман деганда — катта воқеа ва кўпдан-кўп шахслару уларнинг қисматларини ўз ичига олган ўзига хос ҳикояни тушунаман. Бунинг номини «роман» дейишаркан майли. Белинский романи «эпос» деб атаган эди.

Хуллас, ҳар қандай ҳаваскор ҳам илк ҳикоясию шеъридаёқ қандайдир даражада ўзини «ифода-лайди»: демак, ўз сўзи «услуги» орқали баён қилади. Бироқ бу услубда (демак, шахснинг ўзидаям!) тақлидчилик унсурлари устун бўлади. Демокчиманки, агар шахс Инсон сифатида камол топишни истар экан ва айни чоғда ўзига хос жиҳатларниям қўлдан чиқармас экан, демак у шахснинг навбатдаги асарлари ҳам унинг ўзи билан бирга шаклланиб бораверади. Ва оқибат, шахс қандай бўлса, унинг асарлариям шундай Санъат бўлади.

Демак, ўшанда У.Норматовга «услугим шаклланмаган ҳали» деган бўлсам, ўзимнинг ҳам ҳали шаклланмаганимни айтган эканман.

**Ш.О.** — Шукур ака! Сиз учун ёзишда нима муҳим? ИЗҲОРИ ДИЛми (исповедь) ёки ТАШ-ВИҚОТми? (проповедь)



**Ш.Х.** - Бу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас (оғлиқ, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Мен учун асл муддао — ИЗҲОРИ ДИЛ. Аммо бунинг тагида менга боғлиқ бўлмаган ТАШ-ВИҚОТ ҳам ётади. Ҳа-а, адиб охир-оқибат нима-нидир ташвиқ қилади.

**Ш.О.** — Рус ва қардош халқлар адабиётида турғунлик деб аталмиш йилларда ёзилиб, дунё юзини кўрмаган асарлар кетма-кет чоп этилмоқда. Бизда эса бунақа тортмага ташлаб қўйилган асарлар деярли йўқ экан. Замонасоз ёзувчиларимиз кучларини «беҳуда нарсага» сарфлагиси келмаган чоғи, асосан чоп этилишига кўзи етган нарсаларнигина ёзишган. Айтинг-чи, юқорида тилга олинган янги романингизни замона ўзгармаганда ёза олармидингиз?

**Ш.Х.** — Ёзиш қайда? Қолаверса, романнинг якуни...

Рус адабиётида турғунлик йилларида ёзилган асарларнинг энди чоп этилаётгани ҳақида гапирдингиз. Мен тушунолмадим: агар асар деганда «соф бадий асар»ни кўзда тутаётган бўлсангиз, ўша чоп этилаётганларнинг тўқсон тўққиз фоизи — саргузаштлар, кузатишлар, хотиралар ва ҳужжатлар жамғармаси-ку!

Майли, мени такаббур денг, лекин фикрим шу: ҳатто Солженициннинг «Гулаг»и, ҳатто Варлам Шаламовнинг («Янги насл»номли) ҳикоялари, ҳаттоки Пастернакнинг «Доктор Живаго» романиям Санъат, яъни соф бадий асарлар эмас.

**Ш.О.** — Адабиётни синчковлик билан кузатиб боришингизга ҳавасим келди. Ҳозир негадир мутолаа маданиятининг пасайиб кетгани ҳақида кўп гапириляпти. Ҳатто ёзувчи ёзувчининг асарини ўқимай қўйди.

**Ш.Х.** — Ҳа, гапингизда жон бор. Адабиётдан жуда йироқлашиб кетганмиз. Классикларга тез-тез мурожаат қилиб туриш керак. Мен «Йўловчи» романимни ёзишдан олдин Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини қайта ўқиб чиқдим, ундан қувват олдим.

**Ш.О.** — Толстойни яхши эслатдингиз. У менинг энг севимли ёзувчим. Адибнинг болалар учун ёзган ҳикоя, эртақларини таржима қилувдим. «Кавказ асири»ни таржима қилаётиб шу қадар завқландимки, бу асар худди гўзал бир қўшиққа ўхшайди, қўнғилга қўшиқдай оқиб киради. Қаҳрамонларнинг миллати, дини, қай бири ўрису қай бири татар — ҳаммаси эсдан чиқиб кетади. Бутун борлиғинг билан Жилинга хайрихоҳ бўлиб қоласан, қанийди боёқиш асирликдан қутулиб кетса дея юрагингни ҳовучлаб турасан.

**Ш.Х.** — Жилинга ёрдам берган Дина деган татар қизни айтмайсизми? Уни оиласидагиларга сотқинлик қиляпти деб ўйлаш хаёлингизгаям келмайди.

**Ш.О.** — Тўғри. Жилиннинг Дина билан хайрлашаётиб айтган «Энди сенга ким қўғирчоқлар ясаб беради?» деган шунчаки оддий бир гапидан таъсирланиб йиғлаб юборганман.

Ёзувчининг ўз ҳиссиётларини китобхонга ҳам мана шундай «юқтира олиши»ни адабиётнинг, умуман санъатнинг муҳим хусусияти сифатида қайд этган Толстой «Анна Каренина», «Уруш ва тинчлик», «Тирилиш» каби буюк асарларни ёзмаган тақдирда ҳам, биргина мана шу ҳикояси билангина адабиёт тарихида қолиши мумкин эди деб ўйлайман.

Адабиётимизда ҳам шунга ўхшаган дурдона асарлар яратилишини орзу қиларканман, бир савол — жумбоқ хаёлимдан кетмайди: нега баъзи катта ёзувчиларимиз бир-иккита дуруст нарса ёзиб қўйишгандан кейин негадир сустлашиб кетадилар, бўшроқ, юзакироқ нарсаларини ҳам уялмай-нетмай чоп эттираверадилар? Шу ўринда бир латифа эсимга тушиб қолди. Машҳур инглиз ёзувчиси Бернард Шоуга бир ҳаваскор қаламкаш қўлёзмасини ўқишга берибди. Қўлёзма билан танишиб чиққан адиб ҳаваскорга шундай дебди: «Йигитча, бунақа нарсаларни зўр асарлар ёзиб, номингиз анча машҳур бўлгандан кейин ёзсангиз ҳам бўлади, унгача яхшироқ нарсалар ёзиб туришингизга тўғри келади».

**Ш.Х.** — Ибратли латифа экан. Энди, юқоридаги саволингизга келсак, ўша сиз айтган катта ёзувчиларимиз амал, карера, манфаат қурбони бўдилар. Адабиётга ўзингни буткул бағишламасанг, ўзингни қурбон қилмасанг, ҳеч нарсага эришолмайсан.

**Ш.О.** — Гоҳо «Нега замонамиз қаҳрамонлари адабиётимизда яратилмаяпти?» деган иддаолар қулоққа чалиниб қолади. Бир қарашда жўнгина туюладиган бу саволга дабдурустдан жўялироқ жавоб бериш осон эмас. Лермонтовнинг асари сарлавҳасига олиб чиқилган киноясини (яъни «Замонамиз қаҳрамони» романини) чоризм арбоблари кечиролмаган эди.

**Ш.Х.** — Бу ҳақда мен ҳам кўп ўйлайман. Назаримда, ҳаётда жонкуяр, фидойи одамлар бор. Ана ўшалар замонамиз қаҳрамонлари бўлса керак. Фақат биз ёзувчилар уларни адабиётда яхши кўрсата олмаяпмиз. Ҳамма нарсани охир-оқибат ёзувчининг таланти ҳал қилади. Истеъдод ҳақиқий бўлса, барибир бир жойдан ёриб чиқиб, ўзлигини намоён этади. Мен бунга ишонаман.

**Ш.О.** — Самимий суҳбатингиз учун ташаккур, Шукур ака.

**Ш.Х.** — Сизга ҳам раҳмат, ука.

### **ЖИДДИЙ ҲАЗИЛКАШ**

Дўстлар даврасида ошно-оғайнилар, улфатларни кулдириб юрадиганларни қувноқ, ҳазилкаш одам деймиз. Мабодо бундай одам ёзувчи бўлиб, ўз асарлари билан минглаб, миллионлаб китобхонларни кулдирса-чи? Адабиётда бундай адиблар ҳажвчи ёки сатирик (кулгининг «доза»сига қараб) ёзувчи дейилади.

Китобхонларнинг сеvimли ёзувчиси Тоҳир Малик ҳаётда ростдан ҳам қувноқ, ҳазилкаш одам, ҳазилкаш бўлгандаям **ЖИДДИЙ ҲАЗИЛКАШ!** Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганлар ёзувчининг бетакрор, беғубор ҳазил-мутойибаларидан, мўлжалга

бехато урувчи лутфларидан, ҳозиржавоблигидан завқланадилар. Ёзувчи табиатидаги бу ноёб фази-латлар, табиий, унинг асарларига ҳам шундоқ кўчган. Шу боис адибнинг ҳажвий, сатирик ҳикоялари, ажойиб фелъетонлари ҳам унинг бошқа машҳур асарлари каби севиб ўқилади. Бу асарлар алоҳида жамланса салмоқли, ноёб китоб бўлади. Тўғри, ёзувчининг ҳажвий ижоди «Шайтанат», «Мурдалар гапирмайдилар» каби машҳур асарлари соясида ярқираб кўзга ташланмаслиги мумкин. Аммо масалага жиддий қарасак, Т.Малик ҳажвий асарларини шунчаки «хобби» сифатида, китобхонни қитиқлаб кулдириш учун ёзмаганлиги, унинг кулгуси гоҳо шохига урса туёғи зирқирайдиган даражада салмоқли, маъноли эканлиги аён бўлади.

Тоҳир Малик машҳур ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг жияни. Раҳматли тоғаси жиянининг келажагига умид билдириб, «қаламимнинг меросхўри» деган эди. Жиян тоғанинг ишончини оқлабгина қолмай, унинг ушалмай қолган орзу-умидларини ҳам рўёбга чиқарди.

Ҳозирги кунда сермахсулликда, машҳурликда Тоҳир Маликдан ўтадиган ёзувчи йўқ десак муболаға бўлмас. У мутолаадан андак узоқлашиб кетган китобхонларни «Шайтанат»дек машҳур асарни ёзиб, бир ҳамла билан ўзига оғдириб олди. Ўртоқлари унга биргина шу асарингиз билан ўзбек адабиёти-ни синдириб қўйдингиз деб ҳазил қилишди. «Шайтанат» кино қилинган, «шафқатсиз» адиб киночи-ларни ҳам синдириб қўйишга чоғлангандек бўлди. Одоб-ахлоқ, дину диёнат ҳақидаги асарлари билан эса айрим сийқа насиҳатчиларни алақачон сингдирган эди. Мабодо у сатира ва юмор билан сал жиддийроқ шуғулланганда эди, бу соҳани ҳам ўзиники қилиб олармиди...

Кунлардан бир куни Тоҳир Малик «Энди нима ёзмоқчисан?» деб сўраган шоир дўстига жиддий алпозда шундай дейди: «Энди назмга ўтаман. Сенларга шеър ёзиш қандай бўлишини бир кўрсатиб қўймоқчиман!» Боёқиш дўсти бу гапга чиппа-чин

ишониб, талмовсираб қолади. Шунда адиб унга раҳми келиб, далда беради: «Қўрқма, дўхтир мени соғсан деган, шеър ёзмайман!»

Тоҳир Малик ана шундай ҳазилкаш адиб. Шу боис унинг китобхонлар билан ўтадиган учрашувлари жуда жонли, қизиқарли бўлади. Ёзувчи мухлисларнинг айрим саволларига ҳазил-мутуйиба билан жавоб беради:

— «Шайтанат» асарингизнинг ёзилишига нима туртки бўлган?

— Шайтонлар туртки бўлган.

Учрашувда бир муаллима ёзувчидан илтимос қилади:

— Мен Асадбекни яхши кўриб қолганман. Илтимос, уни ўлдирманг.

— Яхши кўришингизни эрингиз биладими?

Адибнинг она юрти Андижондаги бир учрашувда мухлислардан шундай савол тушади:

— Қисқача таржимаи ҳолингизни айтиб берсангиз?

— Мен она томондан булоқбошилиқ, ота томондан марғилонлик, хотин томондан тошкентликман. Ўша хотинимни шу ерга олиб келиб сизларга кўрсатаман, ёқса-ёқди, ёқмаса алмаштириб бера-сизлар.

Энди шундай жиддий ҳазилкаш адиб ҳақида бир оғиз жиддий гап айтмасак бўлмас.

Тоҳир Малик тақводор, имон-эътиқоди бутун шахс. Сўзи билан иши бир. «Шайтанат»ни илк нашрга тайёрлаётганда айрим тижоратчи дўстлари асарни нашр этиш ҳуқуқини бизга бергин, ўзингга ҳам яхши бўлади, ҳар қандай шартингни бажарамиз дейишади. Ёзувчи асарини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятига ваъда қилиб қўйгани учун лафзида туриб, бу таклифга кўнмайди. Ўша-ўша «Шарқ» билан самарали ҳамкорлик давом этиб келмоқда.

Тоҳир Маликнинг жиноят олами ҳақидаги асарларини ўқиган китобхонлар уни қаҳри қаттиқ одам деб ўйлаши мумкин. Йўқ, бу янглиш тасаввур.

Адиб ҳаётда яқинларига эътиборли, меҳрибон, кўнгли ўта нозик одам. Жанжалга, турли кўнгилисизликларга тоби-тоқати йўқ. У илгари ўзи ишлаган таҳририятларда муҳит сал ўзига ёқмай қолса ёки биронтаси дилини офритса, «Ол ишингни!» дея қўл силтаб кетворарди. Кўп ўтмай ўша таҳририятларнинг ўзи яна ялиниб, уни қайта ишга олишарди. Биргина республика радиосининг ўзида тўрт-беш марта ишлаган. Шундай пайтларда дўстлари ҳазиллашиб «Меҳнат дафтар»ингиз неча том бўлди?» деб қўйишарди.

Ҳозир китоб ва китобхонлик ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўляпти. Мутолаанинг сусайиб кетаётганлиги куйиниб айтиляпти-ю бу муаммонинг илдизлари етарли очилмаяпти. Назаримда, ёзувчи билан китобхон ўртасидаги алоқа, мулоқот ҳам анча сусайган. Ахир китоб ким учун ёзилади? Ёзувчи бугунги китобхоннинг диди, талаб-истакларини билмаса қандай ижод қилади? Масалага шу жиҳатдан қараганда Т.Маликнинг фаолияти ибратли ва диққатга сазовор. У «Бекажон» газетасининг таҳририят раиси сифатида ёш қаламкашларга ижод ва маҳорат сирларини сидқидилдан ўргатмоқда. Ўз китобхонлари билан турли анжуман-тадбирларда, матбуот саҳифаларида ҳамда хат орқали яқиндан мулоқотда бўлиб келади. «Шайтанат»нинг давоми кетма-кет чоп этилишига ана ўша мулоқотлар, кўп сонли китобхонларнинг даъвати-далдаси сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Эсимда, китобхонлар «Шайтанат»нинг тўртинчисини қачон ёзиб берасиз дея ҳол-жонига қўймай юрган кунларда адиб тоби қочиб, касалхонага тушади. Дўхтирлар операция қилиш лозимлигини айтишади. Адибни йўқлаб бориб, операция сабабини сўраганимизда ёзувчи шундай ҳазил қилган эди:

— Билмасам, балки қорнимни ёриб, ичимдан «Шайтанат»нинг тўртинчисини олишмоқчи бўлиш-ётгандир!

Тоҳир Маликнинг ижодий режалари кўп. Аллоҳ саломатликни берса китобхонлар ёзувчининг ма-

роқли асарларини ҳали кўп ўқийдилар. Адибнинг ўзи «Тасвир» газетасига берган интервьюсида шундай дейди: «Аллоҳга таваккал қилиб иш бошладим. («Шайтанат»нинг бешинчи китоби назарда тутилмоқда — Ш.О.) Китобхонлардан дуо қилишларини сўрайман. Илтимосим шуки, «китобни ёзсин», деб шунчаки дуо қилманглар, «китобни яхшилаб ёзсин, савияси тушиб кетмасин, аввалгиларидан аълороқ даражада ёзсин», деб дуо қилинглар. Шояд дуоларинг ижобат бўлиб, яхши асар ёзилса.»

Дуолар ижобат бўлди, адибнинг кўп сонли мухлислари «Шайтанат»нинг бешинчи китобидан баҳраманд бўлдилар.

Ҳар қандай ёзувчининг ҳам сара, давр синовидан ўтган асари бўлади. Т.Маликнинг китобхонлар маънавий мулкига айланган бошқа асарларини камситмаган ҳолда айтсак, беш китобдан иборат машхур «Шайтанат» асари алоҳида ажралиб туради. Бу асар нисбатан қисқа фурсат ичида қайта-қайта, кўп нусхада чоп этилди. Китобхонлар, адабий жамоатчилик бу асарни юқори баҳоладилар. Асарга мазмунли сўнгги сўз ёзган таниқли адиб Муроджон Мансуров «Шайтанат» Тоҳир Маликнинг энг баланд асари» дея эътироф этди. Бу — ҳаққоний баҳо эди.

Китобхонларни «Шайтанат»нинг ёзилишига нима тurtки бўлган, бу асар қандай дунёга келган ўзи, деган саволлар қизиқтириши табиий. Ёзувчи билан суҳбатимиз ана шу саволга жавобдан бошланди.

— Бу саволни учрашувларда китобхонлар ҳам кўп беришади, — деди Тоҳир Малик. — Ҳазрат Навоий асарларидан бирида «шайтанат» сўзини учратдим-у, «Бу сўз яхши бир асарга сарлавҳа бўлиши мумкин экан», деган фикр хаёлимдан ўтди. Кейинчалик, дўстлар билан Фарғона водийсига сафар қилдик. Раҳматли шоир Шавкат Раҳмоннинг юртига бордик, яхши учрашувлар, гурунглар бўлди. Андижонда юрганимизда дўстлардан бири яқинда бўлиб ўтган бир жиноят ҳақида гапириб

қолди. Хаёлимда ярқ этиб ўйлаб юрган асаримнинг воқеалари жонлана бошлади. Сафарни ортиқ давом эттиришга ҳам рағбатим қолмади. Тезроқ Тошкентга қайтгим, ёзув столига ўтириб, асарни қоғозга туширгим келаверди.

— Ёзиш жараёнида кўп нарса ўзгариб кетгандир?

— Ҳа, бу — табиий нарса. Ўша — Андижонда дўстлар гапириб берган жиноят тарихи ҳам асарга киритилмади.

Одамлар жиноят олами ҳақида кўп нарса билмайдилар. Уларнинг бу борадаги тасаввур-тушунчаси жуда юзаки. Мен раҳмоннинг эмас, шайтоннинг гапига кириб, жиноят оламига юз тутганларнинг фожиасини кўрсатиш орқали одамларни огоҳликка, ҳидоят йўлига даъват этишни асосий мақсад қилиб қўйганман. Айни чоғда, ҳеч ким ондан жиноятчи бўлиб туғилмаслигини таъкидлаганман. Эсингизда бўлса, ҳали болакай бўлган ёш Асадбекнинг кўнглига ёмонлик уруғи қатағон йиллари, кўз олдида гуноҳсиз отасини ноҳақ қамоққа олиб, уйдан олиб кетишганда экилган эди.

— Айримлар Асадбек образи орқали фалон-фалончилар назарга тутилган, дейишади.

— Асар сўзбошисида айтганимдек, бу борадаги ҳар қандай ўхшашлик тасодифдир. Асадбек умумлашма образ. Юқорида айтганимдек, унинг фожиаси орқали одамларни хушёрликка, тўғрилиқка чорлаганман. Асадбекдай қудратли одамнинг қизи бошига тушган кулфатлар, унинг гиёҳванд бўлиб қолиши — буларнинг ҳаммаси тасодиф эмас ахир. Бундан ҳар бир китобхон ўзига керакли сабоқ, хулоса чиқариб олади, деб ўйлайман.

— «Шайтанат»нинг кино қилиниши асарнинг довуғини янада оширди. Негадир фильмнинг давомини намойиш этиш чўзилиб кетди?



— «Шайтанат» фильми телевидение бадий кенгаши томонидан қабул қилинган. Насиб қилса, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилар.

— *Фильмдан кўнглингиз тўлғуми?*

— Умуман олганда ёмон эмас. Роллар ижросидан асосан қониқиш ҳосил қилдим. Бош қаҳрамон Асадбекни худди Ёдгор Саъдиев сиймосида тасаввур қилгандим, демак бу роль ўзининг ҳақиқий эгасини топган.

— *Фильмни суратга олиш жараёнида бирон-бир қизиқ воқеа ёки ҳангома бўлгандир?*

— Халқимиз азалдан кулгуга мойил, икки ўзбек тўпланган жойда албатта ҳазил-мутойиба бўлади. Ҳозир эсимга тушиб қолган шундай бир воқеани айтиб берай. «Шайтанат» суратга олинаётган кунлардан бирида Ёдгор Саъдиев билан телефонда фильм ҳақида гаплашаётган эдик. Шу орада телефон хизматидаги эски касаллик панд бериб, суҳбатимизга бегона овозлар аралашиб кетди. Бир аёл суҳбатимизни бўлиб, сўраб қолди:

— Кечирасиз, сиз Тоҳир Маликмисиз?

— Ҳа, нима эди?

— Айтингчи, бош қаҳрамонингиз Асадбек ўлмайдими?

— Ана, ўзидан сўрай қолинг, гапингизни эшитиб турибди! — дедим.

— *Маълумки, кино — санъатнинг мутлақо бошқа, мураккаб тури. Ҳар қандай бадий асар экранлаштирилаётганда жиддий ўзгаришлар бўлади, ҳатто ёзувчининг ғояси, талқини ҳам бошқачароқ тус олиши мумкин.*

— Бу мулоҳазангизда жон бор деб ўйлайман. «Шайтанат» мисолида ҳам шу ҳол кузатилади. Маълумки, қиссада Асадбек анча мураккаб образ. Бир елкасида раҳмон, иккинчисида шайтон туради. Афсуски, у кўпроқ шайтоннинг гапига киради. Кинода эса унинг салбий жиҳатларига камроқ

эътибор қилинади, у кўпроқ ҳақиқат учун курашувчи сифатида талқин этиладики, принцип жиҳатидан бу тўғри эмас.

– *Сценарий муаллифи сифатида бунга эътироз билдирмадингизми?*

– Сураатга олиш жараёнида барибир кўп нарса ўзгариб кетар экан. Қолаверса, ҳадеб киночиларнинг ишига аралашиб, ади-бади айтишгим келмади.

– *«Шайтанат», шубҳасиз, детектив, саргузашт жанрида яратилган асар. Айрим одамлар, ҳатто баъзи адабиётга дахлдор кишилар ҳам бу жанрдаги асарларни енгил-елпи, ножиғдий адабиёт, деб ҳисоблашади. Тўғриси, ўзим ҳам илгари шунга яқинроқ фикрда эдим. Шу боис узоқ вақтгача «Шайтанат»ни ўқигим келмай юрди. Ахийри, «Шайтанат» ҳақидаги шов-шувлар кучайгандан-кучайиб кетавергач, «Қани бир варақлаб кўрайчи» дея истар-истамас китобни кўлга олдим-у илк саҳифалариданоқ бош кўтаролмай қолдим. «Шайтанат» бир нафасда, шавқ билан ўқиладиган китоб эканлигига амин бўлдим. Қолаверса, у менинг детектив, саргузашт жанри ҳақидаги тасаввур-тушунчаларимни бутунлай ўзгартириб юборди. Агар ёзувчи қаловини топса, бу жанрда ҳам ниҳоятда салмоқли ижтимоий ғояларни, шоҳига урса туёғи зирқирайдиган гапларни айтиши, китобхоннинг онгу шуурини алғов-далғов қила олиши мумкин экан.*

– Ҳамма гап аввало, ёзувчининг ўз қаҳрамонларига жон ато эта олишида, характерларнинг тўлақонли яратилишида. Саргузашт асарларга қизиқиш аввалдан мавжуд эди. Умуман, ҳар бир китобхон ўзининг қизиқишига қараб асар танлайди. Кимдир саргузаштга қизиқса, бошқа биров бундай асарни ҳазм қила олмайди. Шу боис адабиётда турли жанрлар мавжуд. Детектив жанрини танлаган ёзувчи чойхонада чўпчак айтиш билан эмас,

бадий адабиёт билан шуғулланаётганини унутмаслиги керак. Кейинги йилларда ўзбек адабиётида ҳам детектив жанри сезиларли даражада жонланди. Бунинг яхши жиҳатларини қайд этган ҳолда, саёз, бадийлиги ночор асарларнинг кўплигини ҳам афсус билан таъкидлаш жоиз. Шу ўринда детектив жанрига қўл ураётган ёзувчиларга лоақал Ф.М.Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини ўқиб чиқишни маслаҳат берардим. Маълумки, аксарият жиноят тарихига бағишланган асарларда жиноят ва жиноятчи асар ниҳоясида очилади. Достоевскийда эса аксинча, асар бошидаёқ жиноят ҳам, жиноятчи — Расколников ҳам китобхонга яхши маълум. Аммо шунга қарамай асар шавқ билан ўқилади. Бу, шубҳасиз, ёзувчи маҳорати маҳсули.

— Кейинги вақтларда «Огамлар китоб ўқимай қўйди» деган гап тез-тез такрорланмоқда. Менимча, бу гапга аниқлик киритиш жоизга ўхшайди. Балки китобхонлик бирмунча сусайди десак тўғрироқ бўлар. Сир эмас, халқимиз қатағон йиллари Чўлпон, Кодирий, Фитратларнинг асарлари ман қилинган даврга ҳам ҳаётларини катта хавф остига қўйиб китоб ўқишган. Ҳозир ҳам ўқишмоқда. Мисолни яна «Шайтанат»дан ола қолай. Асар илк бор нашр қилиниб, тилга тушганда айрим «тағбиркорлар» анча-мунча пул ишлаб олганлиги ҳам сир эмас. Улар «Шайтанат»ни соатбай, яъни маълум маблағ эвазига вақтинча ўқиб чиқишга бериб, фойда кўрганлар.

— Китоб ўқиш ҳам ибодат, руҳий эҳтиёжнинг бир тури. Фақат бу эҳтиёж ҳар кимда ҳар хил бўлади. Бир оиладаги иккита боланинг биттаси китоб ўқишни яхши кўради-ю иккинчиси қўлига китоб олмайди. Бунинг сабабини мен ҳам билмайман. Китоб ўқиш ҳам маданият, уни ўрганиш ва ўргатиш керак. Бу маданият аввало оилада шакллантирилади. Боласининг китоб ўқимаслигидан ҳасрат қиладиган ота-она аввало ўзлари китоб ўқишлари

керак. Бола бешикда ётган пайтидан бошлаб онасининг китоб ўқишини кузатиб, томоша қилиб, китобхонлик маданиятини онгу шуурига сингдириб бориши лозим. Арабларнинг «Болаликда олинган билим тошга ўйилган битикка ўхшайди», деган мақоли бежиз айтилмаган.

— *Китобхонлар яқин орада Тоҳир Маликнинг қандай янги асарларини ўқишади?*

— Бир умр ёзиб келаётганим — тўртта китобдан иборат «Одабийлик мулки» эссеси ва «Иблис девори» деб номланган китобларимни мухлислар эътиборига ҳавола этдим.

Оллоҳ умр берса, саломатлик бўлса, ҳали режалар, эзгу ниятлар кўп.



Адиблар  
гулшани



## УСЛУБНИНГ ГЎЗАЛ ҚИРРАЛАРИ

Талабалик йиллари Иброҳим Фафуровнинг «Гўзалликнинг олмос қирралари» деган китобини таллашиб-тортишиб ўқиган эдик. Бу китоб биз шу маҳалгача ўқиган асарларга мутлақо ўхшамас, бутунлай бўлакча, эркин, шоирона бир услубда битилгани боис диққатимизни тортган эди. Кейинчалик билсак, Иброҳим ака университетда ўқиб юрган кезларидаёқ, устоз Умарали Норматов эътироф этганидек, талаба Фафуровдан мунаққид Фафуровга айланиб улгурган экан. Муаллимларимиз ўқиб чиқишга топширган мажбурий адабиётлар рўйхатидаги аксарият китоблар зерикарли туюлар, уларни мажбурият юзасидан ўқир, адабиёт илмида узоқ ҳукм сурган қуруқ академизм, иқтибосбозлик, юзакилик иллати энсамизни қотирарди. Иброҳим аканинг ўша китобида бўй кўрсатиб, нишона берган ва бизга янгиликдай туюлган фазилатлар асардан-асарга мукаммаллашиб, йиллар давомида сайқал топиб, беқиёс ва бетакрор бир услуб сифатида шаклланди. Тафаккур тарзидаги ўзига хослик, сўз санъатини эстетик ҳодиса сифатида ҳис этиш ва талқин этиш, бадий асар моҳиятига теранроқ кириб бориш, танқидни гўзалликни кашф этиш санъати деб ҳисоблаш унинг ижодида устувор йўналишга айланди.

«Адабий танқидни эссе жанрига яқинлаштириш, икки жанрни омухта қилиш учун кўп йиллардан бери уринаман» дейди муаллиф. Бу уриниш ажойиб самаралар бергани учун ҳам унинг асарлари худди бадий асар каби мароқ билан ўқилади. Бизда ҳали-ҳануз асл намунаси яратилмаган «Машҳур кишилар ҳаёти» туркумидаги асарларни Иброҳим Фафуровдек потенциал ёзувчилик салоҳиятига эга бўлган қаламкашлар ёзса мақсадга мувофиқ бўлар-

ди дея ўйлаб қоламан. Дарвоқе, Иброҳим аканинг насрий асарлари ҳам бор, фақат улар эсселари, бадиалари соясида қолгани учунми, у қадар оммалашмаган.

Санъат асари ҳақидаги асар ҳам санъаткорона ёзилиши лозимлиги кўп таъкидланади, аммо бунга амал қилиш осон эмас. Немис файласуф ёзувчиси Лихтенберг «Эй худо, китоб ҳақида китоб ёзишдан ўзинг асра» деган эди. И.Фафуров эса китоб ҳақида, ёзувчи ҳақида ёзишни яхши кўришлигини ўзи очиқ эътироф этади. Демак, ҳамма гап қаловини топишда. «Қалов»нинг калити эса битта — истеъдод!..

Шахсий кутубхонамда вақтим бўлганда ўқиб қўярман дея бир четга тахлаб қўйган китоблар анча тўпланиб қолган экан, ёзда эринмай ҳаммасини ўқиб чиқдим. Айримларини шунчаки варақлаш (буям мутолаанинг бир тури) билан кифояландим. Менда энг чуқур таассурот қолдирган, энг кўп завқлантирган, чексиз ҳайратлантирган китоб — Иброҳим Фафуровнинг «Шарқ» нашриётида 2008 йили чоп этилган «Мангу латофат» асари (2006 йили чоп этилган «Ҳаё — халоскор»нинг мантиқий давоми) бўлди. Шубҳасиз, бу китобни шунчаки варақлаб ёки тез ўқиб бўлмасди. Уни ютоқиб, энтиқиб, ҳайратланиб, завқланиб ўқидим.

«Мангу латофат»нинг жанри гарчи бадиалар, рисоалар деб белгиланган бўлса-да, китобнинг мазмун ва мундарижаси бу қолипга сифмайди, қамров шу қадар кенг. Муаллиф китобнинг миллат ҳақидаги куюнчак, нозик ва теран фикр-мулоҳазалари, кузатишлари жамланган бобини «Миллатнинг биллурланиши» дея ўзига хос, шоирона номлайди. «Миллат деганда биз нимани англаймиз? Миллат қачон юзага келади? Халқ деганда нимани тушунамиз-у, миллат деганда нимани тушунамиз?» каби кўпчиликни қизиқтирган, бир умр тўлқинлантириб келган муаммо саволларга жавоб қидиради.

«Хуллас, тил, тарбия ва маърифат билан миллат майдонга чиқади. Миллат халққа ёхуд авомга хос

тарқоқликнинг тугаганлигидир. Давлатчиликнинг мустаҳкам ва тебранмас тарзда шаклланганлигидир» деган хулосадан қониқиш ҳосил қиласиз. Миллий онгнинг уйғонишида беқиёс хизматлар қилган, фидойилик кўрсатган жадиличлик ҳаракатининг йирик вакиллари — Фитрат ва Бехбудийларнинг фаолияти, қолдирган боқий мероси атрофлича таҳлил қилинади.

Китобнинг иккинчи, салмоқли қисми адабиёт, шоир ва ёзувчилар ҳақида, шу боис у «Адиблар гулшани» деб номланган. Муаллифнинг ёниқ, эҳтиросли сўзи туфайли таниқли адибларимиз ҳақидаги тушунча ва тасаввурларимиз теранлашади, бойийди, уларнинг нурли сиймоси кўнглимизга янада яқин бўлиб қолади.

И.Фафуров атоқли адиб Одил Ёқубов ижоди ҳақида тўхталаркан, шундай ёзади: «Менга Одил Ёқубовни ёзувчи даражасига кўтарган «Муқаддас»да ҳам, ундан кейин яратилган «Ларза», «Тилла узук», «Бир фельетон қиссаси» каби асарларда ҳам шу «Икки муҳаббат»дан эргашиб келаётган бир ЎЗАК НАРСА (*таъкид бизники — Ш.О.*) борга ўхшайди. Буни, янглишмасам, инсоннинг ўз-ўзини очишга, ўз майлини намоиш қилиш, иродасини кўрсатиш ва тасдиқлашга бўлган интилиш деб аташ мумкин. Булар ахир ижод ва ижодкор учун ўзак, асос нарсалар эмасми?».

Иброҳим Фафуров худди табиб беморнинг томирини ушлаб, дардини бехато айта олганидек, ҳар бир адиб ижодидаги ўша ўзак нарсани тўғри белгилайди, шу боис айтган сўзлари жўяли, залворли, таъсирли. Шу боис унинг битикларида ўзи суйган, ўзи севган ва ихлос қўйган адибларнинг суврати ва сийрати ёрқин очилади. Ҳар бир айтган каломи, сўзи, ҳар бир фикр-мулоҳазаси адабиёт аталмиш мўъжизага буюк муҳаббат ва эҳтиромдан, ошуфталикдан туғилади. Шу боис биргина жумла билан Эркин Воҳидов ижодининг бутун маъномоҳиятини жуда теран ва ҳаққоний акс эттира олади: «Унинг барча ёзган асарлари замиридаги самимият, қаҳрамона инсонийлик, меҳр-оқибатни



одамийликнинг энг юксак идеали даражасида тушуниш ва ўз асарларида шундай талқин этиш, яъни шеър-достоңдагина эмас, ҳаётда ҳам, ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатларида шунга риоя этиш, оғишмай амал қилиш, Ватанга худди отага суянгандай суяниш, халққа худди онага топингандай талпиниш, юртнинг, элнинг камолини ўйлаш, орзу қилиш, унинг учун тинимсиз қайғуриш ва юрт маънавияти, тарихи ва анъаналаридан доим завқларга тўлиб юриш, қадим мумтоз шоир, муаррих, донишманд адиб аждодлар каби комилликка сажда қилиш, комилликни кўрган, унга дуч келганда дарҳол илҳомга тўлиш, ҳаяжонланиш — Эркин Воҳидовни инсон, шахс, катта санъаткор шоир сифатида ўз даври, ўз авлодининг жуда ёрқин пешқадам вакили деб қарашга имкон беради».

Китобда адибларнинг ижоди билан таржимаи ҳоли, шахсияти бир бутунликда, яхлит олиб қаралади. Яқин ўтмишда ўтган таниқли адиблар ҳақида гап кетганда, муаллиф айрим олимлар каби «Ҳа энди, улар ўз даврининг фарзанди эди» каби умумий мулоҳазалар билан чекланмайди. Улар санъатининг бетакрор жиҳатлари нозик таҳлил қилинади, айти чоғда дунёқарашларидаги мураккабликлар, фарқли томонлар ҳам холис кўрсатилади. Бу ўринда муаллиф қиёслаш усулидан унумли фойдаланади. Фитратлар, Қодирийлар шўролар замонида ўзларини озод ҳис этмаганлари, Абдулла Қаҳҳор каби адиблар эса ўзларини озод инсон деб ҳис қилиб, қизил мафкурани қабул қилганликлари тўғри таъкидланади. Айти чоғда муаллиф ўз фикрини ягона ҳақиқат тарзида тақдим этмайди. Келажакда Абдулла Қаҳҳор ижоди бошқача талқин қилиниши ҳам мумкинлигига ишора қилади.

Қиёслаш орқали таниқли мунаққидлар — Озод Шарафиддинов ва Умарали Норматовлар ижоди, истеъдодининг ўзига хос томонлари холис ва теран ёритилади.

Таниқли ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмов ҳақидаги кузатишлар ҳам бетакрор, диққатга сазовор:

«Ҳамза деган оғизга бол тутарди. Фақат мафкура чегаралари ва меъёрларига сира сиғмайдиган Ҳамзадай улӯф миллатпарвар ва озодлик жарчисини мафкура платформаларига ва унинг чегаралари ичига сиғдириш, тортиб олиб киришга уринарди. Ҳамзанинг серқирра ижоди ва тарихий фаолияти эса бунга сиғмас ва ўз бошига исён қиларди».

Бу мулоҳазаларда И.Ғафуровнинг очиқ айтолмаган, айтишга истиҳола қилган фикрлари ҳам буй кўрсатиб турибди. Андишали, маданиятли олим шу тариқа тўла-тўқис айтолмаган гапларини китобхоннинг фаҳму фаросатига ҳавола этади. Марифатли китобхон учун ёзади ва шундай китобхонни орзу қилади.

«Мангу латофат» бошдан-оёқ озодликка, ижод эркинлигига ташналик, империячилик, истилочилик, зўравонлик ва қатағон сиёсатига, қизил мафкурага қарши чексиз нафрат руҳи билан суғорилган. Усмон Носир ҳақидаги «Қисматнинг овози» бадиасида бу гоё айниқса бўртиб кўринади. Ушбу аламли битикларни хотиржам, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас:

«Даҳшатли Сибир ўрмонларида яланғоч кўксини ўйиб қонга ботирган Усмон Носир!

Сенинг шеърларингда қисматинг ҳайқиради!

Гуноҳинг нима эди, сени бунчалар шафқатсиз забун қилдилар?!»

Адабий муҳитда, турли давраларда «Шеърятни ҳеч ким Иброҳим акачалик чуқур тушуниб, таҳлил қилолмайди!» деган гап юради. Бу эътирофда жон бор, албатта. «Шеърни таҳлил қилиш жуда ҳам гўзал қизнинг кипригини санаш билан баравар. Киприк санашга берилиб кетиб, гўзалликнинг асл моҳиятидан беҳабар қолиб кетасиз» деб ёзади мунаққид. Маълум муддат бошқа ишларга андармон бўлган мунаққид шеърят таҳлилидан андак узоқлашган ва мухлислар унинг асарларини соғиниб қолишган эди. Китобда муаллифнинг Ойбек, Зулфия, Шайхзода, Абдулла Орипов, Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким шеърятни ҳақидаги ўзига хос, оҳорли

мулоҳазалари ўрин олган. Айниқса, сўнгги йиллар шеърляти ва адабий жараён ҳақидаги теран кузатишлар, қутилмаган хулосалар ногоҳ ўқувчини сергак торттиради, уни фикрлашга, мушоҳадага чорлайди.

«Ҳозир аксар истифода қилинаётган шакллар бир тусли ва номавзунки, уларни эслаб қололмайсиз. Мингта шеър — битта шеърга ўхшайди баъзан. Юзлаб шеърлардан тузилган тўпламлар баъзан битта шеърнинг турли вариацияларидай туюлади. Булар адабий ўқишлар сустлашгани ва уларда изчил системанинг йўқлиги натижасидир» деб ёзади муаллиф.

Китобнинг мавзу доираси анча кенг. Учинчи — «Ахлоқни соғийиш. Ҳаё — халоскор» деб номланган бобда муаллиф маънавий, ахлоқий, фалсафий масалалар ҳақида ўта куюнчаклик билан, айна чоғда жиддий ва теран мулоҳаза юритади. Оламнинг ва одамнинг номукамаллигидан куйинади, қайғуради, комил инсонни орзу қилади. Бу жиҳатдан у буюк ўтмишдошларига ўхшаб кетади.

Достоевскийнинг дунёни гўзаллик қутқаради деган машҳур ҳикмати бор. Иброҳим Ғафуров замона зайли ва глобаллашув шароитидан келиб чиқиб, масалага сергакроқ назар ташлаган ҳолда бўлакча, ҳаётийроқ ёндашади:

«Ер юзида тугал оқиллик, меъёр ва ирода билан яшамокдан ўзга чора қолмади.

Оқиллик, меъёр ва ирода!

Одамзодни шу уч нарса қутқаради. Яқин орада барча одамзод шу фикрга келади.»

Бу — бутун цивилизация тараққиётини синчков кузатган донишманднинг хулосаси! Унга қўшилмоқдан бошқа илож йўқ!

Муаллифнинг умидбахш, некбин башорати ижобат бўлишига ишонгинг келади.

Иброҳим аканинг китобга, мутолаага ошуфталиги ўзи бир дoston. Биринчи китобнинг шукуҳи, нашъу намоси (дарҳақиқат, илк китоби чиққан муаллифнинг қувончи беқиёс, бетакрордир) ҳақида

самимий ҳаяжон ва лиризм билан суфорилган ҳикоясининг ўзи бир дoston. Навоийни қандай ўқиб ўргангани ўзи бир дoston, Навоийни тушуниш қийин дея танбаллигини, ҳафсаласизлигини ҳаспўшловчиларга зўр ибрат! У болалигидан китобга астойдил меҳр қўяди, (бу ихлос бир умр давом этади) бошқа тенгдошлари каби ҳайитликда ўйинчоқ ёки бирон ширинлик эмас, китоб ундиреди. Керакли китобларни ўсмирлик ва ёшлик йилларидаёқ ўқиб чиқади. Шу нарса унинг ҳаёт йўлини, тақдирини белгилайди. Бу — унинг омади ва бахти эди.

Яхши китобхон билганларини бошқаларга ҳам илинади, ўқиган китобларидан бошқаларнинг ҳам баҳраманд бўлишини истайди. Муаллиф Абулфайз Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» китобини ўқиб, қаттиқ таъсирлангани, бу ҳақда Одил Ёқубовга гапириб бергани, адиб ҳам бу асарга қизиқиб, ундан сўраб олиб ўқигани ва оқибат ижодий ғоя туғилиб, «Кўҳна дунё» романи яратилганини мароқ билан ҳикоя қилади.

Иброҳим Фафуровнинг мумтоз адабиётни ҳам, замонавий адабиётни ҳам бирдай маҳорат билан мағзини чақиб, нозик таҳлил қила олиши (бундай мунаққидлар бизда санокли) аввало Оллоҳ юқтирган истеъдодга ўша мутолаа маданияти эш бўлиб, яхши самара бергани натижасидир. Аини чоғда қаламининг қудрати ва услубининг гўзаллигини ҳам шу икки омил билан изоҳлаш мумкин.

Сўз туйғуси ўткир, сўзга, адабиётга ошуфта кўнгил И.Фафуров услубидан завқланмаслиги, ҳайратланмаслиги мумкин эмас. Бизда адабиёт ҳақида, ижод ва ижодкор ҳақида шу маҳалгача ҳеч ким бундай ёзмаган эди. Тилнинг, сўзнинг гўзаллиги ва қудрати, чексиз имкониятларини фақат ёзувчи, шоир эмас, олим, мунаққид ҳам намоёиш эта олиши мумкин экан. И.Фафуров гапга чечанлигини, сўзамоллигини кўрсатиб қўйиш учун шундай ёзмайди, гапни айлантормаёди, бодилик қилмайди, у борлиқни, адабиётни шундай англайди ва шундай

ҳис этади, ҳиссиётларини сизга ҳам «юқтиради», унинг фикрлаш тарзи, услуби шундай, ҳаммаси табиий! Ўзини мажбур қилиб ёзмаётганига, ёзганлари фақат илҳом маҳсули эканига ишонасиз. У сўз уммонида балиқдек эмин-эркин сузади. Гоҳо қуйилиб келаётган фикрларини қоғозга туширишга улгуролмаётгандек туюлади. Шунда унга оҳанг ёрдамга келади. Муסיқачиларда сўз тутаган жойда оҳанг, куй бошланади деган гап бор. Унинг матнидаги бетакрор оҳанг сизни аста-секин аллалаб, ўз оғушига олади, сеҳрлайди. Услубдаги жозиба, маънодаги улуғворлик, эҳтирос ва кўтаринкилик ҳам ана ўша оҳанг орқали зуҳур бўлаётгандек туюлади. Ана ўша оҳанг, услуб туфайли Ойбек шунчаки Чўлпонни ҳимоя қилиб мақола ёзмайди, балки «фарёд қилади», Одил Ёқубовда янги асар яратиш ғояси туғилди эмас, «ғояси ёнди» дейилади...

Чуқур маърифий билим билан омухта бўлган бу ноёб услуб гўзалликнинг олмос қирраларини кашф этишда қўл келаётир. Айни чоғда бу услуб руҳиятимизда кўтаринки, эзгу туйғулар уйғотади, сўзга, сўз санъатига меҳру ихлос уйғотади.

Иброҳим Фафуров ижоди ҳақида замондошлари анча-мунча иш қилишган бўлса-да, унинг феномени ҳали ҳазм қилинмаган, ўрганилмаган. Уни тўлатўкис ўрганиш, ҳис этиш иши аввало унинг услубидан бошланмоғи лозим. Катта адабиёт остонасида турган ёшлар айниқса унинг тил маҳоратини синчиклаб ўрганишлари керак.

Иброҳим ака сўзларнинг маъно товланишларини ниҳоятда нозик илғайди ва бундан унумли фойдаланади. Янги сўз ва тушунчаларни (масалан, тангдиллик, неомумтоз, миқёсли тасвир усули, муҳаббат фани каби) дадил истифодага олиб киради. Айрим сўзларнинг этимологиясини (масалан, фан сўзини) тилшунос олимдан ҳам кўра зуккороқ, чуқурроқ таҳлил қилади.

Биз ҳар кун и эшитиб, ўқиб юрадиган севги, муҳаббат деган сўзларни синоним — маънодош деб ўйлаймиз. Муаллиф бу сўзлар орасидаги нозик

фарқни шундай шарҳлайди: «Муҳаббат бир томонлама бўлмайди. Лекин мана севги, яхши кўриш эса тамомила бир томонлама бўлиш эҳтимолидан узоқ эмас. Севги ва яхши кўриш бир томонлама, яъни жавобсиз бўлиши мумкин. Унинг ожизлиги, аянчлилиги шунда. Лекин муҳаббат ҳабибликда ва доимо икки томонлама, яъни англанган ҳодисадир».

И.Ғафуров китобининг «Ноёб сўзлар поэзияси» бобида айрим шоирларнинг ҳозирги китобхонга тушунарли бўлмаган сўзларни (ҳатто луғатлардан ҳам маъносини топиш қийин бўлган сўзларни) кўп қўлагани учун асосли равишда танқид қилади. Ажабо, устознинг ўзи ҳам китобида шундай сўзларни бемалол қўллайди. Буни қандоқ бўлди дея аввалига ҳайрон бўлдим. Ўша сўзларни ўзим ҳам яхши тушунмаганим учун қаламда белгилаб қўйган эдим, эринмай луғатларга қараб, аксариятининг маъносини билиб олдим. Шу баҳонада сўз бойлигим ортди ва устозни тушундим. Китобхон шу баҳонада луғат титкилаб, сўз бойлигини орттирса ўзига фойда экан!

«Мангу латофат»нинг сўнгги бобида устознинг кундалик матбуот учун ёзган оддий, ўртамиёна мақолалари ҳам киритилганки, улар муаллифнинг бошқа, баркамол асарлари соясида қолиб кетгандек туюлади.

«Умрда шундай бир палла келади: донишмандлик палласи, — деб ёзади муаллиф ўз китобида. — Ақл чироғи равшан тортиб, равшан ёниб, равшан, ишончли зиё таратадиган палла».

Бу сўзларни бемалол устознинг ўзига нисбатан қўллаш ҳам мумкин. Зеро, Иброҳим Ғафуров истеъдоди жилоларидан, ақл чироғидан, тафаккурдан, илҳом булоғидан таралаётган зиё мудом бизни фикрлашга, маънавиятга, маданиятга чорлаб туради. Тилагимиз — бу зиё ҳеч қачон сўнмасин.

## ФИДОЙИ

Ўзинг яхши биладиган, астойдил ихлос қўйган одам ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, нимасини мақтайман, эътирофга лойиқ қандай фазилати бор дея бош қотириб ўтирмайсан. Қийинлиги — дилдаги ҳурмат-эҳтиромни кўнгилдагидек изҳор эта олиш масъулияти елкадан юк бўлиб босиб туради. Агар у инсон серқирра истеъдод соҳиби бўлса, масъулият ҳисси янада залворли туюлади.

Мен адабиётимиз ва маънавиятимиз фидойиси, заҳматкаш олим, адиб, таржимон, тарихчи, нафосатшунос, мумтоз ва замонавий адабиётнинг, Шарқ ва Ғарб оламининг зукко билимдони ва толмас тарғиботчиси, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори Маҳкам Маҳмуд Андижонийни назарда тутмоқдаман. Бу ном маърифатли китобхонларга яхши таниш.

Маҳкам ака Бобур юрти Андижонда зиёли оиласида туғилган. Онаси, отинойи Ширмонхон Маҳмудова аёллар даврасида Навоий, Фузулий, Машраб ғазалларини, Яссавий ҳикматларини ўқиш билан бирга ўзи ҳам ғазаллар ёзар эди. (Биз — Маҳкам аканинг шогирдлари фариштали бу онахоннинг (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) маърифий суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, дуосини олиб қолишга муяссар бўлганмиз). Она зийрак ўғлининг кўнгилида адабиётга, нафосатга жуда эрта меҳр уйғотган эди. Шаҳарга гастролга келган Ҳамза театрининг (ҳозирги Миллий театр) етакчи актёрлари ижросида «Отелло», «Ҳамлет», «Гулсара», «Нурхон» спектакллари қўйилганда томошабинларга билетлар етишмас, шунда Маҳкам ака ҳам бошқа тенгдошлари қатори ташқаридаги дарахтларнинг бақувват шохларида ўтириб томоша қиларди. Акаси Фуломхон Маҳмудов вилоят театрида артист эди. У замонларда халқ театрга, кинога, бадиий китобларга чанқоқ эди. Маҳкам ака ўқиган 29-ўрта мактаб шаҳардаги илғор таълим муассасаларидан эди.

Синф раҳбари Нафиса Қосимова адабиёт миллатнинг руҳи эканлигини, муқаддаслигини уқтирарди. Омонилла Валихонов, Одилхон Ортиқов, Ольга Никитична каби фидойи муаллимлар ўқувчиларни бадий адабиётга, санъатга, тарихга қизиқтирарди, бошқа фанларни ҳам севишга ўргатарди. Маҳкам ака «Уч мушкетёр», «Граф Монте Кристо», «Қутлуғ қон», «Навоий», «Нур қидириб» каби китобларни суйиб ўқийди. Адабиётга муҳаббат уни Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига бошлаб келади. Дорилфунунда Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Фозила Сулаймонова, Очил Тоғаев, Анвар Шомақсудов, Алибек Рустамов, Очил Тоғаев, Шавкат Раҳматуллаев, Абдулла Аюпов каби атоқли олимлардан сабоқ олади. Жаҳон адабиёти классиклари — Гомер, Гесиод, Эсхил, Софокл, Эврипид, Арасту, Вергилий, Гораций, Овидий, Жон Мильтон, Рабле, Сервантес, Лопе де Вега, Мольер, Шекспир, Байрон, Шиллер, Жек Лондон, Эдгар По, Бальзак, Диккенс ва бошқа адибларнинг асарларини чуқур ўрганади. (Кейинчалик унинг ўзи ҳам Тошкент театр ва рассомлик институтида, Маданият институтида чет эл адабиёти фанидан талабаларга дарс беради.)

Талабаларнинг бахтига, бу даргоҳга Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор каби атоқли адиблар келиб турарди. Адабиёт дарғалари билан учрашувлар талабалар учун чинакам байрам эди. Маҳкам ака дарс пайтида айрим домлаларга кутилмаган саволлар бериб, гангитиб қўярди. Маърузасидан қониқмаган муаллимлар устидан ўзига ўхшаган талабчан курсдошлари билан маслаҳатлашиб, ректоратга шикоят ёзишдан ҳам тойишмасди. Бу саъй-ҳаракатлар асов ёшликнинг шунчаки ўзини кўрсатиб қўйишга уриниши эмас, балки ҳақиқатнинг тагига етишга бўлган чанқоқлик, билимга бўлган табиий интилиш эди. Маҳкам аканинг талабалик йилларидан бўй кўрсатган бу «шаккоклиги» кейинчалик шакланган мустаҳкам эътиқоди билан уйғунлашиб кетади.



Оллоҳ берган истеъдодга андак омад ҳам қўшилса, саъй-ҳаракатлар, чекилган заҳматлар кутилган самарани беради. Бу жиҳатдан Маҳкам акага омад кулиб боққан. У ҳеч қачон ўзига муносиб иш қидириб сарсон бўлмаган, ишнинг ўзи уни қидириб топган. Ҳаёт уни истеъдодининг қадрига етадиган, ориф одамларга йўлиқтирган. Университетни битиргач, ўз даври учун энг нуфузли ҳисобланган таҳририятлар — «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида, «Гулистон» журналида, Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, «Ўқитувчи» нашриётида Мақсуд Қориев, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Султон Акбарий, Рустам Раҳмон, Ҳамид Нурий, Сайёр, Шукур Холмирзаев, Ваҳоб Раҳмонов, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Абдуқаҳҳор Иброҳимов каби таниқли ижодкорлар билан елкадош бўлиб хизмат қилди, қайноқ, жўшқин адабий муҳитда обдан тобланди, қалами қайради. Айниқса, замонасининг улкан адиби Асқад Мухтордан олган сабоқларини бир умр унутмайди, ўзи ҳам устознинг ишончини оқлайди. Маҳкам акани журнал масъул котиблигига Асқад аканинг ўзи тавсия этади, ижодини муттасил кузатиб, рағбатлантириб, янги-янги асарлар ёзишга даъват этиб боради. «Гулистон» журнали ўз даврида жуда машҳур бўлган, унда асари босилишини ҳар бир ижодкор шараф деб билган. Таҳририятнинг талабчан чиғириғидан ўтган асарлар катта адабиётга йўл олган. Ижодкор зиёлиларнинг энг сараси жамланган шундай нуфузли таҳририятда кечган йиллар Маҳкам аканинг дунёқарашида катта бурилиш ясади. Ҳақиқат ва адолат мезонларига садоқат, қадриятларга меҳр, ихлос, яхши маънодаги саркашлик одати бу даврга келиб мустаҳкам эътиқод сифатида шаклланиб бўлган эди.

Бир куни Маҳкам акани юқори идорада ишлайдиган мансабдор ҳузурига чақиртиради. Муомаласи совуққина бўлган бу шахс қўлидаги янги чоп этилган шеърлар тўпламига ишора қилиб иддао қилади: «Бу шеърлардан миллатчилик ҳиди келяпти. Бунинг

сиёсий ва мафкуравий хато эканини кўрсатиш сиз адабиётшунос олимларнинг вазифаси эмасми?».

Маҳкам ака бунақа тўмтоқ муомаладан ғашланса ҳам ўзини босади, «Бу китобни яхшилиб ўқиб чиқай, сўнг фикримни айтаман» дейди. Амалдор бунга кўнмай, яна дағдаға қилади: «Бунақаси кетмайди, сизга уч кун муҳлат, бу зарарли шеърлар ҳақида танқидий мақола ёзиб келасиз» дея топшириқ беради. Маҳкам ака у билан тортишиб ўтирмай, жажжи китобчани чўнтагига солиб, иш-хонасига қайтади. Дарҳол китобчани ўқий бошлайди. Бу Суръат Орипов ва Рауф Парфининг битта муқовада чиққан шеърий тўплами эди. Китобчадаги шеърлар, айниқса Рауф Парфининг дардли сатрлари Маҳкам акага кўп маъқул бўлади. Таассуротларини яширмай, тўплам ҳақида «Шеърда шоир шахсияти» деган тақриз ёзади. Мақола адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдиради.

Маҳкам аканинг «шаккоклиги» шу билан чекланмайди. Ўзи ишлаётган «Гулистон» журналида ўтган аср ниҳоясида марксизм назариясининг (кейинчалик миси чиққан таълимот) асосчиси ва пролетариатнинг дохийиси сифатида қизил мафкурачилар байроқдори ҳисобланган Карл Маркснинг санъат, эстетика борасидаги айрим қарашларини кескин танқид қилиб мақола ёзади. Шўролар замониде мафкура сардорларига тил тегизиш кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа ҳисобланарди. Мақола юзасидан катта шов-шув кўтарилади. Табиатида юксак маданият, маърифат ва демократияни омухта бўлган бош муҳаррир Асқад Мухтор ўз ходимини дадил ҳимоя қилади.

Хоҳ ижодда бўлсин, хоҳ ўзаро гурунг, баҳс-мунозараларда бўлсин, ҳамиша ҳақиқатни тик айтиш, масалага янгича ёндашиб, теша тегмаган муаммоларни кўтариб чиқиш Маҳкам ака эътиқодида устувор бўлиб қолаверади. Тўғри гап туққанингга ёқмайди дейишади. Маҳкам ака дангалчилиги боис панд еган пайтлари ҳам кўп бўлган. Шунга қарамай у «Дўстим азиз, ҳақиқат ундан азиз» нақлига

амал қилишни афзал кўради. Унинг қарашлари В.Г.Белинскийнинг «Ҳақиқат — олий гўзалликдир» деган хулосасига яқин.

Маълумки, ўтмишда алломалар, ижодкорлар битта, иккита соҳа билан чекланиб қолишмаган. Ҳозирги мураккаб замонда энциклопедист бўлиш жуда қийин, битта фаннинг ўзи бир қанча тармоқларга бўлиниб кетган. Шу боис эндиликда наср таҳлили билан шуғулланган мунаққиднинг шеърятни яхши тушунмаслигидан, замонавий адабиёт мутахассиснинг мумтоз адабиётга тиши ўтмаслигидан ажабланмаймиз. Аммо ҳаётда истисно ҳолатлар ҳам учраб туради. Маҳкам Маҳмуд Андижонийнинг серқирра фаолияти бунга яққол мисолдир. Ижодини шеърятдан, кичик мақола, тақризлардан бошлаган Маҳкам Маҳмуд адабиёт назарияси билан ҳам жиддий шуғулланди ва бу соҳада йирик тадқиқотларини эълон қилди. «Абадият лаҳзалари», «Талант ва ижод фалсафаси», «Ҳайрат ва тафаккур», «Аҳли дил» каби китоблари ўз вақтида адабий жамоатчиликнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлган эди. Бу асарлар адабиёт илмида узоқ вақт ҳукм сурган қуруқ академизм иллатидан холи, адабиётга аввало сўз санъати, эстетик ҳодиса сифатида қараш устувор эди.

«Шеърятда поэтик «ёлғон» табиатини тушунмаган ҳозирги баъзи мунаққидлар шоирларнинг асарларини одатдаги схематик фикрлаш қолипига солиб, худди ёвуз Прокруст каби, каравотига сифмаса, қўл-оёғини кесмоқчи бўладилар, — деб ёзади Маҳкам Маҳмуд — Ўзлари кўп нарсага ақл ва тасаввурлари етмаган ҳолда нега ундай, нега бундай деб сўрайверадилар. Шеърятда (умуман бадиий адабиётда) инсонлар қушга, дарёга, юлдузга айланиб қолиши мумкин. Турлича вазиятлар, турлича лаҳзаларда яхши-ёмон кайфиятга тушиши, эрталаб бошқача, тушдан кейин бошқача ўйлаши мумкин. Нодон танқидчи, нега унинг тасаввури меникидай (ёки бошқа одамларникидай) эмас, деб жар солади. Ҳолбуки, санъатда ана шу «ёлғон» образлар орқали

кўпгина «рост» гаплардан кўра тезроқ ҳақиқатга эришиш мумкин. Масалан, Гойя чизган бир суратда одамнинг оғзига каттақон қулф осилган. Албатта, ҳаётда инсон оғзини қулфлашнинг бошқа йўллари кўп. Аммо Гойя сўз эркинлиги ҳақидаги фикрини жуда ихчам, содда қилиб англаган».

Адабиёт тарихида бир вақтнинг ўзида ҳам адабиёт илми, ҳам бадиий ижод билан жиддий шуғулланган ижодкорлар кўп эмас. Ҳазрат Навоий бу борада ҳам беназир эди. Янги замонда атоқли адабиётшунос олим ва драматург Иззат Султон фаолияти бу борада диққатга сазовор. Бундай ижодкорлар эндиликда жуда санокли. Маҳкам Маҳмуд ўз ўтмишдошлари панжасига панжа уриб, бадиий ижод билан ҳам шуғулланди. Бир қанча қиссалар, ҳикоялар, фантастик, тарихий асарлар ёзди. «Мангу куй излаб» (Қисса ва ҳикоялар), «Мен — мен эмасман» ҳикоялар китобини (бу китоб рус тилига ҳам таржима қилинади) эълон қилди. Бу асарлар танқидчилар тилига тушди. Устоз Асқад Мухтор унинг фантастик ҳикояларини юқори баҳолаган эди.

Маҳкам Маҳмуд моҳир таржимон ҳамдир. Жаҳон адабиётини мукамал билгани ижоднинг бу қийин, масъулиятли соҳасида омадди қалам суриш имконини берди. Йиллар давомида таржима унинг ижодий фаолиятида салмоқли ўрин тута бошлади. У она тилимизга ағдарган асарлар рўйхатининг ўзи бир неча саҳифани ташкил этади. Шулардан энг муҳимларинигина қайд қилиб ўтаман: Арасту. «Поэтика. Ахлоқи кабир.» Таржима ва шарҳлар, (У.Тўйчиев билан ҳамкорликда), Апулей «Эврилишлар ёхуд Олтин хўтик» (Асқар Қосимов билан), Бальзак, «Сағри тери тилсими», Стефан Цвейг, «Куйган кўнгил фарёди», Оскар Уайльд. «Юлдуз бола», Вашингтон Ирвинг, «Ҳикоялар ва афсоналар» (таржимонлар жамоаси билан), Жубран Халил «Донишманд ҳикматлари», Форобий, «Фозил одамлар шахри» (А.Ирисов билан), «Масалалар моҳияти», Ф.Аттор, «Мантиқут-тайр», насрий баён(форс тилидан,Н.Комилов билан)...ва ҳ.к.

Маҳкам Маҳмуд ўзбек тилига ўтирган аксарият асарлар гарчи восита тил орқали амалга оширилган бўлса-да, соянинг сояси бўлиб қолмайди, таржима эканлиги ҳам сезилмайди, улар шу қадар аслиятга яқин. Бундай натижага юксак маҳорат ва масъулият омухта бўлсагина эришиш мумкин.

Мутаржим буюк араб шоири Жуброн Халил Жуброннинг жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидан ўрин олган асарларини ўзгача бир меҳр, ихлос билан она тилига ўтирган. Шоирнинг «Тун қасидаси» мансураси таржимасидан келтирилган биргина ушбу парча мутаржим маҳорати ҳақида маълум тасаввур уйғотиши мумкин.

«О, Тун қоронғулиги, нақадар бағри кенгсан. Сен ожизлар, мискинларнинг орзуларига ҳам, зўравонларнинг ҳой-ҳавасларига ҳам бағриндан жой берасан. Барчага меҳрибон, ғамхўрсан, сен қоронғу чойшабинг остида бахтсизларни ухлатиб, уларни шафқатсиз оламдан меҳрли оламга кўчириб, ширин тушлар кўргизасан. Сенинг этакларингга ошиқлар тонг шабнамидай покиза кўз ёшларини тўкадилар. Ташландиқ, ғариб, мискинлар шаббода билан мутаттар водийлардан сен келтирган гул, райҳонлар хушбўйлигидан завқ оладилар. Сен — севишганларнинг сирдоши, узлатта чекинганларнинг маҳбубаси, ёлғизларнинг ҳамроҳисан...»

Маълумки, шўролар замонида динга муносабат ўта бир ёқлама, салбий бўлган. Халқ исломшунос алломаларнинг меросидан бутунлай бебахра эди. Мустақиллик туфайли бу борадаги тўсиқ-ғовлар олиб ташланди.

Маҳкам Маҳмуд сўнгги йилларда ислом маърифатини тарғиб қилиш борасида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракати шарофати билан Абу Ханифа(Имоми Аъзам)нинг «Фикҳ-ал-акбар», «Абдухолиқ Ғиждивонийнинг маърифат мактаби» каби асарлардан муштарийлар баҳраманд бўлдилар. Ғаззолийнинг ислом оламида машҳур бўлган «Кимёи саодат» асарини ҳам муаллифликда нашрга тайёрлади. Ушбу нашр-

га махсус ёзган мазмунли сўзбошисида Ғаззолий мероси ва дунёқарашини жуда содда тилда шундай шарҳлайди: «Ғаззолий «Кимёи саодат» асариди дил ажойиботларини кашф этади, агар инсон руҳий олами турли ижтимоий иллатларнинг гард-ғуборларидан тозаланса, фаришталар оламига яқинлашади ва агар инсон Ҳақ таоло маърифатини билса, ўз нафсини — ўзлигини таниса, дили арши аълодан келган меҳмон эканини билади. Бу дунёда дилни турли ҳой-ҳаваслар билан, ҳирс ва еб-ичишга ружу қўйиш билан ифлослантирса, ҳайвонот оламига, ундан баттари — дев ва шайтонлар оламига яқинлашади, деб тушунтирди.»

«Тарих ҳақиқатнинг онасидир» деган эди донолардан бири. Маҳкам ака ижодида тарих мавзуси алоҳида ўрин тутди. У тарихга бежиз мурожаат этмайди. Тарих ҳақиқатининг ибратли жиҳатлари, айрим чалкаш, мунозарали масалаларга аниқлик киритиш эҳтиёжи унга тинчлик бермайди.

«Султон Маҳмуд ва Фирдавсий» мақоласида бу икки тарихий шахс ўртасидаги муносабат кўпгина манбаларда ногўғри ёритилиб келинаётгани холис кўрсатилади. Ҳукмдор билан шоир ўртасида ғанимлик, адоват бўлмагани уқтирилади. «Артур Шопенгауэр» мақоласида немис файласуфининг айрим қарашлари шарқ фалсафасига жуда яқин эканлиги, айрим ғоя, ҳақиқатлар шарқда аввалроқ айтилгани хусусида фикр юритилади. «Ҳомер олами» деган салмоқли мақола олимнинг бошқа илмий асарлари каби қамровнинг кенглиги, мулоҳазаларнинг теранлиги билан диққатга сазовордир. Бизда антик дунё билан жиддийроқ шуғулланадиган олимлар кўп эмас. Шу боис Маҳкам аканинг бу борадаги илмий изланишлари, тадқиқотлари ва таржималари алоҳида эътиборга моликдир. Олим ўзининг айрим назарий қарашларида «Ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир» деган машҳур ҳикматга амал қилади.

Мустақилликдан илгари таълим олган ўрта ёшли ва кекса авлод мактабларда юртимиз тарихи

мутлақо ўқитилмаганини яхши эслайди. Муаллимларнинг ўзлари ҳам маълум маънода манқуртлашган эди, тарих сохталаштириб кўрсатилган ёлғон дарслиқдан четга чиқишолмасди. Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий равишда қўшилган, босмачилар халққа зулм қилган душман эди деган гоё онгларга сингдирилганди. Бу ёлғонлар онгимизни жуда узоқ йиллар заҳарлаб келгани ҳам сир эмас. Эсимда, бир куни (аниқроғи, ўтган асрнинг 70-йиллари) Маҳкам ака билан тарихий мавзуда суҳбатлашиб қолдик, гап айланиб босмачиларга тақалди. Шунда у киши шўро сиёсатчилари «босмачи» деб атаган тоифа аслида Ватан учун, миллий озодлик учун курашган қаҳрамонлар эканини далиллар билан тушунтириб берди. Лол қолдим, ҳайратландим. Ярқ этиб кўзим очилди. Гарчи университетни яқинда битирган бўлсам-да, бу фаройиб янгилик ҳақида ҳеч қаерда ўқимаган, ҳеч кимдан эшитмаган эдим. Кейинчалик Маҳкам ака жуда кўп гумроҳларнинг шу тариқа кўзини очганига гувоҳ бўлганман. У билимдон бўлиш баробарида дадил ва журъатли ҳам эди. Ўзига хос дунёқараши бадиий ва илмий асарларига ҳам сингдирилганди.

Адабий жамоатчилик ўртасида гоҳо «Маҳкам ака ўзини ҳар жабҳага уравермай, саъй-ҳаракатини битта соҳага қаратганда кўпроқ ютарди» деган мулоҳазалар ҳам учрайди. Қайдам, балки бу гапларда ҳам жон бордир. Бир куни ўзаро суҳбатимизда устоз «Агар маънавий-маърифий мавзулар бу қадар кўп вақтимни олмаганда қатор тарихий романлар ёзган бўлардим» дея андак афсус билан гапирган эди. Назаримда, Маҳкам ака қайси соҳага қўл урмасин, ҳамиша қалб амри билан иш тутгани аниқ. Шу ўринда атоқли қозоқ шоири ва олими Ўлжас Сулаймоновнинг «Агар зарурат туғилса, халқимга керак бўлиб қолса, опера театрида қўшиқ куйлашга ҳам тайёрман» деган машҳур эътирофи хаёлга келади. Маҳкам ака ҳам ўзи муҳим ва зарур деб билган ишларга қўл урган ва тўғри қилган деб ўйлайман. Мени Маҳкам ака фаолиятидаги бошқа бир

жиҳат кўпроқ ҳайратлантириб келади: инсон вақт исканжасига тушиб қолган, ҳаммага ҳамиша вақт етишмаётган тезкор замонда бунчалар салмоқли ишларга қандоқ улгурди экан? Гоҳо ёзган нарсаларини ўқиб улгурмай қоламиз. Шу ўринда яқин ўтмишда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа эсимга тушади. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Маҳкам ака билан шифохонада бирга даволанган эдик. Устоз ўшанда Бальзакнинг «Сағри тери тилсими» романини таржима қила бошлаганди. Муолажаларга навбатда турганимизда гоҳо қўлидаги соатга қараб «Яна ўн дақиқа вақтим бор экан, палатамга кириб, таржимани давом эттириб келай» дея хонасига жўнаб қоларди. Бир дақиқа ҳам вақтини бекор ўтказмасди. Ўша таржимани даволаниш баробарида ниҳоясига етказган эди. Донолардан бири «Маданият вақтни тежашдан бошланади» деган экан. Маҳкам ака бу борада ҳам кўпларга ибратдир.

Адабиётимизда устоз-шоғирдлик анъанаси кўп асрлик тарихга эга. Маҳкам ака Лазиз Азиззода, Шорасул Зуннун, Мирзакалон Исмоилий, Абдураҳмон Алимуҳамедов, Ортиқ Қаюмов, Бўрибой Аҳмедов, Азиз Қаюмов, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Алибек Рустамов, Ҳамид Фулом, Миркарим Осим, Қодир Мирмуҳамедов, Ҳайдарбек Бобобеков каби ўзи ихлос қўйган табаррук сиймоларни устоз сифатида эъзозлаб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб келди. Айрим асарларини эҳтиром ила устозларига бағишлади. Айни чоғда устозлар билан муносабатлар ҳамиша сип-силлиқ кечмаган. Масалан, талабчан устоз Мирзакалон Исмоилий узоқ санаторийдан Маҳкам акага мактуб йўллаб, ҳикояларини кескин танқид қилади. Аввалига тўғри гапни ҳазм қилиш осон бўлмайди. Дўппини олиб қўйиб мулоҳаза қилгач, Маҳкам ака устознинг ҳақ эканини тушунади. Ўша мактуб ижодида туб ўзгариш ясаганига кейинчалик иқрор бўлади.

Меҳр кўрган одам меҳр кўргазишга ҳам мойил бўлади. Маҳкам ака ўзи ҳам зўр орзу-умидлар билан катта шаҳарни забт этиш илинжида келган жуда кўп ёшларнинг бошини силаб, устозлик (бе-



жиз истеъдодшунос олим бўлмаган) қилган. Жуда кўп ёшлар Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш учун устоздан тавсиянома олишган. Тўғри, устоз гоҳо азбаройи хайрихоҳлигидан, меҳру ихлосининг зиёдалигидан шогирдларининг ўртамиёна ёки бўшроқ асарларини ҳам ошириброқ баҳолаб юборади. Рағбат, ишонч барибир охир-оқибат ижодий юксалишга олиб келади деб ҳисоблайди. Бу некбинлик аксарият ҳолларда ўзини оқлайди. Мирпўлат Мирзо, Йўлдош Эшбек, Яҳё Тоға, Илҳом Аҳрор, Ашурали Жўраев, Тўра Мирзо, Виктор Алимасов, Шойим Бўтаев, Мирзо Кенжабек, Азим Суюн, Шукур Қурбон, Абдунаби Бойқўзиев, Маҳмуд Сатторов, Нормўмин Очил каби ижодкорлар Маҳкам аканинг меҳру саховатидан, ғамхўрлигидан баҳраманд бўлишган. Маҳкам ака айрим қаҳри қаттиқ, эҳтиёткор устозлар каби шогирдларни масофада ушлаб турмайди, тамадан йироқ, самимияти, бағрикенглиги билан уларнинг ихлосига, меҳрига сазовор бўлади. Мен Маҳкам акани қора тортиб, унга юкиниб келган ёшларни кўп кўрганман. Гоҳо «Маҳкам акачалик шогирди кўп ижодкор бормикин» дея ўйлаб қоламан. Кўнгли очиқ, бағри кенг устоз турли илтимосларга ҳеч қачон йўқ демайди, ҳали-ҳамон қўлидан келганча одамларга яхшилик қилиб келмоқда.

Эсимда, талабалик йиллари ҳарбийда хизматни ўтаётган яқин курсдош дўстим (ўша даврда талабалар ҳам ҳарбий хизматга чақириларди) шошилинич равишда таътил олиб, Тошкентга келади. Маълум бўлишича, севган қизини ота-онаси бошқа кимсага мажбуран эрга бермоқчи экан. Биз дўстим билан чора қидириб, маслаҳат сўраб кўп жойларга бордик. Ўша кезларда «Совет Ўзбекистони» газетасида ишлайдиган Маҳкам акага ҳам учрашдик. Навоий театри ёнидаги хиёбонда учовлон айланиб юриб суҳбатлашдик. Маҳкам ака жўяли маслаҳатлар берди. Бахт учун курашиш лозимлигини, икки ёш гапни бир жойга қўйса, муҳаббат кучли бўлса, унга ҳеч нарса тўсиқ бўлолмаслигини тушунтирди. Ўша ўғитлар бизга далда бўлди, жиддий режа туздик.

Дўстим севган қизини ўзи билан ҳарбий хизматга олиб қочиб кетди. Уларни ўзим кузатиб қўйдим. Ҳозир ували-жували бўлиб, набиралар қуршовида бахтли ҳаёт кечиряшмоқда.

Илмига аввало ўзи амал қиладиган меҳрибон устоз бежиз шарқ фалсафаси ва маънавиятини руҳига сингдирмаган. Маҳкам аканинг саховати, яхшилигидан ўзим ҳам кўп марта баҳраманд бўлганман. «Мирзакалон Исмоилий» деган биринчи китобим устознинг саъй-ҳаракати билан чоп этилган. Ишсиз қийналиб юрганимда ҳам ёрдам берган. Эътиборлиси, Маҳкам аканинг хайрли ишлари ҳамиша самимий, беғараздир. Шу боис ҳамиша атрофида дўстлари, шогирдлари гирдикапалак бўлиб юришади. Дарҳақиқат, инсон бу ёруғ оламда нима топса аввало феълдан топади. Маҳкам аканинг феъл-атвори ҳақида гапирганда аввало унинг соддалиги, афандимижозлиги эсга тушади. Шу боис у ҳақдаги беҳисоб латифалар, ҳангомалар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Мана, шулардан бир шингил.

Маҳкам аканинг паришонхотирлиги шу даражада эдики, бир неча бор машинасини ишхонада қолдириб, уйга трамвайда кетади. Мактабга қатнайдиغان қизидан нега боғчага бормаёсан деб сўрайди. Бу одати ахийри ўзининг ҳам жонига тегади ва нажот истаб дўхтирга боради.

— Дўхтир, хотирамнинг мазаси йўқ, ёрдам беринг!

— Қачондан буён шунақа бўляпти? — деб сўрайди дўхтир резина болғачасини қўлига олиб.

— Нима қачондан буён? — дейди Маҳкам ака ҳозиргина айтган гапини эслай олмай.

Қизиги шундаки, Маҳкам ака ўз бошидан кечирган фаройиб ҳангомаларни эринмай менга айтиб берган. Улар «Дўрмон ҳангомалари» деган китобимга киритилган.

Маҳкам Маҳмуд Андижоний сира тиниб тинчимайдиган, ҳамиша улкан режалар билан яшайдиган аллома ва ижодқордир. Устоз «Арасту поэтикаси ва шарқ арастучилари» мавзуидаги докторлик ишини тугаллаб, ушбу диссертация асосида катта

монография ёзмокда. Шунингдек, Форобийнинг 30 босма табоқлик танланган асарларини, Берунийнинг «Осорул воқеа» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), Ибн Синонинг фалсафий асарлар тўпламини (Н.Комилов, А.Зоҳидов, Н.Абдуқодиров, А.Йўлдошев, Т.Тошлонов билан ҳамкорликда) нашрга тайёрламокда. Баҳодир Саримсоқов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин), Ҳамидулла Болтабоев билан ҳамкорликда тайёрлаган уч томлик жаҳон адабий эстетик тафаккури тарихи мавзудаги илмий грант ишининг биринчи жилди нашрга топширилди. Бу фундаментал ишнинг қадимий Бобил, Миср, Юнонистон, Рим, Византия адабий эстетик тафаккури тарихига бағишланган қисмини Маҳкам Маҳмуд ёзган. Тасаввуф алломаси Абдул Ҳасан Ҳужвирийнинг «Кашфул маҳжуб» асари ва Ибн Синонинг «Ат-танбеҳ вал-ишорот», «Азҳавия ёки ёруғланиш» асарлари шоир Зайниддин Баҳриддинов билан ҳамкорликда таржима қилиниб, нашрга тайёрланди. Айни чоғда Маҳкам ака узоқ вақтдан буён Ҳожа Аҳрор Валий ҳақида тарихий роман ёзмокда. Тарихий, фантастик мавзудаги асарлари ҳам мунтазам чоп этилмокда.

Табаррук ёшини нишонлаётган устознинг донишманд сифатида ҳозир айни етилган палласи. «Ҳаёт неъматлари орасида соғлик, руҳий, маънавий бойликнинг қадрига етиш зарур, — дейди устоз. — Нурли ақл, муътадил ирода, покиза виждон шундай қимматли бойликларки, уларни одамлардан ҳеч ким тортиб ололмади. Маънан бой, оқил одам ҳаётдан кўпроқ лаззатланади. Оқкўнгил, софдил одам борига қаноат қилади, очкўз, ҳасадгўй одам эса бор бойликларига ҳам кўнгли тўлмай, қийналиб яшайди. Ақлли одам бўш вақтларида китоб ўқиб, билимларини ошириб, роҳатланади, жоҳил одам эса бўш вақтини бекорчиликда ўтказади.»

Маҳкам Маҳмуд Андижоний истеъдоди жилоларидан, ақл чироғидан, маънавияти чашмасидан таралаётган маърифат зиёси бизни мудом комиллик сари чорлаб тураверади.

Истеъдодли, заҳматкаш адиб Қамчибек Кенжа билан Миллий Университетнинг филология факультетида беш йил бирга таҳсил олганмиз. Унинг илк машқларидан тортиб шу кунларда кетма-кет босилаётган кўплаб ажойиб асарларини ҳаминша интиқлик ва синчковлик билан ўқиб, кузатиб бо- раман. Дўстимнинг ижодий ютуқларидан астойдил қувонаман. Кўпчилик қаламкашлар каби Қамчибек ҳам ижодини шеърятдан бошлаган. Биринчи китоби ҳам 1975 йили чоп этилган шеърлар тўплами («Соғинч») бўлди. Китоб адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирди. Таниқли шоир, нашриётнинг зукко, талабчан муҳаррири Омон Матчон бир куни Қамчибекка «Соғинмадингизми?» дея лутф қилиб, уни иккинчи китобни чоп этишга даъват этган эди. Шундан кейин Қамчибек дадил ижод қила бошлади, кўплаб китоблари нашр этилди.

Атоқли шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Наср офир қадам, назм чопағон» деган ғаройиб бир гапи бор. Чамаси, Қамчибекнинг ижодий режалари чопағон назм имкониятлари доирасига сигмай қолди шекилли, қалами обдан қайралган, етуклик палласига кирган адиб кейинчалик «офир қадам» — насрни афзал кўрди ва менимча тўғри қилди. Қамчибек асосан насрий асарлари билан устозлар назарига тушди, китобхонлар меҳрини қозонди.

Қамчибекнинг 1974 йили «Шарқ юлдузи» журна- лида босилган илк ҳикояси «Яшил барг»ни яхши эслайман. Журнал ходими, устоз Носир Фозило- в ёш қаламкашни кўллаб-қувватлади. Ҳикояни журналхонлар ва адабий танқидчилик яхши кутиб олди. Назаримда, ёзувчи қишлоқ ҳаётини яхши билишлиги, қаҳрамонларининг дарду қувончлари кўнглига яқин бўлганлиги ўз самарасини берган эди. Қамчибекнинг кейинчалик эълон қилинган «Балиқ ови», «Соҳилда», «Кўнги кўчалари» каби сара ҳикоялари ҳақида Одил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норма-

тов, Нинел Владимирова каби ёзувчилар, адабиёт- шунос олимлар илиқ фикр билдирдилар. 1977 йили чоп этилган илк насрий китоби — «Яшил барг» ҳикоялар тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма- си томонидан ташкил этилган қизғин муҳокамада юқори баҳоланди. Адабий жамоатчилик яхши бир адиб етилиб келаётганини эътироф этди, унга ишонч билдирди.

Қамчибек Кенжанинг «Кўнги кўчалари» (1979 й.), «Ишқинг тушса» (1981 й.), «Орзумандлар» (1982 й.), «Нотаниш гул» (1986 й.), «Тоғ йўлида бир оқшом» (1987 й.), «Соҳилдаги сув париси» (1993 й.), «Соҳиб- жамол аёл сири» (1996 й.), «Кулгибахш умр» (1997 й.), «Муҳаббатни гуноҳ десалар» (1996 й.), «Бобурийлардан бири» (2000), «Бахт куши ёки ушалган орзулар» (2002 й.), «Хамир учидан па- тир ёхуд кулча ҳикоялар» (2005 й.) икки жилд- ли «Сайланма» (2006 — 2007 й.), «Севинчларим ва куйинчларим», «Кўнги кечинмалари» (2010 й.), «Палахмон» романи (2011) каби шеърӣ, насрий ва публицистик китоблари чоп этилди. Айни чоғ- да Қамчибек бадиий таржима билан ҳам жиддий шуғулланади. У Александр Пушкин, Ҳенрих Ҳейне, Шандор Петефи, Валерий Брюсов, Михаил Свет- лов, Владимир Фирсов, Назрул Исломо каби таниқли шоирларнинг шеър ва дostonлари, яна бир қатор хорижий муаллифларнинг насрий асарларини ўзбек тилига ўтирган. Кўриняптики, заҳматкаш адиб ада- биётнинг деярли ҳамма жанрларида самарали қалам тебрати келмоқда.

Раҳматли адиб Асқад Мухторнинг «Ёзувчи- нинг таржимаи ҳоли қанчалик бой бўлса, шунча- лик яхши» деган ибратли бир ўғити бор эди. Дар- ҳақиқат, аксарият ёзувчи халқи аввало ўзини, ўзининг кўрган-кечирганларини ёзади. Шунда аса- ри ишончлироқ, таъсирчанроқ чиқади. Қамчибек бу борада ҳам омади чопган адиб. Жаҳонгашта адиб Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида Бобурийлар ва бошқа буюк аж- додларимиз изидан Афғонистон, Эрон, Покистон,

Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ каби мамлакатлар бўйлаб ижодий сафарларда бўлди. Ушбу сафар таассуротлари асосида яратилган «Ҳинд сорига», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Бағдодгача» номли йирик бадиий сафарномалар ёзди. Шу кунларда адиб «Соҳибқирон изидан» номли навбатдаги сафарномасини ёзиб тутатди. Бу асарлар китобхонлар ҳамда адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айни чоғда адиб «Бобуррийлар изидан», «Буюк Бобур ворислари» номли хужжатли-оммабоп фильмларнинг сценарий муаллифи ҳамдир.

Қамчибек Кенжанинг юқорида қайд этилган сафарномалари шунчаки кўрган-кечирганларининг қуруқ баёни эмас. Бу асарлар ҳассос ёзувчи қаламига мансуб эканлиги яққол сезилиб туради. Шу боис улар завқ-шавқ билан ўқилади. Дадил айтиш мумкинки, Қамчибек сафарнома жанрини юқори босқичга кўтарди, унинг ҳали очилмаган имкониятларини намоён этди. Афсуски, ёзувчининг ушбу сафарномалари ҳозирча ўзининг ҳаққоний баҳосини олганича йўқ... Умид қиламизки, қилни қирқ ёрувчи мунаққид — мутахассислар бу асарларнинг мағзини чақиб, ўзларининг холис баҳосини берадилар.

Ўтган йили тиниб-тинчимас адибнинг «Жасорат» номли маърифий-биографик қиссаси «Тафаккур» нашриётида босилди. Бу ноёб асар истеъдодли олим — химия фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, 600 дан ортиқ илмий-оммабоп мақола, 70 дан зиёд рисола, дарслик ва қўлланмалар муаллифи, иккита янги фан асосчиси Иброҳимжон Асқаровнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақидадир. Шуниси диққатга сазоворки, асар қаҳрамони фақат олимгина эмас. И.Асқаров жигар циррози, бош мия ўсмаси, кўкрак беши саратони(рак), фарзандсизлик ва бошқа оғир хасталикларга чалинганларни муваффақиятли даволаб келаётган моҳир табиб ҳамдир. У мустақиллик ша-

рофати билан етишиб, юзага чиққан, ҳамма нарсага фақат ўзининг заҳматли меҳнати, Оллоҳ юқтирган юксак истеъдоди билан эришган, ҳар жиҳатдан ҳавас қилсак арзийдиган замонамиз қаҳрамони! Унинг қуйидаги дил сўзлари ҳар бир соғлом фикр юритувчи кишининг орзу-армонидир: «Олимлар атом бомбаларини яратишдан, ойга чиқишдан, Марсни тадқиқ қилишдан аввал инсон организмининг чидамлилигини мустаҳкамлаш, умрини узайтириш борасида бош қотиришсайди...»

Шундай шахс бўлишдек юксак мақомга сазовор бўлган санокли инсонларнинг хизматини эътироф этиш, уларни эл-юртга танитиш савоб ишдир.

Қамчибекнинг ўзим кўпдан кузатиб келган яхши бир фазилати бор. У ҳеч қачон эришган ютуқлари билан кифояланиб қолмайди, хотиржамликка берилмайди, тинимсиз ўқийди, изланади, ўзига, ижодига нисбатан жуда талабчан. Ижодга юксак эътиқод мақомида ёндашади. Айрим масъулиятсиз қаламкашлар каби ёзганларини ҳали бўёғи қуримасданоқ чоп этишга ошиқмайди. Қўлёзмасини аввал яқин дўстларига, устозларига ўқиб, фикр айтиш учун беради. Уларнинг мулоҳазаларини ақл тарозисига солиб, мушоҳада қилади, лозим топса инобатга олади. Бу ҳар қандай ижодкор учун жуда зарур фазилат.

Қамчибекнинг жуда кўп қўлёзмаларини ҳали чоп этилмасдан ўқиганман. У менга ишонади, фикрларим билан ҳисоблашади. Мен гоҳо азбаройи асар янада мукамалроқ чиқсин деган мақсадда танқидни меъёридан оширворгандай бўламан. Кейинчалик ўзим хижолат ҳам бўлиб юраман. Дўстим эса ҳафа бўлмайди. Танқидни тўғри тушунади. «Палахмон» романининг қўлёзмасини аёвсиз танқид қилганим эсимда. Дўстим ромanni жиддий қайта таҳрир қилди, кўпгина саҳифаларини бутунлай қайта ёзди. Натижада яхши бир асар дунёга келди.

Французларда «Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўладилар» деган ғалатироқ, аммо тўғри

гап бор. Дарҳақиқат, катта шаҳарлар азрўйи азалдан илму маърифат, адабиёт ва санъат аҳлини оҳанрабо янглиғ ўзига жалб этиб келган. Шаҳарда илмий, ижодий муҳит бор. Аксарият истеъдодлар ана ўша муҳит бағрида улғайиб, вояга етадилар. Лекин ҳаётда истисно ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, рус адабиётининг буюк вакиллари — Лев Толстой билан Михаил Шолохов бир умр туғилган юртида яшаб, ижод қилдилар.

Қамчибек Кенжа гарчи маълум муддат пойтахтда истиқомат қилган бўлса-да, асосан туғилган юрти — Андижонда яшаб, ижод қилмоқда. Адабий муҳитдан олисда ҳам баркамол асарлар яратиш мумкинлигини, ҳамма муаммони охир-оқибат ижодкорнинг истеъдоди ҳал этишини исбот этаётгандай гўё...

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг аъзоси Қамчибек Кенжанинг меҳнат ва ижодий фаолияти «Мустақиллик» нишони, «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, Халқаро Бобур мукофоти ва бошқа ёрлиқлар билан тақдирланган.

### ИЖОДИ БУЛОҚ СУВИДЕК ТИНИҚ

Ҳар гал унинг шеърларини ўқиганимда мусаффо булоқ сувини симиргандек ҳузур қиламан, роҳатланаман. Агар бу шеърларни шоирнинг ўзи ўқиса, бундан-да кўпроқ завқланаман. Дўстим Мирпўлат Мирзо шеър ўқишнинг ҳадисини устози Абдулла Ориповдан ўрганган. Шеър оҳангини, маъно-мазмунини жой-жойига қўйиб, эҳтирос билан, самимий ўқийди. Шеърларидаги самимият, тиниқлик ва оҳангдорликни айрим шеършунослар устоздан таъсирланиш сифатида талқин этадилар. Тақлид эмас, таъсир! Адабиётда бу ижобий ҳодиса.

Мирпўлат Мирзонинг шеърлари мавҳумликдан, турфа бошқотирмалардан холи, ўзи каби содда, идрок этишга қулай, ўнғай.

М.Мирзо ҳар хил «изм»ларга, оқимларга андармон бўлмай, анъанавий бармоқда ҳам самарали ижод қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда. У ортиқча нафосни, беҳуда чиранишни, сунъий баландпарвозликни ёқтирмайди. Муҳими — ижодни эътиқод, қисмат янглиғ билиб қалам тебратмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари, кўпчилик ўзини бозорга, тижоратга урган, «Адабиёт ўладими?» деган баҳс-мунозаралар қизиган кезлар эди. Ўзаро гурунгларда Мирпўлат ҳазиломуз оҳангда «Хўш, оғайнилар, энди бу ёғи нима бўлади? Ижодми ёки тижодми?» деб қўйса-да, ўзи фақат адабиёт, ижод ҳаёли билангина яшар, туркум шеърлари, таржималари мунтазам чоп этилар эди. Ҳаётнинг турфа хил нағмалари, ўйинлари уни ижоддан чалғитолмасди, анча-мунча нарсага асаби бузилавермасди. Дўстлари гоҳо унга ҳазиллашиб, «Сизда асабнинг ўзи йўқ» деб қўйишарди.

Эндиликда шоир Мирпўлат Мирзонинг ижоди айни етуклик палласига кирди, барқ уриб яшнади. Айрим асарлари Ватандан узоқларда, хорижий юртларда ҳам акс садо берди. Китоблари кетма-кет чоп этилди. Турли йилларда босилган «Тонг жилваси», «Ишқ фасли», «Яхши кунлар», «Сунбула», «Онажон», «Таскин» каби китоблари ёнига шоирнинг салмоқдор «Сайланма»си ҳам қўшилди.

Глобаллашув асрида турфа хил қадриятлар, маданиятлар, санъат ва адабиётлар ўртасидаги алоқалар янги шаклу шамойил, янгича мазмун касб этмоқда. Китобхон дунёнинг у бурчагида яратилган асар билан шу бугун, шу лаҳзанинг ўзида танишиш имкониятига эга. Гап адабиёт ҳақида кетадиган бўлса, бу борада таржиманинг ўрни, аҳамияти янада ортмоқда. Бадиий таржима эса маҳорат сирларини эгаллашда ҳамиша муҳим омил бўлган.

Таржима ишининг қийинлиги, машаққати ва масъулияти ҳақида устозлар, аломалар кўп ва хўп айтган.

Мирпўлат Мирзо узоқ йиллардан буён ижоднинг бу қийин, машаққатли тури билан муттасил,

астойдил, жиддий шуғулланиб келмоқда. Икки олам заҳматини обдан тортгани учун ҳам чиройли, ҳам тўғри таржима қила оладиган даражада, моҳир таржимон бўлиб етишди. (Ўзаро суҳбатлардан бирида таниқли шоир Йўлдош Эшбек «Ҳозир шеърят таржимасида Мирпўлат акага етадиган таржимон йўқ» дея ҳақ гапни айтган эди). Изланишлар, чекилган заҳматлар ўз самарасини берди. Мирпўлат Мирзонинг жаҳон шоирларининг шеърларидан қилган таржималари «Сомон йўли чечаклари», қозоқ шоирларининг шеърлари «Сайра дўмбирам», XX аср шоирларининг шеърлари «Ложувард осмон» номи билан алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқди.

Шоир сўнгги йилларда драматик асарлар таржимасига ҳам дадил қўл урмоқда. Шекспирнинг «Ёз тунги гаройиботлари» пьесаси Мирпўлат Мирзо таржимасида саҳналаштирилди. Лессингнинг «Донишманд Натан» драмаси таржимаси эса республика театрларида ва Москвада қўйилди. Украина шоираси Людмила Скирданинг «Сакура гуллари» шеърӣй тўплами ҳам М.Мирзо таржимасида чоп этилди.

Адабий алоқалар андак сусайган, қадр қайғусидан кўра қорин қайғуси биринчи ўринга чиққан мураккаб замонда Мирпўлатнинг ушбу саъй-ҳаракатлари самимий олқишга сазовор. Шоирнинг хайрли, савоб меҳнатини китобхонлар, адабий жамоатчилик хайрихоҳлик билан, қизғин кутиб олди. Юксак доираларда эътироф этилди. Қозоғистоннинг Алаш мукофотига, Россиянинг Пастернак номидаги мукофотига сазовор бўлди. Ўтган йили Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Республика байналмилал маданият маркази ва Россиянинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш маркази томонидан энг яхши бадий таржималар учун ўтказилган танловда фолиблар сафидан ўрин олди.

Биз — Мирпўлатнинг дўстлари гоҳо «Сиз олманган яна қандай мукофотлар қолди?» дея ҳазиллашиб қўямиз. Мухлислардан бири эса «Мирпўлат ака! Сиз нега кўпинча Нобель мукофотини олган ижод-



корларнинг асарларини таржима қиласиз?» деб сўраганда шоир одатича ҳозиржавоблик ва «камтарлик» билан «Тенг тенги билан-да!» дея жавоб қилган.

Дарвоқе, Мирпўлат — ўта ҳозиржавоб ижодкор. Давраларда ҳазил-мутойиба бошланса, ҳамиша ўқланган милтиқдек тайёр туради. Гаплари тўппатўғри мўлжалга беҳато тегади. Беихтиёр завқингизни яширолмай, хахолаб юборасиз. Унинг ҳозиржавоблигида ақл билан юмор туйғуси омухта бўлиб кетган. Ҳозиржавоблик, ўткир ҳазил — юмор туйғуси туғма истеъдодми ёки ўқиш-ўрганиш, эрудиция ва ҳаётий тажриба натижасида шаклланадими — билмайман. Аммо Мирпўлатнинг ҳазил-мутойибалари, бетакрор, беқиёс лутфларига кўпчилик тан беради. Мирпўлат қувноқлигидан ташқари самимий, беғубор инсон. Гурунги дилтортар. У баракали, файзли ижоди билангина эмас, қайта-қайта нашр этилган «Дўрмон ҳангомалари» китобимнинг доимий қаҳрамони сифатида ҳам маълум ва машҳур.

Мирпўлат Мирзо серқирра истеъдод соҳиби. Яқинда унинг «Сурур» деб номланган бадиий-публицистик китоби чоп этилди. Истиқлол йилларининг ўзига хос кардиограммаси бўлган бу китобда шоирнинг турли йилларда ёзган, долзарб, муҳим мавзуларга бағишланган асарлари ўрин олган.

Мирпўлат Мирзонинг бутун онгли ҳаёти, айна куч-ғайратга тўлиқ даври турли идоралар, таҳририятларда столга қадалиб ишлаш билан ўтди. Ижод билан эса ишдан бўш вақтлардагина, уйқу ва соғлиқни йўқотиш ҳисобига (афсуски, бу ҳолат изсиз кетмади) шуғулланди. Бу фақат унинг эмас, балки Мирпўлат Мирзо тенгдошларининг ҳам қисмати.

Мирпўлатнинг дўстлари ижодий ютуқларидан қувониб, табриклашганда шоир ўзича ғурурланиб, шундай ҳазил қиларди: «Менинг парвозимга бу ҳудудлар торлик қилаётганга ўхшайди. Кўрасизлар, шу кетишимда жаҳонга чиқиб кетаман-ов...»

Фаришталар ўша гапга омин деган экан.

Ҳурматли юртбошимизнинг ғамхўрлиги ва та-шаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журнали таш-кил этилганда Мирпўлат ушбу қутлуғ даргоҳда узоқ йиллар астойдил тер тўкиб, самарали хизмат қилди. Журналнинг биринчи бош муҳаррири Озод Ша-рафиддиновга (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) елкадош бўлиб, устознинг дуосини олди.

Табаррук ёшини нишонлаётган заҳматкаш шоир, таржимон ва публицист Мирпўлат Мирзога мус-таҳкам сиҳат-саломатлик, ижодий зафарлар ҳа-миша ёр бўлаверсин деймиз.

### «ҲАМИША ЁШ ВА НАВҚИРОН»

1. Журналистлик Насриддин Муҳаммадиевга (адабий таҳаллуси — Носир Муҳаммад) ота касб. Бунақаси камдан-кам бўлади. Раҳматли отаси Мис-риддин ака Муҳаммадиев ўттиз беш йил мобайни-да туман газетасининг бош муҳаррири вазифасида ишлаган эди. Оиладаги ижодий муҳит Насриддин-нинг касб танлашида муҳим роль ўйнади. Мактабни битиргач, сира иккиланмай Тошкент давлат универ-ситетининг филология факультетига ўқишга кирди. Университетни тамомлагач, пойтахтдаги газета ва журналларда ўттиз йилдан зиёд хизмат қилди. Бир-гина «Тошкент оқшоми» газетасида машҳур ёзув-чимиз Ўткир Ҳошимов билан бир хонада ўтириб ўн йил ишлади.

2. Насриддин ҳам аксарият ижодкорлар каби илк машқларини шеър ёзишдан бошлаган бўлса-да, матбуотнинг қора, заҳматли юмушларини бажонидил зиммасига олди. Матбуотда қалами қайралиб, етук ижодкор бўлиб етишди. Шу ўтган йиллар мобай-нида «Эстетик идеал ва адабиёт», «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур» (Ш.Зуннун билан бирга), «Салом, келажак», «Баҳор таронаси», «Ҳикматлар», «Ўзбе-кистон жаҳон ҳамжамияти сафида» (ҳаммуал-лифликда), «Насаф ва Кеш алломалари», «Тафаккур

учқунлари», «Сумалақдан тош топдим», «Анқони маҳрам қилдингиз» каби ўндан зиёд китоблари чоп этилди. Китобларнинг номи ва мундарижасидан ҳам кўришиб турибдики, Насриддиннинг истеъдоди серқирра, билим ва қизиқиш доираси ғоятда ранг-баранг. Ҳам назм ва насрда, мутаржимликда, тарихий мавзуларда баб-баробар қалам тебратади. Фарб ва Шарқ маданий, маънавий меросини пухта ўзлаштирган. Кўплаб шеърлари (масалан, «Сумалақдан тош топдим» кўшиғи машҳурдир) кўшиқ бўлган.

Насриддиннинг мумтоз адабиётга бўлган қизиқиши ва қобилиятини пайқаган, имкониятларини тўғри баҳолаган раҳматли аллома Эргаш Рустамов (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) бир замонлар дўстимизни илмий иш билан шуғулланишга астойдил даъват қилганди. Хизматда ҳамиша қаттиқ банд бўлган дўстимиз гарчи диссертация ёзишга вақт топмаган бўлса-да, мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижоди ҳақидаги қизиқарли мақола ва китоблари билан устозининг руҳини шод этгандай бўлди.

3. Насриддин форс, турк, рус тилларини анча мукамал эгаллаган, немис ва инглиз тилини тушунади. Қобилиятининг бу жиҳати ҳавас қилгулик. Тил билгичлиги (тил билган дил билади) жаҳонга чиқишида, жаҳонга чиққанлиги эса тилларни яхши ўзлаштиришида қўл келди. Насриддин — жаҳонгашта ижодкор, уч йил Эронда таржимон бўлиб ишлаган, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонасида икки йил биринчи котиб вазифасида хизмат қилган. Хориж таассуротлари асосида кўплаб мақолалар, китоблар ёзган.

4. Насриддиннинг яна бир ибратли жиҳатига ҳавас қиламан, ҳайратланаман. Одамлар бир кунда саккиз соат ишласа, Насриддин йигирма тўрт соат ишлаётгандек туюлади, хизмати шунақа. Яна шу алпозда ижод учун вақт топганига қойил қоламан. Барча ёзган асарлари масъул хизмат вазифаларида қаттиқ банд бўлиб турганида, гоҳо дам олишни чеклаш ҳисобига яратилган. Тиришқоқлиги,

меҳнаткашлиги, куйди-пишдилиги, жонсараклиги қонида бор. Ҳаётда нимагаки эришган бўлса, ҳам-масига заҳматли меҳнати билан эришган.

5. Биз гоят андишали, мурувватли халқмиз. Одамларга баҳо беришда баъзан сал бадфеълроқ кимсалар ҳақида ҳам салбийроқ фикр айтишга истиҳола қиламиз. Аммо яхши одамлар ҳақида гап кетгудай бўлса, яйраб фикр билдирамиз. Турли давраларда Насриддиннинг қулоғи қизиса албатта «Ҳа, Насриддин — яхши йигит, яхши инсон!» деб қўйишади. Имоним комилки, бу гаплар самимий айтилади.

Халқимиз «Нима топсанг, феълингдан топасан», деб бежиз айтмайди.

Эсимда, бундан олти-етти йиллар муқаддам Туркиядан самолётда юртга қайтаётиб, тошкентлик ҳамюртлар билан ҳамроҳ бўлиб қолдик. Улар орасида Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонасида ишлаётган ходимлари ҳам бор экан. Гурунг асносида улардан илгари элчихонада ишлаган Насриддин Муҳаммадиевни танийсизларми, деб сўрадик. Шунда улар бирдан жонланиб, оғзиларидан бол томиб, бири-бирига гал бермай, Насриддинни таърифлай кетишди.

Олимларнинг кузатишича, инсоннинг исми охиروқибат унинг феъл-атвориға, жумладан тақдирига ҳам таъсир этаркан. Дўстимиз Насриддиннинг ўлмас миллий қаҳрамонимиз — Насриддин Афанди билан адаш эканлиги характериға таъсир этган бўлса ажаб эмас.

Муқаддас ҳадисларда айтилади: «Кимнинг хулқи гўзал бўлса, унга жаннатнинг энг тўридан қаср бино қилинади».

Дарҳақиқат, хулқи гўзал, феъл-атвори қувноқ, самимий, хушчақчақ одам ҳамиша, ҳамма ерда ардоқланади. Ҳаётда ҳам иши ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Насриддин ҳеч қачон таниш-билишларини ораға қўйиб, ўзига иш қидирмаган, балки ишнинг ўзи уни қидириб топган. Ҳамиша дўстларининг, ҳамкасбларининг ардоғида яшайди, давраларнинг тўрида ўтиради, боши зиёфатдан чиқ-

майди. Уни бир кун кўрмаса соғиниб қоладиган дўстлари бор. Устоз Эркин Воҳидовнинг унга меҳри, ихлоси («Ёшлик» журнали гуриллаган замонда бирга ишлашган) жуда баланд. Насриддин шундай бахтли инсон. Гоҳо унинг гурунгини соғиниб ёки шахмат ўйнагим келиб уйига телефон қилсам кўпинча «Дадамиз ҳали ишдан қайтмадилар ёки дадамиз зиёфатда, меҳмондорчиликда!» деган жавоб бўлади. Кўришганимизда ўзига ҳазиллашиб «Уйга ҳам келиб турибсизми?» деб қўяман.

6. Насриддин билан университетни кетма-кет битирганмиз. Тақдир тақозоси билан битта «Дом»да яшаяпмиз, дала ҳовлимиз ҳам бир жойда. Дўстимиз қишлоқда ўсган эмасми, ерга ниҳоятда меҳр қўйган, бола-чақаси билан дала ҳовлисида астойдил, тер тўкиб меҳнат қилади. Натижа ҳам заҳматга яраша бўлади. Баҳор ноқулай келиб, кўпчиликнинг меваларини совуқ уриб кетганда ҳам Насриддинларнинг дарахт шохларига чирмашиб кетган узуми мўл ҳосил бераверади. Шотутлари, хурمولари шиғил-шиғил мева беради. Оллоҳ яхши инсонларни ўз неъматлари билан шунақа сийласа керак дейман ҳавас билан.

7. Дунёга машҳур ёзувчилардан бири ўғлининг фотосурати орқасига «Менинг энг яхши асарим!» деб ёзиб қўйган экан. Мураккаб ҳаётда гоҳо ижодни рўкач қилиб, оилага бепарво қараши оқибатида боши кулфатдан чиқмайдиган кимсалар ҳам учрайди. Шу ўринда Лев Толстойнинг «Оилада бахтли бўлган инсонгина ҳаётда бахтли бўлади» деган гапи эсга тушади. Насриддин ниҳоятда оилапарвар, оилада чинакам бахтли инсон. Ўзига муносиб, ҳаётнинг хуш-нохуш кунларида, хорижда кечган узоқ мусофирчилик йилларида елкадош-ҳамнафас бўлган фариштали умр йўлдоши Машруфахон билан бир қиз, тўрт ўғилни тарбиялаб, вояга етказдилар. Имон-эътиқодли, солиҳ фарзандлар ҳаётдан ўзларининг муносиб ўринларини топишди. Оталарининг уларнинг орзу-ҳавасини кўриш бахтига муяссар бўлдилар.

меҳнаткашлиги, куйди-пишдилиги, жонсараклиги қонида бор. Ҳаётда нимагаки эришган бўлса, ҳам-масига заҳматли меҳнати билан эришган.

5. Биз гоят андишали, мурувватли халқмиз. Одамларга баҳо беришда баъзан сал бадфеълроқ кимсалар ҳақида ҳам салбийроқ фикр айтишга истиҳола қиламиз. Аммо яхши одамлар ҳақида гап кет-гудай бўлса, яйраб фикр билдирамиз. Турли давр-ларда Насриддиннинг қулоғи қизиса албатта «Ҳа, Насриддин — яхши йигит, яхши инсон!» деб қўйи-шади. Имоним комилки, бу гаплар самимий айти-лади.

Халқимиз «Нима топсанг, феълингдан топасан», деб бежиз айтмайди.

Эсимда, бундан олти-етти йиллар муқаддам Туркиядан самолётда юртга қайтаётиб, тошкент-лик ҳамюртлар билан ҳамроҳ бўлиб қолдик. Улар орасида Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонасида ишлаётган ходимлари ҳам бор экан. Гурунг асноси-да улардан илгари элчихонада ишлаган Насриддин Муҳаммадиевни танийсизларми, деб сўрадик. Шун-да улар бирдан жонланиб, оғзиларидан бол томиб, бири-бирига гал бермай, Насриддинни таърифлай кетишди.

Олимларнинг кузатишича, инсоннинг исми охир-оқибат унинг феъл-атвориغا, жумладан тақди-рига ҳам таъсир этаркан. Дўстимиз Насриддиннинг ўлмас миллий қаҳрамонимиз — Насриддин Афанди билан адаш эканлиги характериға таъсир этган бўлса ажаб эмас.

Муқаддас ҳадисларда айтилади: «Кимнинг хулқи гўзал бўлса, унга жаннатнинг энг тўридан қаср бино қилинади».

Дарҳақиқат, хулқи гўзал, феъл-атвори кувноқ, самимий, хушчақчақ одам ҳамиша, ҳамма ерда ардоқланади. Ҳаётда ҳам иши ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Насриддин ҳеч қачон таниш-билиш-ларини орага қўйиб, ўзига иш қидирмаган, балки ишнинг ўзи уни қидириб топган. Ҳамиша дўст-ларининг, ҳамкасбларининг ардоғида яшайди, дав-раларнинг тўрида ўтиради, боши зиёфатдан чиқ-

майди. Уни бир кун кўрмаса соғиниб қоладиган дўстлари бор. Устоз Эркин Воҳидовнинг унга меҳри, ихлоси («Ёшлик» журнали гуриллаган замонда бирга ишлашган) жуда баланд. Насриддин шундай бахтли инсон. Гоҳо унинг гурунгини соғиниб ёки шахмат ўйнагим келиб уйига телефон қилсам кўпинча «Дадамиз ҳали ишдан қайтмадилар ёки дадамиз зиёфатда, меҳмондорчиликда!» деган жавоб бўлади. Кўришганимизда ўзига ҳазиллашиб «Уйга ҳам келиб турибсизми?» деб қўяман.

6. Насриддин билан университетни кетма-кет битирганмиз. Тақдир тақозоси билан битта «Дом»да яшайпмиз, дала ҳовлимиз ҳам бир жойда. Дўстимиз қишлоқда ўсган эмасми, ерга ниҳоятда меҳр қўйган, бола-чақаси билан дала ҳовлисида астойдил, тер тўкиб меҳнат қилади. Натижа ҳам заҳматга яраша бўлади. Баҳор ноқулай келиб, кўпчиликнинг меваларини совуқ уриб кетганда ҳам Насриддинларнинг дарахт шохларига чирмашиб кетган узуми мўл ҳосил бераверади. Шотутлари, хурمولари шиғил-шиғил мева беради. Оллоҳ яхши инсонларни ўз неъматлари билан шунақа сийласа керак дейман ҳавас билан.

7. Дунёга машҳур ёзувчилардан бири ўғлининг фотосурати орқасига «Менинг энг яхши асарим!» деб ёзиб қўйган экан. Мураккаб ҳаётда гоҳо ижодни рўкач қилиб, оилага бепарво қараши оқибатида боши кулфатдан чиқмайдиган кимсалар ҳам учрайди. Шу ўринда Лев Толстойнинг «Оилада бахтли бўлган инсонгина ҳаётда бахтли бўлади» деган гапи эсга тушади. Насриддин ниҳоятда оилапарвар, оилада чинакам бахтли инсон. Ўзига муносиб, ҳаётнинг хуш-нохуш кунларида, хорижда кечган узоқ мусофирчилик йилларида елкадош-ҳамнафас бўлган фариштали умр йўлдоши Машруфахон билан бир қиз, тўрт ўғилни тарбиялаб, вояга етказдилар. Имон-эътиқодли, солиҳ фарзандлар ҳаётдан ўзларининг муносиб ўринларини топишди. Отаоналари уларнинг орзу-ҳавасини кўриш бахтига муяссар бўлдилар.

8. Ашаддий шахмат ишқибози, ижодкорлар ўрта-сида ўтказилган Чорвоқ мусобақасининг икки карра голиби, устоз Эркин Воҳидов бир куни ҳазиллашиб «Мен учун одамлар икки тоифага бўлинади — шахматни биладиганлар ва билмайдиганлар!» деган эди. Биз Насриддин билан биринчи тоифага мансубмиз — шахмат жиннисимиз. Ўзаро беллашганда бир-биримизни ҳафа қилмаймиз. Қарангки, одамнинг феъл-атвори шахмат ўйинида ҳам яққол кўринаркан. Табиатан мард, танги, олийҳиммат Насриддин ўша Чорвоқ мусобақаларида рақибларига мурувват қилиб, хатоларини кўрсатиб ўйнаши, қайта юришга изн бериши оқибатида гоҳо ютиб турган партиясини ҳам бой бериб кўяди. Бундан ортиқча куйинмайди ҳам. Дарвоқе, унинг бирон марта дарғазаб бўлиб, қовоқ уйганини, бировга ўшқириб зуғум қилганини кўрмаганман. Ҳамиша қувноқ, ҳамиша самимий. Кайфиятнинг ҳамиша яхши бўлиши эса доноликнинг биринчи шартидир.

Насриддиннинг характерини яхши билган водийлик дўстлари унга «Сиз кўпроқ бизнинг одамларга ўхшайсиз!» дейишади. Шу ўринда беихтиёр шоирнинг ушбу пурҳикмат мисралари эсга тушади: «Кошқийди, аҳли юрт туриб тепамда, — У бизники эди, десалар...»

9. Насриддин Муҳаммадиев ҳозир Ўзбекистон байналмилал маданият марказининг директори лавозида хизмат қилмоқда. Дўстлик ва қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлайдиган турли фестиваллар, тадбирлар ўтказилишида бош-қош бўлмоқда. Туркистон қайғуси (улуғ аллома Алихонтўра Соғунийнинг шу номда ўлмас асари бор) унинг эътиқодидан мустаҳкам ўрин олган. Дарвоқе, бир шеърда бу ҳақда шундай ёзган эди:

*Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик — бир жонсиз,  
Туркман, қорақалпоқ — марди майдонсиз,  
Бу Заминга ахир шухрат — Сиз, шон — Сиз,  
Қардошликка аҳду паймонни асранг.*



*Бирлик бўлган жойда бўлгайдир зафар,  
Меҳр дарахтлари бергайдир самар,  
Нурли эрта учун боғлангиз камар,  
Боболардан мерос Туронни асранг.*

10. Иш билан қаттиқ банд бўлишига қарамай ижодни бир лаҳза ҳам унутмайди. «Насаф ва Кеш алломалари» деган китоби қайта босилди. Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов бу асарга шундай юксак баҳо берди: «Носир Муҳаммаднинг бу рисоласи Қарши шаҳрининг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилаётган 2700 йиллиги шодиёналарига муносиб тухфа бўлади, деб ўйлайман».

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Носир Муҳаммаднинг «Ҳут шамоллари» деган салмоқли «Сайланма»сини нашр этди. Унга ижодкорнинг турли йилларда ёзган шеърлари билан бир қаторда форс, турк, немис, рус тилларидан қилган таржималари ҳам киритилган.

Насриддин қимматли манбалар асосида ёзилган «Турон тарихи» китобини нашр эттирди. Шунингдек, юртимизда матбаачилик ва кутубхоначилик тарихига бағишланган китобини ёзиб тугатди. Омонлик бўлса, мухлислар, барча китобхонлар дўстимизнинг сермазмун, баракали ижодидан ҳали кўп баҳраманд бўладилар.

11. Юнусободдаги ёзувчилар уйида гоҳо оқшомларда қўшнилар — Ортиқбой Абдуллаев, Насриддин, Ашурали Жўраев, камина ҳамроҳликда ташқарини айланамиз, «қудуққа айтиладиган гаплар»ни айтиб, гурунглашамиз. Ана шундай кунларнинг бирида суҳбат мавзуси айланиб келиб кимнинг неча ёшга киргани, ким юбилей қилмоқчи эканига тақалди. Шунда Насриддин одатдагидай кулимсираб «Навоий бобо, Навоий бобо деб юриб мана ўзимиз ҳам Навоий ёшига етиб қолибмиз-а! Одамнинг ишонгиси келмайди. Ҳазратдан «Хамса», «Хазойин-ул маъоний» каби дурдона асарлар қолди. Биздан нима қоларкин?» деди андак афсусармон билан.

Ҳа, хом сут эмган банданинг табиати шундай, у ёши ўтаётганини, қариликка юз тутаётганини сезмас, ҳис этмас экан. Балки бу яхшидир. Донолардан бирининг шундай ҳазил гапи бор: «Ахийри бориб ёш бўлиб қолиш учун кўп йиллар яшаш керак!»

Дўстимиз Насриддин ҳам ўзининг табаррук ёшини қирчиллама йигитдек тетик, кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Шоир лутф этганидек, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Дўстимизнинг сира «қаримайдиган тоифа»га мансублигига ишора қилган ёзувчи Хайридин Султонов бир вақтлар «Насриддин ака ҳамиша ёш ва навқирондир!» дея чиройли лутф этган эди.

### «ҲАЗИЛ ҚИЛСАМ МАЙЛИМИ?»

1. Журналистнинг ихтисослашуви ҳақида гап кетганда, қаламкашнинг бирон соҳани пухтароқ билиши, ёзганлари ҳам билими, малакасига яраша салмоқли бўлиши назарда тутилади. Аммо устасига барибир дегандек, истисно ҳоллар ҳам учрайди. Адабиётда устоз Асқад Мухтор каби ҳам назм, ҳам насрда бирдек омадли қалам сурган ижодкорлар бўлганидек, журналистикада ҳам турли мавзуларда самарали ижод қилган қаламкашлар бор.

Таниқли ёзувчи ва журналист Ашурали Жўраев ана шундай ижодкорлардан. У ўқувчилик давридаёқ илк бор қўлига қалам олиб, ўз юрти Кармана, она қишлоғи Жалойир билан боғлиқ долзарб муаммоларни матбуот саҳифаларига олиб чиқди. Ушбу мавзуга бир умр содиқ қолди. «Жалойирга мактублар» пулицистик қиссаси устоз Иброҳим Ғафуров эътироф этганидек, ўзбек журналистикасида янгилик бўлди.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, «Жалойирга мактублар» асарида кўтарилган айрим оғриқли ва долзарб муаммолар, ҳаётини масалалар ҳали-ҳамон ўз ечимини кутиб турибди. Демак, ёзувчи халқнинг дардини айта олган, одамларнинг дилида турган долзарб муаммоларни қоғозга туширган.

2. Ашурали Жўраев публицистикасининг иккинчи муҳим қирраси — санъат мавзуси ва санъат журналистикасидир.

Эсимда, камина бир вақтлар Ашурали билан устоз, улкан адиб Одил Ёқубов Бопи муҳаррир бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаган, Ашурали санъат бўлимида, камина «Шум боланинг чойхонаси»да мутасадди эдик. Газетачилик Ашурали учун яхши мактаб бўлди. Қалами чархланди. Санъат соҳасини анча мукамал ўрганди. Кўпгина машҳур санъаткорлар билан яқиндан танишди. Саъй-ҳаракатлари, изланишлари зое кетмади. Газетанинг санъат бўлими нуфузи ошди. Санъат ва маданият муассасалари ушбу бўлим билан самарали ҳамкорлик қила бошладилар.

Сир эмас, оддий томошабин, мухлис санъаткорнинг санъатидан баҳоли қудрат баҳраманда бўлиб, зақланса ҳам, санъаткорнинг ички дунёси, ижодхонасидан кўпинча беҳабар қолаверади. Ашурали эл суйган сиймолар — Мукаррама Турғунбоева, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Аброр Ҳидоятлов, Баҳодир Жалолов, Ботир Зокиров, Ҳасан Ражабий ҳақидаги мақола ва эсселарида бу санъаткорларни мухлислар учун қайтадан кашф этгандек бўлди. Айниқса, машҳур санъаткор, ўзбек миллий эстрада кўшиқчилиги санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳақида ёзган китоби ва мақолалари тилга тушди. Ёзувчи бу ўта муҳим мавзунини изчиллик билан давом эттириб, «Юрак бўронлари» роман-эссесини ёзиб тамомлади.

3. Ашурали изланувчан, заҳматқаш адиб. У гоҳо анъанавий шаклу шамоийилардан воз кечгандек бўлади, янгичароқ, таъсирчан ифода усулларини қидиради ва бунга муяссар ҳам бўлади. Масалан, унинг зукко мунаққид ва адиб, таниқли таржимон, устоз Иброҳим Ғафуров ҳақида ёзган «Фикр гуллари» эссеси шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Шунингдек, «Меҳринг қани, меҳрибоним», «Ёлғон бозори», «Устознинг тилло табассумлари» каби эсселари ҳам шундай ижодий изланишлар маҳсулидир.

4. Ижодкорда истеъдод бўлгани билан журъат етишмаса, «Бу нарсани ёзиб қўйиб, бошимга бало орттириб нима қиламан?» дея ҳадиксираса, бундай шахсни ҳақиқий ижодкор дейиш қийин. Ҳар қандай мураккаб замонада ҳам ҳақиқатнинг юзига тик боқиш, тўғри гапни айтиш бизга устозлардан мерос фазилат. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой чоризм зулмига қарши «Жим туролмайман!» дея наъра тортган эди. Устоз Абдулла Қаҳҳор бир умр адабиётнинг софлиги учун курашган, қизил мафкура зуғумлари ўта кучайган, компартия амалда ҳокимиятни бошқарган мураккаб даврда «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!» дея олган эди.

А.Жўраев устозлар анъанасини баҳоли қудрат давом эттирди. Ўша тилга тушган «Жалойирга мактублар» асаридан тортиб, ўзбек кинеси муаммолари ҳақида куюнчаклик билан ёзган қатор мақолаларигача — ҳаммаси дадиллик, журъат маҳсули ҳамдир. «Ижодкорнинг қалам ушлаган бармоқларидан ҳеч қачон ҳалоллик ва жасорат муҳри ўчиб кетмасин. Шунда унинг имони бутун бўлади. Ҳақиқатни ёзишга интилади» деб ёзади у. Ана ўша эътиқодни дилига жо қилган ҳолда қалам тебратди. Ёзганлари тилга тушди, устозларнинг самимий эътирофига сазовор бўлди.

Устоз Иброҳим Фафуров Ашуралининг «Сенга кўнгиб берсам...» китобига ёзган сўзбошисига ўз кузатишларини шундай баён этади:

«У миридан сиригача билсагина, яхши ёза олади. Муҳимни номуҳимдан яхши ажратади. Эл, мамлакатнинг корига нима ярашини кенг тасаввур қилади. Яхши билган журналистнинг ёзгани доим ишонарли, пухта, таъсирчан чиқади, ўқувчи қалбига етиб боради. Унинг «Жалойирга мактублар» публицистик қиссаси ана шу севиш туфайли, миридан-сиригача билиш туфайли дунёга келди. Қиссадаги ҳар бир мактубнинг воқеа бўлганлиги, ўз эгаларига етиб борганлиги сири ҳам шунда. Бу асар журналистикада янгилик бўлди.»

Сир эмас, айрим ижодкорлар амалдор (масалан, Бош муҳаррир) бўлгач, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган, эҳтиёткор бўлиб қолади. Ашурали Жўраев «Муштум» журнали ва «Афанди» газетасига бош муҳаррир бўлгач, журъатига журъат қўшилди. Ундаги дадиллик, шижоат «Гулхан» журнаliga бош муҳаррир бўлганда ҳам сўнмади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг болалар адабиёти секциясига раҳбарлик қилиш баробарида болалар адабиётининг равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Вилоятларда яшаб ижод қилаётган ёш истеъодларнинг асарларини рўёбга чиқаришда астойдил ғамхўрлик қилмоқда. Ашурали илмига ўзи ҳам амал қиладиган ижодкор — ҳамиша ҳақиқатни ёзишга интилади. «Журналист дегани бу — ҳақиқат учун курашувчи деганидир» деган гапни тез-тез такрорлаб туради.

5. Ашурали Жўраев истеъодининг учинчи — яна бир муҳим қирраси — ҳажвиёт, сатира ва юмор. Ҳазил-мутойибага мойиллик унинг қонига бор. Ушбу қийин жанрга мойиллик илк машқларини устози, машҳур сатирик ёзувчи Неъмат Аминовга кўрсатиб юрган кезларидаёқ сезилганди. Жиддий, мағзи тўқ ҳикоялар («Кўзмунчоқ», «Ажабсанда» каби) билан бир қаторда ҳажвиялар, ҳангомалар ҳам ёза бошлади. «Муштум» ва «Афанди»га ишга ўтгач, бу иш унинг кундалик машғулотига айланди. Ҳажвиётнинг нони қаттиқ бўлишига амин бўлди. Пешонаси ғурра бўлиб, емаган сомсага пул тўлаганида, алами ошса ҳам, бу соҳа чидаганга чиқарган, дея тишини тишига босди. Шундай кезларда у кулгунинг моҳияти, ижтимоий аҳамияти ҳақида анча жиддий мулоҳаза юритадиган бўлди. Адабий муҳитда анча машҳур бўлиб кетган, ҳазил-мутойибани тушунмайдиган тўқимтабиат кимсаларга яхшигина дакки бўлган «Ҳазил қилсам майлими, ака?» деган иборани кашф этди!..

6. Адабиётда устоз-шогирдлик масаласи бошқа соҳаларга мутлақо ўхшамайди. Маълумки, Оллоҳ истеъдоддан юқтирмаса, ҳеч қандай устоз ёзиш-

ни ўргатолмайди. Ашуралининг устозларига меҳру ихлоси ҳам ибратлидир. У адабиётимизнинг буюк устунлари — Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминовларни (Оллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин) ўзига устоз санади, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйди, хотираларига бағишланган тадбирларда бош-қош бўлди, улар ҳақида салмоқли, таъсирчан мақолалар ёзди.

«Ашуралининг Неъмат ака билан муносабати, аниқроғи у зотга муносабати ўзи бир ибрат, меҳру вафо, меҳру садоқат ибрати, устоз-шоғирдлик намунаси» деб ёзади таниқли мунаққид Шухрат Ризаев.

7. Яхшигина ташкилотчилик қобилияти ҳам (айниқса, қалам аҳлида кам учрайдиган фазилат) бор. Ундаги бу қобилиятга устозлар ҳам тан беришган. Масалан, атоқли адиб Одил Ёқубов бирон муаммога дуч келса, дарҳол Ашуралини қидириб қолар, «Бу ишни фақат Ашурали уддалай олади», дер эди.

Ақл ёшда эмас, бошда. Ашурали Юнусободдаги Ёзувчилар уйининг оқсоқоли. Маҳалладаги жамики тадбир, тўй-маъракаларда бош-қош. Куйди-пишди, жонкуяр инсон. Ҳар йили қизиқчиларнинг республика кўрик-танловини ўтказишда ташкилий ишларни намунали йўлга қўйиб, «Бош мезон — истеъдод» деган шиорга қатъий амал қилган ҳолда ҳакамлар ҳайъатига раҳбарлик қилади. Янги истеъдодларнинг кашф этилишидан астойдил қувонади. Дарвоқе, машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) янада машҳур бўлиб, эл-юртга танилишида Ашурали Жўраевнинг салмоқли ҳиссаси бор. Ҳ.Тожибоев ҳақида кўплаб мақола, суҳбатлари, «Танимадинг-а» китоби чоп этилган.

8. Ҳазил-мутойибага мойил, ҳозиржавоб. Баъзан жиддийлик билан битмайдиган ишларини ҳазил-юмор воситасида уддалайди. Истеъдодининг бу ноёб қирраси «Дўрмон ҳангомалари» китобимда ҳам акс этган. Мана, ўша ҳангомалардан бир шингил.

Ашурали бир куни бозордан сабзи харид қилаётиб сотувчи аёлдан илтимос қилади:

– Яхшироғидан беринг, уйга борганимда хотиним бу сабзиларингизни юзимга отмасин.

– Йўғ-э, мана, яхшиларидан саралаб беряшманку, келинойим албатта хурсанд бўладилар.

– Сиз барибир биз – эркакларнинг дардини тушунмайсиз.

– Нега энди тушунмас эканман?

– Чунки сизнинг хотинингиз йўқ-да!..

Шундай қувноқ, хушчақчақ одамнинг албатта гурунги дилтортар бўлади, атрофида ҳамиша содиқ дўстлари парвона эканидан ўзини бахтли ҳис этади.

Умуман айтганда, беғубор, қувноқ юмор, гоҳо шохига урсанг туёғи зирқирайдиган ҳазил-мутоъиба Ашуралининг асарларини китобхон кўнглига яқин қилади, унга завқ-шавқ бағишлайди. Бунинг яққол исботи – «Саҳифага сиғмаган сатрлар» деб номланган этюдлар китобидир. Қисқа бир фурсатда бу этюдлар жуда машҳур бўлиб кетди. Ярим ҳазил, ярим жиддий тарзда айтилган бу битикларни бефарқ ўқиш мумкин эмас, нозик, зукко кузатишлар маҳсули бўлган бу қочиримлар беихтиёр завқингизни тоширади. Масалан, ушбу битикларни ўқигач, уни яқин, дилтортар дўстингизга айтиб бергингиз келади.

«Адабиётнинг дарвозасида қоровул йўқ, Бе-е-малол... чиқиб кетишинг мумкин.»

«Тишингни тишингга қўй, ҳаммасига чидагин дейишади. Унда шўрлик тиши йўқлар нима қиларкин?»

«Баъзан ўйлаб қоламан: майда гаплар уммонида сузиб юрган катта миллат эмасмизмиз?!»

9. Ашуралининг ёш, хушрўй чехрасини кўрган киши «Бир йигит қирқ йилда бино бўлади» нақлини андак таҳрир қилиб, «Бир йигит элик йилда бино бўлади, дейиш керак аслида» деган фикрга боради. Чунки у айтилган, қалами қайралган, навқирон ёшда! Китобхонларни баркамол асарлари билан ҳали кўп мамнун қилади.

Энди гапни мухтасар қилиб, навқирон ёшини қарши олаётган ҳаммаслак укамга шундай дегим келади:

Ашурали! Бундан бу ёғига ҳам «Ҳазил қилсам майлими?» деб иккиланиб ўтирмай, бемалол ҳазил қилаверинг! Сизга рухсат! Сизнинг ҳазилларингиз ҳамиша ўринли, мароқли, завқли ва муҳими — маъноли! Яна узоқ йиллар ҳазил қилиб, мухлисларни кулдириб, кулиб юраверинг. Донолар айтганидек, дунёда ҳеч нарса одамларни беозор кулгудек бир-бирига яқинлаштиролмайди. Мураккаб замонамизда бу жуда муҳимдир. Янада мухтасар қилиб айтсам, дунёни кулгу ҳам қутқариши мумкин!

Сиз ана шу эзгу, хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган бахтли адибсиз!

Қулоғингизга шивирлаб қўядиган бир муҳим гапимни яна эллик йилдан кейин айтаман. Унгача соф-омон бўлинг дейман!

## ДИЛХИРОЖ ТҶИҒУЛАР

1. Таниқли шоир Абдунаби Бойқўзиёвнинг таржимаи ҳоли бир қарашда тенгдошларининг ҳаёт йўлидан кескин фарқ қилмайди. Ижод аҳли азрўйи азал илму маърифат маркази ҳисобланмиш катта шаҳарларга интилгани каби, Абдунаби ҳам мактабни битиргач, пойтахт Тошкентга йўл олади. Омади чошиб, яхши одамларга йўлиқади. Уларнинг беғараз ёрдами ва маслаҳати билан журналистика факультетининг талабаси бўлади. Шеърлар машқ қилади.

2. Бошловчи ижодкорларнинг аксарияти ёзганларини тезроқ чоп этишга, тезроқ китоб чиқаришга, шону шухрат нашъу намосидан тезроқ баҳраманд бўлишга интиқ-ишқибоз бўлишади. Бу табиий истакнинг ёмон жойи йўқ, албатта. Аммо шу ўринда Абдунабининг таржимаи ҳоли бошқаларникига сал ўхшамайди. Биринчи шеърлар тўплами адабиётшунос Маҳкам Маҳмудов ва раҳматли шоир Маъруф Жалил назаридан ўтиб, китобча ҳолида чоп этилиши аниқ бўлиб қолганда...



Дарвоқе, бу ҳақда Абдунабининг ўзи шундай эслайди:

«...Шу аснода шеърят осмонида бўронлар турди, момақалди роқ гумбурлаб, чақмоқлар чақди ва ижод оламига ўзбек адабиётининг яна бир навқирон авлоди: Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов, Азим Суюн, Тоғай Мурод, Баҳодир Муродали сингари ўзига хос овозли, овозали қаламкашлар кириб келди. Сездим, бу фаслда биз битган баёз атри ажриқниқидан ўзга эмас. Вақтида этакни ёпмоққа қарор қилдим. Ноширлардан биринчи китобим қўлёзмасини қайтариб олдим ва ишдан ҳам бўшаб, йўлни осонроқ соҳа(?) журналистикага бурдим. Ёш эликни қоралаганда билдимки, аслида журналистика шоирликдан, ёзувчиликдан ҳам мураккаб, машаққатли соҳа экан.»

3. Шоир айтганидек, «Шеърят дунёси кенг, гулзори кўп, бўстони кўп, ҳар кўнгил арзини айтур, неки бор имконида». Абдунаби гарчи биринчи тўпламини қайтариб олган бўлса-да (камтарлик, талабчанлик ижодкор учун сув билан ҳаводек зарур фазилят !..), шеърятдан воз кечмаган, яхши асарлар битишидан умидини узмаган эди.

Тинимсиз изланди, ўқиб ўрганди. Натижада бирин-кетин «Фуборингни ёзгайман», «Сени излаб келдим» каби тўпламлари чоп этилди. Унинг шеърларидаги самимият, инсоний дард-армон, ички бир тугён китобхонни бефарқ қолдирмайди. Юқоридаги китобларни яқинда яна бир карра ҳузур қилиб ўқиб чиққач, муаллифга телефонда шундай ҳазил қилдим: «Набижон, мен сизни тупша-тузук одам деб юрсам, қип-қизил шоир экансиз-ку!». Абдунаби ҳам «камтарлик» билан муносиб лутф қилди: «Бу гапни бундан ҳам баландроқ пардаларда айтишган!».

4. Абдунаби «йўлни осонроқ соҳа (?) — журналистикага» бургани ва бу соҳанинг шоирликдан, ёзувчиликдан ҳам мураккаб, машаққатли экани ҳақида сўзлаганида муболаға қилмаган. Узоқ йил-

лар «Муштум» журнали ва «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» газеталарида ишлаб, Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Мақсуд Кориев, Неъмат Аминов, Жўра Саъдуллаев каби ўзбек журналистикасининг тамал тошини қўйган дарғалардан сабоқ олароқ, ўзи ҳам ижод қозонида обдан қайнаб, пишиб, етук журналист бўлиб етишди. Журналистиканинг нонини ҳалоллаб ейман деб, ҳатто бир неча бор жиддий таҳдидлардан омон қолди. Мустақилликдан илгари танқид, фельетон ёзиш хавфли эди-да. Дарвоқе, Абдунаби бошидан кечирган ғаройиб воқеалар кино ҳам қилинган, ҳатто бош ролни ўзингиз ўйнанг деган таклиф ҳам бўлган.

5. Абдунаби бир томони шоирлиги боисми, мақолаларига юрак қўрини қўшиб, ҳам жўшиб-тошиб ёзади. Шунинг учун ҳам унинг публицистикаси юракка яқин, таъсирчан. Шу ўринда унинг «Дилхирож туйғулар» деб номланган насрий китоби ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман.

Абдунабининг дастхат билан совға қилган китобини varaқлаётиб илк саҳифалариданоқ бу асарни шунчаки юзаки, чўқиб-чўқиб ўқиб бўлмаслигини англадим. Бошим билан мутолаага шўнғиб кетганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим. Айни чоғда китобнинг ажабтовур номи диққатимни жалб қилди: қизик, нега энди «Дилхирож туйғулар»?..

Эринмай луғатни varaқлайман. Дилхирож — ўзбек куйларидан бирининг номи бўлиб, қалбни тирновчи, юракни эзувчи деган маънони билдираркан. Китобни тўлиқ ўқиб чиққач, бу номнинг узукка кўз қўйилгандек, ниҳоятда топиб қўйилганига ишонч ҳосил қилдим. Дарҳақиқат, муаллиф ўзини тўлқинлантирган, кўнглига тинчлик бермай келаётган ва ёзмаса бўлмайдиган мавзуларга куйиб-пишиб, ёниб муносабат билдиради ва ўзининг «дилхирож туйғулар»ини китобхонга ҳам «юқтира олади». Доноларнинг эътирофича, ана ўша «юқтира олиш» салоҳиёти санъатга дахлдорликнинг муҳим аломатидир.

Муаллифнинг бетакрор, ўзига хос услуби китобнинг жанрини белгилашида ҳам намоён бўлган.

Одатда публицистик асарлар мақолалардан, суҳбат ва эсселардан ташкил тошувчи эди. Абдунаби ўз китобининг жанрини «Қувончу армонлар, беором мулоҳазалар, ҳазил-мутойибалар» деб атайди...

Хўш, «Дилхирож туйғулар» нима ҳақда ўзи? Бу саволга бир оғиз сўз билан Ватан ҳақида деб жавоб бериш ҳам мумкин. Ватан эса остонадан бошланади. Расул Гамзатов «Мен учун оламнинг маркази — Доғистондир» дея бежиз айтмаган. Абдунаби — Андижон фарзанди. Китобининг бош мавзуси ҳам Андижондир. Юртига, киндик қони тўкилган тупроққа қаттиқ боғланган, ҳамиша унга интилиб, талпиниб, соғиниб яшаган муаллиф «ҳар қандай буюк кишининг ватани», « у яратган ва яратажак буюк ишларнинг ибтидоси» бўлмиш маҳалла ҳақида ёзадими, Арслонбобнинг гўзал тоғларини тасвирлайдими, туғилган қишлоғи Тешиқмозорга файз киритиб турган ва бу фоний дунёни тарқ этган кексаларини қўмсаб эслайдими, бу ердан етишиб чиққан ажойиб, камтар-камсуқум одамларни улуғлайдими, тасвирда ҳамиша баландпарвоз сўзлардан қочади, дилида, кўнглининг туб-тубида армон бўлиб қолган туйғуларини самимий, таъсирчан бир оҳангда ифодалайди. Бу бетакрор оҳанглар гоҳо серзавқ, гоҳо маҳзунроқ пардаларда сизнинг қалбингизда ҳам акс садо беради.

Ижодкор ҳақида ижодкорнинг ўзи яхши ёздими ёки танқидчи-олим ёзгани маъқулми деган савол кўп вақт бошимни қотирган. «Дилхирож туйғулар»ни ўқигач яна бир карра амин бўлдимки, ижодкорнинг дардини, ички дунёсини барибир ижодкор яхшироқ, теранроқ англаган. Китобда Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Неъмат Аминов, Жўра Саъдуллаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Саъдулла Ҳаким, Қамчибек Кенжа, Абдулла Комил, Наби Жалолиддин, Ҳалима Аҳмедова, Яҳё Тоға, Аҳмаджон Долиев, Эркин Комилов, Эсон ҳофиз, Клара Жалилова, Маҳмуджон Азимов, Маъмура Эргашева, Обиджон Бакиров каби шоир, ёзувчи, журналист, артист ва рассомлар ҳақидаги ихчам

портретлар завқ-шавқ билан ўқилади. Абдунаби уста мусаввир янғлиф образли, эҳтиросли ва гоҳо чапани, аламнок битиклари билан ижодкор қиёфасини китобхон кўз ўнгида анча яққол гавдалантира олган. Бу нурли сиймолар ҳаёти ва ижодидан ибратли, муҳим хулосалар чиқаради. Сийқа саволлардан ўзини тияди, анъанавий сўровлари эса ўзгача маъно касб этади.

Муаллиф Бобур номидаги халқаро экспедициянинг фаол иштирокчиси, ёзувчи Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сорифа», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан» деб номланувчи саёҳатномалари ҳақида тўлқинланиб ёзаркан, «бугунги ўзбек бадий адабиётида янги бир ижодий соҳанинг пайдо бўлиши»ни (*Академик Азиз Қаюмов эътирофи*) зўр қувонч ва мамнуният билан қайд этади. Шунингдек, «Бобур номидаги халқаро экспедициянинг ташкилотчиси, раҳнамоси, том маънодаги миллат фидойиси Зокиржон Машрабовнинг хизматлари ўзбек халқи маданияти ва маънавияти тарихида алоҳида нурли саҳифа ўлароқ ёзилса ҳам ажаб эмас» деган асосли хулосаси ҳам диққатга сазовордир.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Журналист бўлмоқчимисиз?» рисоласи ҳақида ёзаркан, бу шарафли ва ўта масъулиятли касб тўғрисида шундай дейди:

«...журналист партиявий адабиётнинг фикрсиз жангчиси, қайсидир фирқага хизмат қилувчи қудратли қуролнинг манқурт тепкибосари эмас. Балки у Хуршид Дўстмуҳаммад таъбирича, кўп сонли фуқарони маълум бир таъсир доирасига олиб кириш қудратига эга бўлган жамиятга, жамият аъзоларининг онги, тафаккури, дунёқарашига таъсир кўрсатувчи касб эгаси. Энди холисанлило айтинг, ана шундай умумлашган фазилат, қудрат қайси касб эгасида бор?!»

Абдунаби ушбу ҳақиқатни эслатиш орқали айрим ҳамкасбларини гафлат уйқусидан уйғотаётгандай, уларни жасоратга, огохликка, масъулиятга чорлаётгандай бўлади.

«Дилхирож туйғулар»нинг ҳамма бобларига тўх-талишнинг иложи йўқ албатта, аммо ундаги ҳажв, ҳазил-мутойибалар ҳақида бир оз мулоҳаза бил-дирмай ўтолмайман...

Адабиётимизда ёзувчилар ўртасида бир-бирига ҳазил қилиш анъанаси азалдан бор нарса ўзи. Фафур Фулом, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Эр-кин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Адҳам Ҳамдам каби адиблар билан боғлиқ ҳангома, ҳазилларни эсланг. Бир вақтлар республикамизнинг нуфузли нашрла-рида ўттиз йил самарали меҳнат қилган, «Муштум» журнали қозонида обдан қайнаб пишган Абдунаби ҳам ўз устозлари ва салафлари анъанасини давом эттираётгани кўп хайридир.

Китобнинг «Муштум»чилар кулгихонасида» бо-бида келтирилган аксарият ҳангомалар шавқ би-лан ўқилади, завқлантиради. Айни чоғда улар ўша даврдаги адабий муҳитнинг ҳазил-мутойибаларга йўғрилган ўзига хос тарихидир. Камина ҳақидаги самимий ҳазилларнинг кўпига ўзим фатво бер-ганман, (Абдунаби — андишали йигит эмасми, ай-рим ҳазилларини олдиндан ўзимга ўқитиб, ўзимга «тасдиқлатиб» оларди) ҳамкасблар даврасида ўқиб, маза қилиб кулганмиз, фақат адолат юзасидан қайд этиш жоизки, бу ҳазилларнинг ҳаммаси ҳам бир-дек муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Айрим-ларида зўрма-зўракилик, сохталик сезилади. Кулги эса табиий бўлгани яхши, албатта. Хайриятки, бу ҳазиллардан туғиладиган умумий таассурот соғлом ва беғубор. Ишончим комилки, Абдунаби ижоднинг қийин ва қувноқ тури — ҳажв жанрида ҳам барка-мол асарлар ёзиб, китобхонларга ҳали кўп кулгу-қувонч улашади.

«Дилхирож туйғулар»нинг тили ва услуби ҳа-қида алоҳида тўхталмай ўтолмайман. Абдунаби-нинг услуби равон ва мукамал, тили эса ҳар қан-дай қаламкаш ҳавас қиладиган даражада гўзал, ниҳоятда ширали, образли. Нега шундай имконияти бўлатуриб наср билан жиддийроқ шуғулланмайди деган фикр ҳам хаёлимдан ўтди. Шу ўринда мав-

риди келгани учун кичик бир танқидий мулоҳаза: ажабо, муаллиф тилга заргарона муносабатда бўлса-да, китобнинг айрим саҳифаларида талант, конкурс, магазин, район, программа, инвалид, кружок, комитет, фонд, рўзнома, редактор каби сўзлар ишлатилганини кўриб таажжубландим. Ваҳоланки бу сўзларнинг ўзбекча чиройли муқобиллари бор эди. Шунингдек, китобда гоҳо айрим тафсилотлар ҳожати бўлмаса-да такрор-такрор келтирилган. Бейхтиёр ўтиб кетган ва асарнинг кейинги нашрида бемалол тузатиш мумкин бўлган ушбу нуқсонлар китобнинг қимматини пасайтиролмайди, албатта.

Биз яхши бир китоб ўқисак уни яқин дўстларимизга илиниб, тавсия қиламиз. Мен Абдунаби Бойқўзиёвнинг бу китобини фақат дўстларимгагина эмас, юртимиз ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлган хорижликларга ҳам тавсия этган бўлардим. Чунки қатрада қуёш акс этганидек, «Дилхирож туйғулар» китоби «Ўзбекистон дегани қанақа юрт ўзи? У ерда қандай одамлар яшайди? Бу халқнинг миллий менталитети қандай?» деган саволларга ҳам чиройли ва мукамал жавоб беради.

6. Абдунаби ишлаган жойида астойдил, куйиб-пишиб хизмат қилади, қўл учида, нари-бери ишлашни ёқтирмайди, ўзимдан бирон-бир из қолдирсам, савоб иш қилсам дейди.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасида ишлаб юрганида «Ўзбекнаво»: устозлар, юлдузлар, шогирдлар» деган китобнинг яратилишида бошқош бўлди. Натижада санъатимиз фахри-ғурури ва келажаги ҳақида қомусий бир тўплам юзага келди.

7. Одамзод оламнинг ва одамнинг мукамаллигини орзу қилиб яшайди. Хом сут эмган бандда ўзини эзгу амаллар тарафдори қилиб кўрсатади, афсуски, бу кўҳна дунёда илмига амал қилиб яшаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Абдунаби баҳоли қудрат ана шу мушкулотнинг уддасидан чиқишга ҳаракат қилади. Имон, эътиқод, эзгулик каби муқаддас тушунчаларни энг муҳим қадрият ҳисоблайди, имкон қадар илмига амал қилади. Шу

боисдан яқинлари — дўстлари, ёру биродарлари, қариндош-уруғларига ўта меҳрибон, эътиборли, оқибатли ва олийҳиммат. Бу фазилатлар айниқса ҳозирги замонда жуда «дефицит»дир. Мабодо Абдунабига кимдир озгина бир яхшилик қилиб қўйса, шуни ўн ҳисса қилиб қайтармагунча кўнгли жойига тушмайди. Айни чоғда у ҳазрат Навоийнинг «Меҳр кўп кўргуздум, аммо...» деган ғазалини тез-тез эслаб туради...

**8.** Сир эмас, дўстига амал тегса, муомала-муносабатни янада қуюқроқ қилиб, ширага интилган пашшадек парвона бўлиб қоладиганлар тоифаси кам эмас. Абдунаби эса бундай пайтда аксинча, дўстининг ютуғидан самимий қувонса-да, андишага бориб, ўзини четроққа олади, аммо дўстининг яхшиёмон кунда доимо ёнида бўлади. Ҳамма нарсанинг беғубор, бегараз бўлишини истайди.

**9.** Устозларига, дўстларига ниҳоятда содиқ. Бир вақтлар яқин дўсти, кейинчалик халқимизнинг суюкли шоири бўлиб етишган Муҳаммад Юсуф ошиқи беқарор бўлиб қолганда устози Назир Сафаров билан атоқли олим Файбулла Саломовнинг уйига совчиликка («қулчиликка») боришгани, бу тарихий ташрифнинг қизиқ тафсилотлари, ўзбекона удумларимизнинг фаройиботлари ҳақида тўлқинланиб эслайди, ўша устозларнинг хотирасини астойдил эъзозлайди, маърака, издиҳомларида ҳаммиша бош-қош бўлади. Андижондан устози Камчибек Кенжа келишини эшитса, қувониб, ҳаяжонланиб, «Эшитдингизми, Қамчибек ака келаркан» дея ўзини қўярга жой тополмай қолади. Устози неча кун пойтахтда бўлса, шунча кун изидан қолмай хизматини қилади, бу саъй-ҳаракатларнинг ҳаммаси самимий, чин юракдан бўлади.

**10.** Ўрисларда ишончли одам ҳақида гап кетса, «Фалончи билан разведкага бориш мумкин», дейишади. Абдунаби билан нафақат разведкага, балки Маккаи Мукаррамага ҳам пиёда бориш мумкин...

**11.** Бу кўҳна дунёда яшаб, ўзгалар кўнглига озгина бўлса-да бир илиқлик, ёруғлик бахш этолмай,

демакки умрини беҳуда яшаб ўтаётган гумроҳлар бор. Абдунабининг бахти шундаки, унинг қалбида одамларни ўзига тортадиган бир оҳанрабо бор, санокли бўлса-да (ҳақиқий дўстлар кўп бўлмайди) уни тушунадиган, қадрига етадиган дўстлари бор. Ана ўшалар ўртасида гоҳо шундай гап-сўзлар (ўзига хос бир меъзон) ҳам қулоққа чалиниб қолади: «Абдунаби қатнашган тадбир файзли бўлади», «Абдунаби бўлганда мушкулумиз осон кўчарди»...

Менимча, бундай самимий эътирофлар умрининг мазмунига берилган баландпарвоз гаплардан аълороқдир.

12. Табаррук ёшни нишонлаётган одамни фақат мақтайвермай, айрим камчиликларини ҳам «ошкор» қилиш мумкин, деб ўйлайман. Масалан, айрим дўстлари Абдунабини кўнгли ўта нозик, инжиқ (бундай характер билан яшаш ҳар қандай замонда осон бўлмаган) дейишади. Балки бу гапларда жон бордир. Аммо Абдунабини тўғри тушуниш керак. Ахир инсоннинг кўнгли... нозик бўлиши керак-да! Шунинг учун ҳам у ҳазрати инсон! Доноларнинг эътирофича, кўнгил нозиклиги инсоннинг маънавий бойлигидир. Лоқайдлардан, тўқимтабиатлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

13. Абдунабининг ҳали олдинда қиладиган ишлари кўп. У бизни ажойиб шеърлари, долзарб публицистикаси билан яна кўп қувонтиради, ҳайратлантиради. Демак, олдинда бизни бетакрор истеъдод соҳиби ва яхши бир инсон билан мароқли, дилкаш гурунглар кутмоқда. Зеро, Абдунабининг ўзи лутф этганидек:

*Йўқ, ор-номус ҳали устувор,  
Дунёда бор — бир дунё ҳақим.  
Бу ҳаётдан — ҳаёт қарзим бор,  
Туганмас ишқ, меҳр-шафқати!..*



## ҚОРА ҚАСР ФОЖИАСИ

Агар сиз биронта ёзувчининг асарини маза қилиб ўқиган бўлсангиз, ўша илиқ таассурот бир умр кўнглингизга муҳрланиб қолади. Табиий, кейинчалик ўша ёзувчининг бошқа асарларини ҳам қидириб ўқигингиз келади. Тополсангиз, худди дилкаш дўстингиз билан яна қайта учрашгандек суюниб кетасиз. Менда ҳам яқинда шундай бир ҳолат юз берди.

Янглишмасам, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари «Ёшлик» журналида самарқандлик ёш қаламкаш Ҳабиб Темировнинг «Хиёбондаги одам» деган қиссаси босилган эди. Эркин Аъзамов, Хайриддин Султоновдек зукко ёзувчи-муҳаррирлар назаридан ўтган мазкур асарни зўр иштиёқ билан ўқиганим ёдимда. Қиссада ичкиликка берилиб кетиб ҳаёти издан чиққан ёш шоирнинг аянчли қисмати ҳикоя қилинади. Назаримда, ёзувчи ўз асарининг мавзуси, ғоясига монанд услуб ва оҳангни топа олган эди. Асарни ўқиб бўлганимдан кейин ҳам узоқ вақтгача кўнглимда қандайдир бир мунгли, маънос куй акс садо бериб тургандай бўлди. Қисса айрим танқидчиларнинг «Асар партиянинг ичкилик-бозликка қарши кураш ҳақидаги қарорига жавобан ёзилган» деган мубҳам, асоссиз даъволарига қарамай, адабий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинган ва рағбатлантирилган — журналнинг йиллик мукофотига лойиқ топилган эди.

Ҳ.Темиров ўша асаридан кейин маълум муддатгача фаолроқ ижод қилмай юрган бўлса-да, айрим асарлари чоп этилиб турди. Аммо улар ўша қиссанинг соясида кўзга унчалик чалинмади. Мана, орадан йиллар ўтгач, адибнинг кетма-кет «Қора қаср асираси» ва «Макрми ё муҳаббат» деган қиссалари «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилди. Камина биринчи қисса ҳақидаги айрим мулоҳазаларимни баён қилиш билан чекланаман.

Китобнинг илк саҳифасида бу асарнинг саргузашт, ишқий-детектив жанрга мансублиги таъкидланган.

Сир эмас, «жиддий адабиёт» мухлислари саргузашт, детектив асарларга қандайдир паст назар билан қарашади. Бундай қарашларда андак жон бордек ҳам туюлади. Айниқса, «сарик матбуот» саҳифаларида худди ёмғирдан кейин пайдо бўлган қўзиқоринлардек кетма-кет босилаётган юзаки, мавзу-мазмуни ҳали мутолаа тутамасданоқ эсдан чиқиб кетадиган саргузашт асарлар адабиётнинг бу турига нисбатан нотўғри таассуротнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки жаҳон адабиётида бу жанрда ўлмас асарлар яратилган. Агата Кристи, Александр Дюма каби адибларнинг асарлари, Ф.Достоевскийнинг машҳур «Жиноят ва жазо» романи саргузашт-детектив жанрининг ажойиб намунаси. Дарвоқе, севимли адибимиз Тоҳир Маликнинг тилга тушиб, қўлма-қўл ўқиладиган «Шайтанат» китоби ҳам саргузашт асардир. Демак, гап жанрда эмас экан. Гап қандай ёзишда! Адабиётда ҳамиша НИМАНИ ёзишдан кўра ўша НИМАНИ ҚАНДАЙ ёзиш муҳимроқ бўлган!

«Қора қаср асираси»нинг саргузашт асар эканлигини билганимдан кейин мен ҳам жиддий адабиёт мухлиси сифатида анча вақтгача китобни ўқишга юрагим бетламай юрди. Ахийри бир куни «Қани озроқ ўқиб кўрай-чи» дея асарни қўлга олдим бошим билан мутолаага шўнғиб кетганимни сезмай қолдим. Асарнинг диққатимни жалб қилган жиҳати фақатгина воқеаларнинг қизиқарли ҳикоя қилинганидагина эмас эди, албатта. Назаримда, ёзувчининг жиддий ютуғи — шохига урса туёғи зирқирайдиган залворли муаммоларни қаловини топиб, қаҳрамонларнинг ички, руҳий дунёсини чуқур, теран тасвирлаш орқали таҳлил эта олганидир. Модомики адабиёт инсоншунослик экан, шундай бўлмоғи табиийдир. Зеро, ҳар қандай санъатнинг бош вазифаси инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни айтишдир. Аммо бунга эришиш осон эмас, албатта.

Ҳ.Темиров аввало ўзи яхши билган муҳит ва одамлар ҳақида ёзишни одат қилган. «Қора қаср асираси» қиссасининг бош қаҳрамони Субут Сокин —

журналист. Бир умр таҳририятларда заҳмат чекиб меҳнат қилган журналист одамга ўз ҳамкасби ҳақида асар ёзиш мундоқ қараганда анча ўнғай туюлади. Аммо медалнинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик керак. Шу ўринда адибнинг ёзиш жараёнидаги аҳвол-руҳиясини ўша машҳур «Айтсам ўлдирарлар, айтмасам ўлам» ҳикмати яхши ифодаласа керак...

Қиссада тасвирланишича, Субут Сокин дадил мавзуларда дадил ёзиб юрадиган, аммо бирон таҳририятда қўним тополмай қийналиб юрган, қобилиятли, билимли, босиқ, мулоҳазали, аммо ҳаётда омади чопмаган, мураккаб синовларга дуч келиб юрган бир йигит. У таҳририятдан хуфия исловоthона ҳақида мақола ёзиб келиш ҳақида топшириқ олади. Ҳаммаси мана шундан бошланади.

«Биринчи бўлиб нигоҳи тушган малларанг қиздан кўзини узолмай қолди. Қолган иккисига ҳам балким қарагандир-у, ҳозир эсида йўқ. Аммо малларанг қизга қарагани заҳоти нимқоронғи хонада «ялт» этиб чироқ ёнгандек бўлди. Тўғрироғи унинг ҳусни бамисоли бир шамчироқдек нафармон тусли хонага олтинранг бир равшанлик бахшида этганди».

Субут фоҳиша қиз Афифа билан шу тариқа танишади. Ана ўша танишув асносида қаҳрамон кўнглидан кечган мураккаб, зиддиятли кечинмалар ниҳоятда табиий, таъсирчан ва гўзал тасвирланган: «Субут унинг бутун борлиғи мана шу бир жуфт кўзда акс этганини англагандек бўлди», «Нега мен оддий бир танфуруш қиз қаршисида юксак хаёлларга бориб ўтирибман?», «Фаҳш оламининг чиркин кирдикорларини аёвсиз фош этиш» мақсадида келганман-ку.»

Хуллас, Субут иродасини қўлга олиб, хизмат вазифасини ўташдан нарига ўтмайди, исловоthонани фош этувчи шов-шувли мақола ҳам ёзади, аммо бундан ҳеч қандай наф чиқмайди, айна чоғда не воҳки ўша фоҳиша қизни яхши кўриб қолади. Уни разолат ботқоғидан қутқариб, уйланади. Аммо у Афифа билан бахтли бўлолмайди. Нега? Бунинг

жавобини ёзувчи Афифа тушиб қолган ўша иф-  
лос муҳитдан, ҳидоят йўлидан тойган хом сут эм-  
ган банданинг феъл-атворидаги мураккаблиқдан,  
ноқисликдан қидиради.

Афифа ҳаётда адашган, алданган қиз. Жаҳон  
адабиётида бундай тоифадаги типлар кўп тасвир-  
ланган. Афифа ҳам шулардан бири. Уни мадания-  
ят соҳасида хизмат қилувчи (ажабо?!) ўз холаси  
Шаҳина хоним манфаат эвазига бузган, йўлдан  
урган. У жиянига очикдан-очик шундай насиҳат  
қилади: «Сендай ҳурилиқо, ҳуснда танҳо, гўзаллар  
гўзали бир ялангоёқ эрнинг иззатини қилиб, юзи-  
дан ўтолмай юриши янги замонга тўғри келмайди.  
Ҳусн — бу бебаҳо бойлик. Уни муносиб баҳосига  
сотиш керак, жоним. Одамларнинг гапига эътибор  
қилиб ўтирма.»

«Узумнинг яхшисини ит ейди» деган қўполроқ  
бўлса-да пурҳикмат мақол бор. Аффанинг гўзал-  
лиги, беқиёс аёллик жозибаси унинг фожиаси-  
ни янада таъкидлаб, бўрттириб тургандек туюла-  
ди: афсус, шундай аёл увол бўлди-я! Қиссанинг  
асосий сюжет чизиғи Субут, Афифа билан боғлиқ  
ишқий саргузаштлар ва Даврбек, унинг хориж-  
га қочиб кетган қайнотаси ҳамда Зоҳидийларнинг  
чиркин ҳаёти тасвиридан иборатдир. Разолат ма-  
конига ин қўйган кимсаларни пес песни қоронғуда  
топибди дегандек амалга, бойликка, кайфу сафо-  
га ружу қўйиш каби шахсий манфаатлар бир-  
лаштириб туради. Аммо бу иттифоқ жуда омонат,  
салга қулайди. Масалан, Даврбек вазиятга қараб  
туриб гоҳ қайнотасига, гоҳ унинг ашаддий душ-  
мани Зоҳидийга хизмат қилади. Ҳатто шахсий  
манфаати йўлида севган аёли Аффани бир кеча  
Зоҳидийнинг қўйнига солиб қўйишга ҳам кўнади.  
Улар ҳамма нарсани, ҳатто муҳаббатни ҳам пулга  
сотиб олиш мумкин деб ўйлайдилар, шу чиркин  
фалсафага амал қилиб яшайдилар. Субутни ўз то-  
монларига оғдирмоқчи бўлиб, олдин унинг қайси  
гуруҳга хизмат қилаётганини аниқлашга кириша-  
дилар. Журналистнинг ҳеч қандай гуруҳга мансуб

эмаслигига ишнолмайдилар. Улар энг холис касблардан бири бўлмиш журналистиканинг аввало эл-юртга, Ватанга хизмат қилиши лозимлигини ҳам ҳазм қилолмайдилар.

Ёзувчининг иккинчи қутбдаги қаҳрамонлар тасвирида фақат биргина қора бўёқлардан фойдаланмагани, мундоқ қараганда энг тубан кимсаларда ҳам гоҳо одамийлик унсурлари йилт этиб кўриниб қолишини эътибордан соқит қилмагани диққатга сазовордир. Социалистик реализм руҳидаги асарларни ўқиб тарбияланган, қаҳрамонларни фақат ижобий ёки салбий тоифага бўлиб ўрганган китобхон учун бу андак ғайритабиий туюлиши ҳам мумкин.

Бир вақтлар ўзининг бойлиги, мавқеидан фойдаланиб ҳали ёш қизалоқ бўлган Афифанинг иффатини поймол этган амалдор, бойвачча йигит Даврбекнинг кўпроқ ҳирс-эҳтирос тарзида намоён бўлувчи севгиси ҳам ўзига хос, ғалати бир туйғу. Буни ҳатто Субут ҳам «Даврбек сизни севган бўлиши мумкин» дея эътироф этади. Аммо у ўз туйғусида собит қололмагани, эътиқодининг сустлиги, тубанлиги ва оқибат ўз манфаатининг қулига айлангани туфайли барибир жирканч кимса бўлиб қолаверади.

Субутдек ўз эътиқодида собит, курашчан, ҳалол йигит ҳам гоҳо вазият тақозосига кўра ғанимлари билан мураса қилишига тўғри келади, ўзининг таъбирича, кимнинг аравасига тушса, ўшанинг қўшиғини айтиб туришга мажбур бўлади. Аммо бу билан китобхоннинг қаҳрамондан ихлоси қайтиб қолмайди.

Назаримизда, Ҳ.Темировнинг энг катта ютуқларидан яна бири — Афифа образидир. Қиссадаги бошқа қаҳрамонларнинг характери айни чоғда уларнинг Афифага бўлган муносабатида ҳам очилиб боради. Адабиётшунослар, танқидчилар ҳали бу образни чуқур таҳлил қиладилар деган умиддаман.

Хўш, нега бу қаҳрамонга алоҳида тўхталяпман? Сабаби — оддий, бу образ бутун мураккаблиги би-

лан анча тўлақонли яратилган. Айниқса Афифанинг Шахина хонимнинг ифлос чангалидан қутулиб, Субут билан қовушгандан кейин ҳам унга хиёнат қилиб, яна ўша эски жойга бориши, Даврбек билан хуфёна кўришиб юриши, айти чоғда Субутдан ҳам бутунлай кўнгил узиб кетолмаслиги — ҳамма ҳаммаси анча чуқур, таъсирчан ва реал акс этган. Қуйидаги тасвирга эътибор қилайлик: «У Субутни фақат аёл эркакни севгани ёхуд хотин ўз суюкли эрини, умр йўлдошини яхши кўргани каби эмас, шунга кўшимча равишда қанақадир илоҳий бир муҳаббат билан: худди фарзанд отасини, сингил акасини мушфиқ бир севги билан ардоқлагани сингари қалбига, жисмига яқин оларди. Худди ўзининг, ўз вужудининг бир қисмидек ҳис эта бошлаганди. Айти пайтда у ўзининг вужудини бегуноҳ ва пок ҳолатда ана шу одамга бахш этолмаганидан армонланар, умр гулшанининг тоза гуллари-ни унга ва фақат унга ҳидлатолмаганидан ўкинар, нафис баданига бегона кўллар, бегона вужудлар тегиб булғанидан сўнггина уни учратганидан афсусланар ва иттифоқо ичидаги ҳеч кимга раво кўрилмаган энг мунис, энг самимий меҳрни унга, фақат унга берганини ўйлаб тасалли топар эди».

Қиссадаги бундай теран психологик таҳлиллар туфайли қаҳрамонлар ўқувчи кўз ўнгида янада табиий, жонли тарзда гавдаланади.

Назаримда, асарнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан яна бири — муаллифнинг ниҳоятда табиий, содда ва самимий услуби! Ёзувчи воқеаларни худди яқин, сирдош бир одамнинг ёнида ўтириб сўзлаб бераётганга ўхшайди. Ҳикоя оҳанги самимий, тасвир эса тиниқ. Бу эса маҳорат маҳсули, албатта.

Ёзувчи ортиқча жимжимадорликдан, кераксиз тафсилотлардан қочади, буни яшириб ҳам ўтирмайди. Масалан, «Сухбатнинг мавзуси кенг қамровли бўлгани учун муфассал тўхталиб ўтирмай, баёни-мизни мухтасар қиламиз» каби изоҳлар китобхонга малол келмайди.

Асарнинг якунида воқеалар ривожини бирмунча тезлашиб кетгандек туюлади. Субут тухмат билан қамалиб қолганда Зоҳидийлар гуруҳининг ундан ҳадиксирагани туфайли (фош этиб қўйишидан қўрқиб) чўчиб, қамоқдан чиқариб олишлари у қадар ишонарли эмас. Чунки Даврбеклар, Зоҳидийлар кагта куч, улар битта оддий журналистдан қўрқиб ўтиришмайди. Ахир улар ўзларига ёқмаган журналистни ишдан бўшатиш учун бутун бошли газетани ёпиб қўйишган эди-ку!

Субутнинг ўз фанимларига қарши курашда ёлғиз эканлиги, ҳамкасбларининг уни ҳимоя қилиш ўрнига дард устига чипқон дегандек нуқул фелъетон қилишлари ҳам китобхонни андак сергак торттиради: наҳотки шундай истеъдодли, дадил журналистнинг атрофида соғлом бир муҳит, уни тушундирган, ҳаммаслак бўладиган биронта ўртоғи, хайрихоҳ одами бўлмаса? Ахир ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас!

Бу танқидий мулоҳазалардан муддао — ёзувчининг далиллаш санъатида ҳали қиёмига етмаган ўринлар учрайди, муаллиф бу борада яна тер тўкиши лозим демоқчиман.

Қиссада аниқлик киритилиши лозим бўлган яна бир ҳолат бор. Асарнинг илк «Муаллифдан» деган бобида «Мақола Субутнинг ҳаётини тамоман ўзгартириб юборган ва охир-оқибат қотилликка қўл уришига сабаб бўлибди...» деган жумла бор. Аммо асар ниҳоясида маълум бўладигани, Субут ҳеч қандай қотилликка қўл урмайди. Театр санъатида «Агар саҳнага милтиқ осилган бўлса, томоша охиригача у отилиши керак» деган бир қоида бор. Бу ерда ҳам ана ўша қоидага амал қилинса чакки бўлмасди.

Асарнинг номи жуда топиб қўйилган, унда рамзий маъно бор. Даврбек Афифага совға қилган кошонани Субут қора қаср деб атайди. Қора қаср — Даврбеклар, Зоҳидийлар дунёсининг разолат ва қабоҳат макони эканига ишора! Демак, айрим танқидчилар ноҳақ иддао қилганидек, ёзувчининг

эстетик идеали мавҳум эмас, аксинча соғлом, аниқ-равшан! Асар ниҳоясида бу маконнинг куйиб кул бўлиши ҳам бежиз эмас. Бу қасрда маликалардек шоҳона яшаши лозим бўлган Афифа эса амалда ўша чиркин, ифлос муҳитнинг асирасига айланиб қолади. Унинг фожиаси ҳам ана шунда.

Китобхон эса ўз истеъдодини яна бир карра намён этган ёзувчидан бундан-да баркамол асарлар кутиб қолади.

### МЕҲРДАН ТУФИЛГАН БИТИКЛАР

Филология фанлари доктори  
ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВГА

Ассалому алайкум ЙЎЛДОШ ака!

Мен бир адабиёт мухлиси сифатида ижодингизни кузатиб келаман. Сўнги йилларда анча фаоллашдингиз. Айниқса, адабий жараён, янги асарлар, китоб ва китобхонлик, мутолаа маданияти ҳақидаги қатор чиқишларингиз эътиборга молик. Олимжон Холдорнинг Миркомилбой ҳақидаги тарихий романи хусусида ёзган дадил мақолангиз олқишларга, қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Сиз яқинда Тошкентда даволаниб, Фарғонага қайтишдан олдин беш-олти нафар ижодкорнинг бошини қовуштириб, (бағоят савоб иш!) чойхонада бир пиёла чой бердингиз. Аслида бунинг тескариси бўлиши керак эди, лекин марказда яшашнинг ўзига хос, валати таомиллари бўларкан-да. Айтишларича, Расул Гамзатов Москвага келса, пойтахтлик ёру биродарларини ресторанга чорлаб, зиёфат бераркан. Қандаш сўзида шундай ҳазил қилиб кўяркан: «Азиз москваликлар! Биз — доғистонликлар меҳмондўст халқмиз! Доғистонга келсангиз биз сизларни меҳмон қиламиз. Москвага келсак, яна биз сизларни меҳмон қиламиз!»

Хуллас, ўшанда Сизнинг шарофатингиз билан Худойберди Тўхтабоев, Омон Мухтор, Анвар Обид-



жон, Насриддин Муҳаммадиев иштирокида яхшигина гурунг бўлди. Қалам аҳли анчагина бир-бирини соғиниб қолишган экан-да. Адабиёт ҳақида, ижод машаққатлари ва завқи-сурури ҳақида мириқиб суҳбатлашдик. Шу ерда «Дўрмон ҳангомалари» китобимни сизга тақдим этдим. Бундан беҳад хурсанд бўлиб, янги чиққан китобингизни совға қилишга ваъда бердингиз. Дарвоқе, суҳбатимиз давомида «Мен сиздан сабоқ олдим» деган ўша китобингиз ҳам бир неча бор тилга олинди. Кейинроқ, ваъдангизга биноан ушбу китобни ўғлингиз Музаффар менга етказди. Китобни зўр қизиқиш ва қониқиш билан ўқиб чиқдим. Назаримда, танлаган мактуб усулингиз айна муддао бўлган ва ўзини оқлаган. Мен ҳам китобингизга сизнинг йўлингиздан бориб, мактуб орқали муносабат билдиргим келди.

Муқаддимада тўғри қайд қилганингиздек, мактуб кўнгил элчиси. Коммуникация тизими қанчалик ривожланмасин, электрон почта, интернет ва глобаллашув қанча оммалашмасин, барибир мактубнинг ўрнини босолмайди, унинг йўриғи, аҳамияти ўзгача. Ёзишмаларда мактуб эгасининг нафасини ҳис этиб турасиз, у билан ёнма-ён тургандек бўласиз. Афсуски, бизда эпистоляр жанр унчалик ривожланмаган. Рус адабиётига назар ташлаб, ёзувчиларнинг кўп томликларини варақласак, уларнинг талай қисми мактублардан иборат эканини кўрамиз. Бу мактублар ўша ёзувчиларнинг баркамол асарлари каби мароқ билан ўқилади. Мен ҳар гал Толстой ва Чеховнинг мактубларини ташналик билан мутолаа қиламан.

Сиз китобингизда ўзингиз «яхши кўрган, яхши билган» адиблар — Саид Аҳмад, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Муроджон Мансуров, Машраб Бобоев, Нусрат Раҳмат, Муҳаммад Али, Набижон Боқий, Носир Зоҳидлар ҳаёти ва ижоди ҳақида самимият билан, тўлқинланиб ёзасиз.

Бизда танқидчилик зўрға-зўрға нафас олиб турган, аҳён-аҳёнда ёзилаётган асарлар ҳам муноса-

бат билдирилмагани учун аксарият ҳолларда сувга чўккан тошдек изсиз кетаётган, мутолаа маданияти ва умуман мутолаанинг ўзи ҳам ноёб ҳодиса бўлиб қолаётган, китобхонлар диди-савияси сариқ матбуот томонидан аёвсиз захарланаётган бир паллада Сиз гўё «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқми? Кўзингизни каттароқ очинг! Бизда мана шундай ажойиб ёзувчилар бор! Уларнинг фалон-фалон асарларини ўқимабсиз — дунёга келмабсиз! Тезроқ улардан баҳраманда бўлинг!» дея ўз вақтида хитоб қилдингиз. Ўзингиз мактуб битган адиблар ҳаёти ва ижодига кўзгу тутиб, уларни китобхоннинг кўнгил мулкига айлантиришга уриндингиз.

Сиз китобингизда тилга олган ёзувчилар билан мен ҳам кўп мулоқотда бўлганман, дилкаш ва қувноқ Нусрат ака билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бирга ишлаганмиз. Айтмоқчиманки, бу адибларнинг ижодидан яхши хабардорман. Шу боис китобингизни ўқиётиб, табиий, Сизнинг кузатишларингиз билан ўзимнинг фикрларим қанчалик бир-бирига мос келиш-келмаслиги (мос келиши мутлақо шарт эмас, албатта) ҳақида ўйладим. Дарҳақиқат, адабиёт индивидуал ҳодиса, унинг идроки, баҳоси ҳам ҳар кимнинг ўзига хос диди, савияси, хоҳиш-истаги доирасида бўлади. «Дидлар ҳақида баҳслашилмайди» деган гап ҳам бор. Менимча, гоҳо баҳслашиш ҳам керак, зеро ҳақиқат баҳсларда туғилади.

Китобингиз устоз Саид Аҳмадга мактуб билан бошланади. Бу бежиз эмас. Адибнинг аксарият қаҳрамонлари Фарғона фарзанди. Водийликлар ҳам Сиз каби Саид Аҳмадни худди ўз туғишган, яқин одамидай ардоқлайдилар. Сиз ёзувчи қаҳрамонларининг ҳаётийлигини, характерларнинг тўлақонли, тасвирнинг тиниқ ва табиийлигини тўғри таъкидлаган ҳолда, устозга бўлган ҳурмат-эҳтиромингизни ҳам тортинмай, тўлиб-тошиб изҳор этасиз. Устоз билан боғлиқ қувноқ ҳазил-мутойибаларни завқ-шавқ билан эслайсиз. Ҳатто бир ўринда андак жўшиб кетиб, «агар мен ҳайкалтарош

бўлганимда эди, вафодор эркак тимсолини ҳеч иккиланмасдан Сизнинг қиёфангизда яратган бўлардим...» дейсизки, устозни ҳаётда кўрган, яхши билган одамлар бу эътирофингиздан ҳайратга тушадилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовни «Адабиётимизнинг пўлат чавондози» деб атайсиз. Ёзувчи ижоди ҳақида илҳом билан, мароқли ҳикоя қиласиз. Дарвоқе, камина ҳам талабалик йилларимдан Ўткир Ҳошимов ижодининг мухлисиман. Диплом ишим ҳам Ўткир аканинг қиссалари ҳақида эди. Унда ёзувчи асарларидаги лирик оҳанг ҳақида алоҳида тўхталгандим. Сиз бу мавзунини анча кенгайтириб, янада асослаб қайд қилгансиз. Ёзувчи асарларининг китобхонлар томонидан суйиб ўқилиши сабабларини анча холис таҳлил этгансиз. Шунингдек, сўнги йилларда анча баракали ижод қилаётган Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Муроджон Мансуров, Нусрат Раҳмат, Омон Мухтор, Муҳаммад Али асарларининг диққатга сазовор жиҳатларига ҳам атрофлича тўхталгансиз. Набижон Боқийнинг архивларида кўп заҳмат чекиб ёзган «Қатлнома» китобидан астойдил ҳайратланасиз, ёзувчини тирик архивга ўхшатасиз.

Китобингизда ўзингиз қайд этганингиздек, икки йўналиш устувор. Буларнинг биринчиси, шахсий, дўстона муносабатлар бўлиб, бу йўналиш беғараз ҳазил-мутойиба оҳанги билан йўғрилган. Иккинчиси, шу адиб ижодига адабиётшунос-мутахассис сифатида ёндашиш...

Адабиётшунос, танқидчи биринчи галда ёзувчининг ютуғини кўра билиши керак деб ўйлайман. Акс ҳолда у олим эмас. Сиз ўзингиз тилга олган ёзувчиларнинг асарларидан аввало фазилат қидирасиз (афсуски, тирноқ остидан кир қидирадиганлар ҳам бор) ва менимча тўғри қиласиз. Камчиликларга эса бирмунча бағрикенглик билан ёндашасиз. Китобингиздаги ўша иккинчи йўналишни мутлақо камситмаган ҳолда айтмоқчиманки, менга китобнинг биринчи йўналиши билан боғлиқ хотиралар, таф-

силотлар кўпроқ маъқул бўлди. Самимий, жўшқин хотираларингиз Сиз тилга олган адиблар сиймосини ўқувчи кўнглига янада яқинроқ ва азизроқ қилади, китобхоннинг уларга ихлоси ортади, бу адибларнинг асарларини энди бошқача кўз билан ўқишга ва уқишга ундайди. Янглишмасам, китобингизнинг муҳим фазилатларидан бири ҳам ана шунда! Шу ўринда устоз Асқад Мухторнинг «Ёзувчининг таржимаи ҳоли қанчалик бой бўлса, шунчалик яхши» деган ибратли ўғити ёдга тушади. Афсуски, бизда ижодкорнинг таржимаи ҳолига эътибор суст. Балки шу боисдандир, мемуар адабиёт яхши ривожланмаган. Ёши улуғроқ адибларимиз негадир ўз замонаси ва замондошлари ҳақида хотиралар ёзишмайди. Уйғун, Яшин каби Чўлпонни, Усмон Носирни яхши билган катта авлод вакиллари ҳам кўрган-кечирганларини ёзиб қолдирмадилар. Заҳматкаш адабиётшунос олим Наим Каримов «Чўлпон» деган маърифий роман ёзиб, хайрли, савоб иш қилди. Ушбу китобни ўқиганимда қатағон қурбони бўлган буюк шоир ҳаёти ва ижодини яхши билган замондошларининг хотиралари ўз вақтида ёзилганда эди, Чўлпон ва у яшаган даврнинг фожиаси бутун мураккаблиги ва даҳшатлари билан, янада ёрқинроқ ва таъсирлироқ акс этган бўлур эди деган фикр ҳам хаёлимдан ўтди. Сизнинг китобингиз маълум маънода адабиётимиздаги ана шу бўшлиқни тўлдиради ва бошқа олим, адибларни ҳам шундай хайрли ишларга даъват этади деб ўйлайман.

Узр, мавзудан андак чалғидим. Китобингиздаги икки йўналиш ҳақида гапирётгандим. Биз Сиз тилга олган адиблардан беш-олти кўйлакни камроқ йиртган авлод адабий муҳитнинг, адабий жараённинг жуда ҳам жўшқин, қайноқ бир даврига гувоҳмиз. Ижодкор учун адабий муҳит сув билан ҳаводек зарур. Ижодкор ана шу муҳит бағрида униб-ўсиб, камол топади. Китобингиздаги жонли хотиралар яқин ўтмишдаги ана шу муҳит билан боғлиқ қайтмас, бетакрор дамларни эсга солади. Ўша ажойиб лаҳзаларни соғинганда юраклар бир

хаприқиб кетади. Шунда беихтиёр инсон умрининг, айниқса ёшликнинг нақадар қисқа, оний лаҳза эканини афсус-армон ила ҳис этамиз.

Энди, очигини айтсам, китобингизнинг иккинчи йўналиши — «адиб ижодига адабиётшунос-мутахассис сифатида ёндашиш»ингиз ҳақида гапириш менга анча оғир. Вазифангиз ҳам аслида анча мушкул эди-да. Ижодкорга асари ҳақида тўғри гапни айтиш, айта олиш азалдан жуда қийин муаммо! Бўшроқ асар ҳақида муаллифга тўғри гапни айтсанг, аксарияти сенга худди синфий душманига қарагандек хўмрайиб, қовоқ-тумшуқ қилиб олади. Шу ўринда мавзуга дахлдор бир латифа эса тушиб қолди. Машҳур инглиз ёзувчиси Б.Шоуга яқин дўсти қўлёзмасини бериб, шундай дебди: «Илтимо — фикрингни дангал очиқ-ойдин айтасан!» Шоу қўлёзмани ўқиб чиққач, дўстига жавоб қилибди: «Фикримни айтмайман, яхшиси, дўстлигимизча қолайлик!»

Дарҳақиқат, тўғрисини айтсанг туққанингга ёқмайсан. Боёқиш танқидчи ҳам ёзувчининг камчилигини айтиб, яна унга дўст бўлиб қолиши кўп қийин масала. Сиз бу мушкулотни ҳам ҳарқалай баҳоли қудрат удалашга урингансиз. Айрим адибларнинг тил, услуб масаласига эътиборсизликларини мисоллар билан, чуқур таҳлил қилгансиз. Аммо шунга қарамай, (танқидни танқид, яъни китобингиздаги ўзим кузатган асосий камчилик ҳақида гапириш — тўғри гапни айтиш муаммоси мана менинг ҳам бошимга тушиб турибди!) Сиз «ўзингиз яхши билган» адибларни «яхши кўрган»ингиз учунмикин, негандир ўртамиёна ва ундан ҳам бўшроқ асарларини ҳам анча ошириб, юқори баҳолайсиз. Ахир ўзингиз Носир Зоҳидга ёзган хатингизда «қусурларни хаспўшлаб, мақтаб қўя қолайми? Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?» дейсиз-ку?!

Дарвоқе, Н.Зоҳид асарларидаги камчиликларни унчалик хаспўшламагансиз, аммо номдорроқ, суяги қотган (демак, танқидга ҳам чидамлироқ) адибларни эса кўпроқ сийлаб юборгансиз. Уларнинг ил-

гари ҳам озми-кўпми ўз баҳосини олган асарлари ҳақида айтилган тўғри, холис баҳо аввало адибларнинг ўзига ва шубҳасиз, китобхонга ҳам кўпроқ наф келтириши мумкин эди.

Биз андишали, кўнгилчан халқмиз, (бундан кўп азият чекамиз), менталитетимиз шундай. Шу боис танқиддан кўра мақтовга кўпроқ мойилмиз. Аммо асоссиз мақтов ҳеч кимга фойда келтирмайди. Тўғри, ёзувчилар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра рағбатга муҳтож. Бозор иқтисодиёти ижодкорни ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда. Шу мураккаб жараёнда айримлар мувозанатини йўқотиб қўйди, ёзишдан, ижоддан ҳафсаласи совиди. Гоҳо ўйлаб қоламан: балки адабиёт энди ҳақиқий синовдан ўтаётгандир. Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой ёзмасдан тура олсангиз ёзмай қўя қолинг деган эди. Балки энди фақат ёзмасдан тура олмайдиганларгина ёзаётгандир. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, бу яхши-ку! (Афсуски, бундай эмас! Грофаманлар ҳамиша бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади.) Аммо нима бўлганда ҳам китобхон учун натижа муҳим. Адабиётнинг тошу тарозиси эса ҳамма учун бир хил. Асар бир муқова остига жамланиб, китоб ҳолида чоп этилгач, у кўпчиликнинг мулки бўлади, у ҳақда айтиладиган фикр адолатли бўлмоғи ва тараққиётга хизмат қилмоғи лозим.

Китобингиздаги ўзим кузатган бошқа камчиликлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмайман. Фақат, «тўлиқ рақамли юбилейлар» (?), «ҳаётий муаммоларни шафқатсиз равишда фош этасиз» (?), (муаммо қўйилиши ёки кўтарилиши мумкин), «фикр асар организмига (?) сингдирилган», «асарларнинг ўқимишлилиги» (асар ўқишли бўлиши мумкин) каби жузъий ғализликлар асарнинг кейинги нашрида тузатилар деган умиддаман.

Ҳамма нарса меҳрдан туғилади. Адабиёт ҳам, демакки адабиёт ҳақидаги илм ҳам ана ўша меҳр маҳсули. Сиз ўзингиз мактуб йўллаган ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақида юксак эҳтиром билан, меҳру ихлос ила ҳикоя қиласиз, қайд этилган кам-

чиликларидан қатъи назар, ана шу фазилат китобингизни нурлантириб, унга илиқлик, самимият бахш этиб турибди. Яхши китоблар ёзинг. Ижодингизга барака, ўзингизга сиҳат-саломатлик тилаб, мухлисингиз Шодмон Отабек.

## ИЛОҲИЙ МУҲАББАТ ТАЛҚИНЛАРИ

«Шарқ зиёкори» китоб дўконига кириб, пештахталарга чиройли териб қўйилган, бежирим, бири-биридан кўркам, китобат санъатининг сўнгги ютуқлари асосида чоп этилган турфа хил асарларни кўриб ҳавасим келди. Айни чоғда суврат ва сийрат ҳамиша ҳам бир-бирига мос тушавермаслиги хаёлимдан ўтди. Айрим қалин китоб муаллифларининг номи менга мутлақо (ҳарқалай, адабиётдан андак хабардор одамга) нотаниш эди. Бунақа китобларни сотиб олиш учун ортиқча маблағдан ташқари журъат ҳам керак. Шоир лутф этганидек, ширин ёлғонга (чиройли муқова, сифатли қоғоз, мақтовдан иборат сўзбоши!) «аданиб қолғон ёмон». Сир эмас, эндиликда китоб чиқариш ҳам осон, ҳам қийин. Пул бўлса чангалда шўрва, китоб чиқаверади, маҳаллий классиклар ҳам кўпаяверади. Аммо ўша шўрва бе-маза бўлса-чи?

Олдин иккиланмасдан сотиб олишга арзийдиган китобларни (Ғафур Ғулом, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров асарларини) харид қилгач, яна пештахталарга бирров назар ташладим. Шунда Нигина Ниёзнинг «Савдойи қиз» деган китобига кўзим тушиб қолди. Муқовадаги қизнинг сурати диққатни жалб қиладиган даражада кўркам эди. Китобни секин қўлга олиб, аста варақлаб кўрдим, унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик сўзбоши ёзган экан. Ҳойнаҳой, шундай машҳур ёзувчи бежиз мақтамагандир дедиму бу китобни ҳам сотиб олдим. Тўғри қилган эканман, уйга келгач, китобни бош кўтармай, бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Азбаройи завқим тошганидан гоҳо муаллифнинг сура-

тига қараб-қараб қўяр, наҳотки шу нарсани аёл боши билан ўзи ёзган бўлса дея ҳайратланар эдим.

Мундоқ ўйлаб кўрсам, бозор иқтисодиёти синовларига андармон бўлибми ёки ўз гумроҳлигим, танбаллигим туфайлими, ҳарқалай, санъатдан, адабиётдан таъсирланмай қўйган эканман. Ҳатто қаламкашлар ўзаро учрашганда ҳам китоб ҳақида, адабиёт ҳақида негадир камроқ гурунглашамиз. Эслайсизми, болалик ва ўсмирлик чоғларимизда яхши китоблардан қандай таъсирланар эдик. Бокира туйғуларимиз, онгу шууримиз мутолаа туфайли алғов-далғов бўлиб кетмасмиди? Бир неча кунгача китоб қаҳрамонлари ҳаёти билан яшамасмидик?..

Нигина Ниёзнинг китоби ўша бетакрор даврларни эсимга туширди.

«Савдойи қиз» тўпламига кирган қисса ва ҳикоялар завқ-шавқ билан ўқилади. Муаллиф — услуби шакланган ёзувчи. У нимани қандай ёзишни (ёзувчи учун ўта муҳим фазилат!) яхши билади. Ўзи яхши билган нарсалар ҳақида, қисқа ва лўнда ёзади. Шунинг учун ҳам ёзганлари ҳаётий, образлари жонли, ёрқин.

Устоз Иброҳим Ғафуров «Ҳаё — халоскор» деган китобида ёзади: «Ҳозирги» адабиёт кўпроқ бугуннинг воқелигини эмас, кечаги кунларни, уларда кечган маънавий-руҳий, ижтимоий таназзуллари акс эттиряпти. «Бугуннинг» воқелигини бадиий адабиёт ҳали тўла англаб, мулоҳаза қилиб улгургани йўқ.»

Дарҳақиқат, «бугуннинг» воқелиги ҳақида асар яратиш осон эмас. Бугунги кун — эртага тарих. Тарих эса масофадан яхши кўринади.

Н.Ниёзнинг айна «бугуннинг воқелиги» ҳақида асар ёзишга журъат этгани диққатга сазовордир. Мен тўпламдаги «Пахмоқ қизнинг бахти» қиссасини назарда тутаётirman. Қисса шу кечакундуздаги журналистлар ҳаёти ҳақида. Газета таҳририятидаги иш жараёни, ундаги ўзига хос муаммолар, ғаройиб воқеалар ниҳоятда мароқли ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамони — журналист Муниса



ҳозирги ёшлар таъбири билан айтганда анча «крутой» қиз. Фурури баланд, спортнинг УШУ тури билан шуғулланган, ўзини хафа қилдириб қўймайди. Беодобларнинг, айрим инсофсиз, диёнатсиз кимсаларнинг бошлаб тазирини беради. Ҳар қанча серзаҳмат, сермашаққат бўлмасин, ўз касбини севади, ардоқлайди. Муаллиф асардаги бошқа образларга ҳам жон ато эта олган. Шу ўринда Нигина Ниёз услубига хос яна бир муҳим фазилатни алоҳида таъкидлагим келади. Бу — тўпламдаги асарларга бетакрор, ўзига хос жозиба бахш этиб турган ҳаётбахш юмор, беғубор ҳазил-мутойибадир. Ёзувчи юмордан шунчаки китобхонни зериктирмаслик, асарни қизиқарли қилиш воситаси сифатидагина фойдаланмайди, айнаи чоғда характер ва ғояни очишга хизмат қилдиради. Дарҳақиқат, асарда шундай ажойиб топилмалар, ғаройиб тафсилотлар борки, уларни фақат юмор воситасидагина шундай мароқли, таъсирчан ифодалаш мумкинлигига амин бўласиз.

«Пахмоқ қизнинг бахти» соф реалистик асар бўлса, тўпламдаги бошқа ҳикоялар асосан фантастика жанрига мансубдир. Сўзбошида тўғри қайд этилганидек, «ҳаётий воқеалар мажмуи мажозий тилга кўчирилади. Адиба Нигина Ниёз асарларида айнан мажозий ташбиҳлар алоҳида ўрин тутлади. Бу жанр адиба маҳорати ила алоҳида услубга айланади.»

Тўпламдаги аксарият ҳикояларнинг мавзуси ўша кўҳна, «аммо ҳар бир юрак уни янғорта»диган (Ҳоди Тоқтош) муҳаббат ҳақида! Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари «ўзга олам вакили», «ўзга дунё фуқароси». Уларнинг севгиси ҳам шунчаки оддий севги эмас, илоҳий севги! Таъкидлайман — китобий эмас, илоҳий севги! Бу ҳикояларни хотиржам, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Қаҳрамонларнинг дарду қувончи, кўнгил кечинмалари беихтиёр китобхонга ҳам «юқади», шунда юрак хапrikaди. Эҳтимол, айрим китобхонлар «Ҳаётда бундай севги бўлмайди-ку!» деб ўйлаши мумкин. Шу ўринда до-

нолардан бирининг «Бизга руҳимизни туширадиган ҳақиқатлардан кўра кўнглимизни кўтарадиган алдовлар муҳим», деган ҳикмати хаёлга келади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, улуғ рус ёзувчиси Тургенев ҳаётда учрамаса ҳам илоҳий севгига қодир, дилбар аёлларнинг ажойиб образини яратгандан кейин ҳаётда ростдан ҳам шундай аёллар пайдо бўлган экан!

Муҳаббат ҳақидаги бу лирик ҳикояларнинг ҳаётий асоси ҳам бор-да. Ўз умрида ҳақиқий, идеалидаги, демакки илоҳий севгини орзу қилмаган одам бўлмаса керак. «Мен илоҳий муҳаббатнинг латофатли, ҳузурбахш аксилмоддий жиҳатларини инсонларга намоён этишни истайман. Токи улар ҳам дунёда бўлакча муҳаббат борлигини ҳис этсинлар» дейди «Мубҳамлик севгим менинг» ҳикояси қаҳрамони.

Бу ҳикояларни ўқиётганда китобхон беихтиёр ўз ўтмишини, илк севгисини, муҳаббат изтироблари билан боғлиқ орзу-армонларини эслайди ва гарчи, шоир таъбирича, «муҳаббат тақдиридан мақтанолмаса» ҳам, «дунёда бўлакча муҳаббат борлиги»га ишонгиси келади.

Мулоҳазалар охирида китобнинг полиграфик ижроси ҳақида (сабоқ бўлар деган умидда) икки оғиз сўз: афсуски, шундай яхши китобнинг айрим саҳифалари алмашиб кетган, уларни жой-жойига қўйиб ўқигунча китобхоннинг асаби бузилади.

Истеъдодли адиба Нигина Ниёз навбатдаги «Савдойи қиз» китоби билан имкониятлари катта қаламкаш эканлигини кўрсатди. Энди китобхонлар ундан янада баркамол асарлар кутади.



Кўнгли  
торраҳаларига



**Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.**

*Алишер Навоий*

Ўзим гувоҳ бўлган бу нохушлик ҳақида ёзсамми ёки йўқми, дея кўп ўйладим. Ўша кўнгилсиз воқеа нафсониятимга қаттиқ тегди, унинг таъсирида бир неча кунгача мувозанатимни йўқотиб, ўзимга келолмай юрдим. Ахийри зора сабоқ бўлар, дея ёзишга жазм қилдим. Зеро, ҳаётнинг аччиқ сабоқлари, тавба-тазаррулар покланиш, ўзликни англаш йўлида асқатиши мумкин.

Воқеанинг қисқача баёни шундай: таниқли мусаввир дўстим уйидаги зиёфатга таклиф этди. Меҳмонларнинг аксарияти санъатга даҳлдор, зиёли одамлар эди. Уларнинг кўпчилигини олдиндан яхши танирдим. Нотанишлар ўзаро танишиб олгач, гурунг авжига чиқа бошлади. Меҳмонлар «захри қотил» деган зормандадан ҳар гал нутқ ирод қилароқ қадаҳ уриштириб, жаранглатиб олиб туришди. Камина — ичмайдиган одам, «ола қарға» бўлиб, бу «гуноҳим»дан андак хижолат чеккандай бир чеккада кузатиб ўтиравердим. Хайриятки, шу масалада бир оз демократия бор экан, ичишга зўрлашмади. Шунисига ҳам шукур қилдим.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ичмайдиган, оламга ва одамга ҳушёр боқадиган кишининг хатти-ҳаракати табиий, фикрлаши соғлом бўлади. Балки ана шу сабаб бўлдими, даврадаги мўйловли, қотма, қирқ ёшларни қоралаган, турқи-таровати совуқроқ (у билан шу ерда танишдик) йигитнинг қилиқлари тобора ғашимни келтира бошлади. Ажабо, у — ўзбек режиссёри мажлисда ёки бирон расмий жойда эмас, меҳмондорчиликда, яна ўз дўстларимиллатдошлари даврасида негадир ўрисча гапирарди. Аввалига уни шунчаки йўлига, олифтагарчилик қилаётгандир ёки даврадагиларнинг миллий ғурурини, сабру тоқатини синаётгандир деб ўйладим. Йўқ, янглишган эканман. Унинг асл қиёфаси

намоён бўла бошлаган сайин юрагим сиқилаверди. Гап орасида ёнимдагилардан ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Кечирасиз, бу киши ўзбекми ўзи?

— Ҳа, ўзбек.

— Нима, у ўз она тилини билмайдими?

— Билади-ю... шу ўрисчага кўпроқ ўрганиб қолган-да. Ўз тилида яхши гапиролмайди.

Ё алҳазар, дейман ўзимча ҳайратланиб. Мустақилликдан олдин бу шармандали ҳолатни тушуниш мумкин эди. Энди замона ўзгарди, одамлар ўзгарди, мустақил бўлдик. Шоир айтганидек, «Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас». Наҳотки бу манқурт (яна режиссёр эмиш!) орамизга бошқа сайёрадан келиб қолган бўлса? Наҳотки заррача хижолат чекмаса? Ахир бу аҳволда русийзабонлардан давлат тилини билишликни қандоқ талаб қиламиз? Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ, дейишмайдими?

Сохта камтарликни йиғиштириб қўйиб айтганда, ўзбек тили ҳали давлат тили мақомини олмасдан анча олдин, аниқроғи 1987 йили бу ўта муҳим масалани матбуотда дадил кўтариб чиққан каламкашлардан бири сифатида ўзимча фахрланиб юрардим. Қаердаки тилга эътиборсизликни, ҳурматсизликни кўрсам ўзимни худди ҳақоратлангандек ҳис этар, бундан эзилиб, ўз ёғимга ўзим қоврилар эдим.

Жаҳл келганда ақл қочади дейишади. Балки ўша ўз тилида гапиришдан ҳазар қилган режиссёрни ёмон кўриб қолганим ҳам жаҳл устида жунбишга келган эҳтиросдир деб ўйладим. Суҳбат жараёнида маълум бўлдики, тилини ҳаққа чўқиган бу манқуртнинг гуноҳи-гумроҳлиги фақат она тилига муносабатидагина эмас экан...

Мустабид тузум шароитида, узоқ йиллар муттасил, онгли, режали равишда ўтказилган машғум сиёсат оқибатида она тилимизнинг камситилгани, мавқеи, нуфузи тобора пасайиб боргани, авлодлар онгига амалда, истиқболда кераксиз тилга айлангани деган тушунча сингдирилгани ва бу сиёсат ўз меваларини бера бошлагани ҳеч кимга сир эмас.

Шундай муҳитда ўсиб, вояга етган авлоддан нимани ҳам кутиш мумкин? Айни чоғда шу даврда яшаганларнинг ҳаммаси ҳам тубанлашиб, манқуртлашиб кетмаган-ку! Даврада ўтирган, камина билан деярли тенгдош бўлган таниқли рассом Алишер Мирзаев ўрта мактабда, беш йил рассомлик билим юртида, яна беш йил Москвадаги олий санъат институтида фақат рус тилида таҳсил кўрганига қарамай, она тили — ўзбек тилини ҳар қандай тилшунос ёки адиб ҳавас қилгудек даражада мукамал билар, ижодида миллий руҳ жуда кучли эди. (Халқ рассоми унвони бежиз берилмаган унга.) Демак, ҳамма гап одамнинг, шахснинг ўзида экан-да!..

Узр, мавзудан андак чалғидим. Мен ҳалиги бегона тилда гапираётган режиссёр ҳақида тўхталмоқчи эдим.

Ҳа, у беписанд, каттазанг бир оҳангда гапирар, бошқаларнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмас, тинглашни, оддий муомала-мулоқот, баҳс маданиятини билмас, фикр-мулоҳазалари ниҳоятда юзаки, мантиқсиз, бир ёқлама эди. Ёнидаги боёқиш ўртоғи унга гап уқтираман, инсофга ундайман дея қийналиб кетди. Режиссёр қиёфасидаги манқурт эса тинимсиз жаврарди:

— Мен ҳамма вақт, ҳар кимга ҳақиқатни дангал айтаман, шунинг учун мени ҳеч ким тушунмайди. Мен ҳақимда ким нима деса деяверсин, менга барибир. Қандай яшашни ўзим яхши биламан. Мен сурган кайф-сафолар, маишатларни айтсам, э-ҳе...

Унинг оғзидан энди беибо, бепарда сўзлар ҳам чиқа бошлади. Йўқ, бу шунчаки мастлик оқибати эмас эди. Боягина дастурхон устида оғизга келганини айтавермаслик ҳақида огоҳлантиришга мажбур бўлган жўрабошининг боши эгилди. Даврада ўтирганларнинг ҳам кайфияти бузилди. Ошга пашша тушган эди. Манқурт эса ҳамон бегона тилда жавраб, асабларни арраларди. Ҳа, яширмайман, шу тобда ундан нафратланардим. Бу ерга келганимдан пушаймон бўлдим. Шундай кимсани даврага қўшиб, у билан ҳамтовоқ бўлишдан жирканмаган дўстларимдан ҳам ҳафа бўлиб кетдим.

Эҳтимол, сиз одамзодни дарҳол билиш қийин, қатъий хулосага шошмаслик керак, дерсиз. Аммо ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, инсоннинг ким эканлиги, ички дунёси унинг бир оғиз сўзиданок маълум бўлиб қолади. Зеро, мақолда айтилгандек, овқат таъми туз билан, одам таъми сўз билан.

Хуллас, ўша ўтиришдан файз кетди. Ахийри ҳамма бир томон, манқуртнинг ўзи бир томон бўлиб қолди. Шунда ҳам ҳеч ким унга жиддийроқ дакки, танбеҳ беролмади. Ўзбекчилик-да: меҳмон отангдан улуф! Одамнинг юзи иссиқ!..

Ана шундай мулоҳаза-андишалар боис қусурларимиздан халос бўлолмай, қулоғимизгача гуноҳга ботиб юраверамиз. Аммо ҳар қандай муросанинг ҳам чеки-чегараси бўлади. Ахир шу даврада «Тилингни ҳаққа чўқиганми, эй нодон! Ҳеч бўлмаса биз билан ўз она тилимизда сўзлашсанг-чи!» дейиш шунчалик қийинмиди? Камина четдан келган меҳмон, «Ие, сизлар ҳалиям давлат тилига ўтмабсизлар-да!» дея енгил киноя қилишдан нарига ўтолмадим.

Тўғри, букрини гўр тузатади, дейишади. Худонинг ўзи уриб қўйган бунақа манқуртларни бандасининг бир-икки оғиз танбеҳи билан йўлга солиш қийин. Шундай бўлса-да, бундай кимсалар билан пачакилашиб ўтирмай, муросасиз оҳангда орани очик қилган маъқул.

Менга алам қилгани, ана шу манқуртнинг режиссёр, яъни санъат оламига даҳлдор (аммо ҳақиқий санъаткор эмас!) эканидир. Бундай режиссёрлар иш жараёнида ҳам артистлар билан «Стоп! Стоп!» дея, ўрисча мулоқотда бўлиши шубҳасиз. Миллий санъатимизнинг бугуни ва келажагига масъул бўлган санъаткорлар орасида афсуски шундай манқуртлар ҳам учраб туради.

Муқаддас ҳадисларда «Олимнинг бузилиши оламнинг бузилиши» деган ҳикмат келади. Дарҳақиқат, ҳақиқий зиёлилар, маърифат ва санъат аҳли азрўйи азалдан эл-улуснинг дарду қувончига ҳамнафас, ҳамдард бўлиб келган. Эзгулик ва ҳақиқат тимсоли бўлмиш бу зотлар эл-юртнинг уйғоқ,

тирик виждонидир. Афсуски, ҳаётда санокли зиёлилар, санъаткорларгина бундай шарафга лойиқ бўлишади. Биз ҳозир ана шундай БУТУН ШАХСЛАРГА ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтожмиз.

Эсимда, бундан кўп йиллар муқаддам Грузияга бориб, гуржилар билан мулоқотда бўлганимда бир ҳолатни кузатган эдим. Гуржилар, даврада ёки расмий жойларда ҳам уларнинг тилини билмайдиган меҳмонлар бўлса, бизга ўхшаб ҳамма тушунсин дея даров бегона забонга ўтавермас, ўзаро фақат ўз она тилида гаплашишар экан.

Ҳа, яхши маънодаги миллий ғурур, ифтихор ҳар нарсадан улуғ, ҳар қандай андиша-иштибоҳдан устувор бўлмоғи лозим. Зеро, ҳар бир халқнинг, ҳар бир шахснинг ким эканлиги унинг она тилига, ўз миллий қадриятларига муносабати билан ҳам ўлчанадики, бу ҳақиқатни унутишга ҳаққимиз йўқ. Минг афсуски, ҳали орамизда қадриятларимизни менсимайдиган, ҳурмат қилмайдиган гумроҳлар, манқуртлар бор. Мустабид тузум гуллаб-яшнаган йилларда уларнинг бирдан-бир «фазилати» ўз тилидан кўра бегона тилда бурро сўзлай олиши эди. Кадрлар танлашда ҳам ана шу нарса муҳим мезон ҳисобланарди. Мана энди замона зайли билан уларнинг пайтавасига қурт тушди. Аммо буларнинг осонлик билан инсофга келиб, тавбасига таянадиган сиёғи йўқ. Қон-қонимизга сингиб кетган лоқайдлик, муросасозлик, ўзликни англашдаги сусткашлик бундай тоифага қўл келмоқда.

Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога? Ҳар қанча қийин, мушкул бўлмасин, аввало ана шу бедаво дардга даво топмоқ жоиз. Ахир шоир ҳам «Ўлдир, ичингдаги душманни ўлдир!» дея бежиз хитоб қилмаган. Ана шу муаммо ҳал бўлгандан кейингина қадриятларимиз, маънавий, моддий бойликларимиз дахлсизлиги ва муҳофазаси ҳақида гапирсак арзийди. Бу осон вазифа эмас.

Қадимги юнон файласуфи Диогендан сўрабдилар: «Одамзод учун энг қийини нима?» До-нишманд шундай жавоб берибди: «Унинг инсон



сифатида ўз-ўзини англаши». Хўш, ўзлигини англамаган, миллий ғурури бутунлай сўнган, дунёқараши чекланган, маънавий олами қашшоқлашган манқуртларни қайта тарбиялаш мумкинми? Қон ила, она сути ила инсоннинг онгу шуурига, жисму жонига сингдирилиши лозим бўлган фазилат-хислатларни тарғибот-ташвиқот воситасида, қонун билан, маъмурий усулда шакллантириш мумкинми? Қайдам?! Ҳарқалай, донолар тарбиядан кўра қайта тарбиялаш қийин дейишади. Демак, хулоса оддий : тарбияда хатога йўл қўймаслик лозим экан.

Ватанни севган одам аввало унинг қонунларини ҳурмат қилиши, унга оғишмай амал қилиши лозимлиги оддий ҳақиқат.

Мустақиллик берган буюк неъматлардан бири — кўплаб қадриятларимиз қатори тилимиз нуфузининг қонун ҳимоясига олинганидир. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ушбу қонуннинг ҳаётда жорий этилиши биз — фуқаролардан изчилликни, фидойилик ва ватанпарварликни талаб этмоқдаки, буни тўғри англамоқ керак.

Тил ҳақидаги аламли-дардли мулоҳазаларимни шоир Шукр Қурбоннинг қуйидаги ўтли мисралари билан якунлагим келди:

*Она тилим, жон тилим.*

*Сенсиз мен сўладирман,*

*Девона бўладирман.*

*Тузқанимга етти ёт*

*Бегона бўладирман.*

*Она тилим, жон тилим —*

*Юрагимнинг қошида*

*Сайраб турган булбулим.*

## **ХОТИРА ЁЗИШ МАСЪУЛИЯТИ**

Машҳур кишилар, буюк сиймолар шахсиятига қизиқиш ҳамиша, ҳамма замонларда кучли бўлган. Улар ҳақида кўп ва хўп ёзилган ва ёзилмоқда. «Машҳур кишилар ҳаёти» туркумидаги китоблар,

замондошлар ҳақидаги хотиралар ана ўша эҳтиёж, қизиқиш маҳсули. Буюк бобокалонларимизнинг бу борадаги фаолияти ҳам ибратли. Ҳазрат Навоийнинг «Насойимул муҳаббат», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби шоҳ асарлари мемуар жанрининг ноёб намунаси сифатида қимматли манбадир.

Адабиётимизда сўнгги йиллар мемуар жанрида анча жонланиш бўлгани кузатилмоқда. Бу қувончли ҳол, албатта. Адабиётни қисмат деб билган ёзувчи Шукур Холмирзаев (Олоҳ раҳматига олган бўлсин) ўзига замондош, тенгдош ижодкорлар ҳақида бир туркум эссе-хотиралар ёзди. Бу жанрда заҳматкаш олим Наим Каримов, айниқса баракали ижод қилмоқда. Унинг «Чўлпон», «Ойбек», «Ойбек ва Зарифа» каби китоблари чоп этилди. Таниқли навоийшунос олим Азиз Қаюмов «Академик Ғафур Ғулом» деган хотиралар китоби билан мемуар адабиётимиз равнақига ҳам ҳисса қўшди. Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг», Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» деган китоблари мухлислар эътиборини тортди. Шунингдек, «Қодирийни кўмсаб», Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор», «Эрта сўнган юлдузлар» (ҳаётдан бевақт кўз юмган ёш ижодкорлар ҳақида) каби китоблар яратилди. Шунингдек, атоқли сиймолар — Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Шухрат, Озод Шарафиддинов, Ғайбулло ас-Салом, Тоғай Мурод ҳақида замондошларининг хотиралари китоб ҳолида босилиб чиқди. Таниқли ёзувчи Қамчибек Кенжанинг қатор сафарномалари бу жанрни юксак босқичга кўтарди дейиш мумкин.

Камина айрим замондошлар ҳақида хотиралар ёзиш баробарида ҳозирги мемуар адабиётининг умумий манзараси билан жиддийроқ танишиш учун юқорида қайд қилинган китобларни синчиклаб, қайта ўқиб чиқдим. Шунда «Бизда хотира ёзиш маданияти эндигина шаклланаётган экан» деган оддийгина хулосага келдим. Китобларга киритилган хотиралар ҳар хил савияда ёзилгани яққол

кўзга ташланади. Хотира ёзишга масъулият билан ёндашган, қаҳрамон ҳаётини яхши билган ва ўрганган, унга ихлос қўйган, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуларини таъсирчан ифодалай олган муаллифларнинг битикларидан кўнглим тўлди. Мен бу ўринда Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Фафуров, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий, Хайриддин Султонов, Сайди Умиров, Мирпўлат Мирзо, Эркин Аъзам, Маҳкам Маҳмудов, Ортиқ Абдуллаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ашурали Жўраевларнинг хотираларини назарда тутяпман. Ушбу хотиралардаги характерли чизиқлар, ибратли воқеа-тафсилотлар, салмоқли фикр-мушоҳадалар қаҳрамонлар суврати ва сийратини ўқувчи кўз ўнгида ёрқин гавдалантиради. Шундай хотиралар китобларнинг умумий қиёфасини белгилаган ва муваффақиятини таъминлаган.

Зарифа Саидносированинг Ойбек, Кибриё Қаҳҳорованинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги китоблари мемуар адабиётимизда янгилик ва катта воқеа бўлди, бу жанрнинг шу маҳалгача кузатилмаган қирралари ва имкониятларини намоён этди. Ҳар икки заҳматкаш, фидойи аёл бутун умрини, онгли ҳаётини, ақлу идроки ва қобилияти, салоҳиятини умр йўлдошларига бахшида этиб, ижодқордек инжиқ ва мураккаб шахсни тушуниш ва қадрига етишнинг олий намунасини кўрсатдилар.

«Аёллар бизни бахтли қилишнинг битта йўлини, бахтсиз қилишнинг эса минглаб усулини билатдилар» деган эди Генрих Гейне. Зарифахоним ва Кибриёхонимлар ана ўша ягона, машаққатли йўлни онгли равишда танладилар ва шу асно ўз номларини ҳам мангуликка муҳрладилар. Тарихдан, яқин ва узоқ ўтмишдан яхши маълумки, ҳаётда хотиндан ёлчимаган не-не буюк зотларнинг умри елга совурилган, боши кулфатдан чиқмаган. Ҳатто Лев Толстойдек буюк зот ҳам умри поёнида хотинидан кўнгли совиб, хонадонини тарк этган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби атоқли адибларимизнинг бахти, демакки халқимизнинг бахти — уларнинг

шундай фидойи, фаришта аёллар билан умргузаронлик қилганида. Бундай умргузаронликнинг осон бўлмагани, буюклар билан ҳамнафас яшашнинг машаққати, масъулияти, айна чоғда нашъу намоси хотираларда ниҳоятда самимият ва эҳтирос билан, таъсирчан ҳикоя қилинади.

Сайди Умиров устоз Файбулло ас-Салом ҳақида чексиз эҳтиром, ихлос ила қалам тебратган: «Профессор Файбулло ас-Салом ёзма нутқи ҳам, оғзаки нутқи ҳам бирдек ўткир, равон, сара олим, ижодкор сирасидан эди. Ёзган сўзи ҳам, айтган сўзи ҳам мағизли, тамизли, тишли-тирноқли, муаммоли, мантиқли, адолатли, оҳанрабо янглиғ ўзига тортгувчи эди, негаки улар қомусий билимли, тафаккури кенг, саводи баланд, имонли, эътиқодли, ахлоқли, маънавиятли инсон томонидан айтилгувчи, битилгувчи эди».

Юракдан, чуқур ҳис қилиб айтилган бу қуйма, самимий эътироф шогирднинг устоз дунёқараши, истеъдоди ва услубининг ўзига хос жиҳатларини назик илғай олганини кўрсатади.

Озод Шарафиддинов бир умр Абдулла Қаҳҳор ижодини ихлос билан ўрганган, тарғиб қилган, унга шогирд тутинган. Унинг устоз ҳақидаги хотираси холислиги, теран мулоҳазалари, қамровнинг кенглиги ва жўшқин эҳтирос билан йўғрилгани боис диққатга сазовор. Атоқли ёзувчининг адабиёт олдидagi буюк хизматлари эътироф этилиши баробарида шахсий ҳаётидаги қийинчиликлар, мураккабликлар, ўша даврдаги раҳбарлар билан муносабатидаги зиддиятлар ҳам эътибордан соқит қилинмайди.

Юқорида тилга олинган хотираларнинг фазилатлари, маънавий-маърифий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, уларнинг кўзга яққол ташланиб турган камчиликлари ҳақида батафсилроқ тўхталиш фойдалироқ назаримда. Очиқ тан олиб айтиш керак, қалб амри билан эмас, мажбурият юзасидан (тўпловчи буюртма берган, муаллиф йўқ дея олмаган) ёзилган, юзаки хотиралар ҳам талайгина. Бундай хотиралар икки томчи сувдек бир-бирига

айнан ўхшайди, такрорлар ғашга тегади, қаҳрамонларнинг фазилатлари шунчаки қайд қилинади, қуруқ мақтов устувор, шу боис улар китобхонни тўлқинлантирмайди. Агар хотиралар юракдан, самимий ёзилса, муаллиф меҳру ихлосини, ҳис-туйғуларини китобхонга ҳам «юқтира» олса, мушоҳадалари тош босса, бундай хотиралар асло бир-бирига ўхшамайди, бетакрор бўлади. Чунки ҳар кимнинг ўз Чўлпони, ўз Қодирийси, ўз Ойбеги бор.

Тўғри, мундоқ қараганда, хотира ёзишнинг аниқ белгилаб қўйилган темир қонун-қоидаси йўқдек. Назаримда, хотирада ҳам муаллифнинг ўқувчига айтадиган муҳим гапи бўлиши керак. Ҳамманинг ҳам хотира ёзишга маънавий ҳаққи (айниқса, гап буюк сиймолар ҳақида кетадиган бўлса!) йўқ! Хотира асосида қаҳрамон ҳаётига дахлдор, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган ёки эшитган бирон ибратли, таъсирли воқеа, тафсилот бўлгани мақсадга мувофиқ. Айни чоғда муаллиф ўз қаҳрамони шахсияти, ижодиёти, у яшаган давр, адабий муҳит ҳақидаги оҳорли, дадил, салмоқли фикр-мулоҳазаларини китобхон ҳукмига ҳавола этсагина мақсадга эришади.

Мустақилликдан илгари ёзилган хотираларда ўша даврдаги ҳукмрон мафкура таъсири яққол сезилади. Муаллифлар кўнглидаги гапни очиқроқ ёзолмас, тарозининг бир палласига хотира қаҳрамонининг шўроларга қанчалик садоқат билан хизмат қилгани қўйилар эди. Балки ана ўша носоғлом муҳит сабаб бўлгандир, 1979 йили чоп этилган «Ойбек замондошлари хотирасида» китобининг (Азиз Қаюмов, Саида Зуннунова, Носир Фозилов хотираларини мустасно этганда) савияси жуда ночор, юзаки. Ҳатто таниқли, машҳур аллома, адибларнинг бу китобдаги хотиралари ҳам талаб даражасида эмас. Замона зайли билан бу хотиралар эскирди. Афсуски, энди уларни қайта тиклаб, янгилаб бўлмайди. Ойбекларни биладиган авлод ўтди ҳисоб. (Демак, хотира ёзиш сира кечиктириб бўлмайдиган, долзарб, хайрли иш!)

Замондошлар Ойбек шахсиятига жуда юксак баҳо берганлар. Устоз Озод Шарафиддинов уни «Миллатни уйғотган адиб» деб атаган! Агар XX асрда иккита комил инсон ўтган бўлса, биттаси Ойбек, агар битта бўлса, у ҳам шубҳасиз Ойбекнинг ўзи эканини эътироф этган! Демак, Ойбек ҳақидаги хотиралар китоби ҳам буюк сиймонинг ўлмас қиёфасига монанд маънавий обида бўлмоғи лозим эди.

Тоғай Мурод ҳақидаги хотиралар китоби эса мустақиллик эпкинидан дадилланиб, эмин-эркин ёзилгани боис бирмунча жонли, мазмунли ва мукаммал чиққан. Айрим хотиралар (масалан, Вафо Файзуллоҳнинг хотираси) қамровнинг кенглиги, теранлиги туфайли мустақил рисола даражасига кўтарилган. Бундай хотираларни ўқиганда китобхон беихтиёр умрбоқий асарлар ёзган адибларнинг хизмати барибир эртами-кечми тан олинади, эътироф этилади деган табиий хулосага келади. Дарҳақиқат, Тоғай Мурод ҳаётлигида адабиёт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланган бўлса-да, ҳали ҳақиқий баҳосини олмаган. Адабиёт илми ҳали унинг ижодини ҳазм қилолганича йўқ. Балки бу ишни энди янгича фикрлайдиган, адабиётга янгича нигоҳ билан қарайдиган авлод удалар. Эзгуликнинг кечи йўқ.

Хотираларнинг тўлақонли, кўнгилдагидек чиқмаётганининг сабаблари кўп. Ҳамма муаммо айланиб келиб истеъдодга, қаламнинг кучи-қудратига тақалади. Айни чоғда бунга боғлиқ бўлмаган жиҳатлар ҳам борга ўхшайди. Шулардан бири — биздаги менталитет, ўзбекона андиша. Шу ўринда устоз Ғайбулло ас-Саломнинг «Эвоҳ, ўзбек бўлиш нақадар оғир!..» деган ҳасрати ёдга тушади. Хотира муаллифлари ўз қаҳрамонларининг айрим қусурлари, инсоний ожизликларини тилга олишдан ийманадилар. Мабодо шундай қилса, қаҳрамоннинг бола-чақалари, қариндош-уруғлари ёқасидан олиб, жанжал чиқарадигандек туюлади. Натижада сипсиллиқ ёзилган хотирада қаҳрамоннинг сиймоси

ўз-ўзидан бир ёқлама талқин этилади, идеаллаштирилади, ҳаётийликдан, ҳаққонийликдан маҳрум бўлади. Тўғри, андиша, одоб керак, албатта, фақат у меъёрида бўлгани, холисликка монелик қилмагани маъқул. Шу ўринда мустақилликдан илгари йигирма йил Ўзбекистонни бошқарган раҳбар, ёзувчи Шароф Рашидов шахсиятининг хотираларда акс этиши масаласи эсга тушади. Албатта, Рашидов ўз даврининг фарзанди эди. Унинг хизматлари, инсоний қусурлари аввало шу билан изоҳланади. Айни чоғда унинг Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Шухрат каби атоқли ёзувчилар билан муносабатлари ўта мураккаб, аниқроғи, ўта совуқ бўлган. Бу ҳақдаги турли миш-мишларга чек қўйиш учун ҳам ушбу масалага аниқлик киритиш зарур эди. Озод Шарафиддинов бу борада очик, холис ёзишга журъат этолгани ибратлидир.

Хотираларда кузатилган яна бир камчилик — фикр қашшоқлиги, журъатсизлик ва ортиқча эҳтиёткорлик. Айрим муаллифлар аён кўриниб турган ҳақиқатларни айтгиси келмайди, замон алақачон жой-жойига қўйиб қўйган масалаларни тилга олишга журъат қилмайдилар. Натижада бундай хотираларнинг бир чети кемтик бўлиб қолаверади.

Маълумки, шўролар замонида яшаган атоқли, таниқли адибларимиз муттасил сиёсий тазйиқ исканжасида яшаб, ижод қилишган, вақти келганда замонасоз, қизил мафкурани шарафлаб асарлар ёзишга мажбур бўлишган. Ўртамиёна ва ундан пастроқ асарлар ҳам ёзишган. Бу фактдан кўз юмиш, уларни тилга олмаслик мумкин эмас. Афсуски, эълон қилинаётган хотираларда масаланинг бу жиҳатига етарли эътибор қилинмаётир.

Кўзга яққол ташланадиган яна бир нуқсон — қаҳрамонларнинг шўро замонида кўп азият чекканига ҳаддан зиёд урғу беришдир. Бундай хотираларда муаллифлар қаҳрамонларини жабрдийда қилиб кўрсатишга мойил бўладилар, уларнинг хизматини шўролар қадрламагани, унвонлар, мукофотлар бермаганини қаҳрамон ҳаётидаги катта фожиа

сифатида талқин этадилар. Бу билан муаллиф ўз қахрамонини улуғлаш ўрнига камситиб, ерга ураётганини сезмайди. Ахир ёзувчи мукофот учун, унвон учун ёзмайди-ку! Билса балиқ, билмаса — Холиқ дегандек, асар аввало китобхон учун ёзилади. Китобхоннинг кўнглига йўл топиш ёзувчининг асосий бахти эмасми?

Адабиётнинг заминида аввало ҳаққоният, самимият туриши лозим. Бу фикр хотираларга ҳам тўла тааллуқли. Агар хотираларга заррача ёлғон аралашса, сезгир ўқувчи буни дарров пайқайди, ҳафсаласи пир бўлади. Афсуски, айрим хотираларга ёлғон, уйдирма аралашиб қоляпти. Ҳурматли адибимиз Саид Аҳмаднинг (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) хотираларида шундай таассуфли ҳол учрайди.

Адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотирасида ўзининг «Уфқ» романи муҳокамаси борасида тўхта-ларкан, шундай ёзади:

«Муҳокама мажлисига табиатим тирриқ бўлиб бордим.» (Абдулла Қаҳҳор унга «ТошГУнинг филология факультетида романингизни муҳокама қилишмоқчи. Бир-икки қитмир олимчалар романи йўққа чиқазишмоқчи, ҳушёр бўлинг», деганмиш. Аввало, бу гапга ишониш қийин.) «Уч-тўрт кишининг романи бадном қилиш учун жиддий тайёргарлик кўргани билиниб турарди» дейилгани ҳам ғалати туюлади. Ажабо, қанақасига... «билиниб турарди»? Хотира давомида яна ўқиймиз: «Зал тўла одам. Студентлар ҳам, ўқитувчилар ҳам кўп. Студентлар шовқин кўтариб, муҳокамани Абдулла Қаҳҳор бошлаб берсин деган таклифлар тушди. Факультет декани Абдулла Қаҳҳорга сўз беришга мажбур бўлди».

Ўша — 1964 йили бўлиб ўтган бу учрашувда биз — филология факультетининг биринчи курс талабалари ҳам қатнашган эдик. Мутлақо бундай гаплар бўлмаган! Муаллиф ёзганидек, шовқин кўтариш, қандайдир талаблар қўйиш хаёлимизга ҳам келмаган. Биз — қишлоқдан кечагина келган ёшлар жуда тортинчоқ эдик. Хотирада ёзилганидек,



Абдулла Қаҳҳорга тазйиқ остида, учрашув бошида эмас, охирида, ҳурмат-эҳтиром билан сўз берилган. Учрашув рисоладагидек, мароқли, кўнгилли ўтган. Фақат атоқли, ҳурматли адибимизга бундай ёлғон нега керак бўлган экан — тушуниш қийин...

Мавриди келганда яна бир мулоҳаза: «Машҳур кишилар ҳаёти» (айрим ҳолларда «Ажойиб кишилар ҳаёти» дейилади, туркумни номлашда бир тўхтамга келингани маъқул) сирасидаги китоблар ҳозирча серия — жанр талабига жавоб бермайди. Гап фақат китобларнинг ёзилиш савиясидагина эмас, албатта. Ушбу китоблар асосан адабиётшунос олимлар томонидан ёзилмоқда. Балки шу боисданми, уларда ёзувчининг асарлари таҳлилига кўпроқ ўрин ажратилмоқда, китобнинг кўп саҳифалари илмий рисолага ўхшаб қолмоқда. Ваҳоланки жанр талабига кўра бундай китобларда қаҳрамоннинг бетакрор шахсияти муаллифнинг асосий диққат марказида бўлиши, асари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам қаҳрамон сиймосини очишга йўналтирилиши лозим. Жаҳон адабиётида бу жанрнинг ажойиб, бетакрор намуналари худди шу йўсинда яратилган.

Модомики бундай серия ҳозирча адабиётшунос олимлар томонидан ёзилаётган экан, муаллифлар потенциал ёзувчилик салоҳиятига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Негадир истеъдодли, таниқли адибларнинг бундай шарафли ва масъулиятли юмушга қўл ургилари келмаётир. Ёзувчи қавмининг олимлар каби архив-ҳужжатхоналар, кутубхоналар чангини ютиб, заҳмат чекишга тоби тоқати йўқ, шекилли...

Умр ўткинчи, хотира боқий. Таниқли, табаррук, буюк сиймолар (улар фақат ўтмишда эмас, бизга замондош ҳам бўлиши мумкин, фақат мақолда айтилгандек, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ!) ҳақида замондошлар хотира ёзишга бурчли! Ўз даврида Лермонтовнинг қотили Мартинов ҳам замондошларининг тазйиқи остида ўзи ўлдирган шоир ҳақида хотира ёзишга мажбур бўлган.

Афсуски, бизда хотира ёзиш, кундалик тутиш анъанаси бўлмаган. Шу боис жуда кўп машҳур,

буюк кишиларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларимиз жуда ғариб. Олис мозийни қўя турайлик, биз яқин ўтмишда яшаб ўтган шоирлар — Фурқат, Муқимий, Завқийлар ҳақида жуда кам нарса биламиз. Қатағон йилларининг қурбонлари — Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларнинг фожиаларга тўла ҳаёти ҳам кўп жиҳатдан бизларга қоронғу. Яшин, Уйғун каби уларни яхши билган замондошлари хотира ёзишмади, билганларини ўзлари билан олиб кетишди... Авлодлар бундан ўзларига тегишли сабоқ, хулоса чиқариб олишлари керак, албатта!..

Улуғларимизнинг нурли сиймосини кўнглимизга яқин қилувчи хотираларнинг жуда катта маърифий, амалий аҳамияти бор. Хотираларда китобхон биронта дарслик ёки қўлланма, рисоаларда учрамайдиган ноёб далиллар, ғаройиб воқеа-тафсилотларни ўқийди. Айрим баҳсли, чалкаш масалаларга аниқлик киритилганидан, шоҳ асарлар қандай яратилганидан хабардор бўлади. Ўзи китобини суйиб ўқиган ёзувчи кўнглига яқин бўлиб қолади. Адабиётга ихлоси ортади. Миллатнинг асл фарзандлари билан фахрланиш туйғуси шаклланади. Фақат хотиралар ўқилса ва ўқишли қилиб ёзилса...

Ҳозир урф бўлган оммавий маданиятга андармон бўлган ёшларнинг аксарияти телевизорда бирикки марта чиқиш қилган хонандани, кинода икки-уч марта роль ўйнаб қўйган актёрларни, футбол юлдузларини яхши билади, уларга қизиқади, аммо Асқад Мухторни, Миртемирни билмайди. Билишга ҳам интирмайди. Қатағон азобларини бошидан кечирган Шуҳрат деган адибнинг ёш ижодкорларга, қалам аҳлига, одамларга қанчалар яхшилик қилганидан, ғамхўр, меҳрибон инсон бўлганидан хабарсиз. Чунки у ҳақдаги хотираларни ўқишмаган. Улар китобдан йироқлашган. Эндиликда бу ташвишли ҳолат катта муаммога айланган. Боқий, ноёб қадрият ҳисобланмиш хотиралар ана ўша маънавий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

## АДАБИЁТ БОЗОРГА МОСЛАШАДИМИ?

Илгари дупша-дуруст, жиддий ҳикоя ва қиссалар ёзиб юрган, эндиликда бозор иқтисодиёти тамойилларига ўзича мослашгандек бўлиб, нуқул ишқий-саргузашт, детектив асарлар ёзишга ўтган бир ёзувчи билан баҳслашиб қолдим. Мен бу ёзувчининг бир мухлиси эдим, ижодини кузатиб борардим. Бирдан ўзгариб қолганига ҳайрон бўлдим. Балки... бирдан ўзгармагандир? Сабабини ўзидан сўраб қўя қолдим. У гапни айлангириб ўтирмади.

— Ҳозир адабиётга муносабат ҳам, адабиётнинг моҳияти ҳам ўзгарди, — деди у саволимга жавоб бераркан. — Ҳозир китобхонни қизиқтирадиган, харидоргир асарлар ёзиш керак. Бунинг учун қизиқ воқеани қизиқарли ҳикоя қилиш лозим. Бошқа йўли йўқ. Менимча, ҳақиқий адабиёт мана шундай бўлиши керак.

— Адабиётга муносабат ўзгарди деган гапингизда балки жон бордир, — дедим у билан баҳсга киришиб, — аммо санъатнинг бир тури ҳисобланмиш чинакам адабиётнинг моҳияти ҳеч қачон ўзгармаса керак. Адабиётнинг тошу тарозиси азрўйи азалдан бир хил, у ҳеч қачон ўзгармайди.

— Барибир асар сюжети қизиқарли бўлмаса ҳозир уни ҳеч ким ўқимайди.

— Янглишасиз, дўстим. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ўша машҳур «Анор», «Ўғри» ҳикояларининг сюжетида ҳеч қандай қизиқ воқеа йўқ, аммо йиллар синовидан ўтган бу умрбоқий дурдоналарни ҳали-ҳамон суйиб ўқиймиз-ку. Хўш, нима учун? Ёзувчи кундалик ҳаётда учраб турадиган, оддийгина, арзимасдек туюладиган кичик воқеадан катта умумлашма, теран маъно чиқарган, илмийроқ тил билан айтсак, катта бадий ҳақиқат ярата олган. Адабиёт тарихида бундай мисоллар кўп. Демак, гап сиз айтгандек қизиқ воқеани қизиқарли ҳикоя қилишда эмас экан-да!

— Мен сизга бошқа мисол келтирай, — деди ёзувчи дўстим ҳам бўш келмай, — «Ўткан кунлар»ни

қандай асар деб ўйлайсиз? Менимча, у детектив-саргузашт асар! Ҳа-ҳа, ажабланманг. Отабек билан қайнотасининг дор остидан қутулиб қолиши, Отабекнинг ёлғиз ўзи душманлари билан олишиб қолиб чиқиши — булар ҳаммаси детектив-ку!

— Тўғри, «Ўтган кунлар»да шунақа саргузашт элементлари бор, аммо барибир бу романни детектив асар деб бўлмайди, жон дўстим! — дедим куйиниб. — Бу асар бизнинг биринчи миллий, тарихий романимиз. Ҳали унга етадиган асар яратилгани йўқ...

— Агар Қодирий романига ўша сиз айтган саргузашт элементларини киритмаганда асари бу қадар ўқишли, қизиқарли чиқмасди, — деди «детективчи» ҳамон ён бергиси келмай. — Айниқса ҳозир бу муаммо ёзувчилар учун асосий масалага айланган. Яна қайтариб айтаман — асарингиз қизиқарли, харидоргир бўлмаса, аввало уни чоп эттиролмайсиз, қолаверса, манфаат ҳам кўрмайсиз.

Биз шу тарзда анча-мунча тортишиб, ҳар ким ўз фикрида қолган ҳолда дўстона хайрлашдик. Бу баҳс хаёлимда менга кўпдан тинчлик бермай келаётган айрим фикр-мулоҳазаларга дахлдор бўлгани учун узоқ вақтгача уни унутолмай юрдим. Мени ўша иқтидорли ёзувчининг бозор шароитига мослашгани (мослашиш, хом сут эмган бандасига хос хусусият!) кўп ҳайратлантиргани йўқ, албатта. Фақат адабиётнинг асл моҳияти ҳақида фикри ўзгаргани андак ажаблантирди, ҳатто афсуслантирди. Хўш, ўша ёзувчининг ўз ижодини бутунлай бошқа ўзанга буриб юборганидан ким ютди-ю ким ютқазди? Ҳарқалай, адабиёт ютгани йўқ, у битта яхши ёзувчисидан жудо бўлди. Хўш, бунга ким айбдор? Афсуски, бу оғриқли масалада ҳакамлик қилиш осон эмас...

Камина детектив, саргузашт асарларнинг ҳаммаси юзаки бўлади, улар ҳақиқий адабиёт намунаси бўлолмайди деган фикрдан йироқман, албатта. Жюл Верн, Даниэл Дефо, Жонатан Свифт, Артур Конан-Дойл, Эдгар По, Агата Кристининг детектив

асарлари жаҳон адабиётининг юксак намуналари сифатида эътироф этилган. Достоевскийнинг ўша машҳур «Жиноят ва жазо» романи ҳам аслида детектив асар. Ўзимизда Тоҳир Малик «Шайтанат» асари билан бу жанрнинг яхши намунасини яратди. Демак, гап жанрда эмас. Муаммо айланиб келиб яна адабиётнинг ўша ўзак масаласига тақалади: гап нимани ёзишда эмас, ўша «нима»ни қандай ёзишда!.. Бизнинг шоввоз «детективчи»ларимиз эса, назаримда жуда осон йўлдан боришмоқда, бу жанрнинг ўзига хос қонуниятлари борлигини ҳисобга олишмаяпти, худди кампир пайпоқ тўқигандек қисқа фурсатда детектив-саргузашт асарларни ёзиб-тўқиб ташлашмоқда. (Китоб дўконларида битта муаллифнинг беш-олтита шунақа китоби қаторлашиб тургани оддий ҳол бўлиб қолди.) Чамаси, улар ўша бозорга мослашган ёзувчи айтганидек, қизиқ воқеани қизиқарли ҳикоя қилишнинг ўзи кифоя деб ўйлашади, шекилли. Дарвоқе, ўша қизиқ воқеани ўйлаб, тўқиб чиқариш ҳам осон эмас аслида. Уддабуронлар бунинг ҳам йўлини топишган. Улар ҳуқуқ-тартибот идораларидан биронта жиноят тарихини олишади-да, қаҳрамонларнинг исму шарифини ўзгартириб, воқеа тафсилотини ўзларича қизиқарли баён қилиб, детектив асар «яратишади». Бунда воқеалар қаламкашнинг ижод қозонида қайта «пишиб», сараланмайди, асосийси — муаллифнинг китобхонга айтадиган муҳим, тайинли гапи ҳам бўлмайди.

Муаммонинг ташвишли, хатарли жиҳати шундаки, эндиликда бозорга мослашиш ниқоби остида юзакилик, саёзлик санъатнинг бошқа турлари — кино, театр ва эстрадада ҳам кузатилмоқда.

Ижодкорларнинг танқидга муносабатида ғалати бир муштараклик бор: «Бизни мутахассисларнинг фикри қизиқтирмайди! Томошабинга, китобхонга ёқса бўлди! Биз улар учун ишлаймиз!» Ажабо, бунақа жўн мантиқ билан гўё ҳар қандай ҳалтурани оқлаш мумкиндай туюлади. Масаланинг яна бир ачинарли ва ҳайратланарли томо-

ни — айрим номдор ижодкорлар халтура эканлиги шундоққина кўриниб турган, танқиддан тубан асарларни очикдан-очиқ қўллаб-қувватламоқдалар, юзаки, бадийлиги ночор китобларга сўзбоши ёзмоқдалар. Бунақа «ишончли яшинқайтаргич» билан «қуролланган» шоввозлар янада жавлон уриб «ижод қилмоқдалар». Мабодо уларга «Сизлар асосан диди, савияси паст томошабинлар, китобхонлар учун ижод қилиясизлар, шуларнинг сафини кенгайтиряпсизлар» десангиз фикрингиз яна тош босмайди, қайтанга «Бизни кўролмаясиз!» дея ўзингизга ҳужум қилишади... Ҳа, халтурага қарши курашиш ҳеч қачон осон бўлмаган! Аммо қачонгача муаммодан кўз юмиб, қўл силтаймиз?! Шаҳар бедарвоза эмас-ку!..

Китоб дўконларини айланиб юрганимда яна бир ҳолат эътиборимни тортди. Сотувдаги кўпгина китобларнинг номлари юзакироқ қараганда диққатни тортадиган, харидорни ўзига чорлайдиган даражада «жарангдор» эди, аниқ мақсадни кўзлаб (худди «Кепқолинг, иссиқ сомса!» дегандек) шундай қилингани яққол сезилиб турарди. Қотиллар, газандалар, турли жиноятлар номи билан боғлиқ, бежирим, силлиқ муқовада, рангли безаклар билан чиқарилган китоблар чиройли териб қўйилган. Айримларининг номини ёзиб олгандим, муаллифларни хижолат қилмай дея уларни тилга олиб ўтирмадим. Фақат шу ўринда бошқа бир қизиқ тафсилот хаёлимга келди. Вилоятлардан бирига борганимда илгари пойтахтда ишлаб кетган таниқли журналист, ёзувчи дўстим билан учрашиб қолдим. Ҳолаҳвол сўрашгач, ишлари ва ижоди ҳақида сўрадим. Дўстим нолиб қолди:

— Ўз маблағим ҳисобига минг машаққат билан китоб чиқаряпман. Уни сотиш ҳам осон эмас. Китобхоннинг диққатини жалб қилиш учун ўйлай-ўйлай асарларимни қизиқарлироқ номлайдиган бўлдим. Масалан, бир китобимни «Каллакесар» деб номлагандим, ҳарқалай, сотилиши сал жонланди. Бундан тегишли хулоса чиқариб, ўша китоб-

ни кейинги нашрда «Энг ашаддий каллакесар» деб атадим.

— О, зўр-ку! — дедим кулиб.

— Лекин мен бу ишимдан хурсанд эмасман-да. Ахир бунақада китобхоннинг дидини бузиб, юзаки, олди-қочди нарсаларга ўргатиб қўямиз-ку!..

Худди шу ерда дўстим ҳақ гапни айтди. Аччиқ ҳақиқатни тан олиб айтиш керак — китобхоннинг диди, савияси алақачон бузилган. У яхши билан ёмон асарнинг фарқига бормай қолди. Бу жараён ўша сариқ нашрларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига шитоб билан давом этмоқда. Андак бош қотиришни талаб қиладиган, жиддийроқ асарни ўқишга китобхоннинг тоби-тоқати йўқ. Бу ҳолат негадир адабий жамоатчиликни безовта қилмаяпти. Адабиёт илми, адабий танқид бу борада ўз вазифасини бажармаяпти. Олди-қочди, юзаки нарсалар босиладиган сариқ матбуот ёнига шундай асарларни бажонидил чоп этадиган, китоб савияси учун жавобгар эмаслигини ошкора писанда қилиб қўядиган нашриётлар ҳам қўшилганига анча бўлди. Бундай юзаки асарларни ўша таҳририятларнинг буюртмаси асосида қисқа фурсатда ёзиб берадиган муаллифлар тоифаси ҳам бор. Бундай тоифага юқорида қайд этилганидай илгари ҳақиқий адабиётга хизмат қилган айрим иқтидорли ёзувчиларнинг ҳам қўшилаётгани (сабаби — тирикчилик!) ачинарли, албатта. Хайриятки, бу «ўйин»га ҳозирча адабиётнинг муқаддас рутбасини баланд тутиб юрган қалам аҳли қўшилганича йўқ.

Эсимда, бир куни Андижондаги адабий гурунгда ҳар замонда жўқинамо шеърлар ёзиб, ҳамманинг бошини қотириб юрадиган бир қофиябоз кутилмаганда иқтидорли шоир Исмоил Тўлакка (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) иддао қилиб қолди:

Сиз шоир бўлсангиз, мен ҳам шоирман! Хўш, нима демоқчисиз ўзи?

Тили анча нордон, бир умр ғанимларига мурасисиз бўлиб келган шоир (ҳа, раҳматли катта шоир эди!) бу гал босиқлик билан, нозиккина киноя қилди:

Кечиргайсиз, сиз мансуб адабиётга менинг дах-лим йўқ!..

Катта истеъдодлар ҳеч қачон адабиётнинг тақдирига бефарқ қараган эмас. Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор гоҳо бошини кундага қўйиб бир умр адабиётнинг софлиги учун курашди. Садоқатли шогирдлари унинг ишини давом эттиришди. «Ёзувчининг вазифаси яхши асарлар ёзиш, халқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам киради». Устознинг бу ибратли ўтити айна шу кунлар учун айтилгандай. Бундан бир неча йил муқаддам матбуотда «Адабиёт ўладими?» деган баҳс-мунозарада (раҳматли Шукур Холмирзаев бошлаб берганди ўша мунозарани) адабиётнинг ҳозирги аҳволи ва тақдир куюнчаклик билан муҳокама қилингани ҳам бежиз бўлмаган...

Сариқ нашрлар ўз тегирмонини айлантриш, рейтинги — нуфузини сақлаб қолиш учун ўзини ўтга-чўққа уришга тайёр, гўё бу муаммо улар учун ҳаёт-мамот масаласига айлангандай. Шу боис номдорроқ муаллифларни нима қилиб бўлса ҳам ўзларига оғдиришга ҳаракат қилишади, мўмай қалам ҳақи эвазига харидоргир, оммабоп асарлар ёзиб беришга буюртма беришади. Афсуски, уларнинг нофорасига ўйнайдиганлар ҳам топилади. Шундай йўл билан юзага келган, ўқилиши ҳамон унутиладиган асарлар ҳар қанча оммабоп, харидоргир бўлмасин, (оммабоп дегани ҳали яхши дегани эмаслиги эътибордан соқит қилинади) аксарият ҳолларда ғоявий-бадий жиҳатдан ночор, юзаки бўлиб қолаверади.

Тўғри, гоҳо буюртма асосида ҳам яхши асарлар яратилиши мумкин. Адабиёт тарихидан бунга мисоллар кўп. Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»си шоҳнинг фармойиши билан яратилган. Достоевскийнинг бир асари ноширларнинг буюртмаси асосида, қисқа фурсатда ёзилгани маълум. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг таклифи, тавсия-



си билан иқтидорли журналист, ёзувчи Ашурали Жўраев беқиёс санъаткор Ботир Зокиров ҳақида яхшигина асар ёзди. Муаллиф бу асарни жиддий қайта ишлаб, ҳужжатли роман-хроникага айлантирди.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари бошқа соҳалар қатори маънавият ва адабиётни ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда. Боқий қадриятлар ана ўша синовларда сараланади. Аслида инсоннинг бутун умри турли синовлардан иборат. Бу синовдан қандай ўтиш ҳар кимнинг виждонига, имон-эътиқодига боғлиқ.

Ҳақиқий, чинакам адабиётни ҳамиша, ҳамма даврда катта истеъдод эгалари — санокли ШАХС-лар яратган. Улар маддоҳликдан, мурасасозликдан, замонанинг ўткинчи эврилишларидан йироқ бўлишган, адабиётни қисмат деб билишган, унга бир умр содиқ қолишган. Не бахтки, адабиётимизда шундай сиймолар ҳамиша бўлган, ҳозир ҳам бор. Шу нарса кўнгилга таскин беради.

### СОЛИҲБОЙ ФАЛСАФАСИ

Пулни ўйламайдиган, пулга иши тушмаган, пул билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаган одам бўлмайди. Бундоқ қараганда ҳамма пул учун, пул топиш учун яшаётгандек туюлади. Аслида ундай эмас, албатта. Пулнинг ғалати бир хусусияти бор — у кашф этилгандан буён етишмайди. Агар камбағал тонг-сахардан бир бурда нон ғамида куймаланса, пулдор пулини янада кўпайтириш ташвишида ўзини ўтга-чўққа уради. Пули камайиб қолишидан чўчийди, одамларнинг қарз сўрашидан юраги безиллайди. «Ҳаммага қарз бераверсам бой бўлармидим?» дея иддао қилади.

Хўш, дунё дунё бўлгандан буён ҳад-ҳисобсиз фожиалар, урушлар, турли кўнгилсизликларга сабаб бўлган, яқин дўстлар, ҳатто туғишган оға-инилар ўртасига раҳна солган, айни чоғда хайрли, бунёд-

корлик ишларига восита бўлган, кўпгина мушкулотларнинг осонгина ечимини топган пулнинг биз билмаган, биз яхши илғамаган сир-синоати борми? Нега кўп нарса айланиб келиб яна пулга тақалаверди? Нега? Нега?..

Ўзбек тилининг янги нашр этилган беш жилдлик изоҳли луғатида пулга шундай таъриф берилган: Пул (форсча — пул, ақча, балиқ тангаси) 1. Олди-сотди ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги, ақча. 2. Сармоя, маблағ. 3. Иш ҳақи, маош. 4. Баъзи ерларда ярим тийинга, баъзи ерларда бир тийинга тенг бўлган пул ўлчов бирлиги ва шу қийматдаги майда пулнинг ўзи.

Доно халқимиз пул ҳақида кўплаб ривоятлар, пурҳикмат мақоллар тўқиган:

«Пул — белга қувват, бошга тож», «Пул бўлса чангалда шўрва», «Пул жигардан бунёд бўлган», «Пул кетса, кетсин, ор кетмасин», «Пул кўпайса, одам бузилар», «Пули куйган қалампир чайнар»...

Пул ҳақида ҳазиломуз иборалар ҳам пайдо бўлган: «Бахт пулда эмас, пулнинг миқдоридан», «Пулнинг бўлса халтада, дам оларсан Ялтада», «Пул ўлсин-а, пул ўлсин!»...

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Солиҳбойнинг ўша машҳур гапи эсингиздадир. Пулнинг кучига, қудратига ишонган бой шундай дейди: «Қани кўрамиз, Фофирнинг севгиси кучлироқмикин ёки менинг чўнтагимдаги олтинлар!».

Дарвоқе, Солиҳбой ролининг моҳир ижрочиси Обид Жалилов вафот этгач, ўрнига муносиб артистни узоқ қидиришади. Ахийри Амин Турдиев номзоди маъқул топилади. Амин ака рози бўлишдан олдин бир шарт қўяди:

— Менга кўп пул берасизлар.

— Ие, пулни нима қиласиз?

— Роль ижро этишдан олдин пулни белимга боғлаб оламан. Ана ўшанда ўзимни ростдан ҳам бойдек ҳис этаман, ижром ҳам зўр бўлади.

Ҳа, афсус надоматлар бўлсинки, гоҳо ҳаётдаги жуда кўп муаммо-мушкулотларнинг ечими солиҳ-

бойчасига ҳал қилинади. Ғофир, Жамила каби мазлумлар кўз ёшини тўкиб қолаверади. Хом сут эмган банда масаланинг бошқача, оқилона ечимини топгунча поезд кетиб қолади...

Хўш, пулнинг луғавий маъносини бир четга қўя турайлик, пул нима ўзи? Бу саволга ҳар кимнинг ўз жавоби бор, албатта.

Россия эстрадаси юдузи Алла Пугачёва мухбирнинг юқоридаги саволига шундай жавоб беради: «Пул — менга ўзимни камситилгандек ҳис қилмаслигим учун керак бўладиган восита».

Яхши жавоб, албатта. Бундай ақида билан иш тутадиган одамни пулга ортиқча ружу қўйишда айблаш қийин.

Драматург Шароф Бошбековнинг бир ҳажвиясини ўқигандим. Қисқача мазмуни шундай: бир одам эрталаб ишга жўнайди. Йўлда садақа сўраб турган гадойга йирикроқ пул беради, қайтимини олмайди, ғурури йўл қўймайди. Такси ҳайдовчисига ҳам катта пул узатади, яна қайтимини олмайди, ғурури йўл қўймайди. Ишга келгач, пештахта ортига ўтиб, халатини кийгач, енг шимариб ғурур тўплашга киришади...

Миллиард-миллиард доллар пули бўлса ҳам тинимсиз бойлик тўплашга ружу қўйган кимсаларнинг дунёқарашини, фалсафасини, психологиясини мен яхши тушунавермайман, шу боис уларнинг юқоридаги саволга қандай жавоб беришини тасаввур қилиш қийин. Фикримча, аксарият одамлар учун пул, аввало яшаш, тирикчилик воситаси, фаровон турмуш, эмин-эркинлик муқобили. Айни чоғда пул топиш ягона мақсад, ҳаётнинг асосий маъноси бўлиб қолмаслиги керак. Қадимги донолардан бири ҳукмдорга қарата «Сен ейиш учун яшайсан, мен яшаш учун ейман, фарқимиз шунда!» дея бежиз айтмаган.

Замонлар оша қадриятларга муносабат ҳам ўзгаради, ўзимиз ҳам, авлодлар ҳам ўзгаради. Бу табиий жараён.

Олтишинчи йиллардаги талабалик давримиз яхши эсимда. Ўшанда яхши ўқиган талаба ўттиз

беш сўм нафақа оларди. Мен аъло баҳога ўқиганим учун қирқ уч сўмдан зиёдроқ стипендия олардим. Ўша пул бемалол тирикчиликка етарди. Отанамдан деярли ёрдам пули сўрамасдим. Биз умуман пул ҳақида ўйламасдик, пул ҳақида гаплашмасдик. Пулга ўчроқ ўртоқларимиз кўзимизга ола қарғага ўхшаб кўринарди. Шундай бир ғалати воқеа ёдимда. Адабиётга астойдил ихлос қўйган, хаёлпарастроқ бир курсдошимиз бор эди. Биз уни келажақда катта шоир бўлади деб (ҳар биримизда шундай эзгу орзу бор эди) ҳисоблардик. Пахта теримида юрганимизда у (пахтани кўп терарди, серғайрат эди) тунлари бедор ўтириб, нималарнидир ёзиб-чизарди. Биз уни шеър ёзаяпти деб ўйлардик, чироқни ўчирмаса ҳам илҳомига халақит бермаслик учун индамасдик. Ногаҳон унинг шеър эмас, терган пахтасига қанча пул олишини ҳисобкитоб қилиб бораётганини билиб қолдик, ундан ҳафсаламиз пир бўлди...

Хўш, энди асосий саволга келсак — пул одамни бузадими?

Бу саволга ҳар ким ўз тушунчаси, дунёқарашидан келиб чиқиб, турлича жавоб бериши мумкин. Аввало, пул одамни бузиши учун ўша ортиқча пулнинг ўзи бўлиши керак. Аммо пул шундай нарсаки, у ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Шу боис, назаримда, пул одамни бузади деб ҳисобловчилар у қадар кўп эмас.

Агар одам пулни жонини койитмай, осонлик билан топса, амалини бойлик орттириш манбаига айлантирса, пул воситасида ҳамма нарсага осонлик билан эришса, шунинг оқибатида унда калондимоғлик пайдо бўлса, одамларга насть назар билан қарай бошласа, нопок ишларга қўл урса, ундай кимсаларни халқ «Пул қутуртирган!» деб ҳисоблайди, улардан нафратланади ва тўғри қилади. Халқ ҳеч қачон адашмайди.

Ақл — энг катта бойлик. Ҳалол, пешона тери билан, ақл билан топилган бойликнинг қадру қиммати ҳам бўлакча бўлади. Қариялар, пенсиячиларнинг пули баракалироқ бўлиши ҳам бежиз эмас.

Ҳаром-хариш йўллар билан топилган пулнинг эса баракаси бўлмайди. Кимларнидир норози қилиб, қон қақшатиб топилган пул ҳам эгасига юқмайди. Пулнинг бундай хусусиятида бир ҳикмат бор, албатта.

Сармоядорлар, пулдорларнинг ҳаммасига шубҳа билан қараш, қинғирликда, ноҳалолликда айбланиш ҳам тўғри эмас. Афсуски, бизда бойларни, бойликни тўғри тушуниш маданияти ҳали шаклланмаган. Ҳавас эмас, ҳасад кучли. Ҳасад эса одамнинг ичини кемиради.

Бойларга, ҳар қандай бойликка қандайдир бир шубҳа, гумон билан қараш шўроларнинг манфур сиёсати туфайли (бой бўлиш айбгина эмас, катта жиноят ҳисобланган, шу боис бойлар бола-чақаси билан аёвсиз қатағон қилинган, сургунларда азоб чекиб ўлиб кетишган) онгу шууримизга сингдирилган. Унинг оқавасидан ҳали-ҳамон қутула олмаганмиз.

Шўролар сиёсатини қўя турайлик, мустақиллигимиз арафасида ўша қадимий Наврўз байрамининг эскилик сарқити, диний байрам дея қатағон қилган калтабин сиёсатчилар моддий жиҳатдан озгина қаддини ростлаб олган, ўзларига ёқмаган айрим шахсларга озмунча зуғум ўтказдимиз? Устоз Озод Шарафиддиннинг ҳалол, пешона тери эвазига қурган дала ҳовлиси аёвсиз буздириб ташлангани жамоатчиликка яхши маълум. Хайриятки, истиқдол туфайли бундай ўзбошимчаликларга барҳам берилди.

Бир даврада ёзувчиларнинг Дўрмондаги дала ҳовлиси ҳақида гап кетди. Журналист бир акамиз ёзғириб қолди: «Айрим ёзувчилар камбағаллигидан, китоби чиқмаётганидан нолийди. Яқинда уларнинг Дўрмондаги участкаларини кўриб оғзим очилиб қолди. Қаторлатиб қаср қуриб ташлашибди-ку!..»

Унинг гапида андак ҳасад оҳанги ҳам бор эди. Ҳамкасбларимнинг туриш-турмушини яхши билганим учун бу гапга чидай олмай, эътироз билдирдим:

— Сиз бу участкалардан кўра ўн карра ҳашаматлироқ қилиб қурилган, гоҳо телевизорларда,

матбуот саҳифаларида ҳам ошқора намойиш этилаётган қасрларни, виллаларни кўрмаганмисиз? Улар ёзувчиларнинг ҳовлиси каби тийинлаб йиғилган пешона тери — маблағ эвазига, ўн-йигирма йилда, зўрға эмас, бир неча ойда, осонлик билан қад рост-лаяпти. Дўрмонда ҳали битмай, чала ётган участкалар, камхаржлик туфайли ҳали қурилиши бошланмай ётган бўш ерлар бор. Катта бир журнални бошқараётган машҳур шоирнинг участкаси эса йигирма йилдан буён битмаяпти. Қачон битиши ҳам номаълум. Бой кийса қуллуқ бўлсин, камбағал кийса қаердан олдинг экан-да?!

Журналист ер чизиб, мулзам бўлди.

Инсон ҳаётга бир марта келади. Ҳаёт инсонга берилган энг олий неъмат. Шундай экан, ҳаётда ҳамма нарса — рўшнолик, фаровон турмуш ҳам ўз вақти-соатида бўлгани яхши, албатта. (Достонда куйланганидек, «Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема»)

Ҳаёт икки эшикнинг орасидек қисқа фурсат. Гоҳо ҳамма нарсага эришиб, бола-чақаларни уйлаб-жойлаб, энди оғзинг ошга етай деганда Оллоҳ омонатини сўраб қолади. Шуниси аянчли. Шуниси алам қилади. Кечагина бағримизни тўлдириб, давраларга файз киритиб юрган акахон ва укахонларимиз бугун орамизда йўқ. Беихтиёр шоирнинг «О инсон қисмати, бунчалар чигал», деган сатрлари эса тушади. Шу боис ҳамиша ҳаётни ванимат деб билишимиз керак. Ўлчовли умрни эзгу ишларга сарфламоқ жоиз. Бу китобий гап эмас. Ўтмишда яшаб ўтган улуғларимиз, табаррук сиймоларнинг шахсий ҳаётлари бу жиҳатдан катта ибратдир. Буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Алишер Навоийнинг улуғ бунёдкорлик ишлари, кўплаб кошоналар, мадрасалар, кўприклар, ҳаммомлар, боғроғлар барпо этгани, илм ва ижод аҳлига ҳамиша ёрдам қўлини чўзиб, ҳомийлик қилгани жаҳон миқёсида қайта-қайта эътироф этилган. Уларнинг эзгу, савоб, хайрли ишлари Третьяков, Нобелларнинг хизматидан кўра улуғворроқ, ибратлироқ,

Замона зайли, мустақиллик шарофати билан ўзимиздан ҳам катта пул топаётган тадбиркорлар, бадавлат кишилар етишиб чиқмоқда. Биз бундан мамнун бўлишимиз керак. Юртбошимизнинг катта-кичик йиғинларда ҳамиша тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги ҳақида куйиниб гапириши ҳам бежиз эмас. Лекин қарс икки қўлдан бўлмоғи лозим. Негадир бизнинг янги бойларимиз муҳтожларга ёрдам қилиш учун унчалик шошилмаётганга ўхшайди. «Фалончи бой фалончи ижодкорнинг китобини чиқаришга ёрдам берибди, отасига раҳмат» деган гапни камдан-кам эшитаемиз. Гоҳо, нега улар бамаслаҳат ижодкорларга ёрдам берадиган, кўмакка муҳтож ёзувчиларнинг китобини чиқарадиган бир жамғарма тузишмайди, дея ўйлаб қоламан.

Биз гоҳо ҳамма нарса пулга бориб тақалаётганидан, ҳамма нарса пул билан ўлчанаётганидан нолиймиз. Тўғри, бу гапларда жон бор. Айни чоғда ҳамма нарса ўзимизга ҳам боғлиқ эканини ўйламаймиз. Ҳақиқат ташқарида эмас, ўзимизнинг ичимизда экани эсимизга келмайди. Ҳаёт, кундалик туриш-турмушимиз кун тартибига қўяётган муаммоларни ҳеч ким четдан келиб биз учун ҳал қилиб бермайди.

Қуръони каримдаги «Феълингизни ўзгартирмагунингизча тақдирингизни ўзгартирмайман» деган пурҳикмат калимани унутишга ҳаққимиз йўқ.

### ИНСОН ВАҚТ ИСКАНЖАСИДА...

*«Вақт қисқаради. Бир йил бир ойдек, бир ой бир ҳафтадек, бир ҳафта бир кун каби ўтиб кетади, бир кун эса, ҳудди бир япроқнинг ёниши қадар тезлашади, ҳеч нарсада барака қолмайди».*

Ҳагис.

Республика радиосида ишлаб юрганимда бир куни хизмат сафарига жўнадим. Авжи қиш палласи

эди. Аэропортда самолётга патта олиб, учиш эълон қилинишини кута бошладим. Радиодан учиш номаълум вақтга қолдирилгани эълон қилинди. Қиш фасли бу одатий ҳол бўлса-да, юрагим сиқилди. Кутишни ким ҳам ёқтиради. Вақтим беҳуда ўтишига ачиндим. Ёшликнинг, олтин давр ҳисобланмиш талабаликнинг нашъу намоси ва ташвиш-қувончларига андармон бўлиб, гоҳо шўхликларни меъёридан ошириб, жуда кўп қимматли вақтимни беҳуда ўтказганимни кечроқ англаб етган, энди ўша хатоликларни такрорламасликка ўзимча аҳд қилиб қўйган эдим. Аммо ҳаётда кутилмаган ҳолатлар оёғимиздан чалади, режаларни барбод қилади. Андак тажанг бўлиб, иложсиз кута бошладим. Кутганда эса вақт ўтмайди, аниқроғи, жуда секин ўтади. Аксига олиб ўқийдиган бирон нарса олмаган эканман. Зерика бошладим. Вақт эса ўтяпти... Ногоҳ хаёлимга мана шу кутиш лаҳзаларида бирон фойдали иш қилсам бўлмасмикин деган фикр келди. Этигимнинг тагчарми ейилган, тузатишга ҳафсала қилмай юрган эдим. Ҳозир айна фурсати. Муҳими — вақтим тежалади. Шоҳбекат ёнидаги косибга учраб, ишимни битириб келдим. Тахминан йигирма дақиқа вақтни юлиб қолганимдан мамнун эдим. Самолётнинг қачон учиши эса ҳали номаълум. Яна дилгир бўлиб кута бошладим. Шу лаҳза радиодан эълон янгради. Ҳарқалай, бу гал учиш икки ярим соатга қолдирилгани аниқ қилиб айтилди. Шунисига ҳам шукур қилдим. Мавҳумлик ёмон. Энди лоақал вақтни қандай ўтказиш ҳақида ўйлаш мумкин. Олдинда икки ярим соат — бир дунё вақт бор. Нима қилсам экан? Бунча вақтни бир жойда сиқилиб ўтириб беҳуда ўтказиш алам қилади. Унда ўйлай бошладим. Кутилмаганда хаёлимга яхши бир фикр урилди: шу маҳалгача ҳали Санъат музейини кўрмаганман. Зиёли, маданиятли одам учун бу яхши эмас. Ҳозир бориб кўриб келсам-чи? Аэропортдан унчалик узоқ эмас, автобусда ўн дақиқалик йўл. Барибир қачондир вақт сарфлаб бориб кўришим керак. Ҳозир айна фурсати. Муҳими — вақтим тежалади. Маданият вақтни тежашдан бошланади.



Ортиқ иккиланмай, музейга жўнадим. Қўпол филдиракларига занжир боғланган, музлаган катта йўлда имиллаб, кучаниб юраётган автобусда кетаётиб бетоқат бўламан: бунақада қачон музейга етаману қачон яна аэропортга қайтиб келаман? Музейга мўлжалдаги вақтдан анча кеч етиб бордим. Иттифоқо у ерда катта бир тадбирнинг устидан чиқиб қолдим. Ҳаётдан бевақт кўз юмган машҳур рассом Шухрат Абдурашидовнинг шахсий кўргазмаси намоиш қилинаётган экан. Кўзойнакли бир кекса рассом қизил тасма олдида туриб нутқ сўзларди. У марҳум рассом она юрт табииати ва замондошларининг жонли сиймосини авлодларга мерос қилиб қолдиргани ҳақида гапирди. Қарсақлар янграб, тасма қирқилгач, томоша бошланди. Мен ҳам мухлислар оқимига қўшилдим. Бутун борлиғимни нафосатга, боқийликка даҳлдорлик туйғуси тўлдирди, руҳимда ажиб бир кўтаринкилик туйдим. Худди шу бутун, шу соатда шу ерда бўлишим бутунлай тасодиф экани хаёлимга келмасди. Ажабо, бу рассом бор-йўғи йигирма саккиз йил умр кўрган экан. Мангулик олдида бу бир лаҳза, холос. Бир инсоннинг умрига нисбатан-чи? Одамзод ҳеч қачон қанча умр кўришини билмайди, буни тахмин ҳам қила олмайди. Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам балки шундадир. Йигит ёшида ўлиб кетган даҳолар бор. Улар гўё қисқа умр кўришларини билгандек, ўзларига ҳаётлигидаёқ мангу ҳайкал қўйиб кетишган. Уларнинг ҳаёти билан ижоди ўртасида ғалати бир номутаносиблик, ажиб бир сир бордек туюлади.

Ўй-хаёлларим айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бир маҳал соатга қарадиму юрагим «шув» этди. Самолёт учишига бор-йўғи қирқ дақиқа вақт қолибди. Паттани камида ярим соат олдин қайд қилдириш керак. Ҳовлиқиб пастга югурдим. Бекатда оёғи куйган товукдек типирчилаб автобус кута бошладим. Аксига олиб шундай маҳалда вақт жуда шафқатсиз! Мана, самолёт учишига ўттиз етти дақиқа, ўттиз беш дақиқа қоляпти. Соатим тўғри юряпти-микин деб ўтган-кетгандан вақтни сўраб қўяман.

Қанийди, шу тобда бир мўъжиза юз берсаю жамики соатлар ярим соат юрмай, тўхтаб қолса! Иложсиз дақиқаларда ғойибдан ғойибона мадад кутишга ўрганиб қолганмиз. Афсуски, вақтни бир лаҳза бўлса-да тўхтатиб бўлмасди. Вақт ўжар эди. Беихтиёр соатни қулоғимга тутаман: аёвсиз чиқиллаяпти! Юрагим ҳам гўё соатга ҳамоҳанг, безовта дукиллаяпти.

Ниҳоят, таксига ўтириб, аэропортга етиб борганимда самолёт алақачон учиб кетган эди. Ҳафсалам пир бўлиб, шалвираб, мажолсиз ўтириб қолдим. Содир бўлган воқеада қандайдир бир рамзий маъно бордек эди. Ажабо, мен вақтдан ўзиб кетмоқчимидим ёки уни измимга бўйсундирмоқчимидим — билмайман. Ҳарқалай, мен мумкин бўлмаган ишга — йўқолган вақтнинг ҳиссасини чиқариб олишга уринган эдим. Бунинг иложи йўқ экан. Беҳуда саъй-ҳаракатим учун жабрини тортиб ўтирибман. Мана, энди ҳаммасини қайтадан бош-лашга, ортиқча вақт сарфлашга (паттани кейинги рейсга расмийлаштириш, яна кутиш...) тўғри келади. Яна ВАҚТ масаласи... Демак, вақт билан ўчакишиб бўлмас экан...

Ота-боболаримиз вақтнинг бебаҳо неъмат — олий қадрият эканини («Вақт — ғанимат, ўтса — надомат», «Вақтинг кетди — бахтинг кетди», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема») яхши англаганлар. Бу кўҳна ҳақиқатни авлодларга ҳам тинимсиз уқтирганлар.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг бошқа асарлари қатори ушбу содагина, сермаъно шеъри ҳам машҳур эди:

*Бош тебратар соат кафғири,  
Дер: қадримни билмас одамлар.  
Секундларим гавҳар ҳар бири,  
Нега парво қилмас одамлар?!  
Бош тебратар соат кафғири,  
Шошил одам, ўтмоқдагир он.  
Ҳар нарсанинг бўлар охири,  
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!*

Вақтнинг, фурсатнинг қадру қиммати ҳақида шеър ёзмаган шоир кам. Вақт муаммоси асрлар давомида фақат ижодкорларни эмас, файласуф олимлар ва мутафаккирларнинг ҳам муттасил бошини қотирган. Икки минг йил муқаддам қадимги юнон файласуфи Сенека вақт ҳақида бундай ёзган: «Агар разм солиб қаралса, аксарият кишилар ҳаётининг кўп қисми бўлмағур ишларга, анчагинаси бекорчиликка, умрнинг яхлит ўзи эса — нокерак нарсаларга сарфланади».

Ажабо, узоқ ўтмиш қаъридан бизга таънадай янграган бу хитоб ҳали-ҳамон долзарбдай туюлади... Тўғри, ўтган асрлар давомида вақт ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилди, вақтнинг табиати ҳақида жиддий ишлар қилинди, бўш вақт, жисмоний вақт, космик вақт каби тушунчаларга аниқлик киритилди, вақтдан тўғри фойдаланишни ўргатадиган мутахассис-психологлар пайдо бўлди. Шунга қарамай, барибир вақт масаласи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ўткир муаммо бўлиб турибди. Асосий муаммо — вақтнинг етишмаслиги!.. Тараққиёт имкониятлари бундоқ қараганда вақтни тежашга, ундан самарали фойдаланишга қаратилган. Инсоният аравадан поездга, метрога, ундан самолётга, космик кемаларга ўтди. Хатдан кўра тезкорроқ телеграмма, мобил телефони, элетрон почта, интернет алоқаси инсон хизматида. Илгари бир оғиз хабарни керакли манзилга етказиш учун чопарлар отда ойлаб, йиллаб йўл босишган. Йўлда турли хавфхатарга, қароқчиларга йўлиқиб, ўлиб ҳам кетишган. Энди гугурт қутисидек қўл телефони орқали бир лаҳзада дунёнинг исталган нуқтаси билан гаплашиш мумкин. Бу чинакам мўъжиза! Шундай имконият, қулайликларга қарамай, барибир вақт танқис. Ҳамма вақт етмаётганидан шикоят қилади. Шоир лутф этганидек, «Фурсатинг етмайди доим, Ҳеч қачон етган эмас». Вақт етмагани туфайли тўлақонли ҳаёт кечиролмаймиз, яқинларимизнинг ҳолидан хабар ололмаймиз, секин-аста «одамгарчиликдан чиқиб» қолганимизни ҳам сезмай қоламиз.

Бундоқ қараганда инсон вақт исканжасига тушиб қолганга ўхшайди. ВАҚТ ахлоқий, маънавий муаммоларга ҳам дахлдор, жиддий масала бўлиб қолди.

Шу ўринда «Хўш, нима қилмоқ керак?» деган табиий, азалий савол туғилади. Бу саволга қисқа ва жўяли жавоб топиш осон эмас. Аниқроғи, бу масалани ҳар ким ўзи учун ўзи ҳал қилиб олиши керак. Ҳаммага бирдай мос келадиган тайёр андоза йўқ. Яқин ва узоқ ўтмишда яшаб ўтган машҳур кишиларнинг ибратли ҳаёти бу масалага бирмунча аниқлик киритиши мумкин. Бундан кўп йиллар муқаддам атоқли рус ёзувчиси Даниил Граниннинг «Бу ғаройиб ҳаёт» («Эта странная жизнь») деган китобини ўқиган эдим. Яқинда бу китобни яна бир карра қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда Александр Александрович Любишчев деган олимнинг ҳаёти ҳақида мароқли ҳикоя қилинади. Асосий мутахассислиги биолог бўлса-да, математика (математикани биологияга татбиқ этмоқчи бўлган), фалсафа, генетика, эстетика, этика, тарих каби бошқа фанлар билан ҳам жиддий шуғулланган бу энциклопедист олим (бундай тоифа олимлар 20 асрга келиб камайиб кетди) ВАҚТ билан алоҳида, ўзига хос муносабат ўрната олган экан. У йигирма олти ёшидан бошлаб умрининг охиригача — эллик олти йил давомида муттасил, ҳар куни вақтини нималарга сарф қилганини эринмай ёзиб борган. Асосий ва қўшимча ишга, одамлар билан мулоқотга, китоб ўқиш, ҳар хил ёзишмаларга, маданий дам олиш, муסיқа тинглашга қанча вақт кетиши — ҳаммаҳаммаси мукамал ҳисоб-китоб қилиб борилган. Шундай иш усули унга қулай бўлган, шунга ўрганган. Натижада олим ҳамма нарсага вақт топа олган, истеъдодини тўла-тўқис намоён этган. Унда вақтнинг етишмай қолиши деган муаммо бўлмаган. Вақтни ижод қилиш, яратиш имконини бергани учун қадрлаган, вақтни муқаддас қадрият янглиғ эъзозлаган, у билан гўё изҳори дил қилган. Вақтнинг ҳали ҳеч ким тагига етолмаган сирасрорини англаб етган. Бир сўз билан айтганда,

у ақл бовар қилмайдиган муъжизага эришган — ВАҚТни ўз измига бўйсундира олган! Айни чоғда ҳаёт деган олий неъматнинг баъзилар ўйлаганидек қисқа нарса эмаслигини исботлаган. Йўқ, у дунёнинг нашъу наъмоларидан, ҳаёт неъматларидан ўзини тийиб, таркидунё қилгандек эмас, тўлақонли ҳаёт кечирган. Кино, театрларга борган, дўстлари, шогирдлари билан мулоқотда бўлган, табиат қўйнида сайр қилган, спорт билан шуғуланган, тўйиб ухлаган. Машғулотлар турини алмаштириш орқали дам олган. Вақти ўлчовли бўлишига қарамай, кўмак сўраб мурожаат қилувчиларга, ҳатто бегоналарга ҳам ҳамиша ёрдам қўлини чўзган. Любишчев гарчи ўз олдига қўйган асосий мақсадига тўла-тўқис эриша олмаган (муаллифнинг таъкидлашича, у бир одамнинг умри етмайдиган даражада, ниҳоятда улкан мақсадларни кўзлаган) бўлса-да, ибратли, мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган.

«...унинг ҳаёти мисолида мен ногоҳ инсон ҳаёти нақадар самарали, улғувор бўлиши мумкинлигини кўрдим ва бизнинг ВАҚТга муносабатимиз қанчалар нотўғри, уқувсиз эканлигини англаб қолдим» деб ёзади муаллиф ҳайрат билан.

Ҳаётда Любишчевга ўхшаган одамлар фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам вақтини тежаган. Ҳақиқий зиёлига ҳос ички маданият, юксак маънавият шунга ундаган. Афсуски, биз ҳаётда ҳар куни, ҳар лаҳза бировларнинг вақтини ўғирлашдан ийманмайдиган сурбет кимсаларни учратамиз. Улардан қутулиш ҳам осон эмас. Шахсан ўзим шундай кимсалардан йироқроқ юришга ҳаракат қиламан. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаб юрганимда шундай бир эзма олим бор эди. Ўзи фидойи, жонкуяр, одамохун эди, аммо кўп гапирарди, яна, айни иш қизиган пайтда келиб халақит берарди. Ахийри ундан қутулиш учун шундай хийла ўйлаб топганман. Ҳамхонам, шоира Муҳаббат Туробовага «Агар ўша олим келса, ҳол-аҳвол сўрашгач, сизга секин қараб қўяман, нарига хонага чиқиб мени бош муҳаррир чақираётганини айтиб

телефон қиласиз» дея тайинлаб қўйдим. Ўйлаган режамиз яхшигина асқатган.

Ҳозирги глобаллашув асрида, ахборот технологиялари ривожланган, «Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал» (Фафур Фулом) бўлаётган даврда ҳар бир одам ВАҚТ билан муносабатини тўғри йўлга қўйиб олмаса, ўзида ВАҚТ туйғусини шаклантирмаса қийналиб қолиши турган гап. Гоҳо янги чиққан китоблар, кундалик матбуот нашрларини (илгари улар санокли эди, эндиликда мингга яқин) ўқиб чиқиш у ёқда турсин, шунчаки варақлаб чиқишга ҳам вақт етмайди. Ҳаётда муҳимдан номуҳимни ажратиб олиш жуда муҳим. Шунда вақт тежалади. Мен бир вақтлар тез ўқишни ўрганиш учун махсус китобларни топиб, озроқ шуғулланиб кўрганман. Иродам, сабр-тоқатим етишмадим, бу ишни охирига етказа олмадим. Қолаверса, ўқиш бошқа, уқиш бошқа. Тез ўқиш усулини бадий адабиётга нисбатан қўлаб бўлмаса керак дея иккиланганман. Ҳаётда кўпгина муаммоларнинг ечими барибир айланиб келиб ўзимизга, шахсиятимизга тақалади. Ўзимиз қандоқ бўлсак, тақдиримиз ҳам шундоқ бўлади. Аммо бу кўхна ҳақиқатни гоҳо унутиб қўямиз.

Вақт етишмаслигидан муттасил нолийдиган кишилар аслида вақтдан унумли фойдаланишни билмайди. «Ҳар доим вақтим йўқ дегувчилар аслида ҳеч нарса қилмайдилар» дейди немис мутафаккири Лихтенберг. Бир инсоннинг умри, агар ундан унумли, оқилона фойдаланилса, ҳар қандай улўвор мақсадларни амалга ошириш учун етарлидир. Тарихда бунга мисоллар кўп. Шоир, подшо, мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур бор-йўғи қирқ етти йил умр кўрган. Ундан улкан маданий мерос қолган, у асос солган империя уч юз йилдан зиёд умр кўрган. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романини ёзганида ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган эди. Халқимизнинг суюкли шоирлари — Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар энг яхши асарларини йигирма-қирқ ёшлар атрофида ёзишган. Фақат

кейинги йиллардагина ёши қирқдан ошганларни ҳам негадир «Ёш ижодкор» дейиш расм бўла бошлади.

Шахматда цейтнот (вақт танглиги) деган тушунча бор. Маълум бир юришлар учун (масалан, 40 юришга икки соат) чекланган вақт берилади, шахматчи шу муддат давомида керакли юришларни қилишга улгуролмаса секин-аста цейтнотга тушиб, ахийри соатидаги байроқча тушиб кетади ва у мағлуб бўлган ҳисобланади. Шахмат жуда доно ўйин, у ҳаётдаги курашнинг рамзий тимсоли. Агар инсон ҳам ўзига берилган қимматли вақтидан оқилона, унумли фойдаланолмаса, цейтнотга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳа, инсон умрининг қумсоати тўнтариб қўйилган, у тинимсиз, шовуллаб тўкилиб турибди...

Биз ҳамма нарсага вақт туфайли эришамиз. Шу боис у бебаҳо бойлик. Ақл-заковот соҳиблари учун вақтни бой бериш айниқса катта йўқотиш. «Вақт — ақлий меҳнат кишисининг сармойеси» дейди Бальзак. Афлотун бу ҳақда янада куйиниб айтган: «Арзимаган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқча вақт сарфлаш доно одам учун ниҳоятда оғирдир ва бу уни мислсиз ташвишга солади». Табиийки, зиёли, маданиятли одамлар иложи борича вақтнинг қадрига етишга, унинг ҳар бир дақиқасини беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қилади. Шу боис улар аксарият ҳолларда ўз олдига қўйган асосий мақсадига эришади, катта истеъодлар миллатнинг фахрига айланади. Биз уларга ҳавас билан қараймиз, ҳаётда уларнинг ҳеч бир армони бўлмаса керак деб ўйлаймиз. Аммо қизиғи шундаки, гоҳо уларнинг ҳам армони бўлар (шоир айтганидек, «Бу дунёда армонсиз одам бечоралар ичра бечора!») экан. Ва бу армон биз фикр юритаётган ўша ВАҚТ муаммоси билан боғлиқ экан.

«Билақда куч-қувват, юракда ғайрат-шижоат борида қиладиганингни қилиб қолиш керак экан. Кейинги афсуслар бефойда — қийнайди, эзади, азоблайди, холос. Баъзида ҳаётимнинг қанча-қанча

кунлари, ойлари беҳуда кетганини ўйлаб вужудим зирқирайди. Бекор кетган фурсатлар ўчини олгим келади, куну тун қимирламай ўтириб ёзсам, дейман, аммо қари от чартоққа ярамайди, дегандай салга чарчаб қоламан, алам қилади.» («Ёшлик» журнали, 2008 йил, 6-сон, 23-саҳифа)

Ажабо, бу гапларни «Тенгдошлар», «Бир фельетон қиссаси», «Муқаддас», «Биллур қандиллар», «Қанот жуфт бўлади», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Адолат манзили» каби асарларни ёзган, фақат юртимиздагина эмас, туркий дунёда ҳам маълум ва машҳур бўлган, саксон ёшдан ошганда «Осий банд»дек беқиёс эсдаликни ёзиб, мухлисларини яна бир қарра қойил қолдирган ҳассос адибимиз Одил Ёқубов ёзган!.. Атоқли адибимиз шунчаки ортиқча камтарлик қилаётгани йўқ, хом сут эмган бандаларга (айниқса ёзувчиликни осон машғулот деб ҳисоблаётган ва замона зайли билан урчий бошлаган айрим «ёзғувчилар»га) яхшигина сабоқ бўладиган ушбу эътироф самимий. Севимли адибимизнинг дардини, аҳвол-руҳиясини тушуниш мумкин...

Дарҳақиқат, тан олиб айтиш керак, аксарият ҳолларда вақтимиз бекор, беҳуда ўтади, буни ўзимиз ҳам кўпинча сезиб-сезмай қоламиз. Энг ачинарлиси — бунга ўзимиз ҳам кўникиб қолганмиз. Инсоннинг ғам-ғуссага, турли йўқотишларга кўникишини тушуниш (акс ҳолда яшаш жуда оғир) мумкин, аммо вақтнинг зое кетишига осонгина кўникишини тушуниш қийин. Буни ҳеч нарса билан оқлаб, хаспўшлаб бўлмайди. Вақтнинг табиати шундай, худди қумликка сингиб кетган сувдай қандай ўтгани кўпинча сезилмай қолади. Шоир айтганидек, «Лаҳзалар умримизни ҳўплаб кўяди». Хом сут эмган банданинг ўзига боғлиқ бўлган ва бўлмаган ташқи таъсирлар, икир-чикирлар, ташвиш-қувончлар кўпинча инсон иродасидан устунлик қилади. Айниқса, ёшларда вақт туйғуси жуда суст. Улар вақтнинг қанчалар тез ўтаётганини мутлақо ҳис этишмайди, қиладиган ишини



олдиндан режалаштириб қўйишга (бу чора вақтни тежайди, иш унумли бўлади) эринишади, вақтни бир умрга бериб қўйилган, ҳеч қачон тугамайдиган, чексиз-чегарасиз бир неъмат деб билишади. Афсуски, ҳаётда вақтини нимага сарфлашни билмайдиган гумроҳлар ҳам бор. Улар учун вақтни мазмунли ўтказиш эмас, «ўлдириш» муҳим. Улар кўпинча тўпланиб (ёлғиз қолса зерикади) чойхонада бўкиб қолгунча еб-ичади, нарда, қарта ўйнайди, бемаъни сафсата сўқиб, ғийбат қилади, кайфу сафони, маишатни биринчи ўринга қўяди. Улар бирон марта ҳаётнинг маъноси ҳақида бош қотирмайди. Чунки бошнинг ўзи ишламайди. Сабаби — қорин орқали фикрлашади. Уларнинг ҳаёт тарзини биргина ЖАҲОЛАТ деган сўз билан изоҳлаш ҳам мумкин.

«Вақтни, умр лаҳзаларини қадрлаш миллий фазилат, қадрият даражасига етишини орзу қиламан» деб ёзади таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад.

Мен фарзандларимга, айниқса санъатга дахлдор бўлган иккала рассом ўғлимга вақтнинг қадрига етиш, китоб ўқиш ҳақида кўп гапирман. Мутолаанинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини уқтиришга уринаман. Ҳали мактаб ёшига етмаган набираларимнинг ҳам вақти бекор, беҳуда ўтмаса дейман. Тўғри, болалик болалиқдай ўтиши, бола кичкиналигида тўйиб, маза қилиб ўйнаб олиши керак, фақат ана ўша ўйинида ҳам бирон маъно бўлса, ўйин орқали бирон фойдали нарсани (масалан, мантиқ дарсининг ўрнини босадиган шахматни, хорижий тилни) ўрганса дейман. Инсон ташқи дунё ҳақида оладиган ахборотларининг 90 фоизини беш ёшигача олар экан. Боладаги истеъдод куртаклари қанча эрта илғаб олинса ва у тўғри тарбияланса, шунча яхши. Ўвилларимни жуда кичкиналигида («Бугунги ишни эртага қўйма!» нақлига амал қилиб) расм тўгарагига олиб борганман, ўйинқароқлик қилиб машғулотдан бўйин товлашганда мажбур қилганман, мавриди келганда ҳатто педагогика қоидасини бузиб, калтаклаганман. Янглишмасам, натижа ёмон бўлмади. Рангасвир оламида ўз ўрнини топиш-

га астойдил интилаётган ака-ука рассомлар энди болалик чоғларини кулиб эслашади, «Ўшанда тўғри қилгансиз» деб қўйишади. Айтмоқчиманки, ҳаётда ҳар бир иш ўз вақтида қилиниши лозим экан. Ўз вақтида ўқилган биргина китоб ҳам инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Олимларнинг кузатишича, ҳали инсоннинг нималарга қодир экани, ички имкониятлари тўла-тўқис очилмаган экан. Эҳтимол, асрлар, йиллар ўтгач, келгуси авлодлар вақтдан янада самарали фойдаланиш йўларини кашф этишар. Ўшанда улар бизнинг нақадар уқувсиз, ношуд бўлганимиздан кулишар ҳам... Буни яна ўша... ВАҚТ кўрсатади...

Энди, вақт тушунчасига андак юқоридан, фалсафийроқ нуқтаи назардан қарасак, кўз олдимизда бутунлай бўлакча манзара намоён бўлади. Вақт ақлли одамлар учун қимматли тушунча. Вақт муаммоси ҳақида жиддийроқ бош қотирсак, унинг илғари ўзимиз яхши англамаган хусусиятларини илғай бошлаймиз. Вақтни илғаш, уни идрок этиш фақат инсонга хосдир. Вақт — бу шахсни юксалтириш, бола тарбияси, Ватанга хизмат қилиш учун берилган имконият. Физикада энергиянинг, жисмларнинг сақланиш қонуни бор, аммо вақтнинг сақланиш қонуни йўқ. Вақтни сақлаб, захирага олиб қўйиб бўлмайди. Вақтнинг тез ёки секин ўтиши ҳам жуда нисбий тушунча. Умр адоғида вақт жуда тез ўтаётгандек туюлади. Ёшликнинг жуда тез ўтиб кетганини фақат ўтиб кетгандан кейингина пайқаб қоламиз. Вақтдан унумли фойдаланганимиз сайин унинг қиммати ортиб бораверади. Вақт ҳаётнинг маъноси билан чамбарчас боғлиқ тушунча. Инсон комилликка ҳам асосан вақт орқали эришади. Ҳаётни ҳамма севади, аммо ана ўша ҳаётимиз вақтдан иборат экани кўпинча хаёлимизга келмайди, шу боисдан ҳам унинг қадрига етавермаймиз. Бизга вақт ўтиб кетаётгандек туюлади, аслида вақт ўз жойида тураверади, биз ўтиб кетамиз, биз... Вақт охир-оқибат ҳамма нарсани ўз комига тортиб кетади, ҳамма нарсага ўз таъсирини, ҳукмини ўтказади.

Вақт — олий ҳакам, у ҳамма нарсани ойдинлаштиради, афсуски, унинг қадри ўтгандан кейингина билинади. Йиллар, асрлар ўтгач, ёлфонлар фош бўлади, ўз вақтида ошкор этилмаган ҳақиқатлар айтилади. Вақт охир-оқибат ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Унинг устидан ҳеч ким зўравонлик қилолмайди. У ҳеч кимга бўйсунмайди. Вақт шундай қудратли, сеҳрли куч...

## СЎЗ ТУЙҒУСИ

Тил масаласи, тилга муносабат ҳамиша, ҳамма даврларда долзарб муаммо ҳисобланган. Бу бежиз эмас, албатта. Инсоннинг кимлиги, маънавий қиёфаси унинг тилга муносабатида ҳам яққол кўринади. Тилга эътиборсизлик, айниқса оммавий ахборот воситалари тилида учрайдиган айрим нуқсонлар ҳақида аҳён-аҳён билдирилаётган танқидий чиқишлар бежиз эмас.

Таниқли мунаққидларимиздан бири ўз ўрнида қўлланилмаган сўзни ям-яшил дарахтга қоқилган миҳга ўхшатган эди. Дарҳақиқат, ноўрин ишлатилган сўз, хоҳ оғзаки мулоқотда бўлсин, хоҳ матбуотда эриш туюлишидан ташқари, тилга беписандлик ҳисобланади.

Бир куни ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижодхонаси ошхонасида тушлик қилаётган эдик. Кимдир гўшт сал ҳидланибди деб қолди.

— Хитойда гўштни атай саситиб ейишар экан! — деди шарқшунос ёзувчи Дадахон Нурий.

— Илгари чўпонлар гўжани ҳам шунақа ачитиб ейишарди, — дедим болалик чоғларимни эслаб.

Шу маҳал рўпарамда ўтирган Ваҳоб Рўзиматов (раҳматли кўп зукко муҳаррир эди, ҳозирги айрим таниқли ижодкорлар унинг яхши маънодаги инжиқлигидан кўп ва хўп баҳраманд бўлишган) ялт этиб қаради. «Ейишарди» деган сўзни нотўғри айтворганимни сезиб, тилимни тишлаб қолдим. Гап келганда отасиниям аямайдиган Ваҳоб ака бу гал жуда чиройли киноя қилдилар:

— Гўжани ҳатто ичишган ҳам!

Самимий кулишдик.

Ҳа, жуда кўп қаламкашларга устозлик қилган, тажрибали, моҳир муҳаррир ҳатто оғзаки нутқдаги заррача ғализликни ҳам ҳазм қилолмас эди.

Афсуски, эндиликда Ваҳоб ака каби тилимизнинг билимдон, зукко жонкуярлари қолмади ҳисоб. Ҳозир ғализ жумлаларни, ноўрин қўлланган сўзларни радио ва телекўрсатувлардан, газета, журнал ва китоблардан истаганча топиш мумкин, гўё тилга эътиборсизлик бўйича «мусобақа» ўтказилаётгандек... Акс ҳолда «ҳокимлик» дейиш ўрнига «ҳокимият», «таҳририят» ўрнига «муҳарририят», «ўқишли» ўрнига «ўқимишли», «мурват» ўрнига «мурувват» дейилишини қандай тушуниш керак? Ҳали-ҳамон жойларда «салқин ичимликлар» деган мантиқсиз ёзувга кўзимиз тушиб қолади. Янги йил арафасида эса ҳамма ёқда «Янги йилингиз билан!» деган чўлтоқ ёзув-шиорлар пайдо бўлади, ҳатто оғзаки нутқимизда ҳам шундай дейишга ўрганиб қолдик. Ваҳоланки тилимизнинг табиати бундай кемтикликни кўтармайди, «табриклаймиз» деган сўзни ҳам қўшиб айтишни тақозо қилади.

Сўз туйғусининг ўтмаслашгани, бошқа тиллар, хусусан рус тили орқали сўзма-сўз таржима (калка)нинг салбий оқибати бўлса керак, сўнги пайтларда матбуотда ҳам, расмий ҳужжат, ахборотларда ҳам «эътибор қаратди», «фаолият олиб бормоқда» («ишлади», «хизмат қилди», меҳнат қилди» деган сўзлар гўё ман қилингандек) каби беўхшов ибораларга ружу қўйилмоқда. Юқоридаги ғализ ибораларни «эътибор қилди», «фаолият кўрсатмоқда», «янги йилингиз билан табриклайман» тарзида енгил таҳрир билан бартараф қилиш мумкинлигига фаросат етмайди.

Афсуски, «билан» сўзига даҳдор ғализлик фақат янги йилдагина эмас, бошқа ҳолатларда ҳам кузатишмоқда. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритганда, марказий газеталаримизнинг

биринчи саҳифаларида шундай катта сарлавҳалар пайдо бўлди: «Ғалаба билан, Рустам, ғалаба билан, Ўзбекистон!». Нуфузли газета таҳририятида ўз она тилини яхшироқ биладиган ходимнинг топилмагани ачинарли, албатта...

Устозим, атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий бир замонлар айна юқоридаги нуқсонга жамоатчилик эътиборини қаратган эди. Ўзи ҳам футбол ишқибози бўлган домла шарҳловчи нутқидаги «Тўп билан Абдураимов, тўп билан Красницкий» деган ибораларни кескин танқид қилиб, хатони тузатиш йўлини ҳам («тўп Абдураимовда») кўрсатиб ўтган эди. Гап футбол ҳақида кетаётган экан, мавриди келганда шарҳловчилар нутқида кўп учраётган яна бир нуқсон ҳақида тўхталиш жоизга ўхшайди. Рақиб дарвозасига тўп киритган футболчи ҳақида гапираётган шарҳловчи бемалол «Фалончи тўпга муаллифлик қилди» ёки «Тўп муаллифи бўлди» деяверади. Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида бу сўз «яратувчи, ижодкор, автор, бирор асар, лойиҳа, кашфиётни яратган шахс» дея шарҳланган. Уни футболчига нисбатан зўрма-зўраки қўллаб бўлмайди. Тилнинг табиати зўракиликни, сунъийликни кўтармайди. Буни унутмаслик керак.

Сўнги пайтларда «санъат», «санъаткор» каби сўзларни ишлатишда ҳам бир ёқламалик, палапартишлик сезилмоқда. Аслида «санъаткор» дегани ўз соҳасида маҳоратнинг, мукамалликнинг олий босқичига, юксак чўққисига эришган кишидир. Бу сўзни юзаки талқин қилиш оқибатида гўё ҳамма ёқни санъаткор босиб кетганга ўхшайди. Бизнинг бутун борлиғимизни, онгу шууримизни сеҳрлаб қўядиган умрбоқий асарга қойил қолиб, «Ҳа, бу асар САНЪАТ даражасига кўтарилибди» деймиз, унинг ижодкорини эъзозлаб, улуғлаб, САНЪАТКОР деймиз. Ўз ижодини САНЪАТ даражасига кўтариш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ваҳоланки ойнаи жаҳонга чиқиб, иккита қўшиқ айтиб қўйган ҲАВАСКОР тап тортмай, бемалол «Биз — САНЪАТКОРЛАР» дея ўзига ўзи юқори баҳо бераверади.

У билан суҳбатлашаётган журналист ҳам «Офайни, шу сўзни сал чакки ишлатдингиз-да» демайди, чунки унинг ўзида ҳам СЎЗ ТУЙҒУСИ ҳали етарли шакланмаган.

Биз табиатан андишали, хушфеъл, назокатли халқмиз. Туй-маъракаларда, турли анжуман-издиҳомларда ўша ҳаваскорларга мурувват кўрсатиб, уларни САНЪАТКОРЛАР деймиз, «Ана, САНЪАТКОРЛАР келди» дея уларни тўрга ўтқазамиз. Шундай эҳтиром-эъзозлардан боши айланган оддий ОТАРЧИ ҳам ўзини САНЪАТКОР ҳисобласа не ажаб?!

Матбуотда аҳён-аҳён мақолалари билан кўришиб қоладиган бир танишим бор. Исми шарифининг остига бемалол, тортинмай «САНЪАТКОР» деб ёзиб қўяверади. Бир куни ўзаро суҳбатимизда унинг «САНЪАТКОР»лиги билан қизиқдим. Маълум бўлишича, у бир вақтлар машҳур қўшиқчининг ёнида доира чертиб юрган экан.

Инсоннинг маънавияти, камтарлиги аввало унинг тилида намоён бўлади. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов «Дўстларим, шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидур» дея бежиз лутф қилмаган. Раҳматли Асқад Мухторнинг шундай бир ибратли гапи бор эди: «Ёзувчиман» дейишга ийманаман, чунки «ёзувчиман» дейиш «Мен яхши одамман» дейиш билан баробардир...»

Шундай экан, «САНЪАТ», «САНЪАТКОР» сўзларини ҳам дуч келган жойда, билиб-билмай қўллавермайлик, зеро, давр синовидан ўтган, умрбоқий асарларгина юксак САНЪАТГА дахлдордир. Ҳатто кўпчиликка маъқул тушган, оммавий асар ҳам САНЪАТ даражасига кўтарилолмаслиги мумкин.

Тилга эътиборсизлик ҳақида гап кетганда «ёқимли иштаҳа», «ёнғиндан хавфли», «нафақахўр», «тан жароҳати олди», «рассомчилик», «лицензиясиз йўловчиларни ташиш ман этилади», «чиройли қарсақлар» каби ғашга тегаётган курмаклар ҳам эсга тушадики, кичик бир мақолада уларнинг ҳаммасига тўхталишнинг иложи йўқ.

Афсуски, санъат ва адабиётдаги дидсизлик, нашрчилик ишларидаги хўжасизлик, ночорлик тилга муносабат масаласида ҳам сезилиб қолмоқда.

Агар маълумот, тушунча даражаси, савияси ўртача ёки ундан пастроқ одам билиб-билмай, тушуниб-тушунмай сўзни нотўғри, ноўрин қўлласа, сўз қадрини билмаса, уни кечириш мумкиндир, аммо касбу кори бир умр сўз билан, сўз санъати билан боғлиқ қалам аҳли ва зиёлилар сўзга, ўз она тилига лоқайд, эътиборсиз бўлса, бу билан мураса қилиш мумкин эмас.

Тил маданияти умуммаданиятнинг, инсон ички олами ва маънавиятининг бир кўриниши. Сўз туйғуси инсонга болаликдан, бешиқда ётган палладан бошлаб она алласига омихта қилиб сингдириб борилади. Кейинчалик эса таълим-тарбия, илму маърифат билан такомилга етказилади.

Келинлар, азизлар, тилимизга безътибор бўлмайлик, унинг қадру қиммати, мавқеи, нуфузини баланд тутайлик.

### ДАҲОЛАР ЁВУЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатида даҳо сўзига «Фавқулодда ақл ва заковот, тенгсиз ижодий истеъдод» дея таъриф берилган. Гёте қобилиятдан юқориси истеъдод, истеъдоддан юқориси даҳолик, деган эди. Даҳолик ва даҳолар ҳақида кўп ва хўб ёзилган.

Даҳонинг дунёга келиши биологик муаммо, унинг юзага чиқиши эса ижтимоий муаммодир. Даҳонинг камолга етиши учун етарли шарт-шароит бўлмоғи лозим. Қанча-қанча даҳолар ана ўша шароит бўлмагани туфайли рўёбга чиқа олмаган, увол бўлган.

Ёрқин, машҳур шахслар, айниқса даҳолар ҳақида ёзилган илмий, оммабоп, бадий асарлар китобхонда ўзгача бир қизиқиш, иштиёқ уйғотиши табиий. Яқинда шундай бир китоб қўлимга тушиб қолди.

Бу Р.К.Баландиннинг 2008 йили Москвада чоп этилган «Юзта машҳур даҳолар» («Сто великих гениев») деган китоби эди. Унда яқин ва узоқ ўтмишда яшаб ўтган машҳур шахслар, муаллифнинг эътирофича машҳур даҳолар — дин арбоблари, саркардалар, ҳукмдорлар, файласуфлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъат арбоблари ҳақида ҳикоя қилинади. Китобни қўлга оларканман, «Қани биздан кимлар кирган экан?» деган савол беихтиёр хаёлимга урилди-ю шоша-пиша мундарижага кўз ташладим. Ажабо, унда Роджер, Кузанский, Кювье, Лайель, Дюрер, Босх, Кропоткин каби номи у қадар маълум ва машҳур бўлмаган шахслар даҳолар қаторидан ўрин олгани ҳолда Темур, Бобур, Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Хоразмий, Навоий, Айтматов каби буюк сиймоларнинг номлари йўқ эди. Табиийки, бундан ажабландим ва андак ранжидим ҳам.

Шарққа паст назар билан қараш янгилик эмас, албатта. Айни чоғда Фарбнинг ўзи Шарққа бўлган ҳурмат-эътиромини, ҳайратини («Қуёш Шарқдан!») алақачон изҳор этиб қўйган. Яна ўша Гётега муурожаат этамиз. Буюк немис мутафаккири, «Фарбу Шарқ девони» муаллифи «Етти энг зўр Шарқ шоирининг энг нимжонидан ҳам кучсизман» дея иқрор бўлган. Дарҳақиқат, буюк сиймоларимизнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Францияда ҳайкал ўрнатилган соҳибқирон Амир Темур ҳаётлигидаёқ Европа ҳалоскори сифатида тан олинб, эъзозланган. Жавоҳирлаъл Нерунинг «Бобур — дилбар шахс...» деган эътирофи эл аро маълум ва машҳур. Беруний ёзган асарлар рўйхатининг ўзи олтмиш саҳифалик китоб бўлади. Ибн Сино асарлари Европада беш-олти аср мобайнида тиббиёт дарслиги сифатида ўқитилган. Ҳазрат Навоий ижодининг жаҳоний аҳамияти ҳам алақачон эътироф этилган. Муҳтарам юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай ёзадилар:

«Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.



Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади».

Навоий даҳосини бундан ортиқ таърифлаш ва баҳолаш қийин.

Даҳолар ҳақидаги китобга буюкларимиз кири-тилмагани билан улар камситилиб қолмайди, албатта, фақат муаллифнинг ноҳолислиги андак таассуф уйғотади. Беихтиёр Криловнинг ўша машҳур масали ёдга тушади. Ҳайвонот боғига борган одам у ерда ҳар турли майда жонзодлар, қурт-қумурсқаларгача кўрганини дўстига айтиб мақтанади. Оғайниси ўша ерда фил ҳам бор эди, кўрдингми деб сўраса, йўқ, филни кўрмадим деб жавоб беради...

«Юзта машҳур даҳолар» китобининг илк саҳифалари дин арбобларига бағишланган. Унда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида ҳам ҳикоя қилинган. Афсуски, бу ҳикоя ниҳоятда юзаки, бир ёқлама, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак сиймоси мутлақо очилмаган. Муаллиф ўзича мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримнинг айрим «камчилик»лари ҳақида алахсираб фалсафа сўқийди. Китобда ҳазрат пайғамбаримизнинг қарашлари акс этгани ҳақида ёзади. Ваҳоланки Қуръони карим Оллоҳнинг каломи экани, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўғитлари, панд-насиҳатлари унинг ҳадисларида баён этилгани ҳар бир мўмин-мусулмонга яхши аён. Китобда умуман «ҳадис» деган сўз тилга олинмайди. Ҳазрат пайғамбаримизнинг бошқа диний китоблардан «фойдалангани» ҳақида айтилган мулоҳазалар ҳам ниҳоятда чалкаш ва мантиқсиздир. Хуллас, муаллиф исломнинг моҳиятини теран англамасдан, Расулуллоҳнинг

(с.а.в.) ҳаётини яхши ўрганмасдан қўлига қалам олган.

Р.К.Баландин китобининг шоир, ёзувчиларга бағишланган қисмида ҳам ўша бир ёқлама услубига содиқ қолган. Масалан, муаллиф Достоевский, Толстой ҳақида ҳикоя қилар экан, бу ёзувчиларнинг таржимаи ҳолига доир айрим маълумотларни келтириш баробарида кўпроқ уларнинг дунёқараши, жамият, санъат ва адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига тўхталади. Ваҳоланки бу улўф ёзувчиларнинг даҳолиги аввало уларнинг адиб сифатидаги юксак маҳоратида, санъатида намоён бўлган. Китобда бу ҳақда деярли ҳеч гап айтилмайди. Бехиётир ҳаёлга Виктор Шкловскийнинг «Машҳур кишилар ҳаёти» сериясида чоп этилган «Лев Толстой» асари келади. Унда Толстойнинг жамики инсоний фазилатлари, ожизликлари қатори санъаткор сифатидаги буюклиги, даҳолиги ҳам маҳорат билан очиб берилган эди.

«Юзта машҳур даҳолар» китоби муаллифининг даҳолик ҳақидаги тасаввур-тушунчаси бағоят «ўзига хос», хайратомуздир. Акс ҳолда Ленин, Сталинни даҳолар сафига қўйилишини тушуниш қийин. Тўғри, улар жаҳон миқёсида тан олинган таниқли, машҳур шахслар. Аммо уларни даҳо дейиш қанчалик тўғри бўларкин? Даҳо сўзининг маъно-моҳияти аввало эзгу туйғулар, комиллик, эзгу амаллар билан боғлиқ. Тўғри, Ленин, Сталин сиёсат, ташкилотчилик, удабуронлик, устамонлик бобида беқиёс ақлу заковот, истеъдод соҳиблари эди. Аммо уларнинг ана ўша «даҳо»лиги эзгуликка эмас, аксинча, қабоҳатга, разолатга хизмат қилгани тарихий ҳақиқат-ку! Муаллиф бу шахсларнинг таржимаи ҳолига доир маълумотларни келтиради, характеридаги «айрим қусурлар»ни шунчаки номигагина тилга олади, айнаи чоғда улар фаолиятини асосан ижобий баҳолайди, хизматларини ошириб-тошириб кўрсатади, жиноятларини, ёвузликларини хаспўшлайди, улардан кўз юмади.

Танганинг иккинчи томони эътибордан соқит қилинади. Социалистик давлат халқлар боши-

га қанчалар кулфат келтиргани, сиёсий террор, муҳолифларга мурасасизлик, оммавий қатағон қанчалар фожиали бўлгани, бу «даҳо»лар ўз халқига нисбатан геноцид сиёсатини юргизгани ҳақида ломим дейилмайди. Машъум қатағон сиёсати аслида Лениндан бошлангани, (Сталин уни «қойилмақом» тарзда давом эттирган) подшо оиласини отишга ҳам шахсан ўзи буйруқ бергани, сиёсатда ғирт иккиюзламачи экани, Қўқон мухториятини қонга ботиргани, маълумоти бўйича юрист бўлгани ҳолда ҳуқуқ-тартибот тизимига телефон орқали тазйиқ ўтказиш амалиёти ҳам аслида «доҳий»дан мерос экани, унинг таълимоти эса ғирт сохта экани унутилади.

Университетда ўқиганимизда Тўлабой Рўзибоев деган хумсонлик билимдон бир курсдошимиз бўларди. Ижтимоий фанлардан зўр ўқирди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари кўришиб қолдик. «Лениннинг элик беш томини эринмай ўқиб чиқдим, — деди у. — Диққатни жалб қиладиган биронта соғлом, жўяли фикрини тополмадим!». Курсдошимнинг ҳафсаласига қойил қолдим. Ҳа, ҳақиқатни ҳар ким ўзи учун қайта кашф этганга нима етсин!..

Р.К.Баландин ўз китобида Сталин ҳақида оғзидан бол томиб сўзлайди, «халқлар отаси»га ихлосини яшириб ўтирмайди. Совет Иттифоқи ХХ асрда эришган жамики оламшумул ютуқлар — ҳамма-ҳаммаси Сталиннинг буюк хизматлари натижаси дея қайд қилинади. Черчилль, Фейхтвангер, Адданов, Керенский каби тарихий шахсларнинг Сталинга берган юксак баҳоси келтирилади. Айни чоғда Сталин шахсан ўзи бош бўлган, ўзи бевосита дирижёрлик қилган оммавий қатағонлар, қирғинбаротлар ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмайди. Сталиннинг сон-саноксиз жиноятларини фош этувчи муҳим тарихий, илмий, бадий ҳужжатлар, манбалардан кўз юмилади. Ахир Н.С.Хрушчёвнинг 1956 йили КПСС ХХ съездида Сталин шахсига сифинишни фош этувчи ва жаҳонда катта шов-

шувларга сабаб бўлган тарихий нутқини тилга олма-май, Солженициннинг террор ва қатағон сиёсати, Сталин қамоқхоналаридаги азоб-уқубатлар ҳақида ҳикоя қилувчи машҳур «Гулаг архипелаги» асари-га мурожаат этмай туриб Сталин шахсияти ҳақида холис фикр юритиш мумкинми? Ахир тарихга, қадриятларга, ўтмишда ўтган тарихий шахсларга, ҳукмдорларга замона зайли билан қайтадан баҳо берилмоқда-ку! Муаллиф қайси аср қаъридан ту-риб гапирмоқда? Кимларнинг тегирмонига сув қуймоқда?

Сталин муаммони ҳал этишнинг жуда осон, од-дий ва даҳшатли йўлини топган эди: «Одамнинг ўзи йўқ қилинса, муаммо ҳам йўқ бўлади!» Шундай фалсафа-усул билан миллион-миллион одамлар йўқ қилиб юборилган. «Аргументы и факты» газетаси-нинг хабар беришича, сталинизм қурбонларининг сони Ватан уруши қурбонлари сонидан ортиқ экан.

Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас, бунга имкон ҳам йўқ эди. Эндиликда мустабид тузум давридаги сунъий тўсиқлар, ғовлар олиб ташланди. Мустақиллик ша-рофати билан ҳақиқатни билиш ва айтиш имко-нияти туғилди.

Ўзбек адабиётида шахсга сиғиниш ва қатағон сиёсатини фош этишга бағишланган биринчи салмоқли асар Шухратнинг (Оллоҳ раҳматига ол-ган бўлсин) «Олтин зангламас» романи бўлди. Кей-инчалик Иззат Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлари», Усмон Азимнинг «Кундузсиз кечалар», Шукруллонинг «Тирик руҳлар», «Ка-фансиз кўмилганлар», Жамол Камолнинг «Оташ», «Файзулла Хўжаевнинг кўзлари», Хайриддин Сул-тоновнинг «Улар Германияда ўқиган эдилар» каби қатағон даврини акс эттирувчи қатор асар-лар яратилди. Шунга қарамай ўтмишни, тарихий ҳақиқатни тўғри идрок этиш, унга холис баҳо бе-риш осон кечмаётир. Айниқса, онгу шуури ста-линизм оғуси билан заҳарланган кекса авлоднинг дунёқарашидаги қолоқлик, гумроҳлик таассуфла-

нарлидир. Улар билан баҳслашиш бефойда. Сталин даврида тартиб-интизом бор эди, арзончилик бўлган дейишади. Уларга Чўлпонлар, Қодирийлар, Фитратлар, Усмон Носирлар фожиаси ҳақида гапирсангиз ҳам пинагини бузишмайди. Сталин Қодирийлар, Чўлпонларни шахсан танимаган, отишга шахсан буйруқ бермаган, ҳаммаси ўзимиздан чиққан сотқинларнинг қилмиши туфайли содир бўлган дея яна ўша қонхўр диктаторни оқлашади. Тўғри, сотқинлар ҳамма замонларда бўлган, сопини ўзидан чиқаришга уста бўлган шўро сиёсатчилари бундан унумли фойдаланган. Ўша оммавий қатағонлар кимнинг сиёсати туфайли содир этилди деган мантиқли, оғриқли саволдан хит бўласиз...

Россия телевидениясида «Россия тимсоли» деган умумхалқ танлови ўтказилди. Унда Россиянинг узоқ ва яқин ўтмишида яшаб ўтган ўндан зиёд машҳур шахсларнинг номидан биттаси «Россия тимсоли» сифатида танлаб олиниши лозим эди. Танлов натижасига кўра Сталиннинг номи иккинчи ўринни олди.

Умумхалқ психологиясида қаттиққўл ҳукмдорга интиқлик, ҳамма муаммолар ўша ҳукмдорнинг бир оғиз ишораси билан ҳал этилажагига ишонч устувор экани сир эмас. Юқоридаги танлов натижаси Россиянинг ўзидагина эмас, дунё миқёсида ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлди. Илғор зиёлилар, таниқли шахслар «Модомики халқнинг савиятушунчаси шунақа экан, улар ҳали халқ эмас, оломон!» дея таассуф билдиришди...

Ушбу тафсилотдан яна бир даҳшатли ҳақиқат бўй кўрсатиб турибди. Ленин, Сталин каби «даҳо»ларнинг жиноятлари фақат оммавий қатағон, геноцид билан чекланиб қолмайди. Улар халқнинг руҳини фораг қилишди, қуллик, мутелик психологиясини сингдиришди, одамларни ўз ҳақ-хуққини танимайдиган, исён туйғуси бутунлай сундирилган, мустақил, соғлом фикр юритолмайдиган манқуртларга айлантиришди. Бунинг аянчли таъсири, захри-зиёни ҳали-ҳамон давом этмоқда... «Со-

ветча» яшаш ва фикрлаш тарзидан бутунлай воз кечиш қийин кечмоқда...

Р.К.Баландиннинг китобидаги бир ёқламаликлар, нохолисликларни хўш, нима бўпти, муаллиф ўз шахсий фикрини баён этган дея оқлаш, хаспўшлаш мумкинми? Менимча, мумкин эмас! Агар муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини беш-олти нафар улфатлари билан бўлган ўзаро гурунгда айтса бошқа гап эди. Ахир у ўз қарашларини кўп нусхада чоп этилган китобида баён этмоқда, демакки халққа, оммага гўё маърифат тарқатяпти, шу боис унинг нуқтаи назари оломоннинг қарашларидан фарқ қилиши, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, холис, ҳаққоний ва соғлом фикр юритиши лозим эди. Афсуски, тарихни яхши билмайдиган, мустақил фикр юритолмайдиган китобхоннинг онгу шуури бундай зарарли китобларни (тараққиётга, эзгуликка хизмат қилмайдиган китобни тап тортмай зарарли дейиш мумкин!) ўқигач, яна бир карра ёлғон билан заҳарланади. Бундай кўнгилсиз ҳолга бефарқ қараш мумкин эмас. Айниқса, ёш авлодни зарарли мафкуравий таъсирлардан огоҳ қилишга ҳаммамиз бурчлимиз.

### САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Дунёнинг етти мўъжизаси бор дейишади. Аммо дунёда расмий эътироф этилмаган яна бир ажойиб мўъжиза бор. Бу — китоб! Ҳа, ҳа, китоб! Болалигидан китобга ошно тутинган, китобнинг қадрига етган, бир умр ундан баҳраманда бўлиб, комиллик сари интилган инсон борки китобнинг чиндан ҳам беқиёс, бетакрор мўъжиза эканлигига имон келтирмай иложи йўқ. Донолардан бири «Китоблар — замон тўлқинларида кезиб юрувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлоддан-авлодга авайлаб етказувчи фикрлар кемасидир» деган эди.

Ҳамма соҳанинг ўз маданияти бўлганидек, китобхонликнинг, қироатхонликнинг ҳам ўз мадания-

ти бор. Бу нима дегани? Мутолаа маданияти деганда аввало китобни танлаб ўқиш, танлай билиш ва унинг маъно-моҳиятини теран тушуниш малакаси назарда тутилади. Хўш, нима учун китобни танлаб ўқиш керак? Сабаби оддий. Дунёда яхши китоблар жуда-жуда кўп, беҳисоб. Агар сиз китобни танлаб-танлаб, энг яхши, энг зарурларини саралаб ўқимасангиз, ўша яхши китобларнинг ўзини ҳам ўқишга улгуролмай қоласиз. Инсоннинг умри ўлчовли.

Китоб танлашда сизга ким ёрдам бериши мумкин? Албатта, боланинг китобхонлик маданияти биринчи галда оилада шаклланади. Шу ўринда «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак» деган ибратли ҳикмат эста тушади. Агар ота-она ўзи китоб ўқимаса, китобни суймаса, фарзандига китоб ўқигин дея тинимсиз панд-насиҳат қилса-да, фойдаси йўқ. Илгари, яқин ва узоқ ўтмишда оилавий қироатхонликлар урф бўлган. Ахборот технологиялари ҳозиргидай тараққий этмаган замонларда узоқ қиш кечалари оила аъзолари бир дастурхон атрофида жамулжам бўлиб, эртақлар, дostonлар, романлар ўқишган. Шундан маънавий қониқиш ҳосил қилиб, завқланишган.

Китоб танлашда болага иккинчи ёрдамчи — адабиёт муаллими. Афсуски, адабиёт муаллимларининг аксарияти ўзлари адабиётни, унинг санъатнинг бир тури сифатидаги асл моҳиятини яхши билмайди, чуқур ҳис қилмайди, дарслиқдан четга чиқолмайди, савияси чекланган. Адабиёт муаллимининг биринчи галдаги вазифаси яхши китобхон тайёрлашдир! Эсимда, ўқувчилик давримизда адабиёт муаллимимиз Адолат ая таътилда ўқиб чиқишимиз лозим бўлган китобларнинг рўйхатини берарди. Бир гал таътилда мен рўйхатдан ташқари туркларнинг машҳур романи — «Чолиқуши»ни ўқиб чиққанимни айтганимда муаллимамиздан мақтов эшитганман. Ширмонбулоқ қишлоқ кутубхонасида Донохон ая деган фариштали аёл кутубхоначи эди. Ая бизга китоб танлашда ёрдам бериш билан чек-

ланмай, китобни ўқиб, қандай тушунганимиз билан ҳам қизиқар, асарнинг мазмунини ҳикоя қилиб беришимизни сўрар эди.

Китоб танлашда асарнинг бола ёшига мос бўлиши жуда муҳим масала. Агар китоб боланинг ёшига монанд бўлмаса, аввало ўқиш ва ўқиганини ўқиш осон кечмайди. Бу ҳол қайта-қайта давом этса, бола китобдан безиб қолиши мумкин. Болалигимда ўз бошимдан кечирган шундай бир воқеани эсламоқчиман. Ўшанда янглишмасам, бешинчи ёки олтинчи синфларда ўқирдим. Тасодифан қўлимга Войничнинг машҳур «Сўна» романи тушиб қолди. Китобнинг бир-икки саҳифасини аранг ўқиб, зерикиб кетдим ва ўқимай ташлаб қўйдим. Демак, ўшанда бу китоб менинг ёшимга мос бўлмаган. Кейинчалик, орадан икки-уч йил ўтгач, юқори синфда ўқиётганимда романни яна қайта қўлга олдим. Асардаги воқеалар мени шу қадар ўзига тортиб кетдики, китобни қандай ўқиб тутатганимни сезмай қолдим. Сўнанинг ўлими олдидан Жеммага йўллаган мактубини ўқиётиб юм-юм йиғладим. Бу менинг китобдан биринчи бор қаттиқ таъсирланишим эди. Кейинчалик Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи, Одил Ёқубовнинг «Муқаддас» қиссаси ҳам менда шундай кучли таассурот қолдирган. «Муқаддас»нинг кўпгина саҳифаларини мен ҳатто ёдлаб олган эдим.

Мутолаада суягингиз қотиб, дидингиз шакллана бошлагач, кейинчалик бемалол ўзингиз китоб танлай оладиган, ҳатто бу борада укаларингиз, дўстларингизга маслаҳат берадиган бўласиз. Агар сиз фақат бадиий китобларни ўқиш билангина чекланмай, адабиётшунос олимлар ва танқидчиларнинг китоблар таҳлилига бағишланган асарларини ҳам ўқиб, кузатиб боришга одатлансангиз кўп нарса ютасиз, китоб танийдиган бўласиз. Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов каби таниқли адабиётшунос олимларнинг адабиёт ҳақидаги асарлари бу борада сизга қўл келади.



Сир эмас, бозор иқтисодиёти ҳамма соҳа қатори адабиёт ва санъатни ҳам ўзига хос синовдан ўтказмоқда. Фақат даромадни кўзлаб яратилаётган юзаки, олди-қочди асарлар кўпайиб кетди. «Сариқ матбуот» деб аталаётган нашрлар китобхонларнинг дидини бузмоқда. Шундай мураккаб шароитда ёш авлоднинг мўлжални тўғри олиши, яхши билан ёмонни, маънавиятга дахлдор қадриятларни фарқлай билиши жуда муҳимдир. Зеро, юртбошимиз тўғри таъкидлаганларидек, «Маънавият бор жойда жаҳолат бўлмайди».

Агар китобхоннинг диди юқорида эслатилган халқ оғзаки ижоди — эртаклар, достонлар билан шакланган бўлса нур устига аъло нур. Бундай китобхон бадиий адабиётни мустақил ўқиб, ўрганишга тайёр бўлади. Яхши, саводли китобхон фақат замонавий адабиётни ўқиш билангина чекланиб қолмайди. Бизнинг мумтоз адабиёт деб аталмиш жуда бой, бебаҳо адабий меросимиз бор. Яссавий, Лутфий, Саккокий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Муқимий, Завқий ижодини ўрганиш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчидир. Тўғри, йиллар, асрлар давомида бадиий тафаккур ва тил тараққий этиб, ўзгариб боради. Ҳазрат Навоий асарларини ҳозирги китобхон ўқиб, тушуниши осон эмас. Аммо қийин экан дея қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди. Истак, хоҳиш бўлса ҳамма нарсанинг иложи бор. Навоий асарларининг тўрт томлик луғати нашр қилинган. Мумтоз адабиётга бағишланган луғатлар чоп этилган. Достонлар ва ғазалларнинг насрий баёнлари мавжуд. Мумтоз адабиётни баҳоли қудрат ўқиб-ўрганиш учун булар етарли эмас, албатта. Яна, форс, араб тиллари ва ислом динини чуқур билиш, тасаввуф таълимотидан хабардор бўлиш тақозо этилади.

Ҳозирги китобхон кўпроқ замонавий адабиётни ўқийди. Бу тушунарли, албатта. Изланувчан китобхон ҳеч қачон мактаб дарслигига киритилган асарлар билан чекланиб қолмайди. Агар сиз

қўлингизга тушиб қолган ёки дуч келган талайгина китобларни ўқиган бўлсангиз-у, аммо «Ўткан кунлар», «Қутлуғ қон», «Навойи», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони», «Шайтанат» каби машҳур асарларни мутолаа қилмаган бўлсангиз, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Муҳаммад Юсуф каби катта шоирларнинг шеърийтини билмасангиз, сизни яхши китобхон деб бўлмайди. Яхши китобхон аввало ўзимизнинг маънавий меросимизни ўқиб ўрганади, эъзозлайди. Шундан кейингина жаҳон адабиёти деб аталувчи бебаҳо хазинага юз тутади. Жаҳон адабиётини биз асосан таржима орқали ўқиймиз. Таржима ҳар қандай моҳир таржимон томонидан амалга оширилмасин, барибир аслиятнинг руҳини, маъносини тўла бера олмайди. Шунинг учун жаҳон адабиётини иложи борича аслият тилида ўқиган маъқул. Эндиликда хорижий тилларни ўрганаётган ёшларнинг кўпаяётгани қувонарли, албатта. Тил билган дил билади дейишади. Фақат олинган билим-кучни устоз Абдулла Қаҳҳор айтганидек ўтин ёришга эмас, керакли мақсадга сарфлаш керак.

Бизда 1997 йилдан буён «Жаҳон адабиёти» журнали чоп этилмоқда. Мазкур журналда жаҳон адабиётининг энг сара асарлари эълон қилинади. Адабиёт ихлосмандлари, китобхонлар учун бу жуда катта имкониятдир.

Сўнгги вақтларда одамларнинг камроқ китоб ўқиётгани, мутолаа маданиятининг пасайиб кетаётгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолмоқда. Афсуски, бу мулоҳазаларда жон бор. Китоб ўқимайдиганларнинг баҳонаси кўп. Шулардан бири — китобнинг қимматлиги.

Шу ўринда менталитетимизга хос айрим камчиликларимизни ҳам тан олишга тўғри келади. Биз йиллаб йиғиниб, катта пул сарфлаб дабдабали тўй қиламиз, фарзандимизга машина олиб берамиз, чойхона базмига маблағ топамиз, мактабга борадиган боламизда қўл телефони бўлишини истаймиз,

аммо китобга келганда қурумсоқлик қиламиз. Бу муаммонинг фақат бир томони, холос. Китобнинг, китобхонликнинг «душмани» — кино, телевидение ва бошқа тасвирий воситалар.

Ишдан ёки ўқишдан чарчаб келган одам бошини қотириб китоб ўқигандан кўра диванга ёнбошлаб телевизор кўришни афзал кўрадиган бўлиб қолди. Китобхонлик — ақлий меҳнатнинг бир тури. Бунга ҳамманинг ҳам сабр-тоқати етавермайди. Чинакам мутолаа шунчаки бекорчиликдан қилинадиган машғулот эмас, албатта. Тарихда ўтган буюк одамларнинг кўпчилиги буюк китобхонлар бўлишган. Русларнинг катта шоири Пастернак «Буюк китобхонлар пайдо бўлгандагина буюк адабиёт пайдо бўлади» деган экан. Донолардан яна бири «Одамлар ўқишдан тўхтаганда фикрлашдан ҳам тўхтаydi» дея эътироф этган. Дарҳақиқат, дўшпини бундоқ олиб қўйиб ўйлаб кўрсак, фикрлашдаги танбаллик, чекланганлик, маҳдудлик, умумий савиянинг пастлиги, манқуртлик, ўзликни танимаслик каби иллатлар ана ўша мутолаа маданиятининг ночорлигига бориб тақалади.

Ахборот технологиялари ҳар қанча ривожланмасин, ҳеч нарса, ҳеч қачон китобнинг ўрнини боса олмайди. Китобга ўрганган, китобни ўзининг маънавий эҳтиёжига айлантирган одам оламга бўлакча назар билан боқадиган бўлади. Бора-бора у, таъбир жоиз бўлса, «яшаш илмини» пухта ўзлаштириб олади, кўнглида шу маҳалгача туймаган бир қониқиш туяди, ҳаёти мазмун касб этади. Ўз вақтида ўқилган биргина китоб ҳам инсоннинг бутун ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Яқин ва узоқ ўтмишда яшаб ўтган буюкларнинг ҳаёти, китобга муносабати ёшларга ибрат бўлмоғи лозим. Русларнинг буюк шоири Пушкин ор-номус учун курашиб, дуэлда офир яраланиб, азобланиб жон таслим қилаётганда бой кутубхонасидаги китобларга қараб туриб «Алвидо, дўстларим!» деган экан. Жуда кўп ижодкорларнинг севимли устози

бўлган атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам вафоти олдидан китобларини эҳтиёт қилиб сақлашни васият қилган.

Китобни ҳар ким ўзича ўқийди, ўзича тушуниб, сабоқ чиқаради. Бу борада юқорида эслатилган буюк шахсларнинг китобхонлик тажрибасини ўрганиш ёшларга ҳар жиҳатдан фойдали бўлур эди. Шу ўринда ўзимнинг кичик бир тажрибам билан ўртоқлашмоқчиман. Мен талабалик йилларимдан бошлаб ўқиб чиққан китобларим ҳақида ёзиб бориш учун махсус катта дафтар тутишни одат қилганман. Бундай дафтарлар (ҳар бири 200 саҳифага яқин) ўнга яқин бўлиб қолди. Мен уларга аввало ўқилган китобларнинг муаллифи, номи, қаерда, қачон нашр этилгани, асосий қаҳрамонларнинг исму шарифи ҳамда китобда ўзимга маъқул бўлган, ибратли мулоҳаза, тасвирларни ёзиб қўяман. Охирида китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазамни ҳам қисқача (гўёки ихчам тақриздек) баён қиламан. Менимча, бу одат мустақил фикрлашга, китобга чет назар билан, танқидий қарашга ўргатади. Орадан йиллар ўтгач, бу дафтарни варақлаш жуда-жуда мароқли туюлади. Хаёлан болалигингиз ва ўсмирлигингизга қайтгандек бўласиз. Дунёқарашингиз, савиянгиз адабиётни тушунишингиз қай тарзда ўзгариб борганини яққол сезасиз.

Мен барча китобхонларимга мутолаа қувончи, мутолаа завқ-шавқи ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истаб қоламан.

## МУНДАРИЖА

### Умр ўткинчи, хотира боқий

Устоз сабоқлари ( <i>Мирзакалон Исмоилий</i> ) .....	8
Исми жисмига монанд ( <i>Оғил Ёқубов</i> ) .....	42
Фариштали инсон эди ( <i>Рустам Раҳмон</i> ) .....	49
Исмларнинг залворли юки ( <i>Неъмат Аминов</i> ) .....	61
Адабиёт қисмат бўлса ( <i>Шукур Холмирзаев</i> ) .....	70
Ёзувчининг армонли дунёси ( <i>Ёқуббек Яқвалхўжаев</i> ) .....	90
Сўнги дарвеш ( <i>Рауф Парфи</i> ) .....	102
Дунёга сизмаган шоир ( <i>Асқар Қосимов</i> ) .....	126
Халқига ҳайкал қўйган адиб ( <i>Тоғай Мурод</i> ) .....	136
«Мен ўзимга ўхшайман, холос!» ( <i>Амиркул Пулканов</i> ) .....	140
«Қўлёзмани чиқитга чиқармайман!» ( <i>Мамажон Муҳитдинов</i> ) .....	150

### Истеъдод жилolari

Икки олам заҳмати ( <i>Эркин Воҳидов</i> ) .....	158
Адабиётни танлаган эди ( <i>Шукур Холмирзаев</i> ) .....	174
Жиддий ҳазилкаш ( <i>Тоҳир Малик</i> ) .....	189

### Адиблар гулшани

Услубнинг гўзал қирралари ( <i>Иброҳим Фафуров</i> ) .....	200
Фидойи ( <i>Маҳкам Маҳмутов</i> ) .....	209
Жаҳонгашта адиб .....	222
Ижоди булоқ сувидек тиниқ ( <i>Мирпўлат Мирзо</i> ) .....	227
Ҳамиша ёш ва навқирон ( <i>Носир Муҳаммад</i> ) .....	231
«Ҳазил қилсам майлими?» ( <i>Ашурали Жўраев</i> ) .....	237
Дилхирож туйғулар ( <i>Абдунаби Бойқўзиёв</i> ) .....	243
Қора қаср фожиаси ( <i>Ҳабиб Темиров</i> ) .....	252
Меҳрдан туғилган битиклар ( <i>Йўлдош Солижонов</i> ) .....	259
Илоҳий муҳаббат талқинлари ( <i>Нигина Ниёз</i> ) .....	266

## Кўнгил чорраҳаларида

Тилини ҳаққа чўқиган манқурт .....	278
Хотира ёзиш масъулияти .....	284
Адабиёт бозорга мослашадими? .....	293
Инсон вақт исканжасида .....	306
Сўз туйғуси .....	318
Даҳолар ёвуз бўлмайди .....	322
Саккизинчи мўъжиза .....	330

ШОДМОН ОТАБЕК

## АДАБИЁТ ҚИСМАТДИР

*Мақолалар  
Эсселар  
Хотиралар  
Суҳбатлар*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2014

Муҳаррир *Вафо Файзуллоҳ*  
Рассом *Толиб Қаноат*  
Бадий муҳаррир *Феруза Башарова*  
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
Саҳифаловчи *Асал Нисанбаева*  
Мусаҳҳихлар: *Маъмура Зиямуҳамедова,*  
*Шарофат Хуррамова*

**Нашр лицензияси АИ № 201 28.08.2011.**

АДАБИЁТ ҚИСМАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи Силлаҳсизлик  
Қўшниқўрали

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи Силлаҳсизлик  
Қўшниқўрали

Ўзбекистон Республикаси

Теришга берилди 06.05.2013. Босишга рухсат этилди 01.12.2013. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Virtec Baltika Uz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 17,22. Нашриёт-ҳисоб табағи 16,71. Адади 2000 нусха. Буюртма № 3375. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41.**





### ШОДМОН ОТАБЕК

Андижон вилояти Ширмонбулок кишлоғида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида тахсил олган. Республика радиосида, Ўзбекистон Миллий кинокомпаниясида, Тошкент маданият институтида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хабар” газеталарида хизмат қилган. “Шухрат” медали совриндори.

Ёзувчининг турли йилларда “Мирзакалон Исмоилий”, “Япроқдаги нур”, “Одамийлик синовлари”, “Энг бахтли кун”, “Қорбўрон”, “Шахмат абадийдир”, “Ширмонбулок окшомлари”, “Тўқилмаган латифалар”, “Дўрмон хангомалари”, “Санъаткорлар ҳақида хангомалар” каби қатор китоблари, “Яхши кунларда кўришайлик”, “Биркам дунё” кассалари нашр этилган.

Ш. Отабек ижодидан намуналар рус, украин, турк, қорақалноқ, туркман, козоқ тилларига таржима қилинган. Л. Толстой, М. Зошченко, В. Шукшин, Б. Сарнов, А. Несин каби ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирган.



ISBN 978-9943-26-111-2



9 789943 261112